

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

Дилнавоз ЮСУПОВА

# ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИ ТАРИХИ

(Алишер Навоий даври)

Тошкент  
«Akademnashr»  
2013

УДК: 821.512.133(09)  
КБК: 83.3(5У)  
Ю-91

Ю-91

Юсупова, Дилнавоз.

Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи (Алишер Навоий даври) /  
Д.Юсупова. – Тошкент: Akademnashr, 2013. – 272 б.

ISBN 978-9943-4116-8-5

УДК: 821.512.133(09)  
КБК: 83.3(5У)я73

*Мазкур қўлланма республика олий ўқув юртлари ўзбек филологияси ва журналистика факультетлари бакалавриат ихтисослигининг 1-босқич талабалари учун мўлжалланган бўлиб, унда Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ энг муҳим маълумотлар қамраб олинган, буюк мутафаккир ижодига доир янгича талқинлар берилган. Қўлланма навоийшуносликда қўлга киритилган энг сўнги ютуқларни ўзида акс эттирганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.*

**Масъул муҳаррир:**

Афтондил Эркинов,

филология фанлари доктори

**Тақризчилар:**

Насимхон Раҳмонов,

филология фанлари доктори, профессор,

Каромат Муллахужаева.

филология фанлари номзоди, доцент

Қўлланма Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Илмий кенгашининг 2012 йил 28 декабрь 5-сонли мажлисида нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-4116-8-5

© Дилнавоз Юсупова  
«Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи  
(Алишер Навоий даври)»  
© «Akademnashr», 2013

## МУНДАРИЖА

Улуғ шоирни англаш йўлида (Афтондил Эркинов).....	4
Алишер Навоий ижодининг ўрганилиши.....	6
Алишер Навоий ҳасби ҳоли масалалари.	
Ҳаётига доир муҳим маълумотлар.....	18
Алишер Навоий лирикаси. Девонлари.....	31
«Хазойин ул-маоний» куллиётидаги лирик жанрлар тавсифи .....	41
«Девони Фоний»нинг жанрлар кўлами, ғоявий-бадиий хусусиятлари .....	66
Хамсанавислик аънанаси ва Алишер Навоий «Хамса»си .....	82
«Ҳайрат ул-аброр» дostonининг ғоявий-бадиий хусусиятлари .....	90
«Фарҳод ва Ширин» дostonининг тимсоллар олами .....	102
«Лайли ва Мажнун» дostonининг ғоявий-бадиий хусусиятлари.....	114
«Сабъаи сайёр» дostonининг тузилиши, ҳикоятлар таҳлили .....	127
«Садди Искандарий» дostonининг ғоявий-бадиий хусусиятлари.....	145
«Лисон ут-тайр» дostonининг ғоявий-бадиий хусусиятлари .....	157
Алишер Навоийнинг адабиётшунослик ва тилшуносликка доир асарлари .....	178
Алишер Навоийнинг диний ва тасаввуфий асарлари.....	193
Алишер Навоийнинг тарихий, ёднома ва турли мавзудаги асарлари .....	209
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....	229

## УЛУҒ ШОИРНИ АНГЛАШ ЙЎЛИДА

Алишер Навоийнинг туркий халқлар маънавий хазинасига қўшган ҳиссаси беқиёс. У зотнинг яратган шоҳ асарлари инсоният руҳий-маънавий дунёси намояндалари: Жалолиддин Румий, Ҳофиз Шерозий, Данте, Вильям Шекспир, Лев Толстойлар ижод намуналари билан бир сафда туради. Агар қиёсласак, баъзи ўринларда Алишер Навоий асарларидаги юксак гуманистик ғоялар ифодаси «классик» дея эътироф этилган кўплаб Ғарб адиблариникидан кўра устунроқ эканлигига гувоҳ бўламиз. Шу маънода мустақил мамлакатимиз ёшларини баркамол инсон қилиб тарбиялашда ҳазрат Навоий асарлари муҳим аҳамият касб этади. Умуман, Алишер Навоий барчамизни руҳий поклашга, маънан юксалтиришга қодир безавол маънавий қудратдир.

Истиклолгача бўлган даврда Алишер Навоий ижодига тор маънода ёки сиёсийлаштириш мақсадида ёндашилганлиги бугун сир эмас. Шоир асарларининг нотўғри талқинлари, уни динга салбий муносабатдаги шахс сифатида тасвирлашга уриниш, тадқиқотларда Навоийнинг ижодий фаолиятдан кўра ижтимоий ва сиёсий ишларига кўпроқ урғу берилгани халқимизнинг буюк маънавий меросдан узоқ вақт бебаҳра қолишига сабаб бўлди. Мустақиллик шарофати билан аллома ижодкорнинг асарлари кенг миқёсда ўрганила бошланди, ҳазрат Навоий ҳақида биз билмаган кўплаб ҳақиқатлар рўёбга чиқди, шоир асарларидаги дунёвий ва илоҳий ғоялар ҳамда бадиий маҳоратга оид масалаларни ҳар томонлама тадқиқ қилишга киришилди. Юқорида таъкидланганидек, мутафаккир шоирнинг ижодини ўрганиш ва ҳис қилишга барчамиз эҳтиёжмандмиз, демак, бу хайрли ишларни келажақда яна катта ҳафсала билан давом эттиришимиз керак.

Гарчи бугунги кунгача буюк шоир ижодига бағишлаб монография, илмий тадқиқотлар кўплаб эълон қилинган бўлса-да, турли қўлланма ва дарсликларда Навоий ижодига анчайин кенг ўрин берилса-да, Алишер Навоий ижоди яхлит қўлланма шаклида тақдим этилмаган эди. Шу маънода Д.Юсупованинг мазкур ишига навоийшуносликдаги илк тажриба сифатида ёндашилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Мазкур қўлланма Алишер Навоий ҳаёти, навоийшуносликнинг шаклланиши, ривожланиши ва шоирнинг ижодий мероси таҳлил

этилган мавзулар ҳамда шу мавзуларни жадвал, чизмаларда акс эттирган икки йирик қисмни ўз ичига олади. Замонавий педагогик тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, талабага мавзуларни кўргазмали тарзда мультимедиа ва компьютер технологияларидан фойдаланиб тушунтириш кучли ижобий самарага эга. Қўлланманинг иккинчи қисмидаги жадвал ва чизмалардан айнан кўргазма, слайдлар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Қўлланмада мустақилликдан кейинги Алишер Навоий асарлари талқинларида диний ва сўфиёна ёндашув, айна пайтда, турли ёндашувларнинг комплекс тарзда, бир-бирини инкор қилмаган ҳолда олиниши алоҳида эътиборга молик жиҳатлардандир. Алишер Навоийнинг лирик мероси, хусусан, шоирнинг форсий шеърини билан боғлиқ таҳлиллар, «Хамса» таҳлилида бешликдаги ҳар бир дoston кириш ва хотима қисмларининг алоҳида кўриб чиқилганлиги, «Лисон ут-тайр» дostonининг ғоявий-бадий хусусиятлари борасидаги қарашлар, Алишер Навоийнинг ёдномалари, адабиётшунослик, тарих ва тилшуносликка, ислом фикҳи ва тасаввуфга оид асарлари таҳлили қўлланманинг илмий қимматини оширган.

Умуман олганда, ўзбек мумтоз адабиётининг Алишер Навоий даврига бағишланган мазкур қўлланма фактларга бойлиги, ўқувчига янги маълумотларни бера олиши, содда ва тушунарли услуби билан нафақат талабалар, балки соҳа мутахассислари, кенг аудитория вакиллариининг қизиқишини уйғотишига умид билдирамиз.

*Афтондил ЭРКИНОВ,  
филология фанлари доктори*

## АЛИШЕР НАВОЙИ ИЖОДИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

### РЕЖА:

1. *Навоий ҳақида шоирнинг ўз асарларидаги маълумотлар.*
2. *Замондошларининг асарларида келтирилган маълумотлар.*
3. *XVI – XIX асрлардаги тазкира, луғат, тарихий ва бадиий асарлар.*
4. *Навоий ижодининг илмий мезонлар асосида ўрганилиши.*
5. *Навоий ижодининг Фарбда ўрганилиши.*

Туркий халқларнинг «шамс ул-миллат»и бўлган Низомиддин мир Алишер Навоий жаҳон адабиёти хазинасини ўзининг ҳассос шеърляти, буюк «Хамса»си, фан соҳаларининг турли тармоқларига бағишланган бой илмий мероси билан бойитган сўз санъаткоридир. Ўз ижодий меросида 26 мингдан ортиқ луғат бойлигидан фойдаланган бу буюк даҳо мана беш асрдан ошибдики асарларидаги чуқур фалсафий мушоҳадакорлик, маъно-моҳиятнинг кенг кўламлиги ва назмий меросидаги фасоҳат денгизининг бепоёнлиги билан жаҳон аҳлини ҳайратга солиб келади.

Дунёда Алишер Навоий каби асарлари кенг тарқалган, жаҳоннинг деярли ҳар бир чеккасида китобларининг нусхалари сақланаётган бошқа бир ижодкорни топиш қийин. Ҳазрат Навоий ҳаётининг сўнгги йилларидаёқ унинг асарлари тилига луғат ишлангани биз ҳозир навоийшунослик деб атаётган соҳанинг анча қадимий эканини кўрсатади.

Шу маънода айтиш мумкинки, Алишер Навоий фаолияти ва меросининг ўрганилиш тарихи шоирнинг ўз давридан, замондошлари асарларидан бошланади. Навоийшуносликнинг тадрижий тараққиётини шартли равишда қуйидаги босқичларга ажратиш мумкин:

### 1. *Навоийнинг ўз асарларидаги маълумотлар.*

Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида илк маълумот берувчи манба. шубҳасиз, улуг шоирнинг ўз асарларидир. Шоир

гарчи таржимаи ҳолини махсус ёзиб қолдирмаган бўлса-да, лекин Навоийнинг деярли барча асарларида унинг шахсияти, ижодий ва ижтимоий фаолияти ҳақида муайян маълумотлар келтирилади. Хусусан, «Вақфия», «Муншаот» асарларида улуг шоирнинг ижтимоий фаолияти акс этса, «Мажолис ун-нафоис», «Хамса», «Муножот», «Хазойин ул-маоний» каби асарларида шахсий ҳаёти, «Муҳокамат ул-луғатайн», «Хамсат ул-мутаҳаййирин», «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер» каби асарларида шоир қаламига мансуб баъзи асарларнинг ёзилиш тарихи билан боғлиқ маълумотларни учратиш мумкин. Навоийшунос олим Ш.Сироҷиддинов бу маълумотларни қуйидаги гуруҳларга ажратишни тавсия қилади:

1. Ёшлик даври.
2. Мураббийлари.
3. Тутинган фарзандлари.
4. Суҳбатдошлари.
5. Навоий ва Жомий ҳамкорлиги.
6. Навоий ва сарой.

## *2. Замондошларининг асарларида келтирилган маълумотлар.*

Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаъи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» («Икки бахтли сайёраларнинг келиб чиқиши ва дарёларнинг қўшилиши») асари шоир ҳақида маълумот берувчи илк манбадир. Бу асар 1467 – 1470 йиллар оралигида яратилган ва бевосита ҳазрат Навоийнинг назорати остида яқунланган. Ундаги маълумотлар кейинчалик бошқа тарихий асарларда айнан такрорланади. Ўша даврнинг яна бир тарихчиси Муҳаммад ибн Ховандшоҳ Мирхонднинг «Равзат ус-сафо» («Софлик боғи») асарида ҳам Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига доир қимматли маълумотлар келтирилган. Китоб 7 жилддан иборат бўлиб, Навоийнинг бевосита топшириғи ва ҳомийлигида яратилган. «Равзат ус-сафо» Ўрта Шарқ ва Осиё тарихига бағишланган бўлиб, Навоий ҳақидаги маълумотлар, асосан, 7-қисмда – султон Ҳусайн Бойқаро салтанати даври тавсифида учрайди.

Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират уш-шуаро» («Шоирлар тазкираси») асари Алишер Навоий номи зикр этилган илк тазкирадир. Унда беш аср давомида яшаб фаолият юритган 150 га яқин ижодкор ҳақида маълумот келтирилади. Асар 1486 йилда яратилган бўлиб, муқаддима, 7 қисм ва хотимадан иборат. Ҳазрат

Навоий ҳаёти ва фаолиятига доир маълумот асарнинг хотима – муаллифга замондош шоирлар ҳақидаги қисмида келтирилган.

Муъиниддин Муҳаммад ал-Замжий ал-Исфизорийнинг «Равзат ул-жиннат» («Жаннат боғи», 1492) асарида ҳазрат Навоийнинг Бодгис вилоятининг Чихил духтарон қасабасида рабоб кўрдиргани, Фаридиддин Аттор мазори устида равоқли иморат солгани ҳақидаги маълумот келтирилади.

Абдураҳмон Жомийнинг «Баҳористон», «Ҳафт авранг» («Етти тахт»), «Нафаҳот ул-унс» («Дўстлик таровати») асарларида ҳам Алишер Навоий ҳаёти ва ижодий фаолияти билан боғлиқ кўплаб маълумотлар келтирилади. Хусусан, Саъдий Шерозийнинг «Гулистон»и таъсирида яратилган «Баҳористон» асари 8 раваза (боб)дан иборат бўлиб, 7-равзада 39 шоирдан бири сифатида Алишер Навоийга тўхталиб ўтилади ва унинг комил ахлоқи ижодидан ҳам юксакроқ эканлиги таъкидланади.

Ҳусайн Бойқаронинг «Рисола»сида ҳам ҳазрат Навоийнинг туркий тилдаги ижоди, хусусан, шеърляти ҳамда «Хамса» асарига юксак баҳо берилиб, буюк шоир «сўз мулкининг кишваристони, соҳибқирони» деб улуғланади.

Гиёсиддин Ҳумомиддин Хондамирнинг «Хулосат ул-ахбор» («Хабарлар хулосаси», 1498 – 1499) ва «Ҳабиб ус-сияр» («Дўстлар сийрати», 1515 – 1523) асарларида Ҳусайн Бойқаронинг Хуросон тахтига ўтириши ва Алишер Навоийнинг Ҳиротга қайтишидан бошлаб улуғ шоирнинг вафот этишигача бўлган давр оралиғидаги воқеалар баён қилинади. Тарихчининг «Макорим ул-ахлоқ» асари эса Навоийнинг юксак ахлоқига бағишланган махсус рисола бўлиб, шоир таржимаи ҳолига доир муҳим фактик маълумотларнинг келтирилганлиги билан аҳамиятлидир.

Зайниддин Восифий қаламига мансуб «Бадоеъ ул-вақоеъ» («Гўзал воқеалар») хотиралар тўпламининг тўрт боби (XIV – XVII) Алишер Навоий шахсиятига бағишланган. Унда ҳазратнинг феъл-сажияси, замондошлари билан ижодий мулоқотлари, Навоий билан боғлиқ турли қизиқарли воқеалар ҳақида сўз боради.

Шунингдек, Абдуллоҳ Ҳотифийнинг «Лайли ва Мажнун», Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Жавоҳир ут-тафсир» («Тафсир жавоҳиротлари», 1493 – 1494), Атоуллоҳ Асилийнинг «Равзат ул-аҳбоб» («Дўстлик боғи»), Атоуллоҳ Маҳмуд Ҳусайнийнинг «Бадоеъ ус-саноеъ» («Бадий санъатлар»). Шамсиддин Муҳаммад Бадахшийнинг



«Рисолаи муаммо», Хусайн бин Муҳаммад Хусайнийнинг «Рисолаи муаммо» (1499), Аҳлий Шерозийнинг «Куллиёти Аҳлий Шерозий»даги мувашшаҳ-қасидаи маснӯъси ва бошқа кўплаб асарларда ҳам Алишер Навоийнинг ҳаёти, ижоди ва ижтимоий фаолияти ҳақида муҳим маълумотлар келтирилган.

3. XVI – XIX асрлардаги тазкира, луғат, тарихий ва бадиий асарлар.

Алишер Навоий ҳақидаги маълумотлар XV асрдан кейинги тазкира. тарихий ва бадиий асарларда ҳам келтириб ўтилади. Хусусан, Ҳасанхожа Нисорийнинг «Музакири аҳбоб» тазкираси Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» тазкираси асосида яратилган бўлиб, тазкиранинг биринчи боб тўртинчи фаслида «Амир Ҳайдар Алишернинг муқаддас ёди» сарлавҳаси остида буюк шоирнинг «Ҳамса»си ва туркий ғазалларининг умумий ҳажми, форсий тилдаги шеърларидан парча келтирилади.<sup>1</sup>

Фахрий Ҳиротийнинг «Латоифнома» асари Алишер Навоийнинг форсигўй халқлар орасида машҳур бўлишида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, мазкур асар, аслида, «Мажолис ун-нафоис»нинг форс тилига қилинган таржимасидир. Асарнинг муаллиф томонидан қўшимча тарзда киритилган 9-мажлиси бевосита ҳазрат Навоийнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган. «Латоифнома»да буюк шоирнинг ота-боболари, султон Хусайн Бойқаро билан болалиқдан давом этиб келган дўстлик ришталари, Навоийнинг Самарқанддаги ҳаёти, давлат арбоби сифатидаги фаолияти, мол-давлати ҳажми, вафоти тафсилотлари билан боғлиқ муҳим маълумотлар келтирилган. Фахрий буюк шоир асарларидан 14 таси номини ҳам санаб ўтади.

Заҳрирдин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асари Алишер Навоий шахсияти ва ижодига берилган баҳонинг ўзгачалиги билан алоҳида ажралиб туради. Асарда Навоийнинг султон Хусайн

<sup>1</sup> Ҳасанхожа Нисорий ҳазрат Навоийни тушида кўриш шарафига муяссар бўлганлигини ва Навоийнинг «Бизнинг ашъоримиздан бирор нарса ёд билур-мисан?» – деган саволига жавобан қуйидаги мақтаъни ўқиганини айтади:

*Эй Навоий, сен киму меҳробу масжид истамак*

*Қайдаким, хўблар аёгин қўйса, сен бошингни қўй!*

«Ҳазойин ул-маоний» куллиётига киритилган шеърлар орасида мазкур мақтаъ билан яқунланган ғазал учрамайди.

Бойқаро билан ҳаммақтаб бўлгани. султон Абу Саид мирзо томонидан сургун қилингани, Самарқандда Аҳмад Ҳожибек ҳомийлиги остида яшагани, таъби нозиклиги, олти маснавий («Хамса» ва «Лисон ут-тайр»), тўрт девон («Хазойин ул-маоний») тартиб бергани, «Муншаот»ни тузгани ҳақида маълумотлар келтирилиши асосида шоирнинг «Мезон ул-авзон» ва «Девони Фоний» асарлари хусусида баъзи танқидий фикрлар ҳам билдирилади.<sup>2</sup>

Мирзо Ҳайдар Дўғлотнинг «Тарихи Рашидий» асари икки жилддан иборат бўлиб, асосан, 1541 – 1545 йиллар оралигида ёзиб тугалланган. Асарда ҳазрат Навоийнинг султон Ҳусайн билан болалиқдан дўст экани, кейинчалик унинг саройида хизмат қилгани, фазлу хунар аҳлига ҳомий бўлгани, кўплаб иморату бинолар, масжидлар қургани, таъби нозиклиги билан боғлиқ фикрлар бошқа тарихий манбалардаги маълумотларга мос келгани ҳолда, шоирнинг отаси уйғур бахши (котиб)ларидан эканлиги ва оддий одам бўлгани ҳақидаги қарашлар тарихий асосга эга эмас деб айтиш мумкин.<sup>3</sup>

Лутф Алибек Озарнинг «Оташкадаи Озарий», Сом Мирзо Сафавийнинг «Тухфаи Сомий», Ризоқулихон Ҳидоятнинг «Мажмуъа ул-фусаҳо» («Гўзал сўз эгаларининг тўплами») каби асарларида ҳам ҳазрат Навоий ҳаёти ва ижодий фаолияти билан боғлиқ фикрлар муайян даражада баён қилиб берилган.

Бу даврда Алишер Навоий асарларини чуқурроқ ўрганиш учун махсус луғатлар ҳам тузила бошланди. Навоий ҳаётининг сўнг-

<sup>2</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Мезон ул-авзон»нинг рубоий вазнига бағишланган қисмида 4 ўринда хато бор деб ҳисоблайди. Арузшунос олимлар А.Ҳожиаҳмедов. С.Ҳасановлар мазкур хатолар Алишер Навоий эмас, балки асарни оққа кўчирган хатотнинг хатоси эканлигини таъкидлайдилар. Дарҳақиқат, вазнларга мисол тариқасида келтирилган рубоий мисраларидаги сўзларнинг ўрни алмашгани, рукнлар номининг чалкаш келтирилганини ҳисобга олсак, олимларимизнинг қарашлари тўғри экани маълум бўлади.

<sup>3</sup> Ш.Сирождидиновнинг «Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий типологик, текстологик таҳлили» китобида ёзилишича. Мирзо Ҳайдар Навоий вафотидан сал илгарироқ – 1499/1500 йилда Тошкентда туғилган. Умрининг асосий қисми Кошғар ва Ҳиндистонда ўтгани учун, унда Навоий ҳақидаги маълумотларни улуғ шоирни шахсан таниган кишилардан олиш ва ўз маълумотларини текшириб кўриш имконияти йўқ эди. Шу сабабли асар муаллифи ўзи фикр юритаётган мавзу буйича баъзан ёзма манбаларга эмас, балки оғзаки, тасдиғини топмаган маълумотларга таянган булиши мумкин.

ги йилларида унинг асарлари асосида «Бадоеъ ул-луғат» (тузувчи Топеъ ал-Ийманий ал-Ҳаравий), бир оз кейинроқ «Луғати Навоий» яратилади. 1560 йилда Алоий бинни Муҳибий «Ал-луғат ун-Навоийат вал-истишҳодат ул-чиғатоият» («Навоий луғати ва чиғатой тили далиллари») луғатини тузади. Шунингдек, бу даврда Навоий асарларидаги кўпгина сўзларни усмонли турк тилида тушунтириш мақсадида «Абушқа» луғати ҳам яратилади. XVIII асрда Мирзо Маҳдийхон тузган «Мабон ул-луғат» («Луғат пой-девори»), XIX асрда Фатҳ Али Кожарийнинг «Луғоти атрокия» («Турклар луғати»), Муҳаммад Хоксор томонидан 1798 йилда тузилган «Мунтахаб ул-луғат» («Танланган луғатлар») ҳамда Шайх Сулаймон Бухорийнинг «Луғати чиғатойи ва турки усмоний» каби асарларида ҳам Алишер Навоий ижодидан олинган парчаларга кенг урин ажратилади.

#### *4. Навоий ижодининг илмий мезонлар асосида ўрганилиши.*

Ўтган асрнинг 20 – 30-йилларидан бошлаб юртимизда Алишер Навоий ижодини чинакам илмий мезонлар асосида ўрганишга киришилди. Бу соҳадаги дастлабки қадам сифатида Абдурауф Фитратнинг «Навоийнинг форсий шоирлиғи ҳам унинг форсий девони тўғрисида» («Маориф ва ўқитғучи» журн., 1925) ва «Фарҳоду Ширин» достони тўғрисида» («Аланга» журн., 1930) мақолаларини кўрсатиш мумкин.

Бутун собиқ Шўролар Иттифоқи миқёсида Навоий таваллудининг 500 йиллигини кенг нишонлаш ҳақида қарор қабул қилиниши муносабати билан «Хамса»нинг қисқартирилган варианты (Садриддин Айний, 1939), «Чор девон», «Муҳокамат ул-луғатайн», «Маҳбуб ул-қулуб» асарлари нашр этилди, турли тадқиқот ва монографиялар яратилди, шоир асарлари рус, украин, тожик, озарбайжон ва бошқа кўплаб тилларга таржима қилинди. Олим Шарафиддинов («Алишер Навоий», 1939), М.Шайхзода («Гениал шоир», 1940), В.Абдуллаев («Навоийнинг Самарқанддаги ҳаёти ва фаолияти ҳақида», 1940) каби олимларнинг тадқиқотлари яратилди; А.Боровков, Е.Э.Бертельс, Ҳ.Олимжон, Х.Зариф, О.Усмонов, М.Шайхзода ҳамда бошқа ижодкор ва олимларнинг илмий мақолаларини ўз ичига олган «Родоначалъник узбекской литературы» («Ўзбек адабиётининг асосчиси», 1940) тўплами эълон қилинди.

Собиқ Иттифоқ ҳудудида 1941 йилда II жаҳон уруши бошлангани сабабли, Алишер Навоий юбилеи 1948 йил май ойида нишонланди ва шу муносабат билан Е.Э.Бертельс («Навои. Опыт творческой биографии»), О.Шарафиддинов («Алишер Навоий. Ҳаёти ва ижодиёти»), С.Айний («Алишер Навоий»)ларнинг илмий рисолалари эълон қилинди.

XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб навоийшунослик янада сермаҳсул ишларни амалга оширди. «Хамса»нинг мукаммал наشري (Порсо Шамсиев, 1960), «Хазойин ул-маоний»нинг академик наشري (Ҳамид Сулаймонов, 1959 – 1960) ва Алишер Навоий «Асарлар»и 15 томлигининг эълон қилиниши навоийшуносликдаги муҳим воқеалардан бўлди. Ўтган асрнинг 90-йилларигача Навоий ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган тадқиқотлар рўхатининг ўзи алоҳида бир китобни ташкил қилади (Алишер Навоий: 1441 – 1501 йил. Адабиётлар кўрсаткичи, 1991). 1987 – 2003 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ҳамда Ҳ.С.Сулаймонов номидаги Қўлэзмалар институти томонидан Алишер Навоийнинг 20 жилдлик «Мукаммал асарлар тўплами» эълон қилинди.<sup>4</sup> П.Шамсиев, Н.Маллаев, В.Зоҳидов, И.Султон, Ҳ.Сулаймонов, А.Қаюмов, С.Ғаниева, А.Рустамов, А.Ҳайитметов, А.Абдуғафуров, С.Эркинов, Б.Валихўжаев, Ё.Исҳоқов, Н.Комилов, Р.Воҳидов, М.Ҳакимов, Л.Зоҳидов каби олимлар навоийшунослик тараққиётига алоҳида ҳисса қўшдилар.

Мустақиллик йилларидан Алишер Навоий ижодини янгича таъминлар асосида ўрганиш бошланди. И.Ҳаққуловнинг «Тасаввуф ва шеърят» (1991), «Навоийга қайтиш» (2007), С.Ҳасановнинг «Навоийнинг етти тўхфаси» (1991), М.Муҳиддиновнинг «Икки олам ёғдуси» (1991), Ҳ.Қудратуллаевнинг «Алишер Навоийнинг адабий-эстетик қарашлари» (1991), А.Ҳайитметовнинг «Навоийхонлик суҳбатлари» (1993), «Темурийлар даври ўзбек адабиёти» (1996), А.Абдуғафуровнинг «Буюк бешлик сабоқлари» (1995), Р.Воҳидовнинг «Алишер Навоийнинг ижод мактаби» (1994), «Алишер Навоий ва илоҳиёт» (1994), Н.Комиловнинг «Тасаввуф» (1996 – 1999, 2009), С.Олимовнинг «Ишқ, ошиқ ва маъшуқ» (1992), «Нақшбанд ва Навоий» (1996), Н.Жумаевнинг «Сатрлар силсила-

<sup>4</sup> Мукаммал асарлар тўпламининг таркиби 1-иловада келтирилган.

сидаги сеҳр» (1996), А.Ҳожиаҳмедовнинг «Навоий арузи нафосати» (2006), А.Қаюмовнинг ўн икки жилдлик «Асарлар» (2010), «Дилкушо такрорлар ва руҳафзо ашъорлар» (2011), Алибек Рустамовнинг «Ҳазрати Навоийнинг эътиқоди» (2010), Ш.Сирожибдиновнинг «Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий типологик, текстологик таҳлили» (2011), Н.Комиловнинг «Маънолар оламига сафар» (Алишер Навоий ғазалларига шарҳлар, 2012) каби тадқиқотлари; М.Ҳамидовнинг «Алишер Навоий «Садди Искандарий» достонининг илмий-танқидий матни ва матний тадқиқи» (1994), М.Муҳиддиновнинг «Алишер Навоий ва унинг салафлари ижодида инсон концепцияси» («Хамса»ларнинг биринчи достони асосида, 1995), Қ.Эргашевнинг «Ўзбек насрида иншо» (Навоийнинг «Муншаот»и мисолида, 1996), М.Акбарованинг «Алишер Навоий ғазалларида қофия» (1997), Ш.Сирожибдиновнинг «Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига оид XV – XIX асрларда яратилган форс-тожик манбалари» (қиёсий-типологик, текстологик таҳлил, 1998), А.Эркиновнинг «Алишер Навоий «Хамса»си талқинининг XV – XX аср манбалари» (1998), К.Муллахўжаеванинг «Алишер Навоий ғазалиётида тасаввуфий тимсол ва бадиий санъатлар уйғунлиги: («Бадоеъ ул-бидоя» девони мисолида, 2005), С.Ўтанованинг «Алишер Навоий ғазалиётида ранг символикаси» (2007), З.Мамадалиеванинг «Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тайр» достонидаги рамзий образлар тизими» (2011) каби диссертацион ишлари шулар жумласидандир.

Алишер Навоий «Хамса»си таркибига кирувчи беш достон 2006 йилда асл матни ва мукамал насрий баёни билан Ғафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан лотин ёзувида нашр этилди.

Алишер Навоий таваллудининг 570 йиллиги муносабати билан шоир асарларининг 10 жилдлиги эълон қилинди.<sup>5</sup> Шунингдек, «Хазойин ул-маоний» куллиёти таркибига кирувчи 4 девон ҳам нашрдан чиқди.

##### *5. Навоий ижодининг Ғарбда ўрганилиши.*

Навоий асарлари XVI асрлардаёқ Европада маълум эди. 1557 йилда итальян тилида Венецияда нашр этилган табризлик арман

<sup>5</sup> 10 жилдлик таркиби 2-иловада келтирилган.

ёзувчиси Христофор Табризийнинг «Сарандиб шоҳининг уч ёш ўғло-ни зиёрати» асарининг иккинчи қисмида Навоийнинг «Сабъаи сайёр» дostonидан олинган Баҳром ва Дилором саргузашти баён қилинади. Шунингдек, XVII аср грузин шоири Цицишвили Навоийнинг «Сабъаи сайёр» дostonини ижодий таржима қилиб, «Етти гузал» дostonини яратади.

1697 йилда француз олими Артолеме д'Эрбело «Шарқ кутубхонаси» номли энциклопедияда Навоий таржимаи ҳоли ва асарлари номини келтирса, шарқшунос Сильвестре де Саси (1758 – 1838) ўз тадқиқотларида Алишер Навоийнинг шоир ва давлат арбоби сифатидаги фаолиятига тўхталиб ўтади.

XIX асрга келиб Европада Алишер Навоий асарлари ва улар асосида тузилган луғатларни нашр этиш ишлари бошланади. Француз шарқшуноси Катрмер 1841 йилда Парижда Навоийнинг «Муҳокамат ул-луғатайн» ва «Тарихи мулуки ажам» асарларини нашр эттиради. Рус олими И.Н.Берёзин ўзининг «Турк хрестоматияси» номли китобига шоир асарларидан парчалар киритади.

Рус шарқшуноси В.В.Вельяминов 1868 йилда Алоий бинни Муҳибийнинг «Ал-луғат ун-Навоият вал-истишҳодат ул-чиғатоият» («Навоий луғати ва чиғатой тили далиллари») луғатини Санкт-Петербургда нашр эттиради. Француз шарқшуноси Паве де Куртейл эса Навоий асарларидан фойдаланиб луғат тузади.

Фарбда Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятини илмий аспектда ўрганиш XIX асрдан бошланган деб айтиш мумкин. 1818 йилда немис олими Х.Пургшталл «Навоийга оид битиклар» асарини яратиб, унда Алишер Навоийнинг насл-насаби, шоирлик, давлат арбоби ва бунёдкорлик ишларига тўхталиб ўтади. Рус шарқшуноси П.Савельев 1835 йилда шоир ижодига бағишлаб махсус «Алишер Навоий» номли мақола ёзади.

1856 йилда М.Никитскийнинг «Эмиръ Низам-Эд-Динъ-Али Ширъ. Государственном и литературном его значении» («Амир Низомиддин Алишер: давлат арбоби ва шоир сифатида») номли шоир ижодига бағишланган илк магистрлик диссертацияси вужудга келади. М.Никитский Навоийнинг ҳаёти ва фаолиятини анча тўлиқ ўргангани, унинг шоир, олим ва давлат арбоби сифатидаги фаолиятига юқори баҳо бергани ҳолда Шарқ мумтоз адабиётидаги ижодий анъаналарни англаб етмагани учун Алишер Навоийни «форс-тожик адабиётининг таржимони» деб эълон қилади.

Айнан шу тарздаги ғайриилмий қарашлар француз шарқшунослари М.Белен («Алишер Навоий», 1868), Э.Блоше («Миллий кутубхонада сақланаётган туркий қулёзмалар каталоги»), Л.Бува («Темурийлар даври цивилизациясидан лавҳалар», 1926; «Мўғул империяси», 1927), инглиз шарқшуноси Э.Браун («Татар хонликлари давридаги форс адабиёти тарихи», 1920), рус шарқшуноси В.Бартольдларнинг тадқиқот ва илмий мақолаларида давом эттирилди. Хусусан, В.Бартольд ўзининг «Мир-Али-Шир и политическая жизнь» («Мир Али Шер ва сиёсий ҳаёт») мақоласида Навоийнинг давлат арбоби сифатидаги фаолиятига ижобий баҳо беради, лекин унинг адабий мероси моҳиятини англаб етмайди. Олим мазкур мақолада: «Алишер Навоий ўзининг девонларида ва бошқа кўплаб бадиий асарларида фақатгина форсий шоирларнинг тақлидчиси сифатида намён бўлади». – деб ёзар экан, масалага адабиётшунос эмас, балки тарихчининг нигоҳи билан ёндашади ва ҳар бир деталда аниқлик, мантиқ, реаллик ва конкрет воқеликни кўрмоқчи бўлади.<sup>6</sup>

Аслида, мусулмон Шарқида ижодкорнинг салоҳияти, Ғарб адабиётидагидан фарқли равишда, янги сюжет яратишига қараб эмас, балки анъанавий воқелик, мавзу, қаҳрамонлар доирасида янги фикр айта олиш иқтидорига қараб белгиланган. Айнан мана шу анъанавийликни англай олмаслик юқоридаги олимларнинг Алишер Навоий ижодига ноҳолис баҳо беришларига олиб келган.

Ниҳоят, шарқшунос олим Е.Э.Бертельс Алишер Навоий ва Фаридиддин Аттор дostonларини қиёсий ўрганиш орқали («Навои и Аттар») ҳазрат Навоийнинг оригинал шоир эканлигини исботлайди. Шу тариқа Алишер Навоий ижодини хорижда кенг илмий аспектда ҳолис ўрганиш ишлари бошлаб юборилади.

Немис олими А.Курелланинг «Буюк шоирнинг қайта кашф қилиниши» номли тадқиқоти Ғарб навоийшунослигида янги босқични бошлаб берди. Ушбу тадқиқотдан сўнг Ғарбда Навоий шахсияти энди икки йўналишда – ҳам буюк ижодкор, ҳам давлат арбоби сифатида тадқиқ қилина бошланди. Инглиззабон олимлардан М.Сабтелни,

<sup>6</sup> Бу ҳақда тўлиқроқ маълумот олиш учун қаранг: Эркинов А.С. Подражательность или оригинальность: оценка В.В.Бартольдом узбекской классической литературы // Русская диаспора в Узбекистане: время, события, люди. Материалы научной конференции. – Ташкент, 2009. – С.72 – 78.

В.Фельдмен, Д.Генчтурк, Д.Девин, К.Адахл, Г.Дикнинг илмий изла-нишлари ва таржима борасидаги фаолиятлари, Берлин шаҳрида Алишер Навоий ижодига бағишланган симпозиумнинг ташкил қили-ниши ва унда навоийшунос олимлар ҳамда шоир асарлари таржи-монлари: Б.Ҳайнкеле, К.Шунинг, Ю.Пауль, М.Кирхнер, З.Клайнмихел, Э.Таубе ва бошқаларнинг турли мавзулардаги маърузалари Ғарб навоийшунослигининг тобора ривожланиб бораётганидан далолат-дир.<sup>7</sup> Буларнинг барчаси бугунги глобаллашув жараёнида Алишер Навоий ижоди ва шахсига бутун дунёда қизиқиш ҳамда эҳтиёжнинг ортиб бораётганини кўрсатади.

### Таянч тушунчалар

- *навоийшунослик*
- *анъанавийлик*
- *равза*
- *тазкира*
- *рисола*
- *қасидаи маснуъ*
- *мувашшаҳ*
- *академик нашр*
- *мукаммал асарлар тўплами*
- *илмий-танқидий матн*

### Савол ва топшириқлар:

1. Алишер Навоий ижодига унинг ҳаётлик чоғидаёқ қизиқиш пайдо бўлганининг сабаби нимада деб ўйлайсиз?
2. Навоийшуносликнинг тадрижий тараққиётини қандай босқичларга бўлиб ўрганиш мумкин?
3. Ҳазрат Навоийнинг қайси асарларида ўзи билан боғлиқ маълумотлар баён этилган?
4. Навоий ҳақида замондошлари томонидан ёзилган ёки зикр этилган асарлар номларини айтинг.
5. Ғарб адабиётшунослари Навоийни даставвал таржи-

<sup>7</sup> Алишер Навоий ижодининг хорижда ўрганилиши билан боғлиқ маълумотлар М.Холбеков, А.Абдуазизов, Р.Абдуллаева, Г.Халлиева, З.Мирзаева каби олимларнинг тадқиқот ва мақолаларида келтирилган.



мон-шоир сифатида тушунганлари сабабини қандай изоҳлаш мумкин?

6. Замоनावий Фарб навоийшуносларидан кимларни биласиз?

### Адабиётлар:

1. Самарқандий Давлатшоҳ. Шоирлар бўстони («Тазкират уш-шуаро»дан). – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1967.

2. Хондамир Фиёсиддин бинни Хумомиддин. Макорим ул-ахлоқ (Яхши хулқлар) / Форсчадан М.Фахриддинов, П.Шамсиев тарж. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1967.

3. Бобур Заҳириддин. Бобурнома / Ҳозирги ўзбек тилига Ваҳоб Раҳмонов ва Каромат Муллахўжаева табдили. – Тошкент: O'qituvchi, 2008.

4. Бойқаро Ҳусайн. Рисола: Девон. – Тошкент: Шарқ, 1995.

5. Аёзий Мирзо Муҳаммад Ҳайдар. Тарихи Рашидий. – Тошкент: O'zbekiston, 2011.

6. Восифий Зайниддин. Бадоеъул вақоъ – Нодир воқеалар / Форсийдан Н.Норкулов таржимаси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979.

7. Навоий замондошлари хотирасида. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1985.

8. Сирожиддинов Шуҳрат. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. – Тошкент: Akademnashr, 2011.

9. Алишер Навоий ижодий ва маънавий меросининг оламшумул аҳамияти (халқаро илмий-назарий анжуман материаллари). – Тошкент: O'zbekiston, 2011.

10. Vohidov R., Eshonqulov H. O'zbek mumtoz adabiyoti tarixi. – Тошкент: O'zYU Adabiyot jamg'armasi nashriyoti, 2006.


11. Ҳайитметов А. Темурийлар даври адабиёти. – Тошкент: Фан, 1996.

12. Алишер Навоий: 1441 – 1501 йил. Адабиётлар кўрсаткичи / Туз. З.Бердиева, А.Туропова. – Тошкент, 1991.

<http://www.referun.com/n/issledovanie-zhizni-i-tvorchestva-alishera-navoi-v-zapadnoevropeyskom-vostokovedenii#ixzz2HOWXH4iO>

<http://www.payam-aftab.com/en/new/30347/Chir-Nova%27i>

У-7668/3



## АЛИШЕР НАВОИЙ ҲАСБИ ҲОЛИ МАСАЛАЛАРИ. ҲАЁТИГА ДОИР МУҲИМ МАЪЛУМОТЛАР

**РЕЖА:**

- 1. Алишер Навоий ҳаётини ўрганиш манбалари.**
- 2. Шоирнинг болалик ва йигитлик йиллари.**
- 3. Давлат арбоби сифатидаги фаолияти.**
- 4. Ҳаётининг сўнгги йиллари.**

Алишер Навоийнинг ҳасби ҳоли билан боғлиқ масалалар, аввало, шоирнинг ўз асарларида, шунингдек, замондошлари Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаъи саъдайн ва мажмаи баҳрайн», Мирхонднинг «Равзат ус-сафо», Хондамирнинг «Хулосат ул-ахбор», «Мақорим ул-ахлоқ», «Ҳабиб ус-сияр», Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоеъ». Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират уш-шуаро», Муъиниддин Муҳаммад ал-Замжий ал-Исфизорийнинг «Равзат ул-жиннот», Абдурахмон Жомийнинг «Баҳористон», Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» каби тарихий ва тазкира асарларида учрайди.

Алишер Навоий 1441 йил 9 февралда Амир Темурнинг ўғли Шоҳрух мирзо ҳукмронлиги даврида Ҳиротда туғилди. Хондамирнинг «Мақорим ул-ахлоқ» асарида маълумот берилишича, шоирнинг туғилган санаси ҳижрий 844 йил рамазон ойининг 17-кунида бўлиб, товуқ йилига тўғри келади. Унинг отаси Фиёсиддин Муҳаммад (уни Фиёсиддин Кичкина деб ҳам аташган)<sup>8</sup> темурийлар саройининг амалдорларидан, онаси (исми маълум эмас) Кобул амирзодаларидан Шайх Абу Саид Чангнинг қизи бўлган. Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаъи саъдайн» ва Мирхонднинг «Равзат ус-сафо» асарларида келтирилишича, Алишернинг бобоси Амир Темурнинг ўғли Умаршайх билан эмиқдош (кўкалдош) бўлган. Навоий «Вақфия» асарида ўз ота-боболарининг темурийлар саройида юқори мавқеда бўлганликлари ҳақида шундай ёзади: «...бу хокисорнинг ота-бо-

<sup>8</sup> Амир Темурнинг Умаршайх исми ўғлига набира бўлган шаҳзода Фиёсиддин (султон Ҳусайн Бойқаронинг отаси)дан фарқлаш учун Алишернинг отасини Фиёсиддин Кичкина деб атаганлар.

боси ул ҳазрат (султон Ҳусайн Бойқаро – Д.Ю.)нинг бобо ва аждоди хизматларида... улуғ маротибқа сазовор ва бийик маносибқа комгор бўлгон эрдилар».<sup>9</sup>

Алишернинг тоғалари Мирсаид Кобулий ва Муҳаммад Али Ғарибийлар ҳам шоир булишган. Бўлажак шоир ана шундай муҳитда, алоҳида тарбия ва назоратда ўсади. Кичиклик чоғидан ўз даврининг машхур олиму фозиллари даврасида бўлади. Уч-тўрт ёшларида машхур шоир Қосим Анворнинг:

*Риндему ошиқему чаҳонсўзу чома чок,  
Бо давлати ғами ту зи фикри чаҳон чи бок, –*

(Мазмуни: Риндмиз. ошиқмиз. жаҳон ўртовчи ва ёкавайронлар-миз. сенинг ғаминг турганда дунё фикридан не фойда) байтини ёд айтиб, меҳмонларни ҳайратга солади. Бу ҳақда кейинчалик «Мажолис ун-нафоис»нинг биринчи мажлисидида эслаб ўтади. Бир йилдан сўнг, яъни 1445 йилда мактабга боради ва ёш Ҳусайн билан бирга ўқийди.

1447 йилда Шоҳруҳ мирзо вафот этади ва теурий шаҳзодалар орасида тож-тахт учун кураш бошланади. Ҳиротда рўй берган нотинчлик сабабли Алишерлар оиласи Ироққа йўл олади. Йўлда, Тафт шаҳрида ёш Алишер замонасининг машхур тарихчиси, «Зафарнома»нинг муаллифи Шарафиддин Али Яздий билан учрашади ва улуғ тарихчи 6 ёшли Алишернинг ҳаққиға дуо ўқийди. Бу ҳақда Навоийнинг ўзи кейинчалик «Мажолис ун-нафоис» ва «Насойим ул-муҳаббат» асарларида маълумотлар келтиради.

1451 йилда Хуросон анча тинчиб, Алишерлар хонадони Ҳиротга қайтади. Тарихчи Хондамир ўзининг «Мақорим ул-ахлоқ» асарида ёзишича, карвон Язд чўли орқали Ҳиротга қайтар экан, кундузи иссиқ бўлганлиги учун, кечаси юрилган. Тунги юришлардан бирида

<sup>9</sup> Алишер Навоий ўзининг бирор асарида ота-онаси ҳақида аниқ маълумот келтирмайди. Навоий даврида яратилган манбаларда ҳам улуғ шоирнинг ота-онаси билан боғлиқ етарли маълумот учрамаслигини кузатиш мумкин. Ш.Сироҷиддиновнинг ёзишича, ҳазрат Навоий ғоят камтарлик юзасидан ўз аждоди борасидаги тафсилотларнинг келтирилишини лозим топмаган ва замондошларининг ҳам бу масалада шундай йўл тутишларини истаган. Алишер Навоий вафотидан сўнг яратилган манбаларда бу маълумотлар адади бир оз кенгайди.

Алишер эгар устидан ерга тушиб қолади ва уйқу зуридан беҳабар ётаверади. Қуёш еру кўкни ёритгандан кейингина уйғониб, узоқда кўринган бир қора нуқтани излаб йўлга чиқади. Булажак шоирнинг йўқолиб қолганини бир оз вақт утгач билган ота-она бир мулозим-ни Язд томонга жўнатадилар ва болани топиб оладилар.

1452 йилда Абулқосим Бобур мирзо Хуросон тахтига ўтиради ва нотинчликлар анча босилади. Абулқосим Бобур маърифатли ҳукмдор бўлиб, тасаввуф илмидан хабардор, таъби назмга мойил шахс эди. Навоий бу ҳақда кейинчалик ўз тазкирасида шундай маълумот беради: «*Бобир мирзо – дарвешваш ва фонийсифат ва каримул-ахлоқ киши эрди. Ҳиммати олида олтуннинг дағи кумушнинг тош ва туфроғча ҳисоби йўқ эрди. Тасаввуф рисо-лаларидин «Ламаъот» била «Гулшани роз»га кўп машъуф эрди. Таъби дағи назмга мулоийм эрди...*»

Абулқосим Бобур Алишернинг отаси Фиёсиддин Муҳаммадни Сабзаворга ҳоким қилиб тайинлайди, Фиёсиддин Муҳаммад ўз оиласи билан шу шаҳарга кучиб утади ва Алишер ўқишни давом эттиради. Алишер Сабзаворда ўз даврининг шоиру фозиллари Хожа Аҳмад Муставфий, Мавлоно Яҳё Себак, Дарвеш Мансур, Ҳофиз Али Жомий, Хожа Маҳмуд, Мавлоно Номийлар билан танишади, Дарвеш Мансурдан аруз илмини урганади. Саъдий Шерозийнинг «Гулистон», «Бўстон» асарларини ўқийди, Фаридиддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» достонини ёд олади. Бу ҳақда кейинчалик «Лисон ут-тайр» достонидида шундай ёзади:

*Истабон ташхиси хотир устод,  
Назм ўқутурким равон бўлсун савод.  
Насрдин баъзи ўқур ҳам достон,  
Бу «Гулистон» янглиғ-у, ул «Бўстон».  
Менга ул ҳолатда таъби булҳавас  
«Мантиқ ут-тайр» айлаб эрди мултамас.  
Топти сокин-сокин ул такрордин,  
Сода кўнғлум баҳра ул гуфтордин.*

1453 йилда Алишер мактабдош дўсти Ҳусайн билан Абулқосим Бобур хизматига киради. Аввал Сабзаворда, сўнг Машҳадда яшайди. Бу йилларда ҳам ёш Алишер ўқиш ва илм ўрганишда давом этади.

1457 йилда Абулқосим Бобур мирзо вафот этади. Хуросон тахтини Абу Саид мирзо эгаллайди. Ҳусайн Бойқаро тахт учун курашга киришиб кетади. Алишер Навоий эса Машҳад мадрасаларида ўқишни давом эттиради. Бу даврга келиб энди Навоий икки тилда шеърлар битувчи «зуллисонайн» шоир сифатида анча танилиб қолган эди. Хондамирнинг маълумот беришича, бир куни Алишер Навоий Лутфий хузурига борганида, «малик ул-калом» ундан янги ёзилган бир ғазалини ўқиб беришни сўрайди. Навоий ўзининг:

*Оразин ёпқоч кўзимдин сочилур ҳар лаҳза ёш,  
Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғоч қуёш, –*

матлаъси билан бошланувчи ғазалини ўқийди. Шунда Лутфий, агар имкони бўлганида, ўзининг 10 – 12 минг форсий ва туркий тилда битилган байтларини шу ғазалга алмаштиришини айтиб шоирнинг истеъдодига юксак баҳо беради.

Шоир Машҳад мадрасаларида ўқиб юрган пайтида бир муддат хастаниб қолади. У талабалар учун ажратилган хужрада касал бўлиб ётган ҳолатини «Мажолис ун-нафоис»да шундай эслайди:

*«...Султон Абу Саид мирзо замонида Машҳадда ғариб ва хаста бир буқъада йиқилиб эрдим. Қурбон вақфаси бўлди, оламнинг ақсо билодидин халқ имом равзаси тавофиға юз кўйдилар. Расмдурким, мусофирлар муттайийн буқъа гаштига ҳам борурлар, ул буқъадаким, фақир йиқилиб эрдим, жамоати маволиваш эл сайр қилиб, деворда битилган абётни ўқиб, бир байт устида баҳсга туштилар. Бир улуғроқ кишиким, ул жамоат анго тобёъ эрдилар, ул жамоатни илзом қилди. Фақир заъф ҳолида ул жамоат жонибидин сўз айттим. Анга дедиларким: бу бемор йигит ҳам бир сўз айтадур. Ул улуғроқ киши худ Шайх Камол эрмишким, зиёратга келган эрмиш! Бошим устига келиб, мабҳасни ораға солди. Фақир жавоб бергач, ўз сўзидан қайтиб, таҳсинлар қилиб, ҳолимни тафаҳхус қилди. Эrsa ул ҳам фақирни эшитган экандур ва кўрар ҳаваси бор экандур». Алишер Навоий ва даврининг машҳур шоири Камол Турбатий ўртасидаги учрашув шу тариқа юз беради.*

Алишер Навоий 1460 йилларнинг бошларида Ҳиротга қайтади. Бу даврда Алишернинг тоғалари Мирсаид Кобулий ва Муҳаммад Али Ғарибийлар Ҳусайн Бойқаронинг сипоҳийлари сифатида Султон Абу Саид мирзога қарши жангда ҳалок бўлган

эдилар. Шоир Ҳиротда узоқ қололмайди ва Самарқандга йўл олади.<sup>10</sup> Абдураззоқ Самарқандий, Мирхонд ва Хондамир шоирнинг Самарқандга бориш сабабларини илм урганишга интилиш билан боғласалар, Заҳириддин Муҳаммад Бобур «ихрож» (сургун) деб атайди. Алишер Навоийнинг узи Сайид Ҳасан Ардашерга ёзган «Маснавий» мактубида Самарқандга кетишининг бир неча сабабларини кўрсатади:

*Бир улким, чу сўздиндир инсон шариф,  
Чу ҳайвонга сўз йўқдур, улдур касиф...  
Мен ул мөнки, то турк бедодидур,  
Бу тил бирла то назм бунёдидур.  
Фалак кўрмади мен киби нодире,  
Низомий киби назм аро қодире...  
Етар тенгридин онча қувват манга  
Ки, бўлмас битирига фурсат манга.  
Бу майдонда Фирдавсий ул гурд эрур  
Ки, гар келса Рустам жавобин берур.  
Рақам қилди фархунда «Шаҳнома»е  
Ки, синди жавобида ҳар хомеа  
Ки, ҳар неча нутқ ўлса қоҳилсарой,  
Битигаймен ўттуз йилин ўттуз ой.  
Не «Шаҳнома»ким, «Хамса»ға урсам эл,  
Анинг панжаси сори еткурсам эл.  
Ўтуз йилки они Низомий демиш.  
Қошимда эрур икки-уч йиллик иш...*

---

<sup>10</sup> Ш.Сирожиiddинов Навоий Самарқандга айнан Ҳиротдан йўл олганлиги масаласига шубҳа билан қарайди. Олимнинг фикрича, Навоий ҳақидаги манбаларнинг бирортасида ҳам шоирнинг айнан Ҳиротдан Самарқандга сафар қилганлиги ҳақидаги маълумот келтирилмайди, балки «Хуросондан Самарқандга» йўл олганлиги айтилади. Машҳад ҳам Хуросон таркибида эканлиги ҳисобга олинса, Навоий Самарқандга Машҳаддан борган бўлиши ҳам мумкин (Сирожиiddинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий типологик, текстологик таҳлили. – Б.45 – 48).

Навоийшунос олим Қ.Эргашев ҳам улуғ шоир ҳаётининг айнан шу даври навоийшуносликда яхши ўрганилмаганлигига эътибор қаратади (Эргашев Қ. Алишер Навоий ҳаёти ва ижодий биографиясига доир // Халқаро илмий-назарий анжуман материаллари. – Б 35 – 36)

Яъни Навоий бу ўринда ватандан кетиш сабабларидан бири сифатида Ҳиротда ижод қилиш учун имконият йўқлигини келтириб утяпти. Назмда қобилият жиҳатидан Низомийга тенг эканлиги, Фирдавсий ва Низомийлар 30 йил вақт сарфлаб ёзган «Шоҳнома»ю «Хамса»ни 30 ойда ёза олишга ўзида қувват сезаётганлиги-ю, лекин бунинг учун шароит ва фурсат йўқлигини таъкидлапти.

**Яна бир буқим**, зоҳир ўлмиш манго  
*Ки, чиқмиш Хуросон элидин вафо...*  
*Вафо ерида зоҳир ўпмиш нифоқ,*  
*Сахо ўрнида бухл тутмиш висоқ...*  
*Ҳам эл манзилин шаҳ катакдек бузуб,*  
*Товуғ ўрнига чўғд ўлтурғузуб.*  
*Элида кишилиқдин осор йўқ.*  
*Шароратдин ўзга падидор йўқ...*  
*Не бир ҳужраким, ком топқай кўнгул,*  
*Даме анда ором топқай кўнгул.*  
*Не бир шўх васлиға ул моядаст*  
*Ки, азми аёғиға бергай шикаст.*  
*Не ёреки, ранжимни қилғай қабул.*  
*Не зореки, ҳажримдин ўлғай малул.*

Алишер Навоийнинг мамлакатни ташлаб кетишга мажбур бўлганининг яна бир сабаби юртдаги нотинчликдир. Одамларда бир-бирига вафо йўқ. Вафонинг ўрнини нифоқ, саховатнинг ўрнини бахиллик эгаллаган. Мамлакат шоҳи халқ уйини катакдек бузиб, товуғ ўрнига бойўғлини ўтказиб қўйган. Одамларда кишилиқдан нишона йўқ, ҳамма жойда ёмонлик ҳукмрон. Кўнгил ором топадиган бир ҳужра йуқ. Тасалли берувчи бирор киши, кетаман деса этагидан тутадиган умр йўлдоши, кетса айрилиқдан эзилдиган дўсти йўқ.

Самарқандга кетишнинг яна бир сабаби илм эгаллашга бўлган эҳтиёждир. Зеро, Навоийнинг фикрича, «ҳақ сиррининг маҳрами» қилиб яратилган инсон Аллоҳни маърифат орқали таниши керак:

**Учинч улқи**, чун холиқи зулжалол  
*Ки, ҳам ламязал келди, ҳам паязол.*

*Чу лавҳи вужуд узра тортиб қалам,  
Ики кавн тарҳиға урди рақам...  
Эмас эрди мақсуд жуз одамий  
Ки, ҳақ сиррининг бўлғай ул маҳрами.  
Баридин ғараз гарчи инсон эди,  
Анга дағи мақсуд ирфон эди.*

Тасаввуф таълимотига кўра, Аллоҳни таниш 2 йўл орқали амалга оширилади:

1. Ҳақдан жазба етиши, яъни Аллоҳ ёди билан ўзлигидан беҳабар бўлиб юриш, мақомларни эгалламасдан туриб ҳол мартабасига эришиш. Бу йўлни Навоий «мажзуби солик» йўли деб атайдди.

2. Пирга қўл бериб, унинг иродаси билан риёзат чекиш ва шундан сўнггина жазба етиши, бунда аввал тариқатдаги мақомларни босиб ўтгандан кейингина ҳол мартабасига эришилади. Бу йўлни Навоий «солики мажзуб» деб атайдди. Навоий биринчи йўлга эришиш мурассар бўлмагач, пири комил топиб, ўзини унга топширишга қарор қилади:

*Бурун муршиди комил истаи юруб,  
Ани топқач ўзин анга топшуруб...  
Чу аввалғи иш бўлмади дастғир,  
Икинчисидин хўб эмастур гузир.*

Шу тариқа Алишер Навоий 1465 – 1469 йилларда Самарқандда яшайди. Шоир Самарқандда дастлаб моддий қийинчиликда ҳаёт кечиради. Кейинроқ унга шаҳар ҳокими Аҳмад Ҳожибек ҳомийлик кўрсатади. Аҳмад Ҳожибек фозил ва шоиртаъб ҳукмдор бўлиб, Вафойи тахаллуси билан шеърлар битган. Навоий «Мажолис ун-нафоис»нинг 6-мажлисини айнан шу ижодкор-ҳукмдор таърифидан бошлайди: «*Сурати хуш ва сийрати дилкаш, ахлоқи ҳамида ва атеори писандида йигитдур. Хуросонда тарбият топти. Ҳирот дор ус-салтанатида ўн йилга яқин ҳукумат қилди. Самарқанд маҳфузасида ҳам муддате ҳоким эрди... Ва табъи бағоят хуб воқеъ бўлубтур ва назмға кўп илтифот қилур*».

Алишер Навоий Самарқандда машҳур олим Хожа Фазлуллоҳ Абуллайс ҳузурда фикҳ илмидан сабоқ олади. Бу ҳақда кейинчалик «Мажолис ун-нафоис»да шундай ёзади: «*Фақир икки йил*



аларнинг қошида сабақ ўқуб эрдим, анча илтифотлари бор эрдиким, «фарзанд» дер эрдилар».

Алишер Навоий Самарқандда Мавлоно Улойи Шоший, Хожа Хурд, Мавлоно Муҳаммад Олим, Мавлоно Сойилий, Дарвеш Аҳмад Самарқандий, Мирзобек, Юсуфшоҳ Сафойи каби олим ва шоирлар билан танишади. Шеърят ва адабиётшуносликка доир кўплаб асарларни ўқиб чиқади, салафлар ва замондошларининг байтларини ёд олади. «Муҳокамат ул-луғатайн»да бу ҳақда шундай маълумот берилади: «*Йигитлигим замони ва шабоб айёми авонида кўпроқ шеърда сеҳрсоз ва назмда фусунпардоз шуаронинг ширин ашъори ва рангин абётидин эплик мингдин ортуқ ёд тутубмен ва алар завқ ва хушхоллигидин ўзумни овутупмен*».

Алишер Навоий шу йиллари шоир сифатида катта шуҳрат қозонади. 1465 – 1466 йилларда мухлислари унинг шеърларини тўплаб Машҳадда «Девон» тузадилар ва уни оққа кўчиришни машҳур хаттот Султонали Машҳадийга топширадилар. Бу девон бугун фанда «Илк девон» номи билан машҳурдир.

Алишер Навоий шеърларининг доврўғи Шерозу Табризга ҳам ёйилади. «Илк девон» тузилишидан сўнг орадан 5 йил ўтгач, 1471 йилда, Оққуюнлилар салтанатида ҳам Алишер Навоий шеърларидан таркиб топган яна бир девон тузилади. Мазкур девон оққуюнлилар саройида фаолият юритган машҳур хаттот ва шоир Абдураҳим ибн Абдураҳмон Хоразмий (тахаллуси Анисий) томонидан кўчирилади. Демак, шоирнинг ўзи ҳали расмий девон тартиб беришга улгурмай, унинг шеърлари киритилган икки девон: бири Машҳадда, иккинчиси Шерозда кўчирилиб, Навоий ихлосмандларининг эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади.

1468 йили Хуросон ҳукмдори Абу Саид мирзо Эрон учун жангда ҳалок бўлади ва 1469 йилнинг бошида Ҳусайн Бойқаро тахтни эгаллайди. У Самарқандга мактуб йўллаб Навоийни ўз ёнига чақиради ва Навоий Ҳиротга қайтади. Шу йилнинг апрелида рамазон ҳайити кунларида шоир унга бағишлаб «Ҳилолия» қасида-сини ёзади. У Ҳусайн Бойқаронинг тахтга чиқишини янги ой – ҳилолга қиёс қилади:

*Янги ойу ийд ики қуллуғчинг ўлсун, айлаган  
Сен ҳилол анинг отин, байрам бу ернинг кунятин.*

Хусайн Бойқаро Навоийни давлат ишларига жалб қилади. Шоир дастлаб 1469 – 1472 йилларда муҳрдор, 1472 – 1476 йилларда эса амир (вазир) лавозимларида хизмат қилади. Тарихчи Мирхонд унинг бу даврдаги фаолияти ҳақида «Равзат ус-сафо» асарида шундай ёзади: «...амир бир неча вақт муҳрдорлик лавозимида қойим туриб, хизматкорлик поясини юқори осмондан ҳам ўтказди. Бир неча вақтдан кейин бу мансабни тарк этиш бобида илтимос қилиб, бу лавозимга амир Аҳмад Суҳайлийни тайин қилишни илтимос қилди. Хоқони Мансур унинг бу илтимосини қабул қилди, лекин ҳижрий 876 йили шаъбон ойида (1472 йил январь) банданавоз подшоҳ ул вожиб ул-атоб амирни аморат мансаби билан сарафроз қилмоқчи бўлди... хоқони Мансурнинг покиза кўнгли шу эдики, амир Алишер вожиб ул-изъон фармонга кўра бошқа амирлардан юқори муҳр босса, лекин ул жанобнинг кўлига маълум соатда муҳр боссин учун нишон берганларида, нафси синиқ бўлганидан ва бағоят улуғ тавозуъллипигидан, нишоннинг шундай жойига муҳр босдиким. ундан тубанроққа муҳр босишга жой қолмади...»

Алишер Навоий вазир лавозимида ишлаб юрган пайтларида ўзининг бутун куч-қувватини мамлакат ободончилиги, эл фаровонлиги учун сарф қилади:

*Ким бор эди бошима кўп меҳнатим,*

*Йўқ эди бош қошиғали фурсатим*

(«Ҳайрат ул-аброр»дан).

Мамлакатда зулм ва ҳақсизликка чек қўяди, илм ва санъат аҳлига раҳнамолик қилади, бунёдкорлик ва ободончилик ишларига кенг эътибор қаратади. «Амири кабир» ва «амир ул-муқарраб» унвонларига сазовор бўлади.

Алишер Навоийнинг мамлакатдаги катта ҳуқуқлари ҳамда эл орасидаги юксак эътибори сарой амалдорлари, айниқса, Мажидиддин ва унинг тарафдорларининг кескин норозилигига сабаб бўлади, саройда фисқ-фасод кучая боради. 1476 йилда Навоий вазирлик лавозимидан истеъфо беради ва бадий ижод билан шуғулланади.

Алишер Навоий вазирлик лавозимидан кетгандан сўнг ҳам султон Хусайн саройида энг нуфузли сиёсий арбоб бўлиб қолаверади.

Хусайн Бойқаро уни ўзига ғоят яқин тутар, ҳар бир нарсада у билан маслаҳатлашар ва шоирнинг фикрини ниҳоятда қадрлар эди. Бу ҳолат улуғ шоир ва сарой амалдорлари орасидаги низонинг ошишига олиб келади. Хусайн Бойқаро Навоийни Астрободга ҳоким қилиб юбориш билан саройдаги низоларга чек қўймоқчи бўлади.

Алишер Навоий 1487 – 1488 йилларда Астрободда ҳокимлик қилади. Мирхонднинг ёзишича, *«Астробод гулшани адолат хислатлик амирнинг келиши билан Эрам гулистонининг ғайратини келтирадиган бўлиб, Журжоннинг саййидлари, уламози, эътиборли кишилари, фозиллари ул мақтовга муносиб сифатли амирнинг лутфу марҳаматлари билан фахр ва қувонч топдилар. Яна раъияти унинг адолату инсофининг баракоти билан зулму бедодлик зулматидан нажот толиб, тинчлик ва омонлик, фароғат ва осудаликка эришдилар».*

1489 йилда Алишер Навоий Ҳиротга қайтгач, ўрнига Астробод ҳокими қилиб шаҳзода Бадиуззамон тайинланган эди. Бу орада Балхда Дарвешали кўзғолони бошланади. Хусайн Бойқаро Навоийни олиб Балхга жўнайди. Дарвешали билан сулҳ тузилади, лекин Ҳисорда Абу Саиднинг ўғли Султон Маҳмуд Хусайн Бойқарога қарши кураш бошлайди. Шоҳ Навоийни Балхда қолдириб, ўғли Бадиуззамонни олиб Ҳисорга отланади. У билан ҳам мурасага келиб орқага қайтади ва Балхни Бадиуззамон тасарруфига беради. Бадиуззамон ўн уч ёшли ўғли Мўмин мирзони Астрободда қолдириб, Балхга келади. Хусайн Бойқаронинг суюкли аёли Хадичабегим билан Мажидиддиннинг ўрнига вазир қилиб тайинланган Низомулмулк Астрободга Музаффар мирзони ҳоким қилиб тайинлашга эришадилар. Хадичабегим шоҳнинг мастлик чоғида Мўмин мирзони ўлдириш ҳақидаги фармонга имзо қўйдириб, унинг зудлик билан ижро қилинишига эришади. Хусайн Бойқаро ҳушига келиб, янги фармон жўнатади. Лекин вақт ўтиб бўлган эди.

Бу ҳодиса Алишер Навоийга қаттиқ таъсир кўрсатади ва кўпдан буён орзу қилгани ҳаж сафарига тайёргарлик кўра бошлайди. Шоҳдан ижозат олиб йулга отланади. 1499 йилда Марвда Хусайн Бойқаронинг яна бир ўғли Абулмуҳсин отасига қарши бош кўтаради. Шоҳ исённи бартараф қилиш учун кўшин билан Марвга отланади. Мирхонднинг хабар беришича, *«Марв қамали уч-тўрт ойга*

чўзилиб, фатҳу зафар шоҳиди мурод кўзгусида кўринмагани учун, хоқони Мансур сулҳга майл қилди. Абулмуҳсин мирзо ҳам қалъадорликнинг чўзилиб кетганидан ғам чекиб, отаси қошига чопар юборди ва амир Алишерни талаб қилдиким. то ул жанобнинг воситачилиги билан сулҳ иши воқе бўлсин». Шоҳ Машҳад остоналарига етиб қолган Алишер Навоийга тез чопар юборади. Алишер Навоий Машҳад улуғлари ва ҳамроҳлари билан маслаҳатлашади. Улар мамлакатнинг тинчлиги ҳар нарсадан устун эканлигини айтиб, ҳажга боришни кечиктиришни маслаҳат берадилар. Алишер Навоий ортга қайтади ва ота-ўғил орасида сулҳ имзоланади.

1500 йил декабрининг охирларида Ҳусайн Бойқаро Астробод юришидан қайтади. Анъанага кўра, саройнинг барча эътиборли кишилари шоҳни кутиб олиш учун йўлга чиқадилар. Улар орасида ҳазрат Навоий ҳам бор эди. Соғлиғи жуда ёмонлашганига қарамай, шоир сафардан қайтган султон ҳузурига етиб келади ва ҳамроҳлари ёрдамида унинг кўксига бош кўйиб ҳушидан кетади. Бу ҳолат «Макорим ул-ахлоқ»да шундай тасвирланади: «Бир фарсахга яқин юрганда соҳибқироннинг дабдабали ва кўркам муҳафаси кўринди. Шу вақт Худонинг инояти билан ул зотнинг муборак боши айланиб қолди. Олижаноб амир Хожа Шихобуддин Абдуллани ҳузурига чақириб: «Мени эҳтиёт қилишдан ғофил бўлманг, аҳволим ўзгариб қолди», – деди. Шу пайт аъло ҳазратнинг қўлини ўпишга етишмоқ учун отдан тушди. Тўсатдан етишган касалликнинг оғирлиги сўнги ҳаддига бориб қолгани ва юришга мадори қолмаганидан, мазкур амир ва Маълано Жалолуддин Қосим унинг қўлтиқларига кириб, улуғ Амир бошини баланд мартабали подшоҳнинг кучоғига қўя олди. Аъло ҳазрат ул буюклик ва дабдаба доираси марказининг аҳволида ўзгариш кўриб ғоятда қайғуга ботди, ғамгин бўлди». Шоирни оғир аҳволда уйга олиб келадилар. Уч кун ҳушсиз ётган Алишер Навоий 1501 йилнинг 3 январида сакта касаллиги туфайли вафот этади.

### Таянч тушунчалар

- кўкалдош
- жазба
- мақом
- ҳол

- солики мажзуб
- мажзуби солик
- ирфон
- амири кабир
- амирулмуқарраб
- муҳрдор
- фикҳ илми

### Савол ва топшириқлар:

1. Алишер Навоийнинг болалик йиллари ҳақида сўзлаб беринг.
2. Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига доир маълумотлар берувчи қандай асарларни биласиз?
3. Самарқандга кетар чоғида Алишер Навоий Саййид Ҳасан Ардашерга ёзган маснавийсида «Хамса»ни ўттиз ойда ёза олишини айтади. Бу ҳолатни қандай баҳолаган бўлардингиз? Навоий бундай даъво қилишга ҳақли эдими?
4. Саййид Ҳасан Ардашерга ёзилган маснавий матнига таяниб Алишер Навоийнинг Самарқандга кетиш сабабларини айтиб беринг.
5. Алишер Навоийнинг давлат арбоби сифатида амалга оширган ишларига тўхталинг.
6. Ҳазрат Навоийнинг ҳаж сафаридан қолишига қайси воқеалар сабаб бўлади?

### Адабиётлар:

1. Навоий замондошлари хотирасида. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1985.
2. Сирожиддинов Ш. Навоий замондошлари эътирофида. – Самарқанд: Зарафшон. 1996.
3. Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий типологик, текстологик таҳлили. – Тошкент: Akademnashr, 2011.
4. Алишер Навоий ижодий ва маънавий меросининг оламшумул аҳамияти (халқаро илмий-назарий анжуман материаллари). – Тошкент: O'zbekiston. 2011.
5. Султон Иззат. Навоийнинг қалб дафтари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1973.

6. Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Movarounnahr – O'zbekiston, 2009.

7. Vohidov R., Eshonqulov H. O'zbek mumtoz adabiyoti tarixi. – Тошкент: O'zYU Adabiyot jamg'armasi nashriyoti, 2006.

8. Ўзбек адабиёти тарихи. Беш жилдлик. 2-жилд (XV асрнинг иккинчи ярми). – Тошкент: Фан, 1977.

## АЛИШЕР НАВОИЙ ЛИРИКАСИ. ДЕВОНЛАРИ

### РЕЖА:

1. *«Илк девон»га тавсиф.*
2. *Оққуюнлилар саройи девони ҳақида.*
3. *Дастлабки расмий девонлар. «Бадоеъ ул-бидоя» дебочасида девон тартиб бериш масалалари.*
4. *«Ҳазойин ул-маоний» куллиётининг яратилиш тарихи. Куллиётнинг таркибий тузулиши.*
5. *«Ҳазойин ул-маоний»га кирмай қолган шеърлар.*
6. *Навоийнинг форсий шеърлари ҳақида умумий маълумот.*

Мусулмон Шарқи шеърляти тарихини Алишер Навоий лирикасисиз тасаввур этиб бўлмади. Унинг лирик мероси ўзигача яратилган форс-тожик ва туркий шеърлятнинг давоми бўлиш билан бирга барча замонлардаги ўзбек шеърлятининг энг юксак чўққиси ҳамдир. Ҳар иккала тилда юксак бадий асарлар ярата олиш қобилиятига эга бўлган ҳассос шоир 45 минг мисрага яқин туркий тилдаги шеърлари ва 12 минг мисрадан ортиқ форс-тожик тилидаги назмий мероси билан ўша давр шеърляти ривожига катта ҳисса қўшди.

Алишер Навоий болалик йиллариданоқ бадий ижод билан шуғуллана бошлаган. *«Уч ёш била тўрт ёшнинг орасида»* форсигўй адиб Қосим Анворнинг байтини ёд ўқиб йиғилганларни ҳайратда қолдирган («Мажолис ун-нафоис») Алишер 15 ёшларида «малик ул-калом» Лутфийнинг таҳсинига сазовор бўлади. Адабиёт ихлосмандлари ундан девон тузишни илтимос қилганларида, у ғоят камтарлик юзасидан девон тузиш учун ҳали вақт эрта деб ҳисоблайди. Шунда шоирнинг мухлислари 1465 – 1466 йилларда унинг шеърларини тўплаб девон тузадилар ва бу девон ўз даврида «хаттотлар султони» номи билан машҳур бўлган Султонали Машҳадий томонидан настаълиқ хатида кўчирилади. Навоийнинг ўзи «Бадоеъ ул-бидоя»га ёзган дебочасида: *«...аммо халойиқ аросида минг байт-икки минг байт ортуғроқ, ўқсурак-ким ўзлари жамъ қилиб эрдилар. бағоят машҳур бўлуб эрди»,* – деб ёзади. Девон уни нашрга тайёрлаган адабиётшунос олим Ҳамид Сулаймонов томонидан шартли равишда «Илк девон» деб

номланган бўлиб, 391 ғазал, 41 рубойи, 1 мустазод, 1 мухаммас – жами 434 шеърдан ташкил топган.

Девонга шоирнинг 1466 йилдан аввал ёзилган асарлари киргани учун, ундаги шеърларнинг ёзилиш санасини нисбатан аниқ деб ҳисоблаш мумкин, шу сабабли бу девон шоирнинг ўспиринлик ва йигитлик давридаги ижоди ҳамда таржимаи ҳоли ҳақида муайян тасаввур берувчи манба сифатида юксак қийматга эга. Девондаги ғазалларни кузатар эканмиз, бугунги кунда халқ орасида машҳур бўлган қуйидаги ғазаллар айнан шоир ижодининг илк даврида яратилганлигига гувоҳ бўламиз:

*Кеча келгумдур дебон ул сарви гулрӯ келмади.  
Кўзларимга кеча тонг отқунча уйқу келмади...*

*Кўргали ҳуснунгни зору мубтало бўлдум санго.  
Не балолиғ кун эдиким. ошно бўлдум санго...*

Навоий фалсафий тафаккурида муҳим қийматга эга бўлган «Анго» радифли ғазалнинг ҳам айнан шу девондан ўрин олгани шоирнинг ўша даврдаги юксак салоҳиятидан дарак беради. Ғазал матлаъсини келтирамиз:

*Ҳар гадоким, бўриёйи фақр эзур кисват анго.  
Салтанат зарбофтидин ҳожат эмас хилъат анго.*

«Илк девон»даги барча шеърларнинг кейинчалик «Ҳазойин ул-маоний»га киритилганлиги уларнинг Алишер Навоий учун ҳам қадрли бўлганини кўрсатади.

Навоийшунос олим, филология фанлари доктори Афтондил Эркинов жаҳон қўлёзма фондларида сақланаётган нусхаларни ўрганиш асносида Алишер Навоийнинг ихлосмандлари томонидан тузилган яна бир девони қўлёзмасини аниқлаб, 2012 йилда фанга маълум қилди. Мазкур девон шоирнинг оққуюнлилар сулоласи (Озарбайжон ва Ғарбий Эрон ҳудудида 1378 – 1508 йилларда ҳукмронлик қилган ўғуз турклари) ҳукмронлиги ҳудудидаги мухлислари томонидан тузилган бўлиб, ҳозирча фанда шартли равишда «Оққуюнлилар девони» номи билан юритилмоқда.



Девон 1471 йил 25 декабрда Анисий тахаллуси билан шеърлар ёзган шоир ва хаттот Абдурахим ибн Абдурахмон Хоразмий томонидан Оққуюнлилар салтанатининг марказларидан бири бўлган Шероз шаҳрида кўчирилган. Девонда жами 229 та шеър бор: 224 ғазал, 1 мустазод, 3 мухаммас ва 1 таржиъбанд. Бу мажмуадаги 224 ғазалдан 217 таси «Бадоеъ ул-бидоя»га ва фақат биттасигина «Наводир ун-ниҳоя»га ўтган. Девондаги 90% ғазал «Илк девон»да учрамайди. Бу ҳолат мазкур ғазалларнинг катта қисми 1466 йилдан кейинги 5 йил орасида (1471 йилгача) яратилганлигини кўрсатади. Авваллари Алишер Навоийнинг туркий тилдаги шеърляти 4 босқичда: «Илк девон», «Бадоеъ ул-бидоя», «Наводир ун-ниҳоя», «Хазойин ул-маоний» тарзида ўрганиб келинарди. Эндиликда, мазкур девон топилгандан сўнг, Алишер Навоий шеърлятини беш босқичда ўрганишга зарурат сезилади. Буни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:

Босқичлар	Навоий девонлари	Тузилиш муддати
I	Илк девон	1465 – 1466
II	Оққуюнлилар девони	1471
III	Бадоеъ ул-бидоя	1470 – 1480
IV	Наводир ун-ниҳоя	1480 – 1487
V	Хазойин ул-маоний	1492 – 1498

Оққуюнлилар салтанатининг асосий аҳолиси ўғуз турклари бўлгани учун, мазкур қўлёзмада Алишер Навоий шеърлари ўғуз лаҳжасига мослаштириб кўчирилган. Масалан, Навоийнинг машҳур ғазали матлаъси ушбу девонда қуйидаги ҳолатда учрайди:

*Меҳр чўх кўрсатдим, аммо меҳрибоне **допмадим**,  
Жон баче қилдим фидо, оромни жоне **допмадим**.*

Оққуюнлилар девони ҳозирда Қоҳира шаҳрида сақланмоқда.

Алишер Навоий, Хусайн Бойқаро тахтга чиққанидан кейин, унинг топшириғи билан ўзининг биринчи расмий девони – «Бадоеъ ул-бидоя» («Бадийликнинг бошланиши»)ни тартиб беради. Девоннинг Алишер Навоий ҳаётлик даврида (1480, 1482 ва 1486 йиллар-

да) кўчирилган нусхалари Париж Миллий кутубхонасида (1480 йил, инв. №746), Британия музейида (1482 йил. инв. №401) ва Тошкент шаҳрида (1486 йил. инв. №216. асос нусха) сақланади. Девон мазкур нусхалар асосида филология фанлари номзодлари Ш.Шарипов ва М.Раҳматуллаевалар томонидан нашрга тайёрланган (МАТ. 1-жилд).

Шоир бу девони учун махсус дебоча ҳам ёзиб, унда девон тартиб бериш масалаларига тухталади ва қуйидаги хусусиятларни алоҳида кўрсатиб ўтади:

1. *«Аввал будурким, ҳар кишиким девон тартиб қилибдурур, ўттиз икки ҳарфдинки, халойиқ иборатида воқийдурур ва улус китобатида шойиъ, тўрт ҳарфга таарруз қилмайдурурлар...»*

2. *Яна буким, ҳар ҳарф ғазалиётининг аввал битиган ғазал била ўзга ғазаллар орасида услуб хайсиятидин тафовут риоят қилмайдурурлар. Муқаррардурум, ҳар амрда бир лаҳза ҳақ субҳонаҳу ва таоло ҳамдидин ё расул алайҳиссалом наътидин. ё бу икки ишга далолат қилурдек бир амрдин гофил бўлмамоғлиқ авлодур...*

3. *Яна бир буким, гўйиё баъзи эл ашъор таҳсилидин ва девон такмилидин ғараз мажозий ҳусну жамол тавсифи ва мақсуд зоҳирий хатту хол таърифидин ўзга нима англамайдурурлар. Девон топилғайким, анда маърифатомиз бир ғазал топилмағай ва ғазал бўлғайким, анда мавъизатангиз бир байт бўлмағай...*

4. *Яна буким, сойир давовинда расмий ғазал услубидинким, шойиъдурур, тажовуз қилиб, махсус навъларда сўз арусининг жилвасига намойиш ва жамолига оройиш бермайдурурлар. Ва агар аҳёнан матлаъе махсус навъда воқий бўлгон бўлса, ҳамул матлаъ услуби била итмом хилъатин ва анжом кисватин кийдурмайдурурлар. балки тугангунча агар бир байт мазмуни висол баҳорида гулоройлиқ қилса, яна бири фироқ хазонида хорнамоғлиқ қилибдурур... Ул жиҳатдин саъй қилиндиким, ҳар мазмунда матлаъе воқий бўлса, аксар андоғ бўлғайким, мақтаъгача сурат хайсиятидин мувофиқ ва маъни жонибидин мутобиқ тушқай».*

Алишер Навоий бу ўринда девонни ғазаллар билан бошлаш, ғазалларни 28 ҳарф эмас, балки 32 ҳарф (چ – чим, ژ – же, گ – гоф ва ڭ – лом-алифни ҳам қўшган ҳолда) билан тугаллаш зарурлиги, девонга даставвал Аллоҳга ҳамд ёки пайғамбарга наът мавзусидаги ғазалларни жойлаштириш, ғазалларга маърифат ва мавъиза

мавзуларига доир байтлар киритиш, ғазал матлаъсида келтирилган фикрни мақтаъгача ривожлантириб бориш ва, албатта, девонга жанр жиҳатдан ранг-баранг шеърларни киритишни назарда тутати.

Алишер Навоийнинг мазкур девони айнан юқоридаги қонун-қоидаларга амал қилинган ҳолда тартиб берилган бўлиб, унда 11 жанрга оид жами 1046 та шеър мавжуд. Девонга шеърлар қуйидаги тартибда жойлаштирилган: ғазал – 777 та, мустазод – 3 та, мухаммас – 5 та, мусаддас – 2 та, таржиъбанд – 3 та, қитъа – 46 та, рубоий – 85 та, луғз – 10 та, муаммо – 52 та, туюқ – 10 та, фард – 53 та.

Алишер Навоий тартиб берган иккинчи расмий девон «Наводир ун-ниҳоя» («Беҳад нодирликлар») деб аталиб, 1480 – 1487 йиллар оралиғида тузилган. Девоннинг 1487 йилда Ҳиротда машҳур хаттот Абдужамил котиб томонидан кўчирилган нодир қўлёзма нусхаси ҳозирда ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида (инв. №11675, асос нусха) сақланмоқда. Шунингдек, девоннинг яна бир нисбатан тўлиқ нусхаси Султон Али Машҳадий томонидан Ҳиротда кўчирилган бўлиб, бу нусха ҳам ҳозирда ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида (инв. №1995) сақланади. «Наводир ун-ниҳоя» девони матни мазкур нусхалар асосида филология фанлари номзоди М.Раҳматуллаева томонидан нашрга тайёрланган бўлиб, унда 862 шеър бор (МАТ, 2-жилд). Мазкур нашрдан ўрин олган шеърларнинг барчаси ғазал жанрига оид. Ушбу девондаги 64 ғазал «Ғаройиб ус-сиғар»га, 331 ғазал «Наводир уш-шабоб»га, 213 ғазал «Бадоеъ ул-васат»га ва 196 ғазал «Фавойид ул-кибар»га киритилган. Ҳазрат Навоий «Наводир ун-ниҳоя»даги ғазалларни кейинчалик «Хазойин ул-маоний»га киритганда кўпинча уларни таҳрир қилган, баъзи ғазалларнинг фақат матлаъсини сақлаб қолиб, қолган байтларини бутунлай ўзгартирган.<sup>11</sup>

Девон Навоийнинг ҳамд мазмунидаги машҳур ғазали билан бошланади:

<sup>11</sup> 80-йиллар охирида адабиётшунос олима Суйима Ғаниева ушбу девоннинг Навоий муҳри босилган нотугал сурат – нусхасини Эрон Ислоҳ Республикасидан олиб келди. Бу нусха «Навоий дастхати» номи билан 1991 йилда эълон қилинди.

*Зиҳи зуҳури жамолинг қуёш киби пайдо,  
Юзунг қуёшига зарроти кавн ўлуб шайдо.*

Алишер Навоий 1492 – 1498 йилларда Ҳусайн Бойқаронинг таклифи билан ўзининг барча шеърлари, жумладан, аввалги расмий девонларига кирган шеърларини ҳам тўплаб «Ҳазойин ул-маоний» («Маънолар хазинаси») номли йирик куллиёт яратади. Куллиёт тўрт девонни ўз ичига олганлиги учун, «Чор девон» деб ҳам юритилади. Куллиётнинг Санкт-Петербург (1498 – 1499, инв. Хаников-55; 1592-1596, инв. Дорн-558), Истанбул (1495 – 1497, хаттот Дарвеш Муҳаммад Тоқий кўчирган, инв. №808), Париж (1525 – 1527, котиб ал-Ҳижроний кўчирган, инв. №316 – 317) нусхалари мавжуд бўлиб, улар асосида профессор Ҳ.Сулаймонов куллиётнинг илмий-танқидий матнини яратди (1959 – 1960). Мазкур матн МАТнинг 3 – 6-жилдларини ташкил этувчи девонлар учун асос бўлган.

Алишер Навоий тўрт девоннинг ҳар бирига инсон умрининг фаслларига мослаб ном берди. Шу маънода 7 – 8 ёшдан 20 ёшгача бўлган даврни инсон умрининг баҳори деб атади ва куллиётнинг биринчи девонини «Ғаройиб ус-сиғар» («Болалик ғаройиботлари») деб номлади. 20 ёшдан 35 ёшгача бўлган даврни инсон умрининг ёзи деб белгилади ва «Наводир уш-шабоб» («Йигитлик нодирликлари») деб атади. 35 – 45 ёшни умрнинг кузига қиёс этди ва «Бадоеъ ул-васат» («Ўрта ёш гўзалликлари») деб номлади. 45 – 60 ёшини умрининг қишига ўхшатиб, «Фавойид ул-кибар» («Кексалик фойдалари») деб атади. Ҳар бир девонга 650 тадан ғазал киритди, шунга мувофиқ бошқа шеърлий жанрларга ҳам жой ажратди.

Олим Ҳ.Сулаймоновнинг изланишлари шуни кўрсатадики, Навоий «Ҳазойин ул-маоний» куллиётини тузиш устида бир неча йил тинимсиз меҳнат қилган ва 1498 йилдагина уни ҳозирги ҳолатда тугал тарзда яқунлаган. Навоий куллиёт девонларини ўзаро ички мустаҳкам боғлиқ ҳолда ва қатъий мутаносибликда тузадики, уларга кейинчалик бирорта ғазал киритиш ёки девонлар таркибидан тушириб қолдириш, ҳатто ички ўрнини алмаштириш ҳам мумкин бўлмаган.

«Ҳазойин ул-маоний» куллиётининг ички тузилиши жаҳатидан ниҳоятда мустаҳкам тарзда тартиб берилганлигини шундан тасаввур қилиш мумкинки, Алишер Навоий ундаги тўрт девоннинг ҳар бирига тенг миқдорда 650 тадан ғазал жойлаштиргангина

эмас, балки шу ғазалларнинг қофияланишига кўра ҳам ҳар бир девонда ўзаро тенг ва қатъий мутаносиб бўлишига жиддий аҳамият берган. Яъни «алиф» ҳарфи билан тугалланувчи қофия ва радифли ғазаллар тўртала девонда ҳам 39 тадан, «бе» ҳарфи билан тугалланувчи қофия ва радифли ғазаллар 27 тадан ва ҳ.к. тенг тарзда учрайди.

Ёки яна бир мисол. «Хазойин ул-маоний» куллиётида ҳаммаси бўлиб «Анго» радифли 12 ғазал мавжуд. Бу ғазаллар тўртала девонга учтадан тенг тарзда тақсимланган. Шунингдек, улар ҳар бир девонда бир ўринда, яъни 8-, 9-, 10-ўринларда жойлаштирилган. Буларнинг барчаси куллиётнинг ниҳоятда мустаҳкам тартибда ўзаро мутаносиб ҳолатда тузилганлигини кўрсатади.

Алишер Навоий «Хазойин ул-маоний» куллиёти такмилини 1498 йилда тугатгандан сўнг бу санадан кейинги йилларда ҳам юксак ижодий суръат билан ишлашда давом этган. Шоирнинг ўзи куллиёт дебочасида гувоҳлик беришича, бир кунда бир-икки, баъзан уч-тўрт ғазал ёзган пайтлари ҳам бўлган:

*Кун бор эдики бир ғазалу икки ғазал,  
Бал уч ғазалу тўрт ғазал баъзи маҳал...*

Навоийшунос А.Абдуғафуровнинг ёзишича, Навоий ҳаётининг сўнги йилларида ҳам ана шундай катта илҳом ва жиддий суръат билан баракали қалам тебратган ҳамда кейинги икки йилдан ортиқ вақт давомида кўплаб ғазал, қитъа, рубоий, мухаммас ва бошқа лирик жанрларда асарлар яратган.<sup>12</sup> Олим бу лирик шеърлар ўрин олган бир неча манбаларни келтиради:

1. «Муҳокамат ул-луғатайн»да шоир ўзбек адабиёти ҳамда жонли сўзлашув тилининг бойлигини кўрсатиш мақсадида кўплаб сўз ва ибораларнинг ёзма адабиётда ишлатилишига мисол тариқасида ўз шеъриятидан байтлар келтиради. Келтирилган байт-

<sup>12</sup> Адабиётшунос Ф.Сулаймонова Алишер Навоийнинг «Хазойин ул-маоний» куллиётига кирмаган шеърларини тўплаб «Айёми висол ўлди яна» номи билан нашр эттирди. Мазкур тўпламга Алишер Навоийнинг 61 ғазали, 2 рубоийси, 7 қитъаси ва 4 фарди киритилган. МАТнинг 20-жилдига илова тарзида киритилган қисмда Алишер Навоийнинг ушбу шеърларидан ташқари Ҳусайний ғазалига тахмиси ва турли манбаларда учрайдиган шеърый парча ҳамда байтлари келтирилган.

ларнинг аксарияти тахаллус билан якунланувчи мақтаъ эканлиги ҳазрат Навоийнинг мазкур ғазали тугал ҳолда мавжуд булганлигини кўрсатади.

2. Баъзи тазкиралар, хусусан, Ҳасанхожа Нисорийнинг «Музакири аҳбоб» тазкирасида келтирилган мақтаъ байт Навоий девонларининг ҳеч бирида учрамайди.

3. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Рисолаи аруз» асарида Навоий ижодидан рамал баҳри учун мисол тариқасида келтирилган қирқ олти ғазал матлаъларининг биттаси куллиёт таркибига кирмаганлигининг гувоҳи бўламиз.

4. Алишер Навоий асарларига XV – XVIII асрларда тузилган луғатлар, хусусан, «Бадоеъ ул-луғат», «Абушқа», «Санглоҳ» луғатларида кўплаб сўзларнинг изоҳи учун келтирилган айрим мисол байтлар ҳам «Ҳазойин ул-маоний»да учрамайди.

5. Алишер Навоий ғазалларига битилган кўплаб тахмислар таркибидаги шоир қаламига мансуб байтлар ажратиб олинганда уларнинг баъзилари «Ҳазойин ул-маоний» куллиётида мавжуд эмаслиги маълум бўлади.<sup>13</sup>

Буларнинг барчаси Алишер Навоий умрининг сўнги йилларида ҳам ижод қилишдан бир лаҳза тухтамаганлигини кўрсатади.

Алишер Навоий форсий тилда битган шеърларини ҳам йиғиб «Девони Фоний» номли тўплам тузди. Бизгача девоннинг бир неча қўлёзма нусхалари етиб келган. Булардан 2 таси Париж (инв. №285, 1345), 2 таси Туркия (инв. №3850, 1952) ва бир нусха Техрон (инв. №15002) кутубхоналарида сақланади. Бу нусхалар орасида Париждаги 285- рақамли қўлёзма нисбатан мукамал ҳисобланади.<sup>14</sup> Академик Б.Валихужаев «Девони Фоний» нусхаларини ўрганиб чиқиб, улардаги шеърини жанрлар миқдорини қуйидагича деб кўрсатади: 10 қасида, 554 ғазал, 1 мусаддас, 1 марсия, 72 қитъа, 73 рубоий, 16 таърих, 373 муаммо, 9 луғз. Олим уларнинг миқдорини 1109 та деб белгилаб, умумий ҳажми 6179 байт эканлигини таъкидлайди.

<sup>13</sup> Адабиётшунос олим А.Эркиновнинг таъкидлашича, Алишер Навоийнинг мухлислари томонидан тузилган «Оққуюнлилар девони» таркибида ҳам «Ҳазойин ул-маоний» куллиётига кирмаган 2 ғазал мавжуд.

<sup>14</sup> Профессор Ҳ.Сулаймон «Девони Фоний» нусхаларини ўрганиш асосида шундай хулосага келган.

Кўринганидек, Алишер Навоийнинг барча шеърий мероси 9 девонда жам бўлган, уларнинг иккитаси ихлосмандлари томонидан тузилганлиги Навоий шеърларига ҳамма даврларда, хусусан, ўз даврида ҳам юқори даражада эҳтиёж бўлганлигидан дарак беради.

### Таянч тушунчалар

- *дебоча*
- *девон тартиб бериш шартлари*
- *Навоий дастхати*
- *настаълиқ хати*
- *расмий девон*
- *куллиёт*
- *тўрт девон*
- *лирик жанр*
- *жанрий хусусиятлар*

### Савол ва топшириқлар:

1. Шоир сифатида анча танилиб қолган бўлса-да, Алишер Навоий йигитлик даврида нима учун девон тартиб беришга рағбат кўрсатмаган деб ўйлайсиз?

2. Алишер Навоийгача ва Алишер Навоийдан кейин мухлислари томонидан девони тузилган яна қайси шоирни биласиз?

3. Алишер Навоийнинг мухлислари тузган девонлари ҳақида айтиб беринг

4. Алишер Навоийнинг мукамал шеърий девон учун қўйган талабларини шарҳлаб беринг.

5. «Хазойин ул-маоний» куллиётининг яратилиш тарихи ҳақида нималарни биласиз?

6. «Хазойин ул-маоний»даги шеърларнинг аниқ математик тартибда жойлаштирилганлигидан қандай хулосага келиш мумкин?

7. Мазкур куллиётнинг ўзбек шеърияти тараққиётига кўрсатган ижобий таъсири ҳақида қандай тасаввурга эгасиз?

**Адабиётлар:**

1. Навоий Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан, 1987 – 1988. 1 – 2-жилдлар.
2. Навоий Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан, 1988 – 1990. 3 – 6-жилдлар.
3. Навоий Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан, 2003. 20-жилд.
4. Навоий Алишер. Айёми висол ўлди яна: Янги топилган ғазаллар / Нашрга тайёрловчи Ф. Сулаймонова. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1995.
5. Навоий Алишер. Хазойинул маоний / Илмий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳ. Сулаймонов. 4 жилдлик. 1 – 4-жилдлар. – Тошкент: Фан, 1959 – 1960.
6. Исҳоқов Ё. Алишер Навоийнинг илк лирикаси: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1963.
7. Абдуғафуров А. «Хазойин ул-маоний»дан четда қолган ғазаллар // Навоийнинг ижод олами (мақолалар тўплами). – Тошкент: Фан, 2001.
8. Эркинов А. Навоийнинг мухлислари томонидан тузилган яна бир девони // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: Фан, 2012. – №1.
9. Ўзбек адабиёти тарихи. Беш жилдлик. 2-жилд (XV асрнинг иккинчи ярми). – Тошкент: Фан, 1977.



## «ХАЗОЙИН УЛ-МАОНИЙ» КУЛЛИЁТИДАГИ ЛИРИК ЖАНРЛАР ТАВСИФИ

### РЕЖА:

1. Ғазал ва мустазод жанрларига тавсиф.
2. Мусамматларнинг ғоявий-бадиий хусусиятлари.
3. Таркиббанд, таржиъбанд ва маснавий жанрлари.
4. Қасида ва соқийнома жанрларининг ғоявий-бадиий хусусиятлари.
5. Куллиётдаги кичик лирик жанрлар.

«Хазойин ул-маоний» куллиёти туркий шеърятнинг гултожи бўлиб, жами 16 лирик жанрни ўз ичига олади. Мазкур шеъринг жанрлар ҳар бир девонга муайян тартиб билан жойлаштирилган ва бу жанрларга оид шеърларнинг умумий сони 3132 га тенг. «Хазойин ул-маоний» куллиёти таркибига кирувчи девонларнинг жанр хусусиятларини кузатадиган бўлсак, улар орасида ўзаро мутаносиблик борлигини кўрамиз. Хусусан, «Ғаройиб ус-сиғар» ва «Наводир уш-шабоб» девонларига 8 тадан, «Бадоеъ ул-васат» ва «Фавойид ул-кибар» девонларига 9 тадан жанр киритилган ва девонларнинг ҳажми ҳам бир-биридан унчалик фарқ қилмайди: «Ғаройиб ус-сиғар»да 840 та шеър (5718,5 байт), «Наводир уш-шабоб» девонида 759 та шеър (5423,5 байт), «Бадоеъ ул-васат»да 740 та шеър (5420 байт) ва «Фавойид ул-кибар»да 793 та шеър (5888,5 байт) мавжуд. Бу жанрлардан ғазал, мустазод, мусаддас, таржиъбанд барча девонларга ўзаро тенг нисбатда жойлаштирилган. Мазкур жанрларнинг куллиётдаги тартиби ва ўзаро нисбатини Ҳ.Сулаймонов тузган куйидаги жадвалда кўриш мумкин:

№	Навоий фойдаланган лирик жанрлар	«Ғаройиб ус-сиғар» девонида	«Наводир уш-шабоб» девонида	«Бадоеъ ул-васат» девонида	«Фавойид ул-кибар» девонида	Жами тўрт девонда
1	Ғазал	650 та (4975 байт)	650 та (4998 байт)	650 та (5001 байт)	650 та (5029 та)	2600 та (20003 байт)
2	Мустазод	1 та (7 байт)	1 та (7 байт)	1 та (7 байт)	1 та (7 байт)	4 та (28 байт)

3	Мухаммас	3 та (57,5 байт)	3 та (52,5 байт)	2 та (30 байт)	2 та (37,5 байт)	10 та (177,5 байт)
4	Мусаддас	1 та (27 байт)	1 та (27 байт)	2 та (42 байт)	1 та (21 байт)	5 та (117 байт)
5	Мусамман				1 та (28 байт)	1 та (28 байт)
6	Таржиббанд	1 та (100 байт)	1 та (103 байт)	1 та (56 байт)	1 та (110 байт)	4 та (369 байт)
7	Таркиббанд		1 та (56 байт)			1 та (56 байт)
8	Маснавий	1 та (148 байт)				1 та (148 байт)
9	Қасида			1 та (91 байт)		1 та (91 байт)
10	Соқийнома				1 та (458 байт)	1 та (458 байт)
11	Қитъа	50 та (138 байт)	50 та (126 байт)	60 та (127 байт)	50 та (112 байт)	210 та (503 байт)
12	Рубоий	133 та (266 байт)				133 та (266 байт)
13	Муаммо		52 та (54 байт)			52 та (54 байт)
14	Луғз			10 та (40 байт)		10 та (40 байт)
15	Туюқ			13 та (26 байт)		13 та (26 байт)
16	Фард				86 та (86 байт)	86 та (86 байт)
Жами		840 та (5718,5 б.)	759 та (5423,5 б.)	740 та (5420 б.)	793 та (5888.5 б.)	3132 та (22450,5 б.)

«Хазойин ул-маоний» куллиётида энг кўп қўлланган жанр, шубҳасиз, **ғазалдир**. Маълумки, ғазал арабча «ошиқона сўз», «ишқ изҳор қилиш» маъноларини билдириб, *а-а, б-а, в-а, г-а...* тарзида қофияланувчи, 3 байтдан 19 байтгача ҳажмда бўлган байт-ли шеър шаклидир. Ўзбек адабиётида 5 – 10 байтли ғазаллар кўп учрайди. Навоий ғазаллари эса, асосан, 7 байтдан 13 байтгача ҳажмда бўлиб, бу ҳақда шоирнинг узи «Бадоеъ ул-васат» девони-га киритилган қитъасида шундай маълумот беради:

*Навоий шеъри тўққуз байту ўн бир байт, ўн уч байт  
Ки, лавҳ узра қалам зийнат берур ул дурри макнундин.  
Буким, албатта, етти байтдин ўксук эмас, яъни  
Таназул айлай олмас рутба ичра етти гардундин.*

Профессор Ҳамид Сулаймонов Алишер Навоийнинг «Ҳазойин ул-маоний» куллиётидаги ғазаллар ҳажмини қуйидаги жадвалда акс эттирган:

Байтлар сони	«Ғаройиб ус-сигар» девонида	«Наводир уш-шабоб» девонида	«Бадоеъ ул-васат» девонида	«Ғавойид ул-кибар» девонида	Ҳаммаси
5	2	-	-	-	2
6	1	3	1	-	5
7	434	446	437	430	1747
8	30	8	8	12	58
9	163	162	187	183	695
10	8	7	1	3	19
11	11	23	14	20	69
12	-	-	1	-	1
13	1	1	1	2	5
	650	650	650	650	2600

Ғазалнинг биринчи байти матлаъ ёки мабдаъ, охири байти эса мақтаъ деб аталади ва мақтаъда шоир тахаллуси қўлланилади. Агар иккинчи байт ҳам матлаъ сингари қофияланса, яъни ғазал қўш матлаъга эга бўлса, «ҳусни матлаъ» ёки «зеби матлаъ»ли ғазал деб аталади.

Ғазалнинг дастлабки намуналари VIII – IX асрларда араб адабиётида пайдо бўлган, форс-тожик адабиётида илк ғазал ёзган шоир сифатида Рудакий тилга олинади. Ўзбек адабиётида эса дастлабки ғазал Рабғузийнинг «Қисаси Рабғузий» асарида (XIV аср) учрайди. Ғазалнинг дostonлар таркибида учраши илк бор Хоразмийнинг «Муҳаббатнома»сидан (1353 – 1354) бошланади.

Алишер Навоий ўзининг қитъаларидан бирида ғазалдаги устозлари сифатида форс-тожик шоирлари Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий ва Хофиз Шерозийни келтириб ўтади.

Навоий ғазалларини мавзусига кура шартли равишда қуйидагича тасниф қилиш мумкин:

1. Ишқий мавзудаги ғазаллар.
2. Тасаввуфий-фалсафий мавзудаги ғазаллар.
3. Ижтимоий мавзудаги ғазаллар.
4. Табиат тасвири акс этган ғазаллар.
5. Ҳажвий мавзудаги ғазаллар.

Аслида, бу тасниф нисбий бўлиб, баъзан Алишер Навоийнинг ишқий мавзудаги ғазаллари таркибида (купинча бегона байтда) ижтимоий масалалар билан боғлиқ байтлар. табиат тасвири акс этган ғазалларида ёр тасвири ва ҳ.к. мазмунидаги байтларни кузатиш мумкин.

Ҳазрат Навоий ғазалиётида ишқ мавзуси асосий ўринни эгаллайди. Бу мавзу, умуман, мусулмон Шарқи шеърлятида ҳам етакчи ўринда бўлиб, Алишер Навоий унга ижодининг деярли барча босқичларида муружаат қилган:

*Эй Навоий, ишқ атворини ҳифз айлай деган  
Барча ишни тарк этиб, қилсун бизинг девонни ҳифз.*

Алишер Навоий «Маҳбуб ул-улуб»да ишқни 3 даражага ажратди:

- 1) авом ишқи;
- 2) хослар ишқи (мажозий ишқ);
- 3) сиддиқлар ишқи (ҳақиқий ишқ).

Алишер Навоий ижодида мажозий ишқ ҳақиқий ишққа қарама-қарши қўйилмайди, балки мажозий ишқ ҳақиқий ишқ учун кўприк деган гоё илгари сурилади:

*Мажоздин манга мақсуд эрур ҳақиқий ишқ.  
Нединки аҳли ҳақиқатқа бу тариқат эрур.  
Мажоздин чу ҳақиқатқа йўл топар ошиқ,  
Қилур мажозни нафйи улки, беҳақиқат эрур  
(«Фавоийд ул-кибар», 5-қитъа).*

Алишер Навоийнинг ишқий мавзудаги ғазалларидан бирини кўриб чиқсак:

*Тун оқшом бўлди-ю, келмас менинг шамъи шабистоним,  
Бу андуҳ ўтидин ҳар дам куяр парвонадек жоним.*

*Не ғам кўргузса кўксум порасин чоки гирибоним,  
Кўрунмас бўлса кўксум ёрасидин доғи пинҳоним.*

*Ғамидин дурри макнундек, сирешким оқти Жайхундек,  
Музейян қилди гардундек жаҳонни ашки ғалтоним.*

*Фалак ҳам тўлди кавкабдин, қуёш ҳам тушти ашҳабдин,  
Келиб тушмас бу маркабдин менинг хуршиди рахшоним.*

*Жаҳонни зулмат этти чаҳ, бу зулмат ичра ўлғум, ваҳ,  
Манга бўлсанг не Хизри раҳ. етиб, эй оби ҳайвоним.*

*Дема кўктин қуёш кетмиш, фалакка тийралик етмиш,  
Ул ой ҳажрида тор этмиш фалакни дуди афғоним.*

*Навоий киби ҳижрондин, бу оқшом ўлдум афғондин,  
Ғамим йўқ бўйла юз жондин, етиб гар келса жононим*

Ғазал 7 байтдан иборат бўлиб, «Ғаройиб ус-сиғар» девонидан ўрин олган. Қофияланиш тизимига кўра қўш матлаъли, яъни *ғазали хусни матлаъ*. Шунингдек, ғазалнинг ритмик таъсирчанлигини оширадиган яна бир ҳодиса унинг *мусажжаъ* (ички қофия) санъати асосида яратилганлигидир. Бу санъатга кўра, матлаъдан кейинги байтлар тўрт бўлакка ажратилиб, дастлабки уч бўлак ўзаро мустақил тарзда қофияланади, тўртинчи бўлак эса асосий қофияга оҳангдош бўлади.

Ғазалда ошиқнинг ҳижрону айрилиқ дамларида чеккан соғинч изтироблари, дардли кечинмалари тасвирланган бўлиб, бу тасвирнинг фалак, яъни осмон ҳодисалари билан уйғун тарзда баён қилинганлигини кўрамиз. Ғазал тун – оқшом бошланса ҳам, ёр, яъни ушбу тунни ёритувчи шам келмаганлиги, бу қайғу оташидан ошиқнинг жони парвонадай куйиши тасвири билан бошланади. Байтда қўлланилган *таносуб* (тун, оқшом, шабистон, шам, парвона), *ташбеҳ*, *тавзеъ* (оқшом, шам, шабистон) каби санъатлар матлаъдаёқ ғазалнинг таъсирчан чиқишига замин ҳозирлаган.

Кейинги байтларда ушбу тасвир янада кучайтирилади.

**Иккинчи байт:**

Агар кўксимнинг ярасидан яширин ғамим кўринмаса, не ғам?! Чўнки кўксимнинг пора булганлигини либосим ёкасидаги чок кўрсатиб турибди.

*Хусни таълил* (чиройли далиллаш) ва *ташбеҳ* санъатларининг уйғунлиги байтнинг таъсирчанлигини оширган.

**Учинчи байт:**

Ёримнинг ғамидан яширин дўрдек кўз ёшим Жайхун дарёсидек окди, бу кўз ёшимнинг дона-дона томчилари жаҳонни ҳудди юлдўзли осмондек безади.

Айни шу байтдан бошлаб *мусажжаъ* санъати (макнундек, Жайхундек, гардундек) оҳангдорликни кучайтиради ва бу оҳангдорлик ғазал охиригача давом этади.

**Тўртинчи байт:**

Осмон юлдўзлар билан тўлди, кўёш ҳам ўз отидан тўшди, яъни ботди, лекин менинг кўёшим, яъни ёрим Рахш отидан тўшиб, хузуримга келмайдими?

Байтда Алишер Навоий бадий маҳорати ва сўз бойлигининг яна бир намоишига гувоҳ бўламиз: офтоб тушунчаси 3 хил сўз воситасида: кўёш, хуршид, рахшон ва от тушунчаси ашҳаб ва маркаб сўзлари воситасида ифодалаб берилипти.

**Бешинчи байт:**

Зулмат жаҳонни кўдўкка айлантирди, энди бу зулмат ичида ўлмоғим тайиндир. Қанийди менинг оби хайвон (тириклик суви)дек ёрим етиб келиб, Хизр каби йўлбошчи бўлиб, мени кўтқарса.

Маълумки, мумтоз адабиётда Хизр оби ҳаётни ичган тимсол сифатида келиб, байтда бу номнинг қўлланилиши *талмеҳ* санъатини вужудга келтиряпти.

**Олтинчи байт:**

Осмондан кўёш кетди, атроф коронғиликка чўмди деб ўйлама, Аслида, бу менинг ойдек ёрим хажридан чеккан фиғонларим тўтунидир.

Байтда *истиора* ва *муболаға* санъатларининг бетакрор намуналарига гувоҳ бўламиз.

**Еттинчи байт:**

Ёрим ғамида менинг бу пинҳон ёнишимдан кўёш қочиб, юзини яширди: шафақ оташга тўшиб кўйди, осмоннинг юзига эса доғлар тўшди.

Байтда *хусни таълил* санъати ва *таносуб* санъатлари қўлланилган.

Ҳазал ёр висолига илинж ва умидворлик туйғулари билан яқунланади:

Айрилик изтироблари ичида Навоий каби бу окшом фиғон чекиб ўлмоқдаман. лекин менга жон кайғуси бегона. фақат жоним етиб келса бўлгани.

Байтда «жон» ва «жонон» сузлари воситасида вужудга келтирилган *иштиқоқ* санъати байтнинг писоний жозибасини оширган.

Ҳазал аруз тизимининг сокин ва ҳазин оҳангга эга вазнларидан бири бўлган *ҳазажи мусаммани солим* (рукнлари ва тақтиъи: мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун V --- / V --- / V --- / V ---) вазнида яратилган. Бу бежиз эмас, чунки мусажжаъ ғазал шартлари (байтларнинг ўзаро тенг турт бўлакка бўлиниши) шуни тақозо этади.

«Ҳазойин ул-маоний» куллиётига ғазалдан кейин тартиб бўйича **мустанзод** жанри киритилган бўлиб, куллиётда мустанзодлар сони тўртта, яъни ҳар бир девонга тенг тарзда жойлаштирилган. Мустанзод арабча «орттирилган», «зиёда қилинган» маъноларини билдириб, ҳар мисраси 1,5 қатордан иборат шеър шаклидир. Мустанзод учун ғазал асос – замин вазифасини ўтайди. Иккала жанрнинг қофияланиш тизими, байтлар сони, матлаъ ва мақтаъ, тахаллуснинг мавжудлиги бу фикрни исботлайди. Лекин ғазал аруз тизимининг барча баҳрларида яратилгани ҳолда мустанзод фақат ҳазаж баҳрининг *ҳазажи мусаммани аҳраби макфуфи маҳзуфи мустанзод* (рукнлари ва тақтиъи: мафъулу мафойилу мафойилу фаувлун мафъулу фаувлун -- V / V -- V / V -- V / V -- / -- V / V --) вазнида ёзилади.

Туркий адабиётда Алишер Навоийгача мустанзод жанри Ҳофиз Хоразмий ижодида учрайди. Унинг девонида ҳар бири 7 байтдан иборат иккита мустанзод мавжуд.

Алишер Навоий «Мезон ул-авзон» асарида мустанзод жанрига алоҳида таъриф бериб, унинг оҳанги суруд нағамоти (қуй оҳанги)га мос келишини айтади: «...*халқ орасида бир суруд бор экандурким, ҳазажи мусаммани аҳраби макфуфи маҳзуф вазнида анга байт бошлаб битиб, анинг мисраидин сўнгра ҳамул баҳрнинг икки рукни била адо қилиб, суруд нағамотиға рост келтурурлар эрмиш ва ани «мустанзод» дерлар эрмиш...*»

Навоийнинг ўз даврида ниҳоятда машҳур бўлган мустазодларидан бири «Наводир уш-шабоб» девонига киритилган бўлиб, шундай бошланади:

*Дин офати бир муғбачаи моҳилиқодур,  
майхораву бебок  
Ким, ишқидин онинг ватаним дайри фанодур,  
сармасту яқом чок.  
Ҳам туррасининг дуду вараъ белига зуннор,  
мен кофири ишқи  
Ҳам юзи мажус ўти киби шуълафизодур,  
мен ўртанибон пок...*

Алишер Навоийнинг замондоши тарихчи Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоеъ» асарида келтирилишича, бу мустазодга ўз даврининг машҳур бастакори Хожа Абдулло Марворид куй басталаган. Қўшиқ шунчалик шуҳрат қозонганки, Ҳиротда бу қўшиқни тингламайдиган хонадон бўлмаган. Ҳатто бир базмда мустазоднинг «сармасту яқом чок» сатри куйланаётганда, мажлис аҳли ўз ёқаларини йиртганлар ва бу ҳолни бир тасодиф туфайли туйнукдан қараётган ҳазрат Навоийнинг ўзи ҳам кўрган. Алишер Навоий кейинчалик «Ҳайрат ул-аброр»да бу ҳодисани шундай тасвирлайди:

*Базмда ул лаҳза алопони кўр,  
Кўйи харобот аро ғавғони кўр.  
Кўрки, нечукдур яқо чок айламак,  
Ўзни фиғон бирла ҳалок айламак.*

Куллиётдаги учинчи жанр **мухаммас** бўлиб, «Ҳазойин ул-маоний»да мухаммасларнинг сони 10 та. Мухаммас арабча «бешлик» маъносини билдириб, ҳар банди 5 мисрадан иборат шеър ҳисобланади ва *а-а-а-а-а*, *б-б-б-б-а*, *в-в-в-в-а* тарзида қофияланади. Мухаммас мусаммат (бандли шеър)нинг бир тури бўлиб, яратилиш хусусиятига кўра икки хил:

- 1) *табъи худ* (мустақил);
- 2) *тахмис* (ғазални бешлантриш асосида яратилган).

Табъи худ мухаммасда шоир ўзга шоир шеърини асос қилиб олмасдан, ўзи мустақил равишда бешлик яратади. Тахмисда эса



муаллиф ўзга шоир ёки баъзида (жуда кам ҳолларда) ўз ғазалини асос – замин қилиб олиб, шу мавзуни давом эттиргани ҳолда, вазн, қофия ва радифни сақлаб қолиб бешлик яратади. Бунда асос қилиб олинган ғазалдаги ҳар байтнинг юқори қисмига уч мисра қўшилади. Мақтаъ бандда тахмис боғлаётган шоирнинг тахаллуси ҳам келтирилади.

Қизиғи шундаки. Алишер Навоийнинг «Хазойин ул-маоний»га киритилган 10 та мухаммасидан 3 таси «малик ул-калом» Лутфийга, қолган 7 таси эса узининг машҳур ғазалларига битилган тахмисдир. Мумтоз адабиётимиз тарихида ижодкорнинг ўз ғазалига тахмис битиш ҳодисаси жуда кам учрайди. Навоий тахмислари эса шоирнинг ўз ғазалларини бешлантириш асосида вужудга келганлигини кўриш мумкин. Демак, айтиш мумкинки, ҳазрат Навоий муайян мавзуга доир ғазал ёзар экан, орадан вақт ўтиб шу мавзуга қайтишга эҳтиёж сезган ва шу тариқа ўз ғазалларини мухаммас ҳолига келтирган бўлиши мумкин. Мазкур ҳолатни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:

Лутфийга тахмиснинг 1-мисраси ва у киритилган девон	Ўз ғазалларига тахмис	
	Мухаммаснинг 1-мисраси ва у киритилган девон	Мухаммасга асос бўлган ғазалнинг 1-мисраси ва у киритилган девон
Ҳалқайи зулфунда кўнглум бўлғали ғам махрами («Ғаройиб ус-сиғар», 1-мухаммас)	Оҳким, волиҳ мен ул сарви хиромондин жудо («Наводир уш-шабоб», 2-мухаммас)	Не наво соз айлағай булбул гулистондин жудо («Ғаройиб ус-сиғар», 38-ғазал)
Маснади ҳусн узра токим кўрмишам ул шохни («Наводир уш-шабоб», 1-мухаммас)	Булмағай эрди жамолинг мунча зебо кошки («Наводир уш-шабоб», 3-мухаммас)	Очмағай эрдинг жамоли олам оро кошки («Наводир уш-шабоб», 625-ғазал)
Шарбати юҳйил изом эрни майи нобиндадур («Бадоеъ ул-васат», 1-мухаммас)	Неча. эй ой, мендин айру айлағай даврон сени («Бадоеъ ул-васат», 2-мухаммас)	Келгил, эй ороми жонимким, тилайдур жон сени («Фавойид ул-қибар», 618-ғазал)
	Оҳким, тарки муҳаббат қилди жонон оқибат («Ғаройиб ус-сиғар», 2-мухаммас)	Ёшурун дардимни зоҳир қилди афғон оқибат («Наводир уш-шабоб», 72-ғазал)

	Жилва қилди даҳр аро кўп ҳусни беҳамто йигит («Фавойид ул-кибар», 1-мухаммас)	Кўнглум олди бир парийпайкар малак- сиймо йигит («Ғаройиб ус-сиғар», 80-ғазал)
	Ишқ утидин жисми зори нотавоним ўртадинг («Ғаройиб ус-сиғар», 3-мухаммас)	Ваҳки, ўтлуқ чеҳра очиб хонумоним ўртадинг («Наводир уш-шабоб», 354-ғазал)
	Кургузуб юз, кўнглума юз минг жафому қилмадинг («Фавойид ул-кибар», 2-мухаммас)	Ишқ ўтидин қисматим дарду балому қилмадинг («Бадоеъ ул-васат», 356-ғазал)

«Хазойин ул-маоний»га мусаддас («олтилик») жанри ҳам киритилган бўлиб, куллиётдан 5 та мусаддас урин олган. Мусаддас ҳам мухаммас сингари икки турга бўлинади:

1) *табъи худ* (мустақил):

2) *тасдис* (ғазални олтилантириш асосида яратилган).

Куллиётдаги 5 та мусаддасдан 2 таси Лутфийга, биттаси Ҳусайнийга тасдис бўлса, биттаси шоирнинг ўз ғазалига тасдис ва биттаси шоирнинг ўз табъидан яратилган мусаддасдир.

Бу ҳодисани ҳам жадвалда кузатиш аниқроқ тасаввур беради:

Табъи худ мусаддас	Лутфийга тасдис	Ҳусайнийга тасдис	Ўз ғазалларига тасдис	
			Тасдисга асос бўлган ғазал	Тасдис
«Даҳр аро чун қай-ғусиз йўқ ҳеч ишрат, эй рафиқ» («Наводир уш-шабоб», 1-мусаддас)	«Жоним ўр-тарга ул ўтлуқ чеҳра гулзо-ри Халил» («Бадоеъ ул-васат», 1-мусаддас)	«Ишқ зор этти халойиқ ибтилоси-дин мени» («Бадоеъ ул-васат», 2-мусаддас)	«Субҳидам махмурлуқтин тортибон дарди саре» («Ғаройиб ус-сиғар», 1-мусаддас)	«Ваҳки, диним кишварин торож қилди кофире» («Наводир уш-шабоб», 580-ғазал)
	«Зулфу сий-мин жисминг афъи ганжи Қорун устина» («Фавойид ул-кибар», 1-мусаддас)			

Навбатдаги жанр **мусамман** деб аталади, «саккизлик» маъноси билдиради. Алишер Навоийгача туркий шеърятда мусамман жанри учрамайди. Куллиётда битта мусамман бўлиб, у «Фавойид ул-кибар» девонига киритилган. Мусамман *а-а-а-а-а-а-а, б-б-б-б-б-б-а, в-в-в-в-в-в-а* тарзида қофияланиб, 7 банддан – жами 56 мисрадан иборат. Шеър мураддаф (радифли) бўлиб, «эй кўнгул» жумласи радиф бўлиб келган. Мусамман ишқий мавзуда: ошиқнинг ёр озоридан шикоят қилиб, кўнгилга мурожаати тарзида яратилган. Мусамман куйидаги банд билан бошланади:

*Ҳар тараф азм айлаб ул шўхи ситамгор, эй кўнгул,  
Тиғи ҳажридин неча бўлғайбиз афгор, эй кўнгул,  
Чун сафар айлаб эди бир қатла дилдор, эй кўнгул,  
Дарди ҳажрига бўлуб эрдук гирифтор, эй кўнгул,  
Бўйлаким, таъриф этиб ғурбатни бисёр, эй кўнгул,  
Шаҳру кишвардин малопат айлаб изҳор, эй кўнгул,  
Англадинг ё йўқмуқим, айлар сафар ёр, эй кўнгул,  
Ваҳки, бўлдуқ яна ҳажри илғидин зор, эй кўнгул...*

«Ҳазойин ул-маоний»да **таржиъбанд** жанри ҳам алоҳида ўрин тутлади. Маълумки, таржиъбанд арабча «такрорлаб боғламоқ» маъносини билдиради. Адабий истилоҳ сифатида эса бир неча банддан иборат бўлиб, ғазал сингари қофияланадиган, биринчи банднинг мақтаъси қолган бандларнинг сўнггида ҳам такрорланадиган шеър турини англатади. Бунда мақтаъ мисралари ўзаро қофияланган бўлади.

Туркий адабиётда таржиъбанднинг илк намуналари Ҳофиз Хоразмий ижодида учрайди. Унинг девонига 3 та таржиъбанд киритилган.

«Ҳазойин ул-маоний» куллиётида 4 та таржиъбанд бўлиб, ҳар бир девонга биттадан жойлаштирилган. Таржиъбандларнинг иккитаси тасаввуфий-фалсафий, иккитаси ишқий мавзуда. Улардан «Эй қирпики нешу кўзи хунхор» деб бошланадиган таржиъбандни кўриб чиқсак. Таржиъбанд 7 банддан иборат бўлиб, ҳар бир банд 8 байтни ўз ичига олади. Унинг умумий ҳажми 56 байт – 112 мисра.

Таржиъбанд ишқий мавзуда бўлиб, куйидаги банд билан бошланади:

*Эй кирпика нешу кўзи хунхор,  
Жонимни неча қилурсен афғор.*

*Лаълинг ғамидин кўнгулда эрди,  
Ҳар қонки сирешким этти изҳор.*

*Ҳайҳотки, ҳажринг илгидиндур  
Жонимда алам, танимда озор.*

*Юзунгни кўруб мени рамида,  
Ишқ ўтиға бўлгали гирифтор.*

*Сен эрдинг мажлисим ҳарифи  
Ким, еди ҳасад сипеҳри ғаддор.*

*Юз ҳасрат ила мени айирди  
Васлингдин, аё, хужаста дийдор.*

*Эмдики фироқ аро тушубмен,  
Топқунча яна ҳариф, ё ёр.*

***Ёдингни қилай ҳарифи мажлис,  
Фикрингни этай кўнгулга мунис...***

Кўринадики, банд охиридаги байт ўзаро мустақил қофияланган мисралардан ташкил топган. Бу мисралар қолган бандлар сўнгида ҳам такрорланади. Таржиъбандда бир пайтлар ёри билан ҳамнафас, улфат бўлган, эндиликда ғаддор тақдирнинг зулми билан севгилисидан айрилган ошиқнинг руҳий кечинмалари баён қилинади. Академик А.Қаюмов ушбу таржиъбандни «Севгинома» деб атади. Таржиъбанд ҳазаж баҳрининг хушоҳанг ва ўйноқи вазналаридан бири – ҳазажи мусаддаси аҳраби мақбузи мақсур вазнида (руқнлари ва тақтиъи: мафъулу мафоилун мафойил – – V / V – V – / V – ~) ёзилган.

«Хазойин ул-маоний»да битта таркиббанд ҳам мавжуд. Таркиббанд «бириктириб боғламоқ» маъносини билдириб, қофияланиш тизими ва ҳажмига кўра таржиъбандга яқин туради. Фақат, ундан фарқли ўлароқ, таркиббандда ҳар банднинг мақтаъси ўзаро қофияланувчи ва бир-бирини такрорламайдиган мустақил байтлардан иборат бўлади. Алишер Навоийнинг таркиббанди марсия йўналишида бўлиб, устози ва дўсти Саййид Ҳасан Ардашер хотирасига бағишланган. Таркиббандда шоирнинг азиз инсонидан айрилиши туфайли вужудга келган қалб оғриқлари, дардли ҳиссиётлари, аламу изтироблари баён қилинади. Шоир, айниқса, Саййид Ҳасан Ардашер вафот этган вақтда Ҳиротдан узоқда бўлгани, у билан видолаша олмаганидан чексиз изтироб чекади. Мазкур таркиббанд «Наводир уш-шабоб» девонидан ўрин олган бўлиб, ҳажман 56 байтдан иборат.

Таркиббанд куйидаги банд билан бошланади:

*Даҳр боғики жафо шориидур ҳар чамани,  
Жуз вафо аҳлиға сончилмади анинг тикани.*

*Кимдаким доғи вафо кўрса шаҳид айламаса,  
Лоласининг не учун қонға бўялмиш кафани.*

*Поймол этмаса андинки келур меҳр иси,  
Оёғ остида недин қолди гиёҳи дамани.*

*Сафҳаи хотири пок ўлмаса барбод андин,  
Бас, не соврулмоқ эрурким кўрар анинг самани.*

*Ростлар бўлса анинг арсасида бархўрдор,  
Жаврдин, бас, нега бебарлик эрур сарви фани.*

*Гар яқин аҳлини Мансур кеби қатл этмас,  
Бас нединдур шажару сунбули дору расани.*

*В-ар камол аҳли жалойи ватан эрмас андин,  
Нега туфроғдур ул акмали даврон ватани.*

**Баҳри урфон дури Саййид Ҳасан улким афлок,  
Етти дуржи аро бир кўрмади андоқ дури пок.**

Таркиббанд рамал баҳрининг рамали мусаммани солими махбун маҳзүф вазнида (рукнлари ва тақтиби: фаилотун фаилотун фаилотун фаилун – V – – / V V – – / V V – – / V V – ) ёзилган.

«Ҳазойин ул-маоний»дан урин олган битта маснавий ҳам Саййид Ҳасан Ардашер номи билан боғлиқ. Маълумки, маснавий арабча «иккилик» маъносини билдириб, ҳар банди икки мисрадан таркиб топувчи ва а-а, б-б. в-в... тарзида қофияланувчи шеър туридир. Навоий ўзининг «Сабъаи сайёр» достонида бу жанрни алоҳида тавсифлаб, уни «васиъ» – кенг майдон деб атайди:

*Маснавийким, бурун дедим они.  
Сўзда келди васиъ майдони.*

Мумтоз адабиётимиз тарихида яратилган маснавийларни шартли равишда икки турга ажратиш мумкин:

1) *лирик маснавий* (шоирнинг лирик кечинмалари, ҳис-туйғулар ифода этиладиган шеър шакли);

2) *эпик маснавий* ёки дoston (сюжет асосига қуриладиган катта ҳажмли асар).

«Ҳазойин ул-маоний» куллиётидан урин олган маснавий лирик маснавий бўлиб, «Ғаройиб ус-сиғар» девонига киритилган. Маснавий шеърий мактуб тарзида ёзилган. Маснавийда Аллоҳ ҳамди ва пайғамбар наътидан сунг Саййид Ҳасан Ардашер шахсига таърифу таҳсинлар айтилади:

*Вафо анга пеша. сахо анга фан,  
Вафовеу сахо кони Саййид Ҳасан.*

Унда, шунингдек, сўз таърифи. шеър ва шоирлик, бадий ижод билан боғлиқ масалалар ҳам қаламга олинган.

«Ҳазойин ул-маоний» куллиётидаги навбатдаги жанр қасидадир. Қасида арабча «мақсад», «ният» маъноларини билдириб, бирор тарихий шахс ёки воқеага бағишлаб ёзиладиган катта ҳажмли шеър тури ҳисобланади. Қасидалар ҳажман 12 байтдан бир неча юз байтгача булиши мумкин.

Қасида ғазал сингари *а-а, б-а, в-а, г-а ...* тарзида қофияланади. Айрим ҳолларда маснавий сингари қофияланиши ҳам мумкин. Қасида тузилишига кўра 2 хил бўлади:

1. *Қасидаи том* (тўлиқ қасида) – бунда қасида тўрт қисмдан таркиб топади:

а) насиб – лирик кириш (табиат тасвири);

б) гуризгоҳ – насиб билан мадҳни боғловчи, 4 – 5 байтдан ташкил толувчи қисм;

в) мадҳ – асосий қисм;

г) қасд – мамдуҳ (мадҳ этилаётган шахс)га ният ва истаклар билдирилаган қисм.

2. *Қасидаи мужаррада* (чала қасида) – бунда фақат мадҳ келтирилади.

Қасидалар мавзусига кўра *васф, мадҳ, ҳажв, марсия, муножот* ва *фалсафий* турларга бўлинади. Туркий адабиётдаги илк қасида «Девону луғотит турк»да «қўнуғ» шаклида учрайди.

Алишер Навоийнинг мазкур куллиётга кирган қасидаси «Ҳилолия» бўлиб, учинчи девон – «Бадоеъ ул-васат»дан ўрин олган. Қасида тузилишига кўра тўлиқ, мавзусига кўра эса мадҳ қасида ҳисобланади. Ҳажман 91 байтдан иборат. Қасида замона ҳукмдори султон Ҳусайн Бойқаронинг Хуросон тахтига ўтириши муносабати билан ёзилган бўлиб, қуйидаги байт билан бошланади:

*Чун ниҳон қилди турунжи меҳр рахшон талъатин,  
Ошкор этти фалак бир тавқи ғабғаб ҳайъатин.*

Мазкур қасида рамал баҳрининг *рамали мусаммани маҳзуф* (рукнлари ва тақтиъи: *фоилотун фоилотун фоилотун фоилун, – V – – / – V – – / – V – – / – V –*) вазнида яратилган.

«Хазойин ул-маоний»да катта ҳажмли шеърлардан **соқийнома** ҳам учрайди. Маълумки, соқийнома соқий (май қуювчи)га мурожаат қилиб ёзилган, маснавий шаклида қофияланадиган катта ҳажмли шеър бўлиб, бир неча бандни ўз ичига олади. «Хазойин ул-маоний» куллиётида битта соқийнома мавжуд бўлиб, «Фавойид ул-кибар» девони таркибига киритилган. Алишер Навоий соқийномаси турли ҳажмдаги 32 қисм (банд)дан иборат. Жами 458 байтни ўз ичига олади. Биринчи банд ҳажман анча катта (41 байт) бўлиб, қуйидаги байт билан бошланади:

*Соқийё, тут қадаҳи шоҳона,  
Қатраси лаъл, вале якдона...*

Ушбу банд дунёнинг фонийлиги, фалакнинг бевафолиги тасвирига бағишланган. Кейинги бандлар Хусайн Бойқаро ва шаҳзодалар таърифи ҳақида. 21-бандга келиб Алишер Навоий ўзининг марҳум икки ҳабиби – Мирзобек ва Мир Дарвешни изтироб билан ёдга олади:

*Бири ҳам ёр манга, ҳам фарзанд,  
Жонга орому юракка пайванд.  
Бири ҳамсуҳбату ҳамдарду рафиқ,  
Туққанамдин доғи юз қатла шафиқ.*

22 – 23-бандларда Навоийнинг ижодкор дўсти Шайхим Суҳайлий ва у яратган қасидалар. 25-бандда Абдурахмон Жомий, 26-бандда Саййид Ҳасан Ардашер. 27-бандда Паҳлавон Муҳаммад ҳақида сўз боради. 28-банд ишқ таърифига бағишланган.<sup>15</sup> 29-банд эса вафо таърифи ҳақида бўлиб, шоир олам аҳлида вафо йўқлиги тўғрисида шундай ёзади:

*Олам аҳлида чу йўқ аҳли вафо,  
Айларам мен дағи жонимга жафо.*

30 – 31-бандлар Алишер Навоийнинг дўстлари: пири Муаммой, Хожа Камол, Мир Садр, Ёр Танбал, олим Сабзорий, Мир Атои, Фанойи, Осафий Ҳиравий, Биноий, Султонали Машҳадий, Котибийлар таърифига бағишланган, Алишер Навоий қолган дўстларини «Мажолис ун-нафоис»да зикр этиб ўтганлигини таъкидлайди:

*Ўзгасин қилмадим андин мазкур  
Ки, «Мажолис»да эрурлар мастур.*

Соқийноманинг сўнги 32-банди ҳазрат Навоийнинг соқийга мурожаат этиб, уни риндлар базмига киритишини сўраб қилган истак, илтижоси билан бошланиб, риндлар шоҳи султон Абулғозий

<sup>15</sup> Академик Азиз Қажумов ушбу бандни «Севгинома»<sup>11</sup> деб атайди.



Хусайн Бойқаро таърифи ва унга умрбоқийлик тилагини билдириш билан якунланади.

Соқийнома рамал бахрининг рамали мусаддаси солими махбуни мақтау ёки маҳзуф (рукнлари ва тақтиъи: фоилотун фаилотун фаълун ёки фаилун – V – – / V V – – / – – ёки VV –) вазнида яратилган.<sup>16</sup>

«Хазойин ул-маоний» куллиётида қитъа жанри ҳам етакчи уринни эгаллайди. Қитъа (ар. «парча», «бўлак», «қисм») 2 байтдан бир неча байтгача ҳажмда бўлган. фақат жуфт мисралари қофияланадиган (ба, ва, га...) байтли шеър шакли ҳисобланади. Туркий адабиётда қитъанинг илк намуналари Носируддин Рабғузийнинг «Қисаси Рабғузий» асарида учрайди.<sup>17</sup>

Қитъа, асосан, фалсафий, ижтимоий ва ахлоқ-одоб билан боғлиқ мавзуларда яратилган. Шунингдек, қитъа насрий асарларда маълум бир масала ҳақидаги фикр-мулоҳазаларга якун сифатида «қиссадан ҳисса» тарзида келтирилган.

Алишер Навоий қитъаларини мавзусига кўра шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1) ижтимоий ҳаёт масалалари акс этган фалсафий-ахлоқий мазмундаги қитъалар:

*Қулоқда асра гаронмоя сўзни-ю, фикр эт  
Ки, дурсиз ўлса, не бўлғусидур садаф ҳоли.  
Сўзунгни дағи кўнгул ичра асрағилким, ҳайф  
Ким. ўйла дуржни гуҳардин эткасён холий.  
Бу дуржу икки садафни тўла дур этканга,  
Зиҳе улувви гуҳар, балки гавҳари олий.*

<sup>16</sup> Аспида, рамали махбун вазни саккизта ритмик вариациядан иборат бўлиб, бу ритмик вариациялар соқийнома мисраларида ўзаро алмашилиб қўлланилган. Ритмик вариациялар таркибидаги ўзгаришлар, асосан, биринчи ва учинчи рукндаги бўғинлар сифатини узгартриш ҳисобига рўй бериб, иккинчи рукн ўзгаришсиз қолаверади. Бунда биринчи рукн фоилотун ёки фаилотун, учинчи рукн эса фаилун, фаилон, фаълун, фаълон тарзида ўзаро алмашилиб қўлланавериши мумкин.

<sup>17</sup> Адабиётшунослиқда туркий адабиётдаги илк қитъа Хоразмий «Муҳаббатнома»сида учрайди деган қараш бор. «Қисаси Рабғузий»даги шеърини парчаларнинг жанр хусусиятларини ўрганиш натижалари асарда қитъа жанрига мос келувчи шеър мавжудлигини кўрсатди.

2) муайян давр воқеа-ҳодисалари ҳамда у ёки бу гуруҳ вакиллари фаолияти ҳақидаги қитъалар:

*Фалон котиб ар хатни мундоқ ёзар,  
Бу мансабдин ани қўпармоқ керак.  
Юзин номасидек қора айлабон,  
Қаламдек бошин дағи ёрмоқ керак.*

Қитъа баъзан аа, бб, вв тарзида ҳам қофияланиши мумкин. «Хазойин ул-маоний»га киритилган 210 қитъадан 6 таси айнан шу тарзда қофияланган («Ғаройиб ус-сиғар»даги 41-қитъа; «Бадоеъ ул-васат»даги 3-, 18-, 52-қитъалар. «Фавойид ул-кибар»даги 42-, 44-қитъалар). Мумтоз адабиётимиз тарихида қитъаларнинг бундай қофияланиш ҳодисаси деярли учрамайди.

«Бадоеъ ул-васат»даги 18-қитъанинг қофияланишини кўриб чиқсак:

<i>Бийик ҳимматлик элга арзи ҳол эт</i>	<i>а</i>
<i>Замири нурпош элдин савол эт</i>	<i>а</i>
<i>Ки, бор абри баҳоре гавҳарафшон</i>	<i>б</i>
<i>Чоқин ҳам олам аҳлиға зарафшон</i>	<i>б</i>

«Хазойин ул-маоний»да **рубойӣ** жанрининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Рубойӣ (ар. «тўртлик») икки байтдан иборат мустақил шеър бўлиб, дастлаб форс-тожик шеърлятида, Абу Абдуллоҳ Рудакий ижодида пайдо бўлган.

Рубойӣнинг 2 хил тури бор:

1) **хосий рубойӣ ёки рубойӣи хоса** (қофияланиши: а-а, б-а):

*Сен борғали ортмиш кўнгул зорлиғи,  
Оҳ ўқларидин ҳар нафас афғорлиғи.  
Билман унутулганму экандур манга ҳажр,  
Ё кўпрак эрур бу қатла душворлиғи:*

2) **таронайи рубойӣ ёки рубоия** (қофияланиши: а-а, а-а):

*Оллимда табиби чорасозим ҳам йўқ,  
Ёнимда рафиқи дилнавозим ҳам йўқ.*

*Теграмда аниси жонгудозим ҳам йўқ,  
Бошимда шаҳи банданавозим ҳам йўқ*

«Хазойин ул-маоний»даги 133 та рубоийдан 116 таси таронайи рубоий ҳисобланади.

Рубоий муайян композицияга эга. Мумтоз рубоий талабларига кўра, унда тўрт унсур мавжуд бўлади. Мазкур унсурлар тўрт мисрада айтилмоқчи бўлган фалсафий, ахлоқий ёки дидактик фикрнинг маълум бир яхлитликка эришишини таъминлайди. Шу маънода тўрт мисрани қуйидаги унсурларга тақсимлаш мумкин:

1) *тезис* – унда рубоийда айтилмоқчи бўлган фикр, бошқача айтганда, рубоий мавзуси баён қилинган бўлади;

2) *антитезис* – бунда биринчи мисрага қарама-қарши фикр айтилади;

3) *моддаи рубоий* – тўртинчи мисрада айтилмоқчи бўлган фикр учун кўприк вазифасини ўтайди;

4) *синтез* – хулоса.

Лекин бу унсурларнинг доимий мавжуд бўлиш талаби нисбий бўлиб, кўпинча тезис ва антитезиснинг ўрнига фақат моддаи рубоий ва синтезнинг қўлланилганлигини кузатиш мумкин. Юқорида келтирилган рубоийда ҳам ошиқ кечинмалари, асосан, моддаи рубоий тарзида берилган.

Рубоий ўзига хос махсус вазнда ёзилади. Бу ҳазаж баҳрининг ахраб ва ахрам шажарасидир. Бу ҳақда Навоий «Мезон ул-авзон» асарида шундай ёзади:

*«Рубоий вазниким, они «дубайтий» ва «тарона» ҳам дерлар, ҳазаж баҳрининг «ахрам» ва «ахраб»идин истихрож қилибдурлар ва ул вазнедур асру хушоянда ва вазнедур бағоят рабоянда». Ҳазаж баҳрининг ахраб шажараси 12 вазни, ахрам шажараси яна 12 вазни ўз ичига олади ва ушбу жами 24 вазн рубоий вазнлари ҳисобланади. Рубоийнинг шеърий ўлчови билан боғлиқ муҳим хусусият шундаки, бошқа шеърий жанрлардан фарқли ўлароқ, рубоийнинг тўрт мисраси мазкур шажараларга мансуб 4 вазнда ёзилиши мумкин. Масалан, Алишер Навоийнинг «Ғаройиб ус-сиғар» девонидаги 45-рубоийни тақтиъи билан бирга кўрсак:*

*Олам бор эмиш. Навоийё шўрангиз,  
-- V / V - V - / V - - - / ~*

*Оламдаги эл боштин аёғ рангомиз.*

-- V / V -- V / V --- / ~

*Ишқ истар эмиш сени адам Мисри сари,*

-- V / V - V - / V -- V / V -

*Борғилки, эрур эл тилаган ерда азиз.*

-- V / V -- V / V -- V / V ~

Юқоридаги чизмадан маълум буляптики, мазкур рубоийнинг ҳар бир мисраси алоҳида вазнда ёзилган экан.

Туркий адабиётда рубоий жанрининг дастлабки намуналари Ҳофиз Хоразмий девонида учрайди. Унинг жами 12 та рубоийси мавжуд бўлиб, улар, асосан, рубоийи хоса шаклида яратилган. Демак, туркий адабиётда таронайи рубоийнинг илк бор қўлланилиши Алишер Навоий номи билан боғлиқ деб айтиш мумкин.

**Муаммо** (ар. «кўр қилинган», «беркитилган») бир, баъзан эса икки байтдан иборат мустақил шеър бўлиб, а-а ёки а-б тарзида қофияланади. Муаммода бирор исм ёки нарса-буюм номи беркиги тилади. Беркитилган сўз шоирнинг турли-туман ишоралари : маънодош ёки шаклдош сўзларни топиш, бир тилдаги сўзнинг иккинчи бир тилдаги муодили (эквиваленти)ни қўллаш, сўзлардаги маълум бир ҳарфларни тизиб, янги сўз яшаш, баъзан эса абжад ҳисобини ишлатиб, рақамлар асосида сўз тузиш ва бошқалар асосида топилади. Муаммони ечиш учун даставвал асосий эътиборни матнда ишора қилинган калит сўзга қаратиш лозим бўлади.

Туркий адабиётда муаммо жанри Алишер Навоий ижодидан бошланган. Унинг «Хазойин ул-маоний» куллиётда 52 та муаммо мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси куллиётдаги иккинчи девон – «Наводир уш-шабоб»га киритилган. Алишер Навоий муаммолари, асосан, бир байтли булиб, фақат «Қосим» исмига битилган муаммогина 2 байтдан иборат.

Навоийнинг баъзи муаммоларини куриб чиқсак:

*Қасди жонимға чу мужгонинг икки саф тузди,*

*Бири қош ёси, бири ғамзанг ўқин кўргузди.*

Бу муаммода калит сўз «صَف» – «саф» жумласи орқали курсатилган, матнда бу сўз «икки» сузи билан келтирилиши унинг ечими ҳам иккита эканлигига ишора қилади. Биринчи «саф»га қош

ёси, яъни «ى» «йой» (и) ҳарфи, иккинчисига ғамза ўқи, яъни «ا» «алиф» (о) ҳарфи кушилади, натижада «صنى» – «Сафи» ва «صفا» – «Сафо» сузлари келиб чиқади.

*Қилур эсанг манга сомон, аё рафиқ, ҳавас,  
Анинг аёғига еткур менинг бошимнию бас.*

Бу муаммода асосий эътибор «سامان» – «сомон» (осойишталик) сўзига қаратилган. Иккинчи мисрадаги «анинг аёғига бошимни еткур» жумласидаги ишорага кўра, «ا» – «алиф» (о)нинг оёғи, яъни пастки қисмига «م» – «мим» (м)нинг бошини етказиш талаб қилинади, натижада «ا» – «алиф» ҳарфи «ل» – «лом» ҳарфига айланиб, «م» – «мим»га қўшилади ва «سلمان» – «Салмон» сўзи келиб чиқади.

Алишер Навоийнинг мазкур жанр назариясига бағишланган махсус асари ҳам мавжуд бўлиб, форс-тожик тилида ёзилган. Асар «Муфрадот» ёки «Рисолаи муаммо» деб аталади.

«Хазойин ул-маоний» куллиётида навбатдаги жанр **луғз** бўлиб, арабча «топишмоқ», «сир» маъноларини англатади. Луғз форс-тожик адабиётида *чистон* (форсча «нима у») деб ҳам юритилади. Луғз бирор предмет ёки ҳодисанинг характер ва белгиларини таъриф у тавсиф этиш орқали китобхонни уша предмет ёки ҳодисани топишга ундайдиган шеър туридир. Луғз даставвал халқ оғзаки ижодида вужудга келган бўлиб, X – XII асрлардан форс-тожик шеърлятида истифода этила бошлаган. Луғзлар ғазал, рубоий ва туюқ каби ҳажм, қофия ва бошқа шаклий жиҳатлардан қатъий қонуниятга эга эмас. Улар фард, рубоий, қитъа ва баъзан ғазал сингари қофияланиши мумкин.

Туркий адабиётда луғзнинг илк намуналари Алишер Навоий ижодида учрайди. Шоирнинг «Хазойин ул-маоний» куллиётида жами 10 та луғз мавжуд бўлиб, барчаси «Бадоеъ ул-васат» девонига киритилган. Мазкур жанрдаги шеърларида Навоий ўз атрофини ураб турган предметларни ижтимоий муносабатлар ва турмуш ҳодисалари билан боғлиқ ҳолда нозик юмор билан тасвирлайди. Навоий луғзлари, асосан, қитъа (8 таси) ва рубоий (2 таси) сингари қофияланган. Масалан, унинг «парвона» тасвирига бағишланган луғзи таронайи рубоий шаклидадир:

*Ул қушки, таашшукдурур андиша анга,  
Бир нахлғаким шомдадур беша анга,  
Шохи учидин аён бўлуб реша анга,  
Гул очмақ ўшул решасидин пеша анга.*

**Туюқ** (турк. «ҳис қилмоқ», «туймоқ») – тўрт мисрадан иборат мустақил шеър шакли бўлиб, фақат туркий халқлар шеърлятида қўлланилган. Туюқ, асосан, рубоий сингари қофияланади, лекин баъзан ба, ва тарзида ҳам қофияланиши мумкин. Рубоийдан фарқли ўлароқ, туюқда қофиянинг ўрнида, асосан, тажнис (шаклош сўзлар) қўлланилади. Алишер Навоий «Мезон ул-авзон»да мазкур жанрнинг хусусиятлари ҳақида шундай ёзади: «...*Бириси «туюғ»дурким. икки байтқа муқаррардур ва саъй қилурларким, тажнис айтилғай ва ул вазн рамали мусаддаси мақсурдур, мундоқким (туюғ):*

*Ё раб, ул шаҳду шакар ё лаб мудур?  
Ё магар шаҳду шакар ёлабмудур?  
(Фоилотун фоилотун фоилон)  
Жонима пайваста новак отқоли.  
Ғамза ўқин қошиға ёлабмудур?  
(Фоилотун фоилотун фоилон)*

Бу ўринда Алишер Навоий туюқнинг уч жиҳатиға: икки байтли бўлиши, тажнисга асосланиши ва махсус вазнда – рамали мусаддаси мақсур (маҳзүф)да ёзилишига диққат қаратяпти. Бобур «Мухтасар»да туюқнинг навълари ҳақида гапириб, тажниссиз туюқ ҳам мавжуд бўлишини айтади.

Навоийнинг «Хазойин ул-маоний» куллиётида жами 13 туюқ мавжуд бўлиб, 11 таси *аа ба*, 2 таси *ба ва* тарзида қофияланган. Барча туюқлар «Бадоеъ ул-васат» девонига киритилган.

Туркий адабиётдаги дастлабки туюқ Лутфий девонида учрайди, лекин Н.Маллаевнинг ёзишича, туркий адабиётда туюқнинг илк намуналари Бурҳониддин Сивосий томонидан яратилган.

«Хазойин ул-маоний»ни яқунловчи жанр **фард** бўлиб (ар. «якка», «ёлғиз»), бир байтдангина иборат энг кичик мустақил шеър шакли ҳисобланади. Фард *а-а* ёки *а-б* тарзида қофияланади. Фард бир байтдангина иборат эса-да, унда муҳим фалсафий-ахлоқий

масала қаламга олиниб, ихчам поэтик хулоса ифодаланеди. Шу маънода фардлар кўпинча афоризм характерига эга бўлади:

*Ғофил ўлма, назардин итса аду,  
Шамъ ўчурганда, ел кўринурму...*

*Киши айбинг деса дам урмағилким, ул эрур кўзгу,  
Чу кўзгу тийра бўлди, узга айбинг зоҳир айларму?*

Алишер Навоийнинг «Ҳазойин ул-маоний»сида 86 та фард мавжуд бўлиб, 83 таси қофияли, 3 таси эса қофиясиздир. Фардларнинг барчаси «Фавойид ул-кибар» девонига киритилган.

Туркий адабиётда фарднинг илк намунаси Хоразмийнинг «Муҳаббатнома» асарида учрайди.

### Таянч тушунчалар

- *байтли шеър шакли*
- *ғазал*
- *бегона байт*
- *мусажжаъ*
- *мураддаф ғазал*
- *мустазод*
- *рубойй*
- *рубоййи хосий*
- *таронайи рубойй*
- *туюқ*
- *қитъа*
- *қасида*
- *қасидаи мужаррада*
- *қасидаи том*
- *мухаммас*
- *табъи худ мухаммас*
- *ўз ғазалига тахмис*
- *тахмис*
- *мусаддас*
- *тасдис*
- *сокийнома*

- таркиббанд
- таржиъбанд
- маснавий
- луғз
- қитъа
- муаммо
- фард

### Савол ва топшириқлар:

1. «Хазойин ул-маоний»да мавжуд жанрларни шарҳлашга ҳаракат қилинг.
2. Алишер Навоийгача бўлган шоирлар ижодида қайси жанрлар мавжуд эди?
3. Алишер Навоий яратган ғазалларни маъно жиҳатдан қандай гуруҳларга бўлиш мумкин?
4. Таркиббанд ва таржиъбанд жанрларини қайси жанрий белгиларга кўра фарқлаш мумкин?
5. Маснавий жанр ва шакл сифатида намоён бўлганда, уларни қандай белгилар билан фарқлаш мумкин деб ўйлайсиз?
6. Куллиётдаги кичик лирик жанрларга тавсиф беринг.
7. Девондан ўзингизга ёққан бирор ғазални ёд олинг ва уни гоёвий-бадий жиҳатдан шарҳланг.

### Адабиётлар:

1. Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан, 1988 – 1990. 3 – 6-жилдлар.
2. Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Тошкент: Фан, 1983.
3. Носиров О. ва бошқалар. Ўзбек классик шеърини жанрлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979.
4. Абдуғафуров А. «Хазойин ул-маоний» жумбоқлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1994. – №4 – 6; 1998. – №6; 2000. – №5.
5. Орзибеков Р. Лирикада кичик жанрлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976.
6. Навоийнинг ижод олами (мақолалар тўплами). – Тошкент: Фан, 2001.



7. Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Тошкент: Шарқ, 1999.

8. Алишер Навоий. Ғазаллар. Шарҳлар. – Тошкент: Камалак, 1991.

9. Жумахужа Н. Сатрлар силсиласидаги сеҳр. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996.

10. Қаюмов А. Дилкушо такрорлар ва руҳафзо ашъорлар. – Тошкент: MUMTOZ SO'Z, 2011.

11. Комилов Н. Маънолар оламига сафар. – Тошкент: TAMAD-DUN, 2012.

## «ДЕВОНИ ФОНИЙ»НИНГ ЖАНРЛАР КЎЛАМИ, ҒОЯВИЙ-БАДИИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

### РЕЖА:

1. Ғазалларнинг яратилиш хусусиятлари.
2. Мусаддас, таркиббанд ва қасидаларнинг ғоявий-бадиий хусусиятлари.
3. Кичик лирик жанрлар.

Алишер Навоийнинг форсий шеърляти бадииятда туркий шеърларидан қолишмайди. Унинг форсий назми ҳақидаги тўлароқ маълумот «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида учрайди. Ҳазрат Навоий бу асарида форсий тилда яратган шеърлари ҳақида гапирар экан, уларнинг жанрий жиҳатларига алоҳида тўхталади, яратилиш хусусиятларига бирма-бир шарҳ беради. Хусусан, муайян шеърларини яратишда қайси форсигўй адибларнинг асарларидан илҳомлангани, қайси шеъри нима муносабат билан ёзилганлигига махсус тўхталиб, ҳатто баъзи жанрларнинг миқдорини ҳам кўрсатиб ўтади.

Мукамал асарлар тўпламининг 18-, 19- ва 20-жилдлари «Девони Фоний»ни ўз ичига олади. Мазкур нашрда 552 ғазал, 1 мусаддас, 1 таркиббанд – марсия, 64 қитъа, 72 рубоий, 16 таърих, 266 муаммо, 10 қасида, 9 луғз каби жанрлардан ташкил топган 991 шеър мавжуд. Биз жанрлар тавсифини беришда мазкур нашрга суяндик.

Шарқ мумтоз адабиётида тартиб берилган барча девонлар сингари «Девони Фоний»да ҳам марказий ўринни ғазал жанри эгаллайди. Девондаги ғазаллар *мухтараъ*, *татаббуъ* ва *тавр* тарзида яратилган. *Мухтараъ* арабча сўз бўлиб, «кашф этилган», «ихтиро қилинган» маъноларини англатади. Бу ўринда Навоий – Фонийнинг ўзга шоирлардан таъсирланмасдан, бевосита ўзи мустақил тарзда яратган ғазаллари назарда тутилади. Девонда улар *мухтараъ* ва *ихтироъ* сарлавҳаси остида келтирилган.

*Оламе хоҳам, ки набвад мардуми олам дар ў,  
К-аз цафои мардуми олам набошад ғам дар ў.*

Таржимаси:

*Олам истарманки. унда аҳли олам бўлмасин,  
Унда олам аҳлининг бедодидин ғам бўлмасин.*<sup>18</sup>

Мазкур ғазал аруз тизимининг рамали мусаммани маҳзуф (рукнлари ва тақтиъи: фоилотун фоилотун фоилотун фоилун – V--- / – V--- / – V--- / – V---) вазнида ёзилган.

*Татаббуъ* арабча «бирор нарсанинг кетидан тушиш», «изидан бориш» маъноларини билдириб, адабий истилоҳ сифатида бирор шеърдан таъсирланиб, ундаги вазн, қофия ва радифни сақлаган ҳолда асар яратишни англатади. Бундай шеърлар назира, ўхшатма, жавобия деб ҳам юритилади. *Тавр* арабча «бирор нарса атрофида айланиш», «тарз», «йўсин», «услуг» маъноларини билдиради. Бундай шеърларда вазн, қофия ва радиф мезон қилиб олинмайди, балки ўзга шеърдаги услуб ва мазмундаги шеърий талқинга риоя этилади. Девондаги аксарият ғазаллар Алишер Навоийнинг буюк форсий *салафлари*: Амир Хусрав Деҳлавий (32 татаббуъ, 1 таврида), Хожа Ҳофиз Шерозий (211 татаббуъ, 20 таврида), Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий (22 татаббуъ, 2 таврида), Котибий (1 татаббуъ), Хожа Салмон Соважий (2 татаббуъ), Хожа Камол Хўжандий (4 татаббуъ), Хожа Ҳасан Деҳлавий (2 татаббуъ), *халафлари*: Абдурахмон Жомий (31 татаббуъ, 8 таврида), Амир Шайхим Суҳайлий (3 татаббуъ), Аҳмад Ҳожибек Вафой (2 татаббуъ), Шоҳий Сабзаворий (3 татаббуъ), Соҳиб Балхий (1 татаббуъ), Сайфий Бухорий (1 татаббуъ), Исмаил Бухорий (1 татаббуъ), Нажмиддин Муҳаммад Коҳий Миёнқолий (1 татаббуъ), Ҳусайний (2 татаббуъ) каби ижодкорларнинг ғазалларидан таъсирланиб яратилган.

Девондаги энг кўп татаббуъ Ҳофиз Шерозий ғазалларига битилганлигини кузатиш мумкин. Шероз Ҳофизининг ўзбек китобхонларига яхши таниш бўлган:

*Агар он турки Шерози ба даст орад дили моро,  
Ба холи ҳиндуяш бахшам Самарқанду Бухороро, –*

деб бошланувчи ғазалига Навоий қуйидагича татаббуъ боғлаган:

<sup>18</sup> Жамол Камол таржимаси («Фоний гулшани». – Б.15).

*Гар он турки Хитой нӯш созад жоми саҳборо,  
Нахуст орад сӯи мо турктози қатлу яғморо.*

Таржимаси:

*Ушал турки хитой жуфт айласа гар жоми саҳбони,  
Чу биздин бошлагай турктозини ул қатлу яғмони.<sup>19</sup>*

Мазкур ғазал аруз тизимининг ҳазажи мусаммани солим (рукнлари ва тақтиъи: мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун V --- / V --- / V --- / V ---) вазнида ёзилган.

Ғазал мақтаъсида Навоий камтарлик билан ўзига мурожаат қилиб: «Ҳофиз ғазалларига татаббуъ битиб, унинг жаҳонни безаган назмидан сен ҳам тиланиб, татиб кўр». – деб ёзади:

*Ғазал гуфтан мусаллам шуд ба Ҳофиз, шояд, эй Фоний,  
Намой чошнӣ дарюза з-он назми жаҳоноро.*

«Девони Фоний»даги ғазаллар билан танишар эканмиз, Навоий кашф этган янги бир усулга ҳам гувоҳ бўламиз. Яъни шоир баъзан бир ғазалнинг ўзида икки шоирдан ижодий таъсирланади ва бундай ғазалларга қуйидагича сарлавҳалар кўяди: Татаббуъи Мир дар таври Хожа (Хожа Ҳофиз Шерозий услубида Амир Хусрав Деҳлавийга жавоб), Татаббуъи Шайх дар таври Махдум (Абдурахмон Жомий услубида Шайх Саъдийга жавоб) ва ҳ.к.

«Девони Фоний»дан бир мусаддас ўрин олган бўлиб, «кошки» радифи асосида яратилган. Мазкур мусаддас Абдурахмон Жомий ғазалига боғланган бўлиб, яратилиш хусусиятига кўра тасдис ҳисобланади. Мусаддас 9 банддан иборат бўлиб, жами 54 мисрани ўз ичига олади. Мусаддас ёр (дўст) дийдори тараннумига бағишланган. У қуйидаги банд билан бошланади:

*Кардаме дар хоки кӯи дўст маъво кошкӣ,  
Судаме рухсори худ бар хоки он по кошкӣ,  
Омадӣ берун зи кӯи сарви боло кошкӣ,*

<sup>19</sup> Жамол Камол таржимаси («Фоний гулшани», – Б.92).

*Бурқаъ афкандӣ зи рӯи оламоро кошкӣ,  
 Дидаме дидори он дилдори раъно кошкӣ,  
 Дида равшан кардаме з-он рӯи зебо кошкӣ.*

(Мазмуни:

Кошки, дўст кўйи (кўчаси) тупроғидан жой олсам эди,  
 Кошки, унинг оёғи тупроғи (изи)га юзларимни суртсам эди,  
 Кошки, у сарвқомат кўчасидан чиқиб келса эди,  
 Кошки, оламни безовчи юзидан пардасини олса эди,  
 Кошки, у раъно дилдорнинг дийдорини кўрсам эди,  
 Кошки, кўзимни у зебо юз билан равшан қилсам эди).

Мазкур мусаддас аруз тизимининг *рамали мусаммани маҳзүф* (рукнлари ва тақтиъи: *фоилотун фоилотун фоилотун фоилун – V – – / – V – – / – V – – / – V –*) вазнида ёзилган.

Девонда келтирилган **марсия-таркиббанд** шоирнинг устози ва пири Абдурахмон Жомий вафоти муносабати билан яратилган бўлиб, шеърга «Марсияи ҳазрати Маҳдум» деб ном қўйилган. Навоий устози вафотига бир йил тулганда унинг қабри устига катта мақбара қурдириб, маросим уюштиради ва ушбу воқеа муносабати билан марсия ёзади. Маросимда мазкур марсияни ўз даврининг машҳур олимларидан бири Ҳусайн Воиз Кошифий ўқиб беради. Бу ҳақда Абулвосеъ Низомийнинг «Мақомоти Мавлавий Жомий» асарида маълумот келтирилади. Марсия 7 бандли бўлиб, ҳар бир банд 10 байтни ўз ичига олади (жами 140 мисра). Бу марсия «Хамсат ул-мутаҳаййирин»нинг хотимасига ҳам киритилган. У қуйидаги байт билан бошланади:

*Ҳар дам аз анҷумани чарх чафое дигар аст,  
 Ҳар як аз анҷуми у доғи балое дигар аст.*

(Мазмуни:

Ҳар дам осмон анжуманидан янги бир жафо келади,  
 Унинг ҳар бир юлдузи янги бир балонинг доғидир).

Ушбу таркиббанд-марсия аруз тизимининг *рамали мусаммани солими махбуни мақсур* (рукнлари ва тақтиъи: *фоилотун фаилотун фаилотун фаилон – V – – / V V – – / V V – – / V V ~*) вазнида ёзилган.

«Девони Фоний»да қитъа жанри ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Девонда жами 64 қитъа мавжуд булиб, шундан 44 таси 2 байтли, 13 таси 3 байтли, 5 таси 4 байтли ва 2 таси 5 байтли қитъалардир. Уларда шоирнинг маънавий-ахлоқий қарашлари, шахсий кузатишлари билан бир қаторда шеър ва шоирлик ҳақидаги фикрлари ҳам ўз ифодасини топган.

*Зи сар то по набошад шеъри кас хуб.  
Ки ин мумкин набошад ҳеч касро.  
Баду нек ар баробар ҳаст, бад нест.  
Басе доранд ин неку ҳавасро.  
Зи бад гар неки ў бошад зиёда,  
Надид аз сад яке ин дастрасро.  
Каломи Ҳақ наёмад жумла яксон,  
Чи бошад нукта мушти хору хасро.*

(Мазмуни:

Ҳеч кимнинг шеъри бошдан бир хилда яхши бўлмайди,  
Бу деярли мумкин эмас.  
Агар яхшию ёмони баробар бўлса, бу – ёмон эмас.  
Буни кўпчилик орзу қилади.  
Ёмонидан яхшисининг куп бўлиши  
Юздан бир шоирга ҳам муяссар бўлган эмас.  
Ҳақнингки барча сўзи бир хил бўлмагандан кейин,  
Биздек хору хасларга (тенгликни) ким қўйибди?)

Ушбу қитъа аруз тизимининг *рамали мусаддаси маҳзуф* (руқналари ва тақтиъи: *фоилотун фоилотун фоилун – V – – / – V – – / – V –*) вазнида ёзилган.

«Девони Фоний»дан 72 **рубойи** ўрин олган. Диққатга сазовор томони, рубойларнинг барчаси тўрт мисраси ҳам ўзаро қофияланувчи таронаи рубойлардир.

*Чонам ба ду лаъли қонфизои ту фидо,  
Руҳам ба насими атрсои ту фидо.  
Ошуфта дилам ба ишваҳои ту фидо,  
Фарсуда танам ба хоки пои ту фидо.*

(Мазмуни:

Жоним сенинг жон бағишловчи икки лабингга фидо,  
 Руҳим сен томондан эсадиган муаттар насимга фидо,  
 Ошиқ кўнглим сенинг ишваларингга фидо,  
 Хаста жисмим оёғинг тупроғига фидо).

Девонда таърих жанрига оид шеърлар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг сони 16 та. Таърих бу муайян воқеа-ҳодиса ёки инсон ҳаёти билан боғлиқ бирор санани очиқ айтилмай, араб алифбосидаги ҳарфлар воситаси, яъни абжад усули асосида кўрсатишдир. Шеършунослик илмида таърихга алоҳида шеърий жанр сифатида ҳам, бадий санъат сифатида ҳам қараш мавжуд. Бу иккала қараш ҳам муайян асосга эга. Агар таърих усули катта ҳажмдаги асарлар: дostonлар, манзумалар таркибида ва кўпинча асарларнинг охирида келса, бу алоҳида жанр бўлмасдан, бадий санъат ҳисобланади («Юсуф ва Зулайхо», «Ҳайрат ул-аброр» дostonларидаги каби).

Девонлар ичида алоҳида мустақил шеър шакли сифатида келтирилган таърихларни жанр сифатида талқин қилиш мумкин. Шу маънода «Девони Фоний» таркибига кирувчи 16 та таърих алоҳида жанр бўлиб, улар қитъа, рубоий ва тўртликлар шаклида яратилган.

Таърихлар мавзусига кўра кишилар таваллуди ёки вафотига доир; муайян биноларнинг қурилишига оид; тахтга чиқиш, фатҳ ва бирор воқеа-ҳодиса содир бўлган санага бағишлаб яратилиши мумкин. Алишер Навоий таърихлари, асосан, кишилар вафотига оид (мутаваффиёт) йўналишида бўлиб, ҳазрат Навоийнинг устозлари ва дўстлари: Абдураҳмон Жомий, Паҳлавон Муҳаммад, Саййид Ҳасан Ардашер, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор, Султон Маҳмуд каби шахсларнинг вафот санасига бағишланган. Масалан, Абдураҳмон Жомий вафотига бағишланган таърихда «خدا بيارزد» — «Худо биёмурзад» жумласи таърих санаси сифатида келтирилди:

*Сарви чамани ҳаёт Абдураҳмон,  
 Кўрафт аз ин дайри фано сўи жинон.  
 Таърихи чунин воқеаи ғуссарасон,  
 Гар мехонӣ: «Худо биёмурзад» хон.*

(Мазмуни:

Ҳаёт чаманининг сарви – Абдурахмон.

бу фоний дунёдан (руҳи) жаннатга кетди.

Ғам-ғусса етказувчи шундай воқеаларнинг таъриhini ўқиганинда: «Худо биёмурзад», – деб ўқи).

Мазкур таърихдаги «خدا بيارزد» – «Худо биёмурзад» жумласидаги ҳарфлар абжад ҳисобига кура белгиланганда ҳижрий 989, милодий 1492 йил келиб чиқади. Ушбу таърих рубоий шаклида ёзилган.

«Девони Фоний»дан муаммо жанри ҳам ўрин олган. Муаммоларнинг аксарияти бир байтли, фақат 14-муаммо икки байтдан иборат. Муаммолар девонга муаммонинг жавоби бошланган ҳарфларнинг араб алифбосидаги тартиби асосида жойлаштирилган. Яъни дастлаб ечими «ا» – «алиф» ҳарфи билан бошланувчи исм ёки номлар келтирилади. Масалан, Одам, Амин, Омир ва б. Шу тарзда ечими «ب» – «бе», «ت» – «те» ва бошқа ҳарфлар билан бошланувчи муаммолар бериб борилади. «Ҳазойин ул-маоний»даги тартибга асосан муаммонинг жавоби сарлавҳа сифатида матн бошида келтирилади. Девонда жавоби «алиф» билан бошланувчи муаммолар энг катта кўрсаткични ташкил қилади. Уларнинг сони 78 та. «Бе» билан тугалланувчи муаммолар миқдори эса 46 та. Девонда баъзи ҳарфлар билан бошланадиган муаммолар учрамайди. «Девони Фоний»даги тартибга эътибор қаратиш шуни кўрсатадики, аслида, шоир ҳар бир ҳарфга мос ҳолда муаммо яратган-у, лекин улар бизгача етиб келмаган ёки жорий нашрлардан ўрин олмаган. Чунки Навоийнинг ўзи «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида форсий тилдаги муаммолари сонини 500 га яқин деб кўрсатиб, уларнинг аксарияти Абдурахмон Жомий назарига тушганини айтади. Бу маълумот «Девони Фоний» нусхаларининг ҳеч бири ҳали тўлиқ мукамал эмаслигини кўрсатади.

«Девони Фоний»да муҳим ўрин тутувчи жанрлардан яна бири қасидалардир. Уларнинг сони 10 та бўлиб, икки туркумни: «Ситтаи зарурия» («Олти зарурат») ва «Фусули арбаа» («Тўрт фасл») қасидалар мажмуасини ўз ичига олади. «Ситтаи зарурия» олти қасидадан иборат бўлиб, Алишер Навоий уларнинг мавзуси ҳақида «Муҳокамат ул-луғатайн»да шундай ёзади: «Бу олти қасида ҳамд ва наът ва сано ва маъъизотдур ва аҳли та-



*савеуф ва ҳақиқат тили била маърифат».* Мазкур мажмуага 1497 йилда тартиб берилган бўлиб, уни тузишга Навоийни аввал устози Жомий, унинг вафотидан сўнг эса султон Ҳусайн Бойқаро илҳомлантирган. Бу ҳақда мажмуага ёзилган дебочада маълумот келтириб утилади.

Мажмуадаги биринчи қасида «Рух ул-қудс» («Муқаддас рух») деб аталиб, 132 байтни ўз ичига олади. Қасиданинг ёзилган санаси матн таркибида таърих йули билан ҳижрий 895, милодий 1491 йил деб кўрсатиб ўтилган. Қасидада илоҳий тавҳид: оламнинг ягоналиги, ягона абадий ва азалий борлиқ, Яратганнинг қудрат ва азимати, заррадан коинотгача унинг измида эканлиги мадҳ этилади. Қасида қуйидаги байт билан бошланади:

*Зихй ба хомаи қудрат мусаввири ашё,  
Ҳазор нақши аҷиб ҳар замон аз ў пайдо.*

(Мазмуни:

Ашёларга сурат берувчи (Аллоҳнинг) қудратига тасанноким,  
Ҳар замон ундан минглаб ажойиб нақшлар пайдо бўлгай).

Ушбу қасида аруз тизимининг *мужтасси мусаммани махбуни мақтуъ* (рунклари ва тақтиъи мафоилун фаилотун мафоилун фаълун V – V – / V V – – / V – V – / – –) вазнида ёзилган.

Мажмуадаги иккинчи қасида ҳажман 106 байт бўлиб, «Айн ул-ҳаёт» («Ҳаёт чашмаси») деб аталади. Қасиданинг яратилган йили номаълум. «Айн ул-ҳаёт» олам сарвари, пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг муборак меърожлари, уларнинг дийдорларига барча сайёралар, ойу куёш, аршу курси, фаришталар мунтазир эканлиги, пайғамбаримизнинг Парвардигор билан мулоқотлари тасвирига бағишланган. Қасида шундай бошланади:

*Ҳожибони шаб чу шодурвони савдо афгананд,  
Чилва дар хайли бутони моҳсимо афгананд.*

(Мазмуни:

Тун пардадорлари қора чодирларини ёйган чоғларида  
Ой юзли бутлар тудаси (юлдузлар)га жилва қиладилар).

Ушбу қасида аруз тизимининг *рамали мусаддаси мақсур* (рукнлари ва тақтиъи: фоилотун фоилотун фоилон – V – / – V – / – V~) вазнида ёзилган.

Учинчи қасида «Тухфат ул-афкор» («Фикрлар совғаси») деб номланиб, ҳажман 99 байтни уз ичига олади. Шоирнинг «Ситтаи зарурия» деб очасидаги ишоралари ва қасида матнидаги таърихдан унинг барча қасидалардан олдин, яъни 1476 йилда яратилганлиги маълум булади. Қасиданинг яратилиш тарихи ҳақида «Хамсат ул-мутаҳаййирин»да батафсил маълумот келтирилган. У Хусрав Дехлавийнинг «Дарёи аброр» ва Абдурахмон Жомийнинг «Лужжат ул-асрор» қасидаларига жавобан ёзилган бўлиб, дарвешликнинг олий рутбаси – фақр тавсифига бағишланган. Бунда фақр мақоми комилликнинг олий намунаси сифатида мансабдор шахслар, хусусан, шоҳлар ахлоқига қарама-қарши қўйилади. Қасидада ушбу ғоянинг *тамсил* ва *китобат* санъатлари воситасида баён қилиниши унинг бадиий жиҳатдан етуклигини таъминлаган. Қасида қуйидаги байт билан бошланади:

*Оташин лаълеъ, ки тоҷи хусравонро зевар аст,  
Ахгаре баҳри хаёли хом пухтан дар сар аст.*

(Мазмуни:

Подшоҳлар тожидаги қип-қизил лаъл – бошда хомхаёл пиширувчи (етилтирувчи) бир чўғдир).

Ушбу қасида татаббуъ тарзида ёзилганлиги учун, унда са-лафлар қасидаларида қўлланилган *рамали мусаддаси мақсур* (рукнлари ва тақтиъи: фоилотун фоилотун фоилон – V – / – V – / – V~) вазни сақланган.

Мажмуадаги тўртинчи қасида «Қут ул-қулуб» («Қалблар қуввати») деб аталади. Қасида ҳажман 120 байтдан иборат бўлиб, XII аср форс-тожик адабиётининг йирик намояндаларидан бири Авҳадиддин Анварий (1105 – 1187) қасидасига татаббуъ тарзида яратилган. Унда дунёнинг бебақо ва бевафолиги, фалакнинг золимлиги айтилиб, инсонларнинг ана шу ўткинчи, фоний дунёга меҳр қўймай, охират кунини ўйлашлари. руҳий-маънавий юкса-

лишга эътибор қаратишлари зарурлиги уқтирилади. Қасиданинг биринчи байти қуйидагича:

*Чаҳонки, марҳалаи танги шоҳроҳи фаност,  
Дар ў маҷӯй иқомат. ки роҳи шоҳу гадост.*

(Мазмуни:

Жаҳонким, фанонинг бепоён йўлининг тор бир йўлакчасидир, Унда абадий яшамоқни уйламаким, бу – шоҳу гадонинг (ўтар-кетар) йўлидир).

Қасида Анварий қасидасида қўлланилган *муҷтасси мусаммани маҳбуни мақсур* (руқнлари ва тақтиъи: мафоилун фаилотун мафоилун фаилон  $V - V - / V V - - / V - V - / V V \sim$ ) вазнида яратилган.

Бешинчи қасида «Минҳож ун-нажот» («Нажот йўли») 138 байтдан иборат. Сарлавҳада келтирилган номлардан маълум бўладики, у икки форсиғўй адиб – Анварий ва озарбайжон шоири Хоқоний Шервоний (1120 – 1199) қасидаларига татаббуъ тарзида яратилган. Қасидада Инсон ва Шайтон муносабатлари, яхшилик ва ёмонлик тасвирлари берилади, жаннатдан бадарға бўлган Одам Ато фарзандлари ва бани башарнинг комил инсонга хос бўлмаган нохушу номуносиб ахлоқий белгилари танқид қилинади. Қасида қуйидаги байт билан бошланади:

*Зиҳй аз шамъи рўят чашми мардум гашта нуронӣ,  
Чаҳонро мардуми чашм омадӣ аз айни инсонӣ.*

(Мазмуни:

Қандай яхшики, юзингнинг шамъи (нури)дан инсонларнинг кўзи ёриди. Инсонликнинг жавҳари бўлганинг учун жаҳон одамларининг кўз қорачиғига айландинг).

Қасида салафлар қасидалари сингари ҳазажи *мусаммани солим* (руқнлари ва тақтиъи: мафоийлун мафоийлун мафоийлун мафоийлун  $V - - - / V - - - / V - - - / V - - -$ ) вазнида ёзилган.

Мажмуанинг сўнги қасидаси «Насим ул-хулд» («Жаннат шамоли») Хоқоний Шервоний, Амир Хусрав Деҳлавий ва Абдураҳмон Жомий қасидаларига татаббуъ тарзида вужудга келган бўлиб,

129 байтни ўз ичига олади. Қасидада инсон покланиши ва комилликка эришиши учун нималар қилиши лозимлиги, тариқат одоби ва усуллари, муршид ва мурид муносабатлари, Ҳақ йўлига кирган солиқ олдига қўйиладиган талаблар бирма-бир баён этилади. Бошқача қилиб айтганда, Навоийнинг нақшбандия тариқати, тасаввуф ҳақидаги қарашлари яхлит бир тизимда ифодалаб берилади. Шу маънода қасидани нақшбандия тариқатининг ўзига хос дастури, шеърий баённомаси деб айтиш мумкин.

Қасиданинг биринчи байти қуйидагича:

*Муаллим ишқу пири ақл шуд тифли дабистонаш,  
Фалак дон, баҳри таъдиби вай инак чархи гардонаш.*

(Мазмуни:

Муаллим ишқ-у, унинг мактабининг талабаси ақл пиридир, Фалакни унга адаб ўргатиш учун айланиб турувчи чарх деб бил).

Бу қасида ҳам ҳазажи мусаммани солим (руқнлари ва тақтиъи: мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун V— — / V— — / V— — / V— —) вазнида яратилган.

«Девони Фоний»дан ўрин олган иккинчи қасидалар мажмуаси «Фусули арбаа» («Тўрт фасл») деб аталади. Қасида 4 қисмдан иборат бўлиб, йил фаслларининг гўзал манзараси тасвирига бағишланган. Шоир табиатни тасвирлаш орқали асл мақсадига эришадди: замона султони Ҳусайн Бойқарони мадҳ этади. Навоий ҳар бир фасл ва ундаги тасвир усулларини эътиборга олган ҳолда уларда турли вазнларни қўллайди. Хусусан, ёз фаслига бағишланган «Саратон» деб номланган қасида 71 байтдан иборат бўлиб, шундай бошланади:

*Боз оташи хўр сохт самандар саратонро,  
Афрўхт чу оташкада гулзори жаҳонро.*

(Мазмуни:

Қуёш оташи саратонни яна самандарга айлантирди.  
Жаҳон гулзорини оташкада каби ловиллатди).

Қасида ҳазаж баҳрининг энг ўйноқи вазни ҳисобланган ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзүф вазни (рукнлари ва тақтиъи: мафъулу мафойилу мафойилу фаувлун — — V / V — — V / V — — V / V — —) да ёзилган. Бу вазн руҳият тасвири баёнидан кўра кўпроқ жисмоний: енгил ва шахдам ҳаракат, шўхчан кайфият баёнига мос келади. Ҳар икки чузиқ бўғиндан кейин икки қисқа бўғиннинг ёнма-ён келиши ритмга ўйноқилик бағишлайди. Шунга мос ҳолда мазкур қасидада ёзнинг инсонга кўпроқ жисмоний таъсири кўрсатилганлигини, ҳар бир байтда саратон жазирамаси айнан инсон аъзои баданига (руҳиятига эмас) таъсир қилаётганини кузатиш мумкин.

Қасидада 27-байтдан султон Ҳусайн Бойқаро таърифи бошланади ва «ёзнинг иссиғидан паноҳ изловчи кишилар учун Ҳусайн Бойқаро туғи сояси макондир» деган фикр илгари сурилади:

*3-ин гармии хуршед бираст, он, ки, панаҳ сохт,  
Зилли шарафи рояти Чамшеди замонро.*

(Мазмуни:

Кувёшнинг тафтидан паноҳ изловчи киши (уни) замона Жамшид туғи соясининг шарофатидан топқусидир).

Мажмуада «Хазон» («Куз») фасли таърифи бошланиши билан ундаги шеърый ўлчов ҳам ўзгаради:

*Дигар шуд баҳри санжидан баробар адли давронро,  
Зи кофўри зи мушк рўзу шаб ду палла мезонро.*

(Мазмуни:

Даврон адолатини ўлчаш мезонлари ўзгарди, тарозунинг бир палласида (кундузнинг рамзи) кофур, иккинчисида (кечанинг тимсоли) мушк тортиладиган бўлди).

«Саратон»да қўлланилган ўйноқи вазннинг ўрнини энди салобатли ва сокин оҳангга эга бўлган ҳазажи мусаммани солим вазни (рукнлари ва тақтиъи: мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун V — — — / V — — — / V — — — / V — — —) эгаллайди. Чўзиқ бўғинлар

нисбатининг қисқа бўғинлардан 3 барабар кўплиги оҳангнинг вазмин чиқишини таъминлайди. Айнан шунга мос ҳолда 33 байтдан иборат бу қасидада руҳият тасвири. таъбир жоиз бўлса, кузга хос ўйчанлик, маҳзунлик етакчилик қилади.

Мажмуага «Баҳор» кириб келиши билан, унга хос яратувчанлик, янгиланиш кайфияти ҳам пайдо бўлади:

*Вазад боди баҳор ихъёи амвоти гулистонро,  
Зи анфоси Масеҳо тоза созад олами жонро.*

(Мазмуни:

Баҳор шамолининг эсиши. гулистон гулларига янгидан ҳаёт бағишлайди, гўё Масиҳо нафасидан жонлар оламини янгилайди).

Қасидада баҳорнинг яратувчанлик хусусияти энди бевосита замон ҳукмдори Хусайн Бойқаро таърифи келтирилган ўринларга кўчади:

*Чу андар ҳикмати асрори хилқат фикр бигморад,  
Биёбад ончи, махфй монда Афлотуну Юнонро...*

(Мазмуни:

Яратилиш сирру асрори ҳикмати ҳақида фикрлаганда, Юнон Афлотуну учун ҳам махфий қолган сирларни топади).

Ниҳоят, мажмуа йил фаслларининг охири бўлган «Дай» («Қиш») тасвири билан якун топади. Навоий таъбири билан инсон умрининг поёнига ўхшатиш бу фасл «кишининг ҳам қад била адам йўлига кириб, замон аҳли билан хайирбод қилиш» («Ҳазойин ул-маоний»даги таъбир) даври бўлиб, қасидада Фоний тахаллусининг қўлланилиши шунга ишорадир:

*Ба бўи васл ниҳад рў ба дарғаҳат. Фонй,  
Чунон ки аҳли ибодат ба гўшаи меҳроб.*

(Мазмуни:

Васлинг бўйи умидида. Фоний даргоҳинга юзини кўяди, бу ибодат аҳлининг меҳроб гушасига бош кўйишидекдир).

Қасидада фалсафий мушоҳадакорлик билан боғлиқ туйғуларни беришга ниҳоятда мос бўлган *мухтасс* баҳри (руқнлари ва тақтиъи: мафоилун фаилотун мафоилун фаълун V – V – / V V – – / V – V – / – –)нинг қўлланилганлиги шоирнинг юксак бадиий салоҳиятини курсатувчи яна бир омилдир.

*Зи дарғаҳи фалак оташ нуҳуфт дуди саҳоб,  
Даро ба хирғаҳу оташ фурӯз аз маи ноб.*

(Мазмуни:

Фалак чодиридан кўринаётган оташни булутлар пардаси тўсди, чодирга киргину тиниқ, қизил май оташига зўр бер).

«Девони Фоний» **луғз** (чистон) жанри билан якун топади. Девонда жами 9 луғз келтирилган бўлиб, улар маснавий, қитъа ва рубоий тарзида қофияланган. Луғзлар шамъ, микроз (қайчи), парвона, тиргаз (ўқ), тахтиравон, кема каби нарса-ҳодисаларга бағишланган. Масалан, шамъга бағишланган луғз қитъа шаклида ёзилган:

*Чист он нахле, ки барғаш нест, аммо ҳаст гул,  
Лек, он гулро бувад андар назар андому барг.  
Гарча набвад абр, лекин абрсон шуд қатрарез,  
Қатра аз вай чун чудо, афтод бандад чун тагарг.  
Ҳам кушанду ҳам бимирад турфа бошад, лек он-к,  
Куштанаши набвад зи қатлу мурданаши набвад зи марг.*

(Мазмуни:

У қандай дарахтдурки, барги йўғ-у, гули бор,  
Лекин у гулга назар қилсанг, қоматию барги бор.  
Булут бўлмаса ҳам, булутдек қатралар тўқади,  
Қатралар тушиб дўлдек қотиб қолади.  
Қизиқ, уни ҳам ўлдирадилар, ҳам ўзи ўлади,  
Ўлдирилиши қатлдан-у, ўлими эса ажалдан эмас).

Чистон рамал баҳрининг *рамали мусаммани мақсур* (руқнлари ва тақтиъи: *фоилотун фоилотун фоилотун фоилон – V – – / – V – – / – V – – / – V ~*) вазнида яратилган.

### Таянч тушунчалар

- *мухтараъ*
- *тавр*
- *татаббуъ*
- *марсия-таркиббанд*
- *таърих*
- *қасидалар мажмуаси*

### Савол ва топшириқлар:

1. Алишер Навоий ўзининг форсий шеърлари ҳақида қайси асарида кенгроқ маълумот берган?
2. «Девони Фоний»нинг жанрий таркибини шарҳлашга ҳаракат қилинг.
3. Алишер Навоий ўз форсий девонида қандай адабий янгилик яратди?
4. «Девони Фоний»даги қасидалар ва уларнинг моҳияти ҳақида фикр юритинг.
5. «Девони Фоний»да ритм ва мазмуннинг бадиий мутаносиблиги кўпроқ қайси жанрда намоён бўлади деб ўйлайсиз?

### Адабиётлар:

1. Навоий Алишер. Девони Фоний. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан, 2000 – 2003. 18 – 20-жилдлар.
2. Навоий Мир Алишер. Фоний гулшани / Форсийдан Ж.Камол таржимаси. – Тошкент: MERIYUS, 2011.
3. Комилов Н. Фақр нури порлаган қалб (Алишер Навоийнинг форсий қасидалари). – Тошкент: Маънавият, 2001.
4. Шодиев Э. Навоий татаббуларига оид баъзи мулоҳазалар:



«Девони Фоний» ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1997. – №2.

5. Зоҳидов Л. «Девони Фоний» бадииятига доир мулоҳазалар // Адабиёт кўзгуси. – Тошкент, 2010. – №10.

6. Юсупова Д., Қуронов С. Навоийнинг форсий қасидалари // Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 2011. – №10.

7. Ўзбек адабиёти тарихи. Беш жилдлик. 2-жилд (XV асрнинг иккинчи ярми). – Тошкент: Фан, 1977.

## ХАМСАНАВИСЛИК АНЪАНАСИ ВА АЛИШЕР НАВОИЙ «ХАМСА»СИ

### РЕЖА:

1. *Хамсачилик тарихи.*
2. *Ҳирот адабий муҳити хамсанавислиги.*
3. *Абдурахмон Жомий «Хамса»сининг ғоявий-бадиий хусусиятлари.*
4. *Алишер Навоий «Хамса»сига умумий тавсиф.*

Мусулмон Шарқи эпик поэзияси тарихи хамсачилик анъанаси билан чамбарчас боғлиқ. Даставвал XII асрда вужудга келган хамса жанри саккиз асрга яқин вақт давомида юзлаб жавоб дostonларга эга бўлди. Шарқ адабиётида биринчи бўлиб «Хамса» ёзган шахс буюк озарбайжон шоири Низомий Ганжавийдир. У 1170 – 1204 йиллар оралиғида бирин-кетин 5 та дoston яратди, бу дostonлар шоир вафотидан сўнг яхлит бир тўпламга бирлаштирилиб, «Панж ганж» («Беш хазина») деб атала бошланди ва кейинчалик хамса номи билан машҳур бўлди.

Низомий бешлигидаги биринчи дoston «Махзан ул-асрор» («Сирлар хазинаси») деб аталиб, 1170 йилда яратилган. Низомий бу дostonини ғазнавийлар ҳукмдори Баҳромшоҳ (XII аср)га бағишлайди. «Махзан ул-асрор»нинг вужудга келишида XII аср классиги Ҳаким Санойи «Ҳадиқат ул-ҳақойиқ» («Ҳақиқатлар боғи») дostonининг таъсири бор. Умуман, мусулмон Шарқида фалсафий-дидактик йўналишдаги дostonларнинг ибтидоси ҳам бевосита шу дoston билан боғланади.

Низомий бешлигидаги иккинчи дoston «Хусрав ва Ширин» деб аталиб, тахминан 1181 йилда ёзиб тугалланган. Шоир бу дostonини салжуқий ҳукмдор Тўғрул II (1174 – 1194) топшириғига кўра яратади. «Лайли ва Мажнун» дostonи эса 1188 – 1189 йилларда Ширвоншоҳ Ахситан II топшириғига кўра яратилади.

Низомий бешлигидаги тўртинчи дoston «Ҳафт пайкар» («Етти гўзал») 1196 йилда ёзиб тугалланади. Дoston 4600 байтдан иборат бўлиб, ҳукмдор Алоуддин Кўрпа Арслон (1174 – 1207) топшириғи билан яратилган. «Ҳафт пайкар» асосий воқеа ва унга илова қилинган 7 та қолипловчи ҳикоятлардан иборат.

Низомий бешлигидаги сўнги – бешинчи дoston «Искандарнома» деб аталиб, икки қисм: «Шарафнома» ва «Иқболнома»дан иборат. Дoston ҳажми 10000 байтдан ортиқроқ. Дostonнинг аниқ қайси йилда яратилганлиги маълум эмас, адабиётларда унинг 1197 йилдан кейин ёзилганлиги ҳақида баъзи қайдлар учрайди.

Низомий бешлиги яратилгандан кейин орадан бир аср вақт ўтиб Хусрав Деҳлавий (1253 – 1325) унга жавоб ёзди ва шу билан хамсанавислик аънанасини бошлаб берди. У 1299 – 1301 йилларда «Матлаъ ул-анвор» («Нурларнинг бошланмаси»), «Ширин ва Хусрав», «Мажнун ва Лайли», «Ҳашт беҳишт» («Саккиз жаннат»), «Ойнаи Искандарий» («Искандар ойнаси») дostonларини яратиб, Низомий ишини давом эттирди, натижада адабиётда хамсачилик аънаси пайдо бўлди.

Деҳлавийдан кейин бу аънаа бутун Шарқ дунёсига тарқалди ва жуда кўп халқларда Низомий дostonлари мавзуси ҳамда сюжети асосида асарлар пайдо бўлди. Озарбайжон олими Ғ.Алиев жаҳон кутубхоналарида сақланаётган қўлёзма ва манбаларни ўрганиб чиқиш асосида Низомий бешлигига муайян тарзда жавоб ёзган 300 га яқин ижодкорни аниқлади ва улар ҳақидаги маълумотларни умумлаштириб «Темы и сюжеты Низами в литературах народов Востока» номли монографиясини яратди.

Хамсанавислик тарихида XV аср Ҳирот адабий муҳити алоҳида ўрин эгаллайди. Изланишлардан маълум бўлдики, айнан шу давр ва шу муҳитнинг ўзида 20 га яқин ижодкор хамсанависликда ўз кучини синаб кўрган. Гарчи бу ижодкорларнинг барчаси тўлиқ «Хамса» яратмаган бўлсалар-да, лекин бешликнинг у ёки бу дostonига жавоб ёзиш билан мазкур аънаага ўз муносабатларини билдирганлар.

Бу даврдаги Низомий мавзуларига мурожаат қилган ижодкорлар ҳақида Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» (1498), Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират уш-шуаро» (1486), Ҳумомиддин Хондамирнинг «Мақорим ул-ахлоқ» асарларида маълумотлар учрайди.

Ижодкорларни хамсанависликка билдирган муносабатига кўра шартли равишда уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Тўлиқ «Хамса» муаллифлари.
2. «Хамса»нинг баъзи дostonларига жавоб ёзган ижодкорлар.
3. Битта дostonга жавоб ёзган ижодкорлар.

## Тўлиқ «Хамса» муаллифлари

### Жамолий

Темур ва Шоҳрух замонида яшаган бу ижодкорнинг таваллуду вафот йиллари ҳақида аниқ маълумот йўқ. Фақат Ғ.Алиев ўзининг «Темы и сюжеты Низами в литературах народов Востока» номли монографиясида унинг бешлиги 1402 – 1417 йиллар оралиғида яратилган деган фикрни билдиради.

Жамолий «Хамса»си қуйидаги дostonлардан иборат:

1. «Тухфат ул-аброр» («Махзан ул-асрор»га жавоб).
2. «Меҳру Нигор» («Хусрав ва Ширин»га татаббуъ).
3. «Маҳзун ва Маҳбуб» («Лайли ва Мажнун»га татаббуъ).
4. «Ҳафт авранг» («Ҳафт пайкар»га татаббуъ).

5. Doston номи аниқ эмас. Лекин воқеалар мазмуни ва қўлланилган вазн Низомий «Искандарнома»сини эслатгани учун, уни Низомий бешлигидаги сўнгги дostonга жавоб тарзида ёзилган деб ҳисоблаш мумкин.

### Ашраф Мароғий

Шоҳрух замонида яшагани ва 1450 йилда вафот этгани маълум. Унинг бешлиги 1428 – 1444 йиллар оралиғида яратилган бўлиб, қуйидаги дostonлардан иборат:

1. «Минҳож ул-аброр» («Яхши кишиларнинг йўли») 1428 йилда яратилган. Низомий дostonидан бир оз фарқланиб, 21 мақолатдан иборат ва уларнинг ҳар бирига иккитадан ҳикоят илова қилинади.

2. «Риёз ул-ошиқин» («Севишганлар боғи», 1432). Баъзи манбаларда «Хусрав ва Ширин» номи билан кўрсатилади.

3. «Ишқнома» («Лайли ва Мажнун»га татаббуъ, 1438).

4. «Ҳафт авранг» («Етти тахт», 1440).

5. «Зафарнома» 1444 йилда яратилган. Номланишдаги ўзгачаликка қарамай, воқеалар баёни ҳам, қўлланилган вазн ҳам «Искандарнома»ни эслатади.

Мазкур гуруҳдаги яна икки ижодкор – Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомий «Хамса»лари ҳақида мавзу сўнгида батафсилроқ фикр юритганимиз сабабли бу ўринда уларга тўхталиб ўтирмаймиз.

## «Хамса»нинг баъзи дostonларига жавоб ёзган ижодкорлар

### *Котиби Туршизий*

Бу ижодкорнинг Нишопурдан келганлиги ва 1434/1436 йилда Астрободда вафот этгани ҳақида Е.Э.Бертельс ўзининг «Навои и Джами» тадқиқотида маълумот келтиради.

Туршизий 10 га яқин маснавий-дostonлар муаллифи, улардан фақат учтаси «Хамса» дostonларига татаббуъ тарзида вужудга келди:

1. «Гулшан ул-аброр» («Яхши кишиларнинг гулшани»).
2. «Лайли ва Мажнун».
3. «Баҳром ва Гуландом».

### *Абдуллоҳ Ҳотифий*

1445/1450 – 1521 йиллар оралиғида яшаган. Манбаларда Абдурахмон Жомийнинг жияни сифатида тилга олинади. «Хамса»нинг қуйидаги дostonларига жавоб ёзганлиги маълум:

1. «Лайли ва Мажнун».
2. «Ширин ва Хусрав» (1490).
3. «Ҳафт манзар» («Етти манзара»), «Ҳафт пайкар»га татаббуъ тарзида яратилган.
4. «Темурнома». «Искандарнома» вазнида битилган бу дoston Амир Темурнинг зафарли юришларига бағишланган. Кўринадики, Ҳотифий дostonлари орасида фақат «Махзан ул-асрор»га жавоб тарзида ёзилган дoston учрамайди.

### *Бадриддин Ҳилолий*

Асли астрободлик бўлган бу ижодкор XV асрнинг 70-йилларида туғилган. 1529 йилда қатл этилган. «Хамса» дostonларига жавобан ёзилган 2 та дostonи бор:

1. «Сифат ул-ошиқин» («Махзан ул-асрор»га жавоб).
2. «Лайли ва Мажнун».

### *Шаҳобиддин Жомий*

Бу ижодкорнинг туғилган ва вафот этган йиллари ҳақида аниқ маълумот йўқ. Фақат Хондамирнинг «Мақорим ул-ахлоқ»ида

Шаҳобиддин Жомийнинг Алишер Навоий маслаҳатига кура «Лайли ва Мажнун» ва «Хусрав ва Ширин» дostonларини ёзганлиги ҳақидаги маълумотига таянсақ, муаллиф XV асрнинг иккинчи ярмида яшаганлиги маълум бўлади. Шаҳобиддин Жомийнинг бу икки дostonи бизгача етиб келмаган ёки ҳалигача топилмаган.

### **Битта дostonга жавоб ёзган муаллифлар<sup>20</sup>**

Бу гуруҳни ғоявий йўналишига қараб иккига ажратиш мумкин:

1. «Махзан ул-асрор» типида дoston ёзган муаллифлар:

Осафий Ҳиравий, Наргисий, Фиёсиддин Сабзаворий, Фосих Румий, Саййид Қосимий.

2. «Лайли ва Мажнун» типида дoston ёзган муаллифлар:

Шайхим Суҳайлий, Али Оҳий. Хожа Имод Лорий, Хожа Ҳасан Хизршоҳ, Заве Қозиси.

Хамсачилик тарихида форс-тожик адабиётининг йирик намояндаларидан бири Абдурахмон Жомий (1414 – 1492) бешлиги алоҳида ўрин тутди. Жомий ижодкор бўлиш билан бирга сўфий ҳам эди, бу ҳолат у яратган асарларда ҳам намоён бўлади. Шарқшунос олим Конраднинг таъбири билан айтганда, «у – шоир, у – файласуф, у – филолог, у – мусиқашунос. Лекин, шу билан бир қаторда, у кўпроқ сўфий. Унинг учун борлиқни англашнинг икки кўриниши мавжуд – борлиқ сирлари ва ижод сирлари» (Конрад Н.И. Запад и Восток. – С.276).

Адабиётшуносликда Жомийнинг «Хамса» ёзган-ёзмаганлиги билан боғлиқ баҳсли фикрлар мавжуд. Айрим адабиётшунослар Жомий дostonларига «Хамса» тарзида эмас, балки еттилик – «Ҳафт авранг» шаклида («Саломон ва Абсол» ҳамда «Силсилат уз-заҳаб» дostonларини ҳам қўшган ҳолда) қараш зарурлигини таъкидлайдилар. Лекин Жомийнинг ўзи «Хирадномаи Искандарий» хотимасида ўз асарини «Панж ганж» деб атагани учун, Жомийни «Хамса» яратган ижодкорлар қаторига киритиш тўғрироқ бўлади.

<sup>20</sup> Аслида, бундай номланиш ҳам нисбий бўлиб, бу ўринда фақат бизгача етиб келган дostonлар ва улар ҳақидаги адабиётшуносликда мавжуд маълумотларга таянилди.

Абдурахмон Жомий «Хамса»сининг биринчи достони «Тухфат ул-ахрор» 1481 йилда яратилган. Фалсафий-ахлоқий масалаларга бағишланган бу дoston Низомий «Махзан ул-асрор»ига жавоб тарзида вужудга келди. Дostonлар номланишидаги оҳангдошлик, композицион қурилишдаги ўхшашлик ва қўлланилган шеърый ўлчов бу фикрни тасдиқлайди.

1482 – 1483 йилларда «Хамса»нинг иккинчи достони «Субҳат ул-аброр» («Яхши кишиларнинг тасбеҳи») майдонга келди. Анъанага мувофиқ, «Хамса»нинг иккинчи достони ишқий мавзуга бағишланиши керак эди. Жомий бу ўринда анъанадан бутунлай чекиниб, фалсафий йўналишдаги яна бир дoston яратади. Лекин у биринчи дoston каби 20 та мақолатдан эмас, балки 40 та бўлим – «икд» (тасбеҳ донаси)дан иборат бўлиб, ҳар бир назарий қисмдан кейин алоҳида ҳикоят ва муножот илова қилиб борилади.

Абдурахмон Жомий бешлигидаги учинчи дoston «Юсуф ва Зулайхо» деб аталиб, 1483 йилда яратилган. Низомий бешлигида бундай мавзу ва сюжетдаги дoston учрамайди. Жомий «Хусрав ва Ширин» мавзусидаги анъанавий дoston яратишдан воз кечиб, Қуръонда «аҳсан ул-қисас» – «қиссаларнинг сараси» деб таърифланган Юсуф қиссаси баёнига бағишланган «Юсуф ва Зулайхо» дostonини яратади.

Абдурахмон Жомий «Хамса»сидаги тўртинчи дoston «Лайли ва Мажнун» мавзусига бағишланган бўлиб, 1483 йилда яратилган. «Хамса»даги сўнги – бешинчи дoston «Хирадномаи Искандарий» ҳам Жомийнинг анъанага риоя этиши билан характерланади. Қўринадики, Абдурахмон Жомий яратган маснавий-дostonлар орасида фалсафий йўналишдаги дostonлар етакчи ўринда туриши билан характерланар экан.

Форс адабиётида Низомий бешлигига биринчи жавоб битган ижодкор Хусрав Дехлавий бўлса, Навоий бу вазифани туркий тилда адо этди. Навоий бешлигида хамсанависликнинг барча шартларига қатъий амал қилинганини қўрамыз. Чунки хамсанавислик анъанасидан бир оз бўлса-да чекиниш туркий тилда «Хамса»дек буюк асарни ёзиб бўлмайди деган фикрга олиб келиши мумкин эди. Навоий ўз «Хамса»си мисолида анъанавий шакл доирасида ҳам янги фикр айта олиш имкониятини, белгиланган шаклларни жилвалантириш усуллари мавжудлигини кўрсатиб берди ва унинг бу асари умумжаҳон адабиётининг юксак чўққиси бўлиб қолди.

Навоий «Хамса»си аждодларимиз маънавий ҳолатининг кўзгуси бўлиб, унда ўтмиш давр ижтимоий турмуши, халқ ҳаёти, урф-одатлари, дин-диёнат, ахлоқ-одоб ҳақидаги қарашлар ўз аксини топган. Навоий «Хамса»си бир-бири билан ич-ичидан мустаҳкам боғланган бешта дostonни ўз ичига олувчи яхлит асардир. Буюк шоир унда замонасининг барча долзарб масалаларини қаламга олади. Мундарижавий дoston бўлмиш «Ҳайрат ул-аброр»да шоир умр, унинг мазмуни, табиат, жамият ва инсон муносабатларига доир саволларни қўйса, кейинги дostonларда муайян тақдирлар, воқеалар мисолида уларга жавоб беришга ҳаракат қилади. «Хамса» дostonларидаги муқаддималар дostonлар воқелигига шунчаки анъанавий кириш қисми бўлмай, балки дostonлар мундарижаси учун очқич вазифасини ҳам ўтайди. Шу маънода муқаддималарда келтирилган фикрларга алоҳида эътибор бериш дostonлар тағзаминида яширинган рамзий маъноларни очишга ёрдам беради. Айнан муқаддимада буюк мутафаккирнинг олам ва одам, табиат, кишилик жамияти, умр ва унинг мазмуни ҳақидаги фалсафий-ахлоқий қарашлари, ижодкор сифатидаги буюк салоҳияти у қўллаган бадий тимсоллар, ташбеҳу тамсиллар воситасида бутун бўй-басти билан намоён бўлади.

Ўзбек мумтоз адабиётининг чўққиси булган Алишер Навоий «Хамса»си жаҳон адабиётининг ноёб ва ўлмас дурдонасидир.

### Таянч тушунчалар

- *хамса*
- *хамсанавислик*
- *хамсанавислик шартлари*
- *Ҳирот адабий муҳити*
- *тўлиқ бешлик муаллифлари*
- *баъзи дostonларга жавоб ёзганлар*
- *бир дostonга жавоб ёзганлар*

### Савол ва топшириқлар:

1. *Хамсанавислик анъанасига асос солган дея қайси шоирни кўрсатиш мумкин деб ўйлайсиз: Низомий Ганжавий ёки Хусрав Деҳлавий? Қайси асосларга кўра?*



2. «Хамса» яратган ижодкорларни шартли равишда қай шаклда гуруҳлаш мумкин?

3. Нима учун Хусрав Деҳлавий ҳамда Навоий хамсачиликнинг барча шартларига амал қилишган?

4. Абдураҳмон Жомийнинг «Хамса» яратган ёки яратмагани тўғрисида нима учун яқдил фикр йўқ?

5. Сизнингча, нима учун Абдураҳмон Жомий «Хусрав ва Ширин» мавзусида дoston ёзишдан воз кечган?

6. Алишер Навоий «Хамса»сининг адабиётимизда тутган ўрни ҳақида қандай мустақил хулосаларингиз бор?

### Адабиётлар:

1. Абдуғафуров А. Буюк бешлик сабоқлари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1995.

2. Ҳайитметов А. Темурийлар даври адабиёти. – Тошкент: Фан, 1996.

3. Исҳоқов Ё. «Хамса» поэтикасига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1986. – №1.

4. Алиев Г.Ю. Темы и сюжеты Низами в литературах народов Востока. – М.: Наука, 1985.

5. Валихўжаев Б. «Хамса» ёзиш анъанасига Алишер Навоийнинг муносабати // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1990. – №1.

6. Эркинов А.С. Алишер Навоий «Хамса»си талқинининг XV – XX аср манбалари: Филол. фан. докт... дисс. – Тошкент, 1998.

7. Юсупова Д. Алишер Навоий «Хамса»сида мазмун ва ритмнинг бадиий уйғунлиги. – Тошкент: МУМТОЗ СЎЗ, 2011.

8. Навоийнинг ижод олами (мақолалар тўплами). – Тошкент: Фан, 2001.

## **«ҲАЙРАТ УЛ-АБРОР» ДОСТОННИНГ ҒОЯВИЙ-БАДИИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

### **РЕЖА:**

- 1. «Ҳайрат ул-аброр» достонининг таркибий тузлиши.**
- 2. Достон муқаддасига умумий тавсиф.**
- 2. Достондаги мақолатлар.**
- 3. Достондаги ҳикоятлар.**

Алишер Навоий «Хамса»сидаги биринчи достон – «Ҳайрат ул-аброр» («Яхши кишиларнинг ҳайратланиши») 1483 йилда яратилган эди. Достон 3988 байтдан иборат бўлиб, 63 боб, 20 мақолат ва 20 ҳикоятдан ташкил топган. Шундан КИРИШ (муқаддима) 21 бобни ўз ичига олади.

Достоннинг биринчи боби Қуръони Каримдаги бош илоҳий жумла «Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим» («Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан бошлайман»)нинг поэтик шарҳига бағишланган. Бу боб нафақат «Ҳайрат ул-аброр» учун, балки, умуман, «Хамса» учун ҳам кириш вазифасини ўтайди, чунки кейинги достонларда биз бу илоҳий жумлани учратмаймиз. Ҳазрат Навоий бу жумлани икки нуқтаи назардан таҳлил қилади: қабул қилувчилар ва рад этувчилар. Бунда ушбу жумладаги ҳар бир ҳарфга алоҳида маъно юклатилади. Дастлаб рад этувчиларга тўхталинар экан, жумладаги ҳар бир ҳарфнинг бу тоифа кишиларини жазолантиришга хизмат қилдирилганини кўрамиз. Хусусан, «س» – «син» ҳарфи ҳақида гапирилганда унинг шакли наҳанг балиғининг умуртқа суягидаги аррадек бўлиб, рад этувчилар учун офатдек; «م» – «мим» ҳарфи илон нафасидек ўт сочиб, йўл бошида оғзини очган ҳолда ётади деган ташбеҳлардан фойдаланилади. Шу тариқа Навоий жумладаги қолган ҳарфларни ҳам бу мақсадга хизмат қилдиради ва китобат (ҳарф) санъатининг бетакрор намунасини яратади.

Иккинчи тоифа, яъни қабул қилувчиларга тўхталинганда энди бу ҳарфларнинг ижобий маъно касб этишини кузатамиз. Хусусан, «س» – «син» ҳарфи энди саломатлик йўлининг зинасига ўхшатила, «م» – «мим» ҳарфининг мақсад манзилидаги булоқ бошига нисбат берилганлигини кўрамиз. Буларнинг барчасида Навоийнинг юксак бадиий салоҳияти намоён бўлади.

Достоннинг иккинчи боби Холиқ, яъни Аллоҳ ҳамдига бағишланади. Мазкур бобда шоир ҳамма нарсани яратган Холиқнинг осмон ва қуёшдан тортиб ҳар бир заррани, бутун ўсимликлар ва ҳайвонот оламини, кишилиқ жамиятини бир-бирига боғлаб ҳаракатлантириб туришини чексиз ҳайрат билан тасвирлайди. Алишер Навоий «Унинг зоти лутф ва сафодан иборат, лекин вафо иси унга бегона» деган фикрларни илгари сурар экан, бу ўринда тасаввуф таълимоти асосида фикр юритилаётгани маълум бўлади.

Достоннинг 3 – 6-боблари (тўрт боб) муножотларни ўз ичига олади. Муножотларда дунёдаги барча мавжудотлар ўз яратганига доим сажда қилиши зарур. Худонинг қаҳри келса, «кўк бир этак кул» каби совурилиб кетиши ҳеч гап эмаслиги таъкидланади. Шунинг учун инсонлар ўйлаб иш тутиши, гуноҳ қилишга йўл қўймаслиги, қиёмат кунини унутмаслиги, ҳар бир гуноҳ учун қиёмат куни жазо олажagini эсда сақлаши, ислом дини қоидаларига тўла риоя қилиши зарурлиги уқтирилади. Навоий охириги муножотда Худога мурожаат этиб гуноҳларини кечиришини сурайди:

*Гарчи гунаҳнинг ҳаду поёни йўқ,  
Айламасанг раҳм ҳам имкони йўқ.*

Адабий анъанага кўра муножотдан сўнг пайғамбар мадҳига, яъни наътга ўтилади. Достонда 5 та наът келтирилган. Биринчи наътда тасаввуф таълимотидаги «Нури Муҳаммадия» назариясига тўхталинар экан, ушбу назариядаги «Одам Ато унга ҳам ўғил, ҳам ота» деган тушунча таърифи берилади. «Нури Муҳаммадия»га кура, Аллоҳ барча оламларни яратишдан олдин Муҳаммад нурини яратган бўлиб, шу нур туфайли оламини ва одамни яратган. Демак, Одам Ато ҳам Муҳаммад нуридан бино қилинган. Шунинг учун ҳазрати Муҳаммад (с.а.в.) Одам Атога ҳам ота, ҳам ўғилдир:

*Бўлди санга Одами сабқатнамо,  
Аввал ўғул, сўнгра гар ўлса Ато.*

Кейинги наътларда пайғамбарнинг болалиги, пайғамбарлик давридаги фаолияти, ноёб инсоний хусусиятлари, меърож туни таърифлари келтирилади.

Достоннинг 12-боби улуғ салафлар – Низомий Ганжавий ва Амир Хусрав Деҳлавий мадҳига бағишланган. Дастлаб Низомийга таъриф берилар экан, унинг исмидаги ҳарфлар абжад ҳисобига кўра 1001 сонига тенг келиши жиҳатидан Худонинг 1001 исмига ҳамоҳанг эканлиги айтилади. Иштиқоқ (ўзақдош сўзларни келтириш) ва ийҳом (байтни икки хил маънони қўллаш) санъатлари воситасида у яратган хазина («Хамса»)га таъриф берилади:

*Ганжа ватан. кўнгли анинг ганжхез,  
Хотири ганжуру тили ганжрез.*

Хусрав Деҳлавий мадҳи келтирилганда эса унинг исмидаги «хусрав» сўзининг подшо маъносини билдириши Деҳлавийнинг сўз подшоси сифатида Ҳинд мулкини обод қилганлиги, унинг ҳар бир достони Ҳиндистоннинг бир ўлкасига тенг эканлиги билан изоҳланади:

*Назми саводи аро ҳар достон,  
Ўйлаки, бир кишвари Ҳиндустон.*

13-боб Нуриддин Абдураҳмон Жомий мадҳини ўз ичига олади. Навоий Низомий ва Деҳлавийни бир бобда таърифлагани ҳолда, устози ва дўсти Абдураҳмон Жомийга алоҳида боб бағишлайди. Уни ўша даврнинг «қутби тариқати» деб атар экан, ўзининг унга нисбатан ожиз ва муҳтожлигини ғоят камтарлик билан баён қилса, Жомийнинг янги ёзган бирор асарини ўзидан олдин ҳеч ким кўрмаслигини фахр билан келтириб ўтади:

*Номағаким роқим этиб хомасин,  
Кўрмади мен кўрмайин эл номасин.*

«Ҳайрат ул-аброр» достонининг ёзилишига айнан Жомийнинг «Тухфат ул-аҳрор» достони туртки бўлганлиги айтилади:

*Боштин-аёқ гавҳари шаҳвор эди,  
Қайси гуҳар, «Тухфат ул-аҳрор» эди...  
Чун ўқимоқ замзамаси бўлди бас,  
Кўнглум аро дағдаға солди ҳавас*

*Ким, бу йўл ичраки алар солди гом,  
Бир неча гом ўлса манга ҳам хиром.*

Достоннинг 14 – 15-боблари сўз таърифига бағишланган. Ҳазрат Навоий сўзнинг буюклигини «кун» (ярал) сўзининг олам ва одамни яратишда восита бўлганлиги билан далиллайди:

*Даҳр муқайяд била озодаси,  
Борча эрур «коф» ила «нун» зодаси.  
Зодасидин зода бўлуб беадад,  
Зодага ҳам волид ўлуб, ҳам валад.*

Алишер Навоий бу ўринда сўзнинг маҳсули бўлган адабий турлар ҳақида ҳам тухталар экан, назм ва насрга алоҳида таъриф беради, назмни насрдан устун қўйиб, гулшанда гулларнинг саф тортиб туришини назмга, сочилиб, тўкилиб ерда ётишини насрга ўхшатади. Шоирнинг эътирофича, назм бу қадар эъзозланмаса, Тангри сўзида шеър бўлмас эди:

*Бўлмаса эъжоз мақомида назм,  
Бўлмас эди Тенгри каломида назм*

Шунингдек, Навоий ушбу бобда туркий тилда шеър айтишга кучли иштиёқ сезишини ва бу йўлда анча юқори даражага эришганини фахр билан баён қилади.

Достоннинг 16-боби замона султони Ҳусайн Бойқаро мадҳини ўз ичига олади. Алишер Навоий бу бобда талмеҳ санъати воситасида Ҳусайн Бойқарони куч-қудратда Фирдавсий қаҳрамони Рустамга, адолат ва фазлу камолда Эроннинг афсонавий подшоҳи Жамшидга ўхшатади.

17-боб «Кўнгул таърифиди» деб номланади. Бу бобда Навоий қудратли Деҳқон (Худо) илк тонгда инсонни яратгандан кейин унга кўнгул ато этганини баён қилар экан, кўнгулни юрак билан адаштирмасликка чақиради. Шоирнинг фикрича, юрак савдогарда ҳам бор, лекин унинг бутун фикри-ёди савдода. Яратгanning ёди билан яшайдиган инсондагина ҳақиқий кўнгул бўлади ва угина «аҳли дил» саналиши мумкин. Шунингдек, Навоий кўнгулни олами кубро, Каъбадан-да улуг жой деб атайди.

Муқаддиманинг қолган уч боби (18 – 20-боблар) ҳайрат таърифига бағишланган. Бу бобларда Хожа, яъни кўнгулнинг аввал мулк (нарсалар) оламига, кейин малакут (фаришталар) оламига ва, ниҳоят, сўнгида «ажойиб бир шаҳар» (инсон танаси)га саёҳати баёни келтирилади ҳамда бу саёҳат кўнгулнинг ўзлигини таниб, инсон танасига киргани тасвири билан яқунланади. Алишер Навоий бу ўринда «ўзлигини билган Худони ҳам билади» ғоясини илгари суради:

*Нафсга чун ориф ўлуб мў-бамў  
Фойиз ўлуб «қад арафа раббаҳу».*

Муқаддиманинг сўнги 21-боби Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг халифаси Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор мадҳига бағишланган. Алишер Навоийнинг муқаддимадаги сўнги бобни айнан шу шайхларга бағишлаши шоирнинг нақшбандия сулуки вакили эканлигига ишора эди. Боб ўз ичида икки қисмга ажратилади, биринчи қисм 15 байтдан иборат бўлиб, унинг деярли ҳар бир байтида нақш сўзининг турли ҳолат ва шаклларда иштиқоқ (ўзақдош сўзларни келтириш) ва таносуб (маъно ва моҳият жиҳатидан бир-бирига яқин сўзларни келтириш) санъатлари воситасида қўлланилганлигини кўрамыз. Навоий Баҳоуддин Нақшбандни юксак мартабали наққошга, унинг таълимотини муҳташам ва дилкаш нақшга ўхшатади:

*Хожаки наққоши сипеҳри баланд,  
Бўлғали ҳар сафҳасига нақшбанд.  
Айлади авроқ мунаққаш баса,  
Нақш рақам айлади дилкаш баса.*

Бобнинг иккинчи қисми нақшбандия тариқатининг ўша даврдаги машҳур пирларидан бири Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор мадҳига бағишланган. Навоий уни муршиди офоқ (йўлбошловчи пир) деб улуғлар экан, шоҳлар унга қуллуқ қилишга ўзлари келадилар, ҳатто ҳақиқат сирларидан огоҳлар ҳам унинг ҳузурда ҳушларидан жудо бўладилар деб ёзади:

*Юз кўюбон қуллуғига шоҳлар.  
Базмида беҳуд ўлуб огоҳлар.*

Алишер Навоий бобни улуғ шайх фаолиятига юксаклик тилаш ва унинг ҳимматидан баҳрамандлик умиди билан яқунлайди. Бу умид бевосита муқаддимага ҳам яқун ясайди:

*Кўймасун айвони жаҳонни тиҳи,  
Дабдабаи кўси Убайдуллаҳи.  
Ҳимматидин бизни ҳам этсун Худой,  
Факр йўлида ғани, имонға бой.*

Достоннинг 22-бобидан асосий қисм бошланади. Асосий қисм мақолат ва ҳикоятлардан ташкил топган 40 бобни ўз ичига олади. Мақолатлар муайян бир ахлоқий-фалсафий мавзуга бағишланган бўлиб, шоир дастлаб ушбу мавзуга муносабат билдиради, мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилади, сўнгра шу мавзуга мос ибратли ҳикоя келтиради. Шу тариқа асосий қисм 20 мақолат ва унга илова тарзида келтирилган ҳикоятлар баёни тарзида давом этади. Буни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:

Мақолат номи	Ҳикоят
Иймон шарҳида	Шайх Боязид Бистомий ва унинг муриди ҳақидаги ҳикоят
Ислом бобида	Иброҳим Адҳам ва Робия Адвия ҳақидаги ҳикоят
Салотин (султонлар) зикрида	Шоҳ Ғозий ҳикояти
Хирқа кийган риёкор шайхлар хусусида	Абдулла Ансорий ҳақидаги ҳикоят
Карам (хайру эҳсон) васфида	Ҳотами Тойи ҳикояти
Адаблилик тўғрисида	Нуширавон ва Наргис ҳақидаги ҳикоят
Қаноат бобида	Қаноатли ва қаноатсиз икки дўст ҳақидаги ҳикоят
Вафо бобида	Икки вафоли ёр ҳикояти
Ишқ ўти таърифида	Шайх Ироқий ҳақидаги ҳикоят
Ростлиқ таърифида	Шер билан Дуррож ҳикояти
Илм осмонининг юлдузлардек баланд мартабалилиги ҳақида	Имом Розий ва Хоразмшоҳ ҳақидаги ҳикоят
Қалам ва қалам аҳллари ҳақида	Ёқут ҳақидаги ҳикоят

Булутдек фойда келтирувчи одамлар ҳақида	Айюб ва уғри ҳақидаги ҳикоят
Осмон тузилишидан шикоят	Искандар ҳақидаги ҳикоят
Жаҳолат майининг куйқасини ичадиганлар ҳақида	Исроилий ринд ҳақидаги ҳикоят
Хунасасифат олифталар ҳақида	Абдуллоҳ Муборак ҳақидаги ҳикоят
Баҳор йигитлигининг софлиги ҳақида	Зайнобиддин ва унинг уғли ҳақидаги ҳикоят
Фалак ғамхонаси ҳақида	Гузал малика ва унинг ошиғи ҳақидаги ҳикоят
Хуросоннинг мисли йўқ вилояти баёнида	Баҳром ва боғ ҳақидаги ҳикоят
Мақсаднинг ўталгани ҳақида	Хожа Муҳаммад Порсо ҳақидаги ҳикоят

Энг аввалги мақолат иймон шарҳига бағишланади. Бу бежиз эмас, зеро, дostonнинг бош ғояси комил инсон тимсолини васф этишдир, комилликнинг бош белгиси эса иймон:

*Кимки жаҳон аҳлида инсон эрур.*

*Билки, нишони анга иймон эрур.*

Алишер Навоий: «Кимдаки иймоннинг уч белгиси бўлса, у ҳақиқий инсондир», – дейди ва бу белгилар сифатида *сабр, шукр* ва ҳаёни кўрсатиб ўтади:

*Бас, ани инсон атағил бериё*

*Ким, ишидур сабр ила шукру ҳаё.*

Комил инсон таърифидан кейин иймон шарҳига тўхтаб ўтилади. Ҳазрат Навоий иймоннинг 6 шarti сифатида қуйидагиларни келтиради:

- 1) Ҳақнинг борлигига иймон келтириш;
- 2) фаришталарга иймон;
- 3) Аллоҳнинг сўзлари булган муқаддас китобларга иймон;
- 4) пайғамбарларга иймон;
- 5) қиёмат кунига иймон;
- 6) тақдири азалга иймон.



Ушбу фикрлардан сўнг Шайх Боязид Бистомий ва унинг муриди ҳақидаги ҳикоят келтирилади. Ҳикоятда бир куни Шайх Боязид Бистомийдан ғамгинлик сабабини сўраган муридига шайх бу дунёда ҳақиқий инсонлар камайиб кетганлигидан хафаман деб жавоб беради. Шунда муриди шайхни ҳақиқий инсонлар сафида деб ҳисоблашини айтганида, шайх ўзини ҳам юз минг сарсон-саргардонлар қаторида санадини, агар бу дунёдан иймон билан кетмас экан, инсон саналмаслигини айтади. Ҳикоятда диний мазмундан ташқари тасаввуфий қарашлар ҳам мавжуд бўлиб, бунда тариқатдаги хавф мақоми ҳақида сўз боради деб айтиш мумкин. Н.Комиловнинг «Тасаввуф» китобида ёзилишича, хавф тариқатнинг 6-мақоми бўлиб, бунда солиқнинг нафс макридан қўрқиши, шайтон найрангининг кўнгилга хавф солиши назарда тутилади. Нафс шундай кучли душманки, солиқ тариқатдаги тавба, вараъ, зуҳд, фақр, сабр каби мақомларни эгаллаган бўлишига қарамай, нафснинг иймонга дахл қилиши мумкинлигидан доим хавфда бўлади.

Алишер Навоий кейинги мақолатларда ҳам биринчи мақолатда келтирилган бош мавзу – комил инсонга хос сифатлар баёнини давом эттиради. Хусусан, 5-мақолат карам ва саховат, 6-мақолат адаб, 7-мақолат қаноат, 8-мақолат вафо, 10-мақолат ростгўйлик таърифидадир. Бу мақолатлар орасида 7-мақолат бадиий тим-солларга бойлиги билан алоҳида ажралиб туради. Навоийнинг фикрича, кимки қаноатни ўзига касб қилган бўлса, у энг бой инсондир. Олтин, кумуш ва зебу зийнатларни бойлик деб билмаслик керак, балки ҳақиқий бойлик қаноат хазинасидир:

*Кимгаки иш бўлди қаноат фани.*

*Билки, ани қилди қаноат ғани.*

*Ганжи тажаммулни ғино билмагил.*

*Балки ғино ганжи қаноатни бил.*

Мазкур мақолатда қаноат тушунчаси чиройли ташбеҳлар ва тамсиллар воситасида ифодалаб берилганлигини кўрамиз. Масалан, осмон қанчалик катта бўлмасин, у битта кулча, яъни қуёш билан кун кечиради. Кўз доим шунинг учун равшанки, у меҳроб остида туриб иккита бодом билан озиқланади. Шундай экан, инсонлар қаноат бобида осмон ва кўз сингари бўлишлари

керак. Мақолатда китобат (ҳарф) санъатининг ҳам етакчилик қилишини кузатиш мумкин:

*Қушлар аро шоҳки. анқо дурур,  
Нуктае бу амрда пайдо дурур.  
Бордур агар фикр ила топсанг вуқуф,  
Қониъю анқоға мувофиқ ҳуруф.*

Қушларнинг ичида анқо шоҳ ҳисобланади. Бунда маълум бир маъно бор. Агар фикр билан воқиф булишни истасанг, «қониъ» ва «анқо» сўзларининг ёзилишида ҳарфлар бир-бирига мувофиқдир. Ёки:

*Шоҳ бошининг шарафи тож эмас,  
Англа ани шоҳки. муҳтож эмас.  
Шоҳ агар ул бўлсаки, муҳтождур.  
Ҳарф ила муҳтожда ҳам тождур.*

Шоҳ бошининг шарофати тождан эмас, кимки муҳтож бўлмаса, ўшани шоҳ деб тушун. Муҳтожни ҳам шоҳ деб аташ мумкин бўлса, ҳарф нуқтаи назаридан «муҳтож» сузида ҳам «тож» бор-ку!

Мақолатга «Қаноатли ва қаноатсиз икки дўст» ҳақидаги ҳикоят илова тарзида келтирилган. Ҳикоятда келтирилишича, икки дўст Форс мулкидан Чин мамлакати томон йўлга тушадилар. Бири тақдир берганига қаноатли инсон бўлиб, иккинчиси очкўз, тамагир эди. Йўлда кетаётиб бир тошга кўзлари тушади. Унинг ярми ер остида бўлиб, ярми ер юзасига чиқиб турарди. Тош устида: «Кимки меҳнат қилиб тошни айлантириб қўйса, остидаги афсонада вайрона тагида беркитиб қўйилган хазина ҳақида ёзиб қўйилган. Кимки бу машаққат, азоб-уқубатларни хоҳламаса, унинг учун сабру қаноат ҳаммасидан яхшироқдир», – деган ёзув битилган эди. Очкўз йигит ёзувни уқигач хазина илинжида тош остини қазишга тушиб кетади. Қаноатли одам эса бепарво тарзда шаҳар томон йўл олади. Шаҳарга кирадиган бир неча дарвоза бўлиб, у биринчи бўлиб киради. Шаҳар аҳолисининг одатига кўра, мамлакат подшоҳи қазо қилса, дарвозадан биринчи кирган одамни подшоҳ қилиб кўтарар эканлар. Шу тариқа бу дўст ўз қаноати туфайли мамлакатга подшоҳ бўлади. Унинг тош остини қазиётган дўсти эса оғир

меҳнатни бажариб бўлгач тошни ағдариб қараса, «Хомтама бу дунёда алам чекади» деб ёзиб қўйилган экан. Хулоса шуки, қаноатли инсон уз сабру қаноати туфайли шоҳ мартабасига эришади, қаноатсиз инсон эса тама илинжида хору зор бўлади.

«Ҳайрат ул-аброр» достонида хотима ҳам ўзига хос ўринга эга. Достоннинг 62 – 63-боблари ҳазрат Навоийнинг хулоса ва якуний фикрларини ўз ичига олади. 62-бобда Навоий достонни яратиш орзусидан бошлаб уни тугатгунича булган жараён ҳақида ёзар экан, достонни ёзиш хаёли унга тинчлик бермагани, элу юрт хизмати, халқ арз-додини тинглаш уни асосий мақсаддан чалғитса-да, Худонинг ўзи унга марҳамат кўрсатиб, ниҳоят, бу улуғ муддаони поёнига етказганини бетакрор ташбеҳлар воситасида баён қилиб беради. Боб сўнгида Навоий ғоят назокат ва камтарлик билан агар ёзганлари элга манзур бўлмаса, уни афв этишларини сураб Аллоҳга илтижо қилади:

*Жилва бер эл кўзига ҳам хўб ани,  
Қилғил улус кўнглига марғуб ани.  
Ҳар нечаким, журмум эрур печ-печ,  
Лекин эрур раҳматинг олинда ҳеч.*

63-бобда оёғи тойиб кетиб, косадаги ошни шоҳнинг бошига тўкиб юборган ва олижаноб шоҳнинг хижолатдан ўлар ҳолатга етган қулни афв этгани ҳақидаги ҳикоят берилади. Ҳикоят бевосита 62-бобга ҳамоҳанг тарзда, унга иловадек келтирилади. Навоий Аллоҳни олижаноб шоҳга, ўзини оёғи тойиб кетган қулга ўхшатар экан, шундай ёзади:

*Ҳар неча кўп бўлса гуноҳим менинг,  
Шукрки, бор сендек илоҳим менинг.  
Хижлат ила қолмади худ жом манга,  
Ери дурур айласанг эҳсон манга.*

«Ҳайрат ул-аброр» достонида кун тартибига қўйилган масалалар бевосита «Хамса»нинг кейинги достонларида ҳам давом этади, хусусан, комил инсонга хос адаб, қаноат, карам ва саховат, футувват, ростлик, вафо каби хислатлар билан боғлиқ масалалар «Фарҳод ва Ширин» достони, «Сабъаи сайёр» таркибидаги ҳико-

ятлар, «Садди Искандарий» дostonларида янгича талқин топганлигини кўраимиз.

Дoston аруз тизимининг сариъ баҳри – сариъи мусаддаси матвийи макшуф (рукнлари ва тақтиъи: муфтаилун муфтаилун фоилун – VV – / – VV – / – V –) вазнида ёзилган. Бу вазн панду насиҳат мазмунидаги фикрларни баён этишга ниҳоятда қулай бўлгани сабабли дoston учун асосий шеърӣ ўлчов вазифасини ўтаган.

### Таянч тушунчалар

- муқаддима
- ҳамд
- наът
- муножот
- меърож
- мақолат
- ҳикоят
- хотима

### Савол ва топшириқлар:

1. «Ҳайрат ул-аброр» типиди ёзилган бошқа яна қандай дostonлар номларини айта оласиз?
2. «Ҳайрат ул-аброр» умумий «Хамса» учун кириш вазифасини ўташини дostonдаги қайси хусусият орқали билиш мумкин?
3. Дostonнинг кириш қисмида Навоий қандай фикр ва ғояларни илгари сурган?
4. Дostonдаги мақолат ва ҳикоятларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқ мисоллар билан асосланг.
5. Дostonга танланган вазннинг хос хусусиятлари ҳақида нималар дея оласиз?

### Адабиётлар:

1. Навоий Алишер. Ҳайрат ул-аброр. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан, 1991. 7-жилд.
2. Navoiy Alisher. Hayrat ul-abror. – Тошкент: G'.G'ulom, 2006.
3. Навоий Алишер. Ҳайрат ул-аброр (настрий баёни билан) /

Таҳрир ҳайъати А.Қаюмов ва бошқ. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989.

4. Муҳиддинов М. Комил инсон – адабиёт идеали. – Тошкент: Маънавият, 2005.

5. Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979.

6. Қаюмов А. «Ҳайрат ул-аброр» талқини. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1985.

7. Vohidov R., Eshonqulov H. O'zbek mumtoz adabiyoti tarixi. – Тошкент: O'zYU Adabiyot jamg'armasi nashriyoti, 2006.

## «ФАРҲОД ВА ШИРИН» ДОСТОНИНИНГ ТИМСОЛЛАР ОЛАМИ

### РЕЖА:

1. *Достоннинг яратилиш тарихи.*
2. *Фарҳод – илоҳий ишқ йўлига кирган солиқ образи.*
3. *Достондаги рамзий тимсоллар.*
4. *Достоннинг бадиий хусусиятлари.*

Алишер Навоий «Хамса»сидаги иккинчи достон «Фарҳод ва Ширин» деб аталиб, 1484 йилда ёзиб тугалланган. Навоийгача бу мавзу «Хусрав ва Ширин» шаклида машҳур эди. Афсонанинг бош қаҳрамони Хусрав Парвез, аслида, тарихий шахс бўлиб, милодий 590 йилда тахтга чиқиб, 628 йилда ўз ўғли Шеруянинг буйруғи билан ўлдирилган Эрон шоҳидир. Унинг оромий ёки арман қизи Ширинга бўлган муҳаббати кўпгина тарихий асарларда қайд этилган. Хусусан, Алишер Навоийнинг ўзи ҳам «Тарихи мулуки Ажам» асарининг сосонийлар тарихига бағишланган қисмида Хусрав Парвез ҳақида маълумот беради. Бадиий адабиётда Хусрав ва Ширин муҳаббати ҳақида биринчи бўлиб Фирдавсий ўзининг «Шоҳнома» достонида ёзиб қолдиради, Низомий эса уни алоҳида ишқий-саргузашт достон ҳолига келтиради. Низомийнинг «Хусрав ва Ширин» достони 1340 йилда Қутб Хоразмий томонидан туркий тилга таржима қилинган.

Алишер Навоий бу мавзудаги достони учун аввалги достонларда иккинчи даражали тимсол тарзида талқин қилинган Фарҳодни бош қаҳрамон қилиб олади. Аслида, Фарҳоднинг бош қаҳрамон қилиб олинishi адабиётда илк бор XIV асрда Озарбайжонда яшаб фаолият юритган Ориф Ардабилининг «Фарҳоднома» (1369) номли форс-тожик тилида ёзилган достони билан бошланади. Лекин унда тасвирланган воқеалар Навоий достонидан бутунлай фарқ қилади. Навоий «Фарҳод ва Ширин» достонида бу мавзуда қалам тебратган ижодкорлар сифатида Низомий, Деҳлавий, Ашраф Мароғийларни эслаб ўтар экан, яна бир номаълум ижодкорга ҳам ишора қилади:

*Яна бўлгон экан бу нома марқум,  
Вале роқим эмастур яхши маълум.*

Адабиётшунослиқда ушбу номаълум ижодкор айнан Ориф Ардабилий бўлиши мумкин деган фикр мавжуд.

Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони 54 боб, 5782 байтдан иборат. Шундан муқаддима 11 бобни ўз ичига олади. Достон анъанавий ҳамд – Аллоҳнинг мақтови билан бошланади. Достонда иккита ҳамд мавжуд. Биринчи ҳамдда Алишер Навоий яратувчининг қудратини таърифлаб, унинг иродаси билан қаламга олмоқчи бўлган ғоявий нияти ҳақида сўз юритар экан, биринчи мисрани арабча калима билан бошлайди:

*Бихамдик фатҳ аввоб ул маоний,  
Насиб эт кўнглума фатҳ ўлмак они.*

(Мазмуни: маънолар эшикларининг очилиши сенинг мақтовинг билан ва кўнглумга уларни забт этишни насиб қил).

Кейинги байтларда Навоий маънолар хазинаси қулфига қўлининг калит бўлишини, шу восита билан барча умидларига етишни тилайди, ана шу маънолар хазинасидан олам аҳлини баҳраманд этишни умид қилади.

Иккинчи ҳамдда шоир ёзишга киришаётгани «Фарҳод ва Ширин» достонининг умумий талқини, ундаги қаҳрамонларнинг мухтасар тавсифини беради, «дард боғи» деб таърифланган ишқ билан алоқадор барча ҳаяжон ва изтироблар ҳақида ёзади. Шоир Холиқ мақтовига киришар экан, энг аввало, у инсон кўнглини ишқ гулшани, бу гулшанда эса ишқни хазинага айлантирганлигини мадҳ этади:

*Ки инсон кўнглин этти гулшани ишқ,  
Бу гулшаннинг ҳаримин маҳзани ишқ.*

А.Рустамовнинг «Навоийнинг бадиий маҳорати» китобида ёзилишича. Навоий қазони Фарҳодга, осмонни Фарҳодга алоқадор Бесутун тоғига, ақлни Чин хоқонининг вазири Мулқорога ва донишманд Суқротга, тунни Хусрав Парвезнинг оти Шабдезда, қадарни Фарҳоднинг дўсти Шопурга, ажални отасини ўлдирган Парвезнинг ўғли Шеруяга, замонни Парвезнинг созанда-си Нигисога ўхшатган ҳолда «ширин», «тилисм» сўзларини, Бесутун. Хусрав ва унинг ашулачиси Борбад номларини тилга

олиб, муқаддимани дostonнинг мундарижасига уйғунлаштирган. Шу билан бирга, бу ўхшатишлар замирида шоир дoston мундарижасида қаҳрамон ва тимсоллар фаолияти қайси кўламда кечиши, улар дostonда қандай роль ўйнаши билан ҳам китобхонни таништиради.

Муножот (3-боб)да Алишер Навоий инсоннинг йўқликдаги ҳолати, дунёга келиши, гўдаклиги, ҳаёти туғрисида баён қилади. «Лавҳул маҳфуз» (кишиларнинг яхши ва ёмон амаллари, тақдири азалдан битиб қуйилган тахта) ҳақида фикр юритар экан, инсон азалий қисмат ижрочиси экан, бунга уни гуноҳкор қилишни қандай изоҳлаш мумкин деган фикрларни айтади:

*Ва гар ул лавҳ уза бўлса муҳаррар,  
Азал тақсимидин бўлди муқаррар.  
Не дерсен бас бу жамъи бенавоға,  
Гуноҳе қилмайин қолғон балоға?*

Кейинги байтлардаёқ Навоий бу фикрларни беҳуда даъво деб ҳисоблаб ружуъ санъати воситасида бу даъвони инкор қилади ва Аллоҳдан унга марҳамат қилишини сурайди:

*Жунундин сўзга бир дам бўлмай огоҳ,  
Гар ортуқ сўз дедим, астағфируллоҳ.  
Илоҳий, боқмағил мажнунлуғумға,  
Карамдин чора қил маҳзунлуғумға.*

Дostonнинг тўртинчи боби Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) мадҳига бағишланган. Боб пайғамбарнинг муборак чеҳраси тавсифи билан бошланиб, унинг ўқиш ва ёзиш билан шуғullanмаганлиги ажойиб бадий санъатлар воситасида баён қилиб берилади. Хусусан, қалам пайғамбар унга майл кўрсатмаганидан, яъни уни кўлида тутмаганлигидан кейин ёқасини чок қилиб, кўз ёшларини тўкиб, афғон қилганлиги, унинг кўлини ўпайин деб қанча оғзини очмасин, унинг орзуси амалга ошмаганлиги ҳусни таълил санъати асосида келтирилганлигини кўрамиз:

*Неча чоки гирибон қилди хома,  
Тўкуб ашқини афғон қилди хомға*



*Очиб оғзин қилай деб дастбўси,  
Муяссар бўлмайин бу орзуси.*

Бобда «инсонлар пайғамбар белгилаб берган шариат қоидалари асосида яшасаларгина ҳақиқий саодатга эришадилар» деган ғоя илгари сурилади.

5-боб меърож тунӣ таърифига бағишланган бўлиб, пайғамбарнинг Буроқ оти ёрдамида Аллоҳ ҳузурига йўл олиши тасвири берилади. Бунда пайғамбарнинг 12 бурж ва 7 сайёраларни ошиб ўтиб Ломаконга кўтарилганлиги, «қоба қавсайн» (икки ёй оралиғи) даражасида Аллоҳга яқинлашгани ва фоний бўлганлиги ҳақидаги фикрлар баён қилинади:

*Анга бу сурма бўлғоч қурратул айн,  
Насиб ўлди мақоми «қоба қавсайн».  
Ўзин гум айлабон, лекин топиб ҳақ,  
Кўринмай кимса ҳақдин айру мутлақ.*

Достоннинг 6-боби қалам таърифи ҳамда улў салафлар – Низомий ва Деҳлавий мадҳини ўз ичига олади. Навоий дастлаб қаламга таъриф берар экан, уни Хусрав Парвезнинг тез учар қора оти – Шабдезга, қаламни тутувчи бармоқларни шу от устидаги чавандозга, бармоқ бўғинларини чавандознинг белбоғига, тирноқларни эса унинг юзига ўхшатади:

*Қаламким, раҳнаварди тезтакдур.  
Азалдин манзили фавқул фалакдур.  
Магар ваҳм адҳамидур тез рафтор,  
Не адҳам, жардаи Шабдез рафтор.  
Чиқиб устига бармоқ шаҳсувори,  
Бўғун белбоғию тирноқ узори.*

Ҳазрат Навоий Низомийни хазинадорга, унинг маъноларга тула асарларини хазиналарга ўхшатиб таърифлайди. Хусрав Деҳлавийни у яшаган Ҳиндистон билан боғлиқ ҳолда ҳинду, тўти, булбул, қақнус, мушк ҳидли булутга ўхшатади. «Хамса» ёзиш анъанасини кураш майдонига ўхшатиб, узининг бугунги кунда ниҳоятда машҳур байтларини ёзади:

*Эмас осон бу майдон ичра турмоқ,  
Низомий панжасига панжа урмоқ  
Тутайким қилди ўз чангини ранжа,  
Неким урди анинг чангига панжа  
Керак шер оллида ҳам шеру жанги,  
Агар шер ўлмаса, бори паланги.*

Айнан шу бобдан бошлаб 2 – 3 байтли соқийномалар бериб борилади. Кўпинча бу соқийномаларда шоир кейинги бобда қаламга олинадиган воқеа ёки масалаларга ишора қилинади:

*Кел, эй соқийки, тушмиш жонима жўш,  
Кетур бу икки ёди бирла бир қўш.  
Алар ишқида нўш айлаб ики жом,  
Тутай Жомий майи мадҳин саранжом.*

7-боб «ҳазрати шайх ул-исломий мавлоно Нуриддин Абдурахмон Жомий» мадҳидадир. Алишер Навоий Низомий ва Дехлавийни иккита филга ўхшатгани ҳолда, Жомийни юз филга ўхшатади. Сўз ўйини воситасида уни XI – XII асрларда яшаган машҳур сўфий Зиндапили Жомийга қиёслайди, «фано тимсоли», «жаҳони бегарон» (чексиз жаҳон), «олами кубро» (улуғ олам) деб атайди. Боб Жомий қўлидан бир жом ичиш умиди билан якунланади:

*Кетургил, соқий, ул жоми киромий  
Ки, тутсун риндлар сархайли Жомий.  
Чу пири дайр май қилди ҳавола,  
Ичармен гар эрур гардун пиёла.*

Навбатдаги боб дostonнинг ёзилиш сабаби ҳақида. Бу бобда шоир дostonни яратиш орзуси пайдо бўлгач, бепоён дурру гавҳарлар денгизига чўмганини, яъни кўп мутолаа қилганини, тинмай ўйлаганини айтади. Дostonни ёзишга ундаган сабаблардан бири ўзининг муҳаббати. бу ишқнинг алам ва изтироблари эканини айтиб, у туфайли ўзига етишган азобу укубатларни баён қилади. Шунда унга ғойибдан нидо келиб, хотиф (ғойибдан оқ фотиҳа берувчи) уни янги бир асарни ёзишга илҳомлантирганини, кейин

Жомийнинг олдига борганида у ҳам шоирни дуо қилиб, бу ишда унга оқ йўл тилаганини ёзади.

9-боб асар режасини тузиб олгани, турли афсоналар, тарихий манбаларни кўриб чиққани, шу мавзуда ёзилган дostonларда йўл қўйилган хатоларни тузатиб, ўз ғояларини қай тарзда ифода этмоқни ният қилгани баёнидадир. Бунда Навоий ёзилажак асари янги булиши лозимлигини, аввал шу мавзуда яратилган дostonларни такрорламаслик кераклигини таъкидлайди:

*Ани назм этки, тарҳинг тоза бўлғай,  
Улусқа майли беандоза бўлғай.  
Йўқ эрса назм қилгонни халойиқ,  
Мукаррар айламак сендин не лойиқ.  
Хуш эрмас эл сўнгинча рахш сурмак,  
Йўликим, эл югурмиштур югурмак.*

Дostonнинг 10-боби султон Ҳусайн Бойқаро таърифига бағишланган. Навоий уни султонлар ичида Шоҳ Ғозий, ғазот майдонида Али ибн Абу Толиб, шариат ривожига пайғамбар сингаридир деб улуғлайди ва уни адолатли, саховатли ҳукмдор сифатида мадҳ қилади.

11-боб шаҳзода Бадиуззамон Баҳодир мадҳига бағишланган. Навоий уни «Бади уд-даҳру Дорои замон» деб атаб, унинг исми-ни китобот (ҳарф) санъати асосида шарҳлаб ўтади. Шаҳзоданинг исми 10 ҳарфдан иборат бўлиб, Навоий унинг ҳар бир ҳарфига алоҳида маъно юклайди:

«б» – «бе» эҳсонда бирлик, ягоналикнинг далилидир, «д» – «дол» давлатдан нишона бўлиб, дину диёнат ундан иқбол топади. «с» – «йо» ҳарфи йумн (бахт, омад)дан дарак бериб, унинг қадами билан замона тинчийди. Тўртинчи ҳарф «ғ» – «айн» бўлиб, адолатдан олингандир. «а» – «алиф» ҳарфи ўз шакли билан унинг тўғрилиги, ростгўйлигини билдиради. «л» – «лом» ҳарфи лутфдан воқиф этиб, латофат гулшанидан баҳраманд этади. «з» – «зе» ҳарфи абжад ҳисобига кўра 7 рақамини англатади, бу Аллоҳ унга 7 иқлимни насиб айлашига ишорадир. «м» – «мим» ҳарфи миллат кироми, му-сулмонлик низоми ундан эканини англатади. «н» – «алиф» ҳарфи Аллоҳ унинг ёри эканига далолат бўлса, сўнги ҳарф «у» – «нун» наср (мадад) Аллоҳдандир деган маънони билдиради.

Навоий юқорида дostonни яратишдан мақсад «ишқ, яъни илоҳий ишқ дардини куйлаш» эканини айтиб ўтган эди:

*Бу рангин саҳфа билким, дард боғи.  
Аён ҳар лоласида ишқ доғи.*

Бундан англашиладики, дostonдан бош мақсад илоҳий ишқ дардига мубтало бўлган солиқ (тариқат йулига кирган ошиқ)нинг саргузаштларини тасвирлашдир.

Дostonнинг асосий қисми 12-бобдан бошланади. Воқеалар Чин хоқонининг фарзандсизлиги ва унинг изтироблари тасвири билан ибтидо топади. Ниҳоят, унинг илтижолари қабул бўлиб, Тангри унга бир ўғил инъом этади. Навоий гўдакнинг туғилишдан тортиб улғайишигача бўлган ҳар бир жараёни алоҳида тасвирлайди, ҳатто гўдакка қўйилган исмга ҳам алоҳида маъно юклайди:

*Анга фарзона Фарҳод исм қўйди,  
Ҳуруфи маъҳазин беш қисм қўйди.  
Фироқу рашку ҳажру оҳ ила дард.  
Бирор ҳарф ибтидодин айлабон фард.*

Фарҳод болалигидан фавқулодда хислатлари билан атрофдагиларни ҳайратга солади. Ўн яшарлигида:

*Жаҳонда қолмади ул етмаган илм,  
Билиб таҳқиқини касб этмаган илм.*

Асарда Фарҳод ҳам чексиз жисмоний қуд-рат, беназир истеъдод эгаси, ҳам юксак фазилатлар соҳиби сифатида тасвирланади.

Фарҳод ёши улғайгани сари ҳазин ва хастадил бўлиб боради. Хоқон Фарҳоднинг кўнглини очиш, ҳазин кайфиятини кўтариш учун йилнинг тўрт фаслига мослаб тўрт қаср қурдиради. Шу аснода Фарҳод Қорандан тош йўниш. Бонийдан меъморлик, Монийдан наққошлиқ сирларини ўрганади. Лекин у эгаллаган билимлар, ўрганган ҳунарлар зоҳирий (дунёвий) билимлар бўлиб, илоҳий сиру асрорни очишга кифоя қилмайди. Энди у пири комил таълимини олиши керак эди.

Фарҳоддаги ҳазинликнинг тарқамаганини кўрган хоқон унга тахтни таклиф қилади ва шу билан гўёки ўғлининг дардига даво топмоқчи булади. Аслида, Фарҳоддаги бу ҳолат заминий, дунёвий бўлмай, илоҳий ишқнинг нишонаси эди. Шу ўринда Навоий илоҳий ишқ дардида ёнган инсон билан бундай саодатдан маҳрум фоний дунё кишилари орасидаги фарқни кўрсатиб беради. Фарҳод отасининг тахтни эгаллаш ҳақидаги таклифини салтанат ишларини ўрганиш, тажриба орттиришга ижозат сўраш баҳонасида ортга суради ва хоқон хазинасидаги беҳисоб бойликлар билан таниша бошлайди. Натижада яширин парда ортидаги хонада сақланаётган сирли сандиқ ва ундаги тилсимли кўзгуни кўриб қолади. Фарҳод ушбу кўзгунинг сеҳрини очолмай, Юнонистон сафарига, Суқрот ҳузурига отланади.

Суқротнинг ҳузурига бориш йўлини унга Суҳайло исмли ҳаким (донишманд) ўргатади. Н.Комиловнинг «Тасаввуф» номли китобида ёзилишича, Суҳайло Фарҳоднинг тариқат йўлидаги биринчи пири. У Фарҳод енгиб ўтиши керак бўлган тўсиқлар: аждарҳо ва девдан хабар беради. Тасаввуфда аждарҳо – нафс тимсоли, дев – салтанат тимсоли ҳисобланади. Суҳайло Фарҳодга аждарҳони енгилар учун самандарнинг ёғини беради. Самандар – олов ичида яшайдиган жонивор. У ишқ рамзи. Фарҳод баданига самандар ёғини сурганда, аждарҳонинг ўти унга қор қилмайди, яъни ишқ оташи нафс ўтини сундиради. Шунингдек, Фарҳодга кейинги манзилларда учрайдиган шер ва темир пайкарнинг ҳам рамзий маъноси бор. Шер – ғазаб тимсоли, илоҳий ишқ йўлига қираётган солиқда эса ғазаб булмаслиги керак. Темир пайкар – рўё, ёлгон дунё рамзи. Солиқ дунё мўъжизаларига чалғимаслиги, уларга кўнгил қўймаслиги керак. Фарҳод темир пайкарни ҳам енгиб, ниҳоят, Суқрот даргоҳига кириб боради.

Аслида, Суқрот тимсолининг асар таркибига киритилиши тасодифий бўлмай, бош мақсадни очиб бериш йўлидаги муҳим воситадир. Н.Комиловнинг ёзишича, Суқрот пири комил тимсоли бўлиб, усиз Фарҳоднинг ўз мақсадига эришиши мумкин эмас эди. Навоий Суқротни қуёш каби порлоқ сиймо, жисми пок руҳ каби, шахси ақлнинг ҳайкали деб таърифлайди. У камолот чўққисини эгаллаган комил инсон, ўзи бир жойда ўтирса ҳам, руҳи бутун дунёни кезиб чиқади. Жамшид жоми, Искандар кўзгуси ҳам унинг кўнгил кўзгуси олдида хира. У Фарҳод билан яккама-якка суҳбатлашиб, уни ўз

фарзандидай эъзозлайди. Чунки бу йигит сиймосида у ўз сулук (йўл)ининг давомини кўрган эди. У Фарҳодга шундай дейди:

*Муни билким, жаҳон фонийдур асру,  
Ҳақиқат аҳли зиндонийдур асру.  
Агар топса Сикандар мулки зотинг,  
Гар ўлса Нуҳ умрича ҳаётинг.*

Бу байтда Навоий Суқрот тилидан тасаввуфнинг муҳим ғояси-ни баён этади. Яъни бу дунё ўткинчи, фонийдур, шу сабабли унга кўнгиш боғлаш тўғри эмас.

*Чу маҳбуби ҳақиқий улдурур ул,  
Анинг васли сори қатъ айламак йўл...  
Бу йўл ичраки беҳад дарду ғамдур,  
Узоқ тортар, вале икки қадамдур  
Ким, ул икки қадамнинг қатъи минг йил,  
Киши урса қадам мумкин эмас бил.  
Бири ўзлукни қилмоқ бўлди фоний,  
Яна бир доғи топмоқ бўлди они.*

Ҳаққа етишиш йўли икки қадам масофадек гап, лекин бу икки қадамни босиб ўтиш учун минг йиллик машаққат сарфланиши керак. Бу икки қадамнинг бири ўзликдан воз кечиш, иккинчиси ўзликни топиш, яъни ўзликдан воз кечмай туриб чин илоҳий ўзликни топиш мумкин эмас.

Инсон ўзликдан қутулмас, Илоҳга етолмас экан, демак, уни тезлаштирувчи чора – восита керак. Достонда мажозий ишқ тонг ёруғига, ҳақиқий ишқ куёшга ўхшатилади:

*Бу ўзлукдин қутулмоқ чорасози,  
Нима йўқ, ўйлаким ишқи мажозий...  
Мажозий ишқ бўлди субҳи анвар.  
Ҳақиқий ишқ анга хуршиди ховар.*

Фарҳод шу тариқа Суқрот ҳузурига борар йўлда тариқат мақомларини босиб ўтади, пири комил суҳбатидан баҳраманд бўлиб, илоҳий ишқнинг моҳиятини англай бошлайди. Чин мамлакатига

қайтиб бориб, кўзгуда энди нафақат Ширинни, балки ўзини ва ўзи келгусида бошдан кечириши керак бўлган воқеаларни кўра бошлайди. Чунки кўзгу бу ўринда комил инсон – Сукротнинг қалбидир.

Достонда илоҳий ишқдан бебаҳра фоний дунё кишиларидан бири Хусравдир. Муаллиф бу икки қаҳрамоннинг мунозарасини тасвирлар экан, икки хил ишқ – авом ишқи ва илоҳий ишқ ўртасидаги тафовутни кўрсатиб беради. Жами 25 байтдан иборат бу мунозарада деярли ҳар бир байтда муайян бадийий санъатнинг етакчилиги қилишини кузатиш мумкин. Хусусан:

*Дедиким: ишқ ўтидин де фасона!*

*Деди: куймай киши топмас нишона, –*

байтида «ут» ва «куймоқ» сўзлари асосида таносуб санъати ясалганини курсак, кейинги байтда «а» унлисининг такрорланиши асосида вужудга келган ассонанс бадийий воситасини қўлланганининг гувоҳи буламиз.

*Дедиким: куймагингни айла маълум,*

*Деди: андин эрур жоҳ аҳли маҳрум...*

Хусрав савол-жавобда ҳам, жисмоний ҳаракатларда ҳам Фарҳодни енга олмайди, чунки дунёвий куч илоҳий қудратни енгаши мумкин эмас эди. Шунда у маккорлик йўлига ўтади: ёсуман кампир воситасида Фарҳоднинг ўлимига эришади.

Навоий тилидан Фарҳоднинг ўлими муносабати билан айтилган:

*Вужудин ўртаб ул сўзу гудози,*

*Ҳақиқатқа бадал бўлди мажози, –*

деган иқрорини Аллоҳ жамолига етишган ишқ аҳли ҳақидаги маънавий хулоса дейиш мумкин. Қуйидаги мисраларда шоир фикрини янада кучайтирганини, Фарҳод тимсолида илгари сурилган қарашларини ойдинлаштирганини кўриш мумкин:

*Бақо шаҳрида султонлиққа етти,*

*Ҳақиқат мулкида хонлиққа етти.*

Достон хотимаси икки боб (53 – 54)дан иборат бўлиб, 53-боб султон Ҳусайн Бойқаронинг ўғли шаҳзода Абулфаворис Шоҳғариб мирзо мадҳи ва унга бағишланган бир неча насиҳатни ўз ичига олади. Навоий Шоҳғариб мирзога камолотга эришиш йўллари ҳақида гапирар экан, шаҳзодага Искандар Зулқарнайн, Мирзо Улуғбек каби ҳукмдорларни ибрат қилиб кўрсатади. Энг муҳим илмлар сифатида фикҳ, ҳадис ва тафсирни эгаллаш зарурлигини уқтиради, шунингдек, тиббиёт ва ҳикмат илмини ҳам ўрганишни тавсия этади:

*Шаҳ улдурким шиори илми диндур,  
Нединким илми дин илм ул-яқиндур...  
Бу дин илмики хомам қилди таҳрир,  
Эрур фикҳу ҳадису сўнгра тафсир...  
Валекин тиббу ҳикмат ҳам эрур хўб  
Ки, сиҳҳатдур киши жисмида матлуб.*

Якуний бобда Навоий Фарҳод тимсолини ўз замонасидаги барча шаҳзодаларга ибрат ҳамда ўрнак қилиб кўрсатади.

«Фарҳод ва Ширин» ишқий саргузашт достонлар учун мулжалланган ҳазажи мусаддаси маҳзуф вазни (рукнлари ва тақтиъи: мафойилун мафойилун фаувлун V— — / V— — / V— —)да ёзилган.

### Таянч тушунчалар

- соқийнома
- солик
- солики мажзуб
- ишқи мажозий
- ишқи ҳақиқий
- рамзий тимсоллар
- ҳазажи мусаддаси маҳзуф

### Савол ва топшириқлар:

1. «Хамса»даги иккинчи достон Навоийгача қандай шаклда қайси манбаларда учрар эди?
2. Навоий «Фарҳод ва Ширин»нинг кириш қисмида ишққа



алоқадор ҳаяжонларни тасвирлар экан, қазони, ақлни ва ҳоказоларни дostonдаги қайси қаҳрамонларга қиёслайди?

3. Фарҳод қулга киритиши керак бўлган Жамшид жоми, Искандар кўзгуси ва бу йулда унга тўсиқ бўлган аждаҳо, шер, темир пайкар қандай маъноларни ифодалайди?

4. Дostonдаги Суҳайло ҳаким ва Суқрот образлари Фарҳод фаолиятида қандай ўрин тутади?

5. Дoston хотимаси неча бобдан иборат ва унинг мазмуни нималарни ифодалайди?

### Адабиётлар:

1. Навоий Алишер. Фарҳод ва Ширин. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан, 1991. 8-жилд.

2. Navoiy Alisher. Farhod va Shirin. – Тошкент: G'.G'ulom, 2006.

3. Навоий Алишер. Фарҳод ва Ширин (насрий баёни билан) / Таҳрир ҳайъати А.Қаюмов ва бошқ. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989.

4. Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Movarounnahr–O'zbekiston, 2009.

5. Эркинов С. Навоий «Фарҳод ва Ширин»и ва унинг қиёсий таҳлили. – Тошкент: Фан, 1971.

6. Эркинов С. Шарқ адабиётида Фарҳод қиссаси. – Тошкент: Фан, 1985.

7. Қаюмов А. «Фарҳод ва Ширин» сирлари. – Тошкент, 1979.

8. Рустамов А. Навоийнинг бадий маҳорати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат. 1979.

9. Юсупова Д. Алишер Навоий «Хамса»сида мазмун ва ритминг бадий уйғунлиги. – Тошкент: МУМТОЗ СЎЗ, 2011.

## «ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН» ДОСТОННИНГ ҒОЯВИЙ-БАДИИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

### РЕЖА:

1. *Достоннинг яратилиш тарихи.*
2. *Достоннинг таркибий тузилиши.*
3. *Мажнун – мажзуби солиқ тимсоли, Лайли – илоҳий мазҳар.*
4. *Достон бадиияти.*

Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари адабиётида «Лайли ва Мажнун» мавзуси каби кенг тарқалган бошқа бир ишқ қиссасини топиш қийин. Мана ўн уч асрдирки ушбу мавзуда адабиёт оламида шеър ва достонлар битиб келинади. Ушбу қиссанинг келиб чиқиш манбаи қадим араблар ҳаёти билан боғлиқ воқеаларга бориб тақалади. Айрим араб манбаларининг маълумот беришича, Мажнун Шимолий Арабистондаги бани омир қабиласига мансуб тарихий шахс бўлган. Унинг исми манбаларда Қайс ибн Мулаввах, Маҳдий ибн Муод, Ал-Ақра ва баъзан Ал-Бухтурий ибн ал-Жаъд тарзида келтирилади. Мажнун ўз қабиласидан Лайли исмли қизни севиб, унга бағишлаб ажойиб шеърлар тўқиган. Унинг шеърлари қабиладошлари ва бошқа қабила кишилари орасида кенг тарқалганлиги ҳақида Ибн Қутайбанинг «Китоб уш-шеър ва-ш-шуаро» асарида маълумотлар келтирилади. Шу билан бирга, айрим тарихчилар Мажнун тарихий шахс эмас, унинг номи мажозий, мавжуд шеърлар ўз амакисининг қизини севиб қолган умавий бир йигитга тегишли, у Мажнун тахаллусини қўллаган деб айтадилар. Нима бўлганда ҳам, VII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб араб шеърлятида Мажнун тахаллуси билан ишқ мавзусида ёзилган ғамгин шеърлар пайдо бўлган.

Бадиий адабиётда бу қисса достон шаклида илк бор Низомий Ганжавий томонидан вужудга келтирилди. Кейинчалик форсий тилда Амир Хусрав Деҳлавий, Ашраф Мароғий, Абдурахмон Жомий, Амир Шайхим Суҳайлий, туркий тилда Гулшаҳрий, Ошиқ Пошшо, Шаҳидий, Фузулий каби шоирлар бу достонга жавоб ёздилар.

Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достони 38 боб, 3623 байтдан иборат. Шундан муқаддима 9 бобни ўз ичига олади.

Достон анъанавий ҳамд – Аллоҳнинг мадҳи билан бошланади. Унда шоир оламнинг яратилиши, тун, кун, ой, қуёш, юлдузларнинг, йил фасллари ва улардаги табиатнинг ўзига хос жилолари, инсоннинг табиат ичида яратилиши, йўқдан бор, бордан йўқ бўлиши – буларнинг ҳаммаси Аллоҳнинг беқиёс қудрати ва улуғлиги ифодаси эканини таъкидлаб, унга ҳамду санолар ўқийди. Навоий бобда ғоят усталик билан Аллоҳнинг ердаги тажаллиси тасвири-ни ушбу ёзилаётган достони ғояси билан боғлиқ ҳолда баён қилади. Яратувчининг ҳар ердаги тажаллиси жаҳонда Лайли бўлиб кўринади, жилва қилади, унинг бу хусусияти эса яратилганларни Мажнун қилишдан иборатдир:

*Эй, ҳар сориқим қилиб тажалли,  
Ул мазҳар ўлуб жаҳонда Лайли.  
Эй, оники Лайли айлаб отин,  
Мажнун қилмоқ қилиб сифотин.*

Иккинчи боб муножотни ўз ичига олади. Мазкур бобда Навоий Аллоҳга мурожаат қилиб, уни борлиқни яратган ягона ва олий зот деб деб атайди ҳамда ўз гуноҳларини, хатоларини кечиришни илтижо қилади. Шоир достонни ёзишга киришар экан, Худодан ўзига мадад ва кўмак сўрайди:

*Ё Раб, эшигингда ул гадомен  
Ким, боштин аёққача хатомен.  
Мушқум бу хатода бўлди кофур,  
Кофур ила мушқум ўлди бенур...  
Боқ дарду малолатимға, ё Раб,  
Раҳм айла бу ҳолатимға, ё Раб...  
Шукрунға тилимни қойил айла,  
Саждангга бошимни мойил айла...  
Бўл роҳнамун манго ул ишга  
Ким, бўлса санга ризо ул ишга...*

Достоннинг 3-боби Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) мадҳига бағишланган. Бу бобда Навоий Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)ни рисолат сипехри (пайғамбарлик осмони)нинг қуёши деб атаб, Одам Атони унинг дарахтидаги мевага ўхшатади. Китобат санъати воситасида

пайғамбарлик муҳри – хотамнинг «ا» – «алиф» ва «ت» – «те»сида унинг оти яширинганини айтади:

*Ул муҳри хутути васфи зотинг.  
Хотам «алиф»ию «те»си отинг.*

Навоий наътни пайғамбар ва унинг оиласига юз минг салавоту васфлар айтиш билан якунлайди.

4-боб меърож туни таърифига бағишланган. Навоий меърож тунини таърифлар экан, бу туннинг рангини тоза мушк рангига ўхшатиб, унинг ҳар бир юлдузига қуёш рашк этади деб ёзади:

*Ким ранги эди чу мушки ноби,  
Ҳар юлдузи рашки офтоби.*

Навоий Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)нинг Буроқ отига миниб кўкка кўтарилишини ташхис санъати воситасида баён қилар экан, сайёралар, юлдузлар, ўн икки буржларнинг номларинигина эмас, уларнинг хусусиятларини ҳам кўзда тутиб меърож тунининг мўъжизавий ҳолатини тасвирлайди. Шоирнинг ёзишича, пайғамбар Аллоҳнинг ҳузурига ой бўлиб бориб, қуёш бўлиб қайтди, гавҳар бўлиб бориб, Уммон денгизига айланиб келди:

*Ой борди-ю, келди меҳри рахшон,  
Дур борди-ю, келди баҳри Уммон.*

Достоннинг 5-боби сўз таърифи, Низомий Ганжавий ва Амир Хусрав Деҳлавий мадҳини ўз ичига олади. Навоий дастлаб сўзга таъриф берар экан, уни энг ажойиб гавҳар, мавж урган денгизга ўхшатади:

*Эй сўз, не бало ажаб гуҳарсен,  
Гавҳар неки, баҳри мавжварсен...  
Айтиб совумас тарона сен-сен,  
Олиб қурумас хизона сен-сен.*

Низомий Ганжавий мадҳида талмеҳ санъатининг етакчилик қилишини кузатиш мумкин. У фазилатда Турдаги Мусо, қаноатда Қофдаги Анқога ўхшатилади:

*Ҳам Тури фазилат узра Мусо,  
Ҳам Қофи қаноат узра Анқо.*

У Ганжада ганж (ҳазина)дек яшириниб, беш ганж («Ҳамса»)ни нишон қилиб кетди:

*Ул Ганжада ганждек ниҳони,  
Беш ганж қўйуб вале нишонни.*

Бобда Деҳлавий соҳири ҳинд (ҳинд сеҳргари) таърифиди остида келтирилиб, у яратган асарлар фитнагарликда Кашмир ўлкасидек бўлди дейилади:

*Кўргач бу тилсим соҳири ҳинд,  
Жодулиғ ишида моҳири ҳинд...  
Ҳар сафҳаи назми гоҳи таҳрир.  
Фитна аро бир саводи Кашмир.*

6-боб мавлоно Нуриддин Абдурахмон Жомий мадҳидадир. Навоий Жомий исмидаги «нур» сўзига алоҳида урғу бериб, унинг оти ҳам, зоти ҳам «нурун ало-нур»дир дейди:

*Сочиб лақаби жаҳон аро нур,  
Зоти била нурун ало-нур.*

Навоий бу уринда Жомий ҳали «Ҳамса»ни тўлиқ яратмаган бўлса-да (Жомий бешлиги 1481 – 1485 йилларда яратилган, бу вақтга келиб Жомий бешлигидаги фақат 3 дoston ёзиб тугалланган эди), лекин ўзининг беш хазинаси, яъни «Силсилат уз-заҳаб», «Тухфат ул-аҳрор», «Субҳат ул-аброр», «Аҳсан ул-қисас» («Юсуф ва Зулайхо») дostonлари ва «Девон»и билан беш хазинага муносиб жавоб айтганини таъкидлайди.

Дostonнинг 7-боби замона ҳукмдори султон Ҳусайн Бойқарога бағишланган. Навоий Ҳусайн Бойқарони шариатнинг ҳимоячиси, адолатпарвар, саховатпеша, бунёдкор шоҳ, фикҳ илмида Абу Ҳанифа сингари юксак даражага эга шахс сифатида мадҳ қилади. Шоирнинг ёзишича, у қиличи билан шерни маҳв этишдек қудратга эга бўлса-да, чумолига шикаст етса кўз

ёшини тиёлмайдиган, шоҳлар орасидаги ўрни фалак юксаклигида бўлгани ҳолда, дарвешлар олдида тупроқдек хокисор подшоҳдир:

*Шер узра қиличи барқ чоқиб,  
Мўр ўлса шикаста ёши оқиб.  
Дарвеш десам улус уза шоҳ,  
Шоҳи дарвеш боракаллоҳ.*

8-боб шаҳзода Бадиуззамон таърифидадир. Навоий шаҳзоданинг исми «замонасининг гузали, нодири» эканига ишора қилиб шундай ёзади:

*Гар оти ўлуб замон бадиъи,  
Зоти келиб инсу жон бадиъи.  
Аллоҳ, Аллоҳ, не от эрур бу,  
Не поку хужаста зот эрур бу.*

Бобда Бадиуззамоннинг адолати, саховати билан бирга қаҳрига ҳам алоҳида таъриф берилади:

*Адли ёрутуб жаҳонни жовид,  
Ул адл бошида айни хуршед.  
Чун қаҳри шарори кўкка рожиъ,  
Ул шин уза нуқта Насри воқиъ.*

Достоннинг 9-боби тун таърифига бағишланган. Боб муайян маънода муқаддима билан асосий қисмни боғловчи кўприк воситасини ўтайди. Бобда шоирнинг қоронғи тунда хаёл отига миниб сайрга чиқиш тасвири берилган. Ишқ водийсига етганда от оқсоқланиб, йўлда давом этолмай қолади. Ёмғир, бўрон аралаш момақалдиروқ гулдураб, чақин чақади. Чақин ёруғида шоир саксовулдай тахланиб ётган инсон суяклари, ваҳший ҳайвонларни кўради. Н.Комиловнинг «Тасаввуф» китобида ёзилишича, бу тасвирларнинг ҳаммасида муайян рамз бор. Бу тун ҳажр тунни, бу водий эса ишқ водийси, ваҳший ҳайвонлар ошиққа хуруж этган бало-офатлар, суяклар ишқ қурбонларидан нишона. Ўз, асли. Илоҳдан ажралган мусофир. ғариб руҳ Мажнун шу водийда

якка узи бошини эгиб ўтирибди. Шу ўринда иккита ташбеҳ қўлланилганини курамиз. Қоронғи тунда бирин-кетин чақмоқ чақиб, унинг ёруғида қабилалар кўзга ташланади, шунда шоир тунни Лайлининг сочига, чақмоқни эса Лайли юзининг очилишига ўхшатади:

*Андоқки қилиб карашма майли,  
Зулф ичра жамолин очса Лайли.*

Лайли юзи бу ўринда илоҳий нур манбаи, узун сочлари – моддий дунё, фироқ тузоқлари («лайли» сўзининг ўзи ҳам тун маъносини билдиради), ана шу нур манбаининг чақмоқлари Мажнун қалби ва вужудидан жой олган. Иккинчи ташбеҳ: Навоий ишқ водийсида «нори айман» (шоҳлари шуълаланиб турган дарахт)ни кўради. Қисса бошланиб, Лайли ва Мажнуннинг биринчи учрашуви тасвирланганда шоир шу ташбеҳни такрорлаб, Мажнунни худди шу шуълали дарахт қиёфасида чизади, яъни Лайли юзининг шуъласидан Мажнун қалби алангаланиб кетади. «Нори айман», аслида, Қуръондаги Мусо ҳикоясига ишорадир. Мусо алайҳиссалом Аллоҳга юзингни кўрсат деб илтижо қилганларида, Аллоҳ бир учкунни Тур тоғи томон йўналтиради. Тур тоғи парчаланиб, қум ҳолига келади, Айман водийси эса ёришиб кетиб, ундаги дарахтлар машъаладай порлайди. Аллоҳ ишқи мана шундай қудратга эга.

10-бобдан дostonнинг асосий қисми бошланади. Бани омир қабиласида узоқ кутилган фарзанд – Қайс дунёга келади. Қайснинг туғилиши, ўсиши тасвирида ҳам илоҳий тақдир сезилиб туради. Туғилгандан ишқ олови билан йўғрилган Қайс ўтга талпинади:

*Ўт кўрсаки майл этиб ниҳоний,  
Ишқ ўти тасаввур айлаб они.*

Уни 4 – 5 ёшларида Лайли қабиласига ўқишга берадилар. Баҳор кунларининг бирида Лайли билан боғ сайрида учрашиб қолган Қайс уни кўриб ҳушини йўқотади. Навоий бу ўринда Лайлининг ҳусни гулзорни чароғон қилиб юборди ва гулзордаги бир ниҳол (Қайс)ни хазон этди деб ёзади:

*Шод ўлди жамолидин дабистон,  
Андоққи баҳордин гулистон  
Лекин бу баҳори зиндагоний  
Бир нахлни айлади хазоний.*

Тасаввуф таълимотига кура, гулистон дарвешнинг руҳияти, уни Ҳақ ишқи эгаллаб олади ва у бетоқатланиб, ҳушини йўқотади. Шу тарзда мажзуби солик (Ҳақдан жазба етган, устози ҳам, пири ҳам ишқ бўлган, мақомларни эгалламасдан туриб ҳол мартабасига эришган ошиқ)нинг саргузаштлари бошланади. Қайс шу тариқа Лайлини ҳар кўрганида ҳушидан кетади. Халқ орасида Мажнун лақаби билан овоза бўлади:

*«Лайли, Лайли!» – дебон чекиб ун.  
Эл деб: «Мажнундур. ушбу мажнун!»*

Мажнуннинг ота-онаси уни Лайлига уйлантириш учун совчи юборадилар. Лекин Лайлининг отаси қизини ақл-хушдан бегона бир «демона»га беришдан ор қилади ва Мажнуннинг Лайли қабиласига келишини тақиқлаб қуяди. Мажнуннинг отаси қабиладошлари билан маслаҳатлашиб Қайсни занжирбанд қилади. Лекин ишқ оташи таъсиридан занжир узилиб, Мажнун уйдан чиқиб кетади. У бедард қабиладошларини ҳам, яқинларини ҳам, умуман, жамиятни унутиш даражасига боради, зеро, бу ҳолат ҳақиқий ошиқ учун хос хусусиятдир:

*Ўз отию қавму хайли оти  
Йўқ ёдида, ғайри Лайли оти.*

Тасаввуфда бу ҳолат «тафрид» (ёлғизланиш) деб аталади. Ошиқ шундай бир ҳол мартабасини эгаллайдики, яқинларидан, умуман, инсонлардан безор булади; яккаликни, ёлғизликни қўмсайди. Ёлғизланиш дилнинг Ҳаққа юзланиши учун имкон яратади.

Қайснинг отаси ўғлининг дардига шифо бўлади деган умидда ҳажмуносабати билан Каъба зиёратига олиб боради. Қариндошлар Қайс Каъбани тавоф этса, аҳволи яхшиланади деб умид қиладилар. Лекин Мажнун Аллоҳга муножот қилиб Лайли ишқини кўнгли-



га мустаҳкамроқ жо этишини сўрайди. Мазкур лавҳа дostonнинг энг таъсирчан уринларидан бири булиб, қирқ уч байтдан иборат. Бу ўзига хос «муножотнома»да йигирма тўрт ўринда «ишқ» сўзидан фойдаланилган. Бу тасодифий эмас, албатта. Навоий ушбу сўзни турли поэтик унсурлар ва ритмик воситалар билан уйғунликда қўллаб оҳангнинг турли-туман жилваланишларига эришади.

Дастлаб ишқ ўти билан жаҳонни ёндирган «ҳакими доно»га сокин мурожаат билан бошланган мазкур муножот аста-секин тантанавор оҳанг касб эта боради ва бунда «ишқ» сўзининг ритмик зарб (мантиқий урғу асосига қурилган, ижодкор айтмоқчи бўлган фикр ёки ифодаламоқчи бўлган кучли ҳис-туйғуни ўзида акс эттирувчи ритмик бирлик) даражасига кўтарилгани муҳим омил бўлиб хизмат қилади:

*Чек айнима ишқ тўтиёсин.  
Ур қалбима ишқ кимиёсин!*

Мазкур байтда «ишқ» сўзи ҳожиб вазифасида келган бўлиб, байт мисраларидаги ҳар бир сўзнинг ўзаро тенг устунлар асосида жойлашиши ва бунинг натижасида муайян ритмик паузанинг қўлланилгани оҳангнинг жозибadorлигини таъминлаган.

Кейинги байтда «ишқ» сузи «эт» кўмакчи феъли билан бирикиб радиф вазифасида келган ва энди ритмик зарб радиф билан бирлик касб этган:

*Кўнглумга фазо ҳарими ишқ эт,  
Жонимға ғизо насими ишқ эт!*

Мажнун ўз муножотида ишқни шу тариқа улуғлар экан, ундан ишқ ва Лайлини унутишни сўраган кишиларга нисбатан ачиниш ҳисларини намоён қилади ва ҳатто тангридан уларни афв этишини сўрайди:

*Аллоҳ-Аллоҳ, бу не сўз ўлғай,  
Ул қаёмға тенгери узр қўлғай.*

«Тасаввуф» китобида келтирилишича, Каъба зиёрати лавҳаси тасаввуф аҳлининг ҳар қандай суратлар, тимсолларга сиғинишни

инкор этишларига ишорадир. Яъни Илоҳнинг ўзига ошиқ бўлган, фақат Уни деб ёнган кишига бу ишлар ортиқчадир.

Мажнуннинг отаси ўғлини уйга қайтариб олиб келади ва у яна саҳрога чиқиб кетади. Саҳрода у овга чиққан лашкарбоши Навфални кўриб қолади. Навфал ҳам бир вақтлар ишқ дардига учрагани учун Мажнуннинг қалбини тушунади, унга раҳми келади:

*Навфал дағи ишқ кўрган эрди,  
Ғам дашти аро югурган эрди.*

Навфал ишқ дардидан хабардор бўлса-да, лекин Мажнун даражасига кўтарилмаган, унинг сулукдаги мақоми маълум бир босқичга етгандан кейин тўхтаб қолган эди. Шу сабабли у Мажнунни Лайлига уйлантириш билан унинг дардига малҳам топиш мумкин деб ўйлайди ва Лайлига совчи юборади. Лекин Лайлининг отаси рози бўлмагач, уруш очади. Лайлининг отаси урушда енгилишини сезиб қизини ўлдиришга қасд қилади. Бу ҳолат Мажнунга туш орқали аён бўлгач, Навфалдан урушни тўхташини сўрайди. Навфал Мажнун учун яна бир чора воситаси сифатида ўз қизини Мажнунга беришга қарор қилади. Лайлини эса бани асад қабиласининг бошлиғи Ибн Саломга унаштирадилар. Навфалнинг қизи бошқа инсонни севишини айтиб Мажнунга ака-сингил бўлишни таклиф қилади. Ибн Саломнинг эса қуянчиқ (тутқаноқ) касали кўзгаб, беҳуш йиқилади. Лайли ва Мажнун ишқ даштида учрашадилар.

Лайли бу дунёдан кетиш фурсати яқинлашганини сезиб онасига, Мажнун келса, уни ҳузурига киритишларини васият қилади. Мажнун Лайлининг бу дунёдан кетаётганини илоҳий бир куч билан сезиб унинг қабиласи томон келади:

*Юз урди қабила сори холи,  
Оғзида тараннуми висоли.*

Шу тариқа умр бўйи бир-бирининг ишқида куйган, висолига интилганлар Руҳи мутлақ томон равона буладилар.

Достон хотимаси уч боб (36 – 38)ни ўз ичига олади. 36-боб «Ишқ таърифи»га бағишланган бўлиб, бунда Навоий ишқни кимёга ва оламни кўрсатувчи кўзгуга ўхшатади:

*Эй ишқ, ғариб кимиёсен,  
Бал ойинайи жаҳоннамосен.*

Ривоятларга қура, қадимда кимёгарлар мис ва бошқа маъданларни юқори ҳарорат таъсирида олтинга айлантириш мумкин деб ҳисоблаганлар. Навоий бу уринда шу афсонага ишора қилиб, одам, аслида, тупроқдан яралган, аммо ишқ оловининг «кимё»лиги уни олтинга айлантиради, яъни ишқ инсон вужудини турли хил чиқиндилар: жисмоний талаблар ва нафсоний истаклардан поклайдиган оташдир деган фикрни келтиради:

*Чун холису поку беғаш ўлди,  
Олтин неки кимиёваш ўлди.*

Покланиш, яъни «кимё»ланиш ишқи мажозий бўлиб, ундан «олтин»га айланиб чиққан ошиқ энди ўзлигидан қутулади ва қаёққа қараса ҳақиқий Ёр (Ҳақ)ни кўради:

*Чун боққали ихтиёр топти,  
Ҳар сорики боқти ёр топти.  
Ҳам нақши вужудин этти фони,  
Ҳам топти бақойи жовидони.*

Бу эса қалбнинг кўзгуга, яъни «ойинаи жаҳоннамо»га айланиши, бошқача айтганда, ишқи ҳақиқийга молик бўлишдир.

Достоннинг 37-боби султон Ҳусайн Бойқаро акасининг ўғли шаҳзода султон Увайс баҳодир мадҳига бағишланган. Навоий шаҳзодани таърифу тавсиф қилиш асносида ғоят усталик билан унга шариат, адлу ҳиммат бобида насиҳатлар ҳам қилади ва замона султони Ҳусайн Бойқарони унга ибрат қилиб кўрсатади.

Достоннинг сўнги боби «дард навҳаси» (ийғиси)нинг якуни ҳақида бўлиб, шоир бунда достонни тугаллагани учун Аллоҳга шукрона келтиради. Навоийнинг достон моҳияти ҳақида айтган энг муҳим фикрлари айнан шу бобда тажассум топган:

Сўгин нечаким узоттим охир,  
 Йиғлай-йиғлай тугаттим охир...  
 Ёзмоқта бу ишқи жовидона,  
 Мақсудум эмас эди фасона.  
 Мазмунига бўлди руҳ майли.  
 Афсона эди анинг туфайли...  
 Мен туркча бошлабон ривоят,  
 Қилдим бу фасонани ҳикоят  
 Ким. шуҳрати чун жаҳонга тўлғай.  
 Турк элига доғи баҳра бўлғай...

«Лайли ва Мажнун» достонидан келиб чиқадиган хулоса шуки, бу дунёда яшовчи ҳар бир инсон ошиқлик йўлини тутиб, ўзини ўлимга эмас, балки васл майини ичишга тайёрлаши керак, зеро. бу дунёнинг бирдан-бир мазмуни ҳам шу. Руҳи мутлақни тасаввур қилишда инсон ақли ва онги ожизлик қилади, шу сабабли Навоий уни мазҳар – Лайли тимсолида яратади.

Достон ҳазаж баҳрининг ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф (рукнлари ва тақтиъи: мафъулу мафоилун фаувлун – – V / V – V – / V – – ) вазнида ёзилган. Лекин достонда мазкур вазн билан бирга қўшимча тарзда ҳазажи мусаддаси ахрами аштари маҳзуф (рукнлари ва тақтиъи: мафъулун фоилун фаувлун – – – / – V – / V – –) вазнининг ҳам қулланилганини кузатиш мумкин. Бу ҳолат тасодифий бўлмай, достон мазмуни ва ғояси билан чамбарчас боғлиқ. Достондаги 3623 байтдан 240 мисра айнан мана шу ритмик вариация (бир вазннинг ички имкониятлар асосида янги вариантларга эга бўлиши)да яратилган бўлиб, достондаги зиддиятли воқеалар, асар қаҳрамонларининг чуқур руҳий изтироблари тасвири, қаҳрамонлар руҳиятининг табиат тасвири билан боғлиқ баёни, қаҳрамонлар ҳайрати акс этган мисралар, лирик чекиниш пайтида мазкур вариацияга мурожаат қилинганини кўрамыз.

### Таянч тушунчалар

- тажаллий
- мажзуби солик
- тафрид

- кимёланиш
- ойинаи жаҳоннамо
- ритмик зарб
- ритмик вариация
- ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф
- ҳазажи мусаддаси ахрами аштари маҳзуф

### Савол ва топшириқлар:

1. Нима деб ўйлайсиз, нега Лайли ва Мажнун мавзусидаги достонлар мусулмон Шарқи адабиётида бунчалик кенг тарқалган?

2. Бадиий адабиётда Лайли ва Мажнун мавзусидаги қисса достон шаклида биринчи марта ким томонидан яратилди?

3. Навоий «Лайли ва Мажнун» достони муқаддимасида қайси масалаларга тўхталган?

4. Достон моҳиятан қандай ишқни улуғлайди?

5. Мажнун ва Фарҳод севгисининг муштарак ва фарқли жиҳатлари нимада деб ўйлайсиз?

6. Навоий талқин қилган «мажзуби солик» ва «солики мажзуб» ўлларининг «Лайли ва Мажнун» ҳамда «Фарҳод ва Ширин» достонларига алоқадорлик жиҳати борми?

7. Достонда қўлланган ритмик вариациялар ҳақида фикр юритинг.

### Адабиётлар:

1. Навоий Алишер. Лайли ва Мажнун. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан, 1992. 9-жилд.

2. Navoiy Alisher. Layli va Majnun. – Тошкент: G'.G'ulom, 2006.

3. Навоий Алишер. Лайли ва Мажнун / Насрий баён муаллифи В.Раҳмонов, Н.Норқулов. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1990.

4. Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Movarounnahr – O'zbekiston, 2009.

5. Аҳмедов Т. Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достони. – Тошкент: Фан, 1970.

6. Назруллаева С. Тема «Лейли и Меджнун» в истории литературы народов Советского Востока. – Ташкент: Фан, 1983.

7. Қаюмов А. Ишқ водийси чечаклари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1985.

8. Юсупова Д. Алишер Навоий «Хамса»сида мазмун ва ритм-нинг бадий уйғунлиги. – Тошкент: МУМТОЗ СЎЗ, 2011.

## «САБЪАИ САЙЁР» ДОСТОННИНГ ТУЗИЛИШИ, ҲИКОЯТЛАР ТАҲЛИЛИ

### РЕЖА:

1. *«Сабъаи сайёр» достонининг таркибий тузилиши.*
2. *Баҳром ва Дилором тимсоллари.*
3. *Етти қасрдаги етти мусофир ҳикоятлари.*
4. *Достоннинг бадиий хусусиятлари.*

Алишер Навоий «Хамса»сининг тўртинчи достони «Сабъаи сайёр» деб аталиб, 1484 йилда ёзиб тугалланган. Асарнинг бош қаҳрамони Баҳром бўлиб, тарихий шахс сифатида Эроннинг сосоний ҳукмдори Варахран V (420 – 438 йилларда подшолик қилган) билан боғлиқ. Бу ҳукмдор қулон (ёввойи кийик)ни овлашга ниҳоятда ўч бўлгани учун, халқ орасида Баҳром Гўр (қулон) лақаби билан шуҳрат топган. Шарқ мамлакатларида Марс (Миррих) юлдузи Баҳром деб аталиб, жангу жадаллар ҳомийси сифатида тасвирланади.

Баҳром тимсоли дастлаб форсий адабиётда Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида тасвирланган. «Шоҳнома»да Баҳром Гўр ҳақидаги воқеа достоннинг фақат бир фаслини ташкил этиб, унда Баҳромнинг туғилиши, тахтга чиқиши, мамлакатни идора қилиш тадбирлари, ов вақтида ўз канизаги Озода билан тўқнашувига доир воқеалар тасвирланган.

«Шоҳнома»даги Баҳром Гўр ва унинг канизаги орасидаги бу тўқнашув лавҳаси Низомий томонидан қайта ишланиб, машхур «Ҳафт пайкар» достони вужудга келади. Низомий Баҳромнинг канизак билан боғлиқ ҳикоясини қолипловчи ҳикоя қилиб олиб, унга 7 ҳикоят киритади.

200 йил ўтгач Хусрав Деҳлавий унга жавоб тарзида «Ҳашт беҳишт» достонини яратиб, 7 ҳикоятни ҳинд эпосидан олади.

Туркий тилда биринчи бўлиб бу мавзуни Алишер Навоий қаламга олади ва ўз достонини «Сабъаи сайёр» деб атайди. «Сабъаи сайёр» достони 38 боб, 5009 байтдан иборат, шундан 11 бобни муқаддима ташкил қилади.

Достон муқаддимаси анъанавий ҳамд билан бошланади. Навоий Аллоҳни оламнинг яратувчиси сифатида мадҳ этар экан,

достоннинг мазмуни тақозоси билан биринчи бобдаёқ етти рақамга алоҳида эътиборни қаратиб, *илтизом* (бир сўзни бирор парчанинг барча мисра ёки байтларида қўллаб, шу сўзнинг муҳимлигини таъкидлаш) бадий санъати воситасида фалакнинг етти қават эканлиги, етти гумбаздан ташкил топгани, ер юзи етти иқлимга бўлингани, етти кўк, етти юлдуз кабилар ҳақида фикр юритади. Шунингдек, Баҳром ва Дилором сўзларини асл ва мажозий маъноларда қўллаб, сайёралар олами, дунёнинг яратилиши ҳақида ўз фалсафий қарашларини баён қилади, оламнинг яратилишини тасаввуфдаги *вахдат ул-вужуд* фалсафаси асосида баён этади:

*Ишқ сенсен доғию ошиқсен,  
Яна маъшуклуққа лойиқсен.  
Айни маъшуклуқда жилваи зот,  
Ўзини кўргали тилаб миръот  
Хуснунга ҳар дам ўзга сурат ўлуб.  
Кўзгу такрори ҳам зарурат ўлуб.  
Неча ҳусн ичра жилва зоҳир анга,  
Кўзгулук айлабон мазоҳир анга...  
Сенсену сендин ўзга худ нима йўқ,  
Гар кўрунса сен ўлгунг ул нима ўқ.*

Достоннинг 2-боби муножот бўлиб, бунда буюк шоирнинг яратувчига мурожаати, нажот умиди, тавба ва илтижолари ўз ифодасини топган:

*Қодиро, ул заифу осиймен  
Ки, бошимдин-аёқ маосиймен.*

Навоий ташбеҳ санъати воситасида ўзини тоат вақтида хаста чумолига, исён вақтида ваҳший шерга, нафсини баҳайбат филга, кўнглини нимжон пашшага ухшатади:

*Тоат айларда мўри хаста барин,  
Лек исён маҳали шери арин.  
Нимжон пашша кўнглум айла гумон,  
Зўри нафсим нечукки пили дамон.*



Шунингдек, муножотда яратилаётган асарнинг шуҳратини оламга ёйишни сураб қилинган илтижо ҳам мавжудлигини кўра-миз:

*Шуҳратин олам учра пайдо қил,  
Олам аҳлин аларга шайдо қил.*

Навбатдаги боб Муҳаммад (с.а.в.) мадҳига бағишланади. Пайғамбарнинг асли қурайший, ери абтаҳи, мазҳаби ҳошимий, манзили Ясриб эканлиги айтилгач, унинг нури «Лот» билан «Уззо»ни шикастлагани, исмининг ҳарфлари ечилганда иккита «мим» ҳарфининг этаклари осилиб, куфр эли мотамининг зулматига, дин элининг эса улуғворлигига айланиши айтилади.

4-боб меърож туни таърифига бағишланади. Бунда пайғамбаримиз ҳузурига элчи (Жаброил) келиб, Ҳақнинг саломини етказгани ва ошиқ ўз маҳбубининг висолига эришмоқ ниятида эканини хабар қилгани, пайғамбаримиз яратувчининг ҳузурига борганларида умматларининг гуноҳини кечиришни илтимос қилганлари ва барча истаклари бирма-бир қабул қилингани ҳақида сўз боради.

5-боб сўз таърифида. Навоий бу бобда сўзга юксак баҳо берар экан, шундай ёзади:

*Сўз келиб азвалу жаҳон сўнгера,  
Не жаҳон, кавн ила макон сўнгера...  
Аллоҳ. Аллоҳ. не сўздурур бу сўз,  
Мундин ортуқ яна бўлурму сўз.  
Жисм бўстониға шажар сўздур.  
Рух ашжориға самар сўздур.*

6-боб улуғ салафлар – Низомий ва Деҳлавий мадҳига бағишланган. Шоир дастлаб бадий адабиётдаги икки адабий тур, яъни назм ва наср таърифига тухталиб, уларни бир-бирига қиёслайди ва назмнинг насрдан устунлигини исботлар экан, шеърий асарларда чиройли, таъсирли ибора ҳамда бадий санъатларни кўплаб қўллаш, инжун ипга тергандек мисралар тизиш мумкин, наср эса сочиб юборилган жавоҳирдек гузалликдан маҳрум деб ёзади. Шунингдек, назм шакллари орасида маснавийга алоҳида тўхталиб, уни «васиъ майдон» (кенг майдон) деб атайди:

*Маснавийким. бурун дедим они,  
Сўзда келди васиъ майдони.*

Низомий ҳақида сўз юритар экан, у бу майдондан тупни олиб чиқиб кетди, яъни гўй ва чавгон уйинида ютди: маснавий яратишда биринчи бўлди дейди:

*Қойили хуш каломи зебогўй  
Ким. бу майдон элидин элитти гўй...  
Аҳли назм афсаҳул каломи ул,  
«Хамса»нинг нозими Низомий ул.*

Хусрав Деҳлавийни Низомий бешлигига жавоб ёзган ижодкор сифатида таърифлар экан, уни «ҳинд сеҳргари, қаро бало, офати Худо» каби ташбеҳлар билан мадҳ қилади. Шунингдек, Навоий бу икки хамсанависни шатранж уйинидаги оқ оту (Низомий) қора филга (Деҳлавий). ўзини оддий пиёдага нисбат беради:

*Чекса шатранж ики саф оку қаро.  
Хас не қилғай, чу тушса арса аро.  
Ўзни топқай бисот аро пайваст,  
От ила пил аёғи остида паст.*

Достоннинг 7-боби «ҳазрат шайхулислом мавлоно Нуриддин Абдураҳмон Жомий» мадҳига бағишланган. Навоий уни фазл конию илм дарёси деб атар экан, устозини араб тилидаги билимдонлиги жиҳатидан «Кофия» асарининг муаллифи Ибн Ҳожибга, тафсир илмида юзта Ибн Ҳожарга, фикҳ илмида Имоми Аъзамга ўхшатади. Жомийнинг бу соҳаларда яратган асарлари, девонлари ва достонларининг номларини келтиради.

8-боб салафларнинг нуқсонлари ҳақида бўлиб, шоир боб сарлавҳасида устозлар асарларига мулоҳаза билдираётгани учун узр сўрайди. Навоий бу бобда дoston яратишдан олдин туш кўрганини, тушида 7 гумбаз, 7 гумбаз ичида 7 хил рангдаги мутасаддийни кўрганини, шу ерда 7 кун юриб 7 афсона тинглаганини, бир мўйсафид унга аввалги дostonлардаги қусурларни тузатишни сўраганини, уйқудан уйғонгач муаббир (туш таъбирчиси) айтган далиллардан сўнг дoston ёзишга киришганини айтади. Шундан кейин

Ўзигача ёзилган Баҳром ҳақидаги дostonларни синчиклаб ўқиб чиққанини таъкидлаб, устозларнинг ҳурматини ўз ўрнига қўйган ҳолда уларга учта эътироз билдиради:

***Бири** буким. йўқ анда мойи дард,  
Қилдилар ишқ сўзидин ани фард.*

Шоир фикрича, олдинги хамсанависларнинг биринчи айби дарду ғамга етарлича аҳамият бермасдан, уни ишқдан холи тасвирлаганликларидадир.

***Яна бири** буким. анда баъзи иш  
Зоҳиран номуносабат тушмиш:  
Бўйла туҳматки, айш учун Баҳром  
Ясади етти қаср сургали ком.  
Етти иқлим шоҳидин ети қиз,  
Ҳар бири лутфу ҳусни ғоятсиз...  
Уйқу комин олурға мастона,  
Шўхларға буюрди афсона...  
Анга худ ғафлат ўлди даъбу сифат,  
Уйқусига фасона не ҳожат?*

Баҳромнинг айши учун еттита қаср қурилиши, етти маликанинг ўзи мастликдан ғафлат ҳолатига етган шоҳни ухлатиш учун афсоналар айтишлари асоссиз дейди Навоий. Бунинг устига, агар афсона айтиш зарур бўлса, улардан бошқа қиссахон йўқмиди деган саволни ҳам қўяди.

Салафларнинг учинчи камчиликлари дардсиз ва нодон кишининг саргузаштларини кўрсатишни мақсад қилиб олганларида эди:

*Бўйла нодон учун ёзиб авсоф,  
Анга қилгайлар ўзларин вассоф.*

Боб сўнгида Навоий ғоят камтарлик билан ўзини салафларнинг фақир шогирди атаб, мен гўё пашшадек бўлиб фил ишини қилмоқчиман, осмон томига нарвон, қуёшга шамдон ясамоқчиман, ўргимчак ипидан каманд қилиб аждаҳони тутмоқчиман дейди ва Алллоҳдан дoston ёзишда мадад сўрайди.

9-боб султон Ҳусайн Бойқаро мадҳи ҳақидадир. Бу бобда Навоий фалақдаги барча сайёраларга бирма-бир мурожаат қилиб уларни ўз ҳунарларидан бир оз тинмоққа чақиради, шоҳ мадҳида қалам сурмоқчилигини айтади. Шоҳнинг икки томонлама хон авлоди бўлиб, улуғ отаси Чингизхон, онаси Аланкуво эканини айтади. Навоий Ҳусайн Бойқарони чексиз саховат, чумолига ҳам марҳаматли адолат эгаси дея таърифлаб, адолат бобида ҳатто Анушервон ҳам унинг олдида хижолат чекади деб ёзади:

*Анда Нуширвон керак боққай.  
Бошини эрғатиб овуч қоққай.  
Чун қилиб ёд ўз адолатидин,  
Мутағаййир бўлуб хижолатидин.*

10-боб – Билқиси Соний – Хадичабегим мадҳига бағишланган бўлиб, Навоий талмеҳ санъати воситасида Хадичабегимни пайғамбарлар аёллари – Сораи Узмо (Иброҳим пайғамбарнинг рафиқалари) ва Хадичаи Кубро (Муҳаммад (с.а.в.)нинг аёллари)га ўхшатади. Навоийнинг ёзишича, унинг гузаллигидан сунбул ва нарғис гуллари ташвишу уятда. Шунингдек, Навоий Хадичабегимнинг икки фарзанди – Музаффар мирзо ва Шоҳ Ғариб мирзо (шоир Ғарибий) ҳақида ҳам тўхталиб утиб, уларни икки саодатли юлдуз, уларнинг онасини ойу қуёшга ўхшатади:

*Ойу кун йўқ агарчи монандинг.  
Икки саъд ахтар икки фарзандинг.*

11-боб Баҳром тарихи ҳақидадир. Навоий Баҳромни сосонийлар ҳукмдори Яздигурднинг ўғли булса-да, отасидан фарқли равишда, эзгу ишлар билан шуғулланди, отаси нимани бузган булса, у барчасин қайтадан тузди дейди:

*Ҳар не ул бузди, бу борин тузди.  
Бу борин тузди, ҳар не ул бузди.  
Кимни ўлтурди ул қилиб мажруҳ,  
Бу қўйуб марҳам. ўлди жисмига руҳ.*

Навоий салафлар бўйича шоҳ Баҳром тарихини қисқача баён этиб, энди мен айтадиган қисса аввалгиларидан фарқ қилади дейди ва Аллоҳга шукрона келтириб Баҳром қиссасини бошлайди.

Асосий воқеалар ўн иккинчи бобдан ибтидо топади. Етти иқлим шоҳи бўлган Баҳром ов қилиб юриб рассом Монийни учратиб қолади. Моний Чинда тенги йўқ бир гўзал Дилором ҳақида хабар бериб, унинг ўзи чизган суратини шоҳга тақдим этади. Шоҳ суратни кўриши билан Дилоромга ошиқ бўлиб қолади ва Чин мамлакатининг бир йиллик хирожини тўлаб қизни саройга келтиради. Шундан кейин Баҳром қизга бутунлай маҳлиё бўлиб, давлат, мамлакат ишларини унутади. Фирдавсий «Шоҳнома»сида тасвирланганидек, овда кийик ҳодисаси юз беради. Дилором Баҳромнинг мерганлик маҳоратини «машқнинг натижаси» деб баҳолайди. Шоҳ мастликда қизнинг оёқ-қўлини ўз сочлари билан боғлаб биёбонга ташлаб келишни буюради. Эртаси ғазаб ва мастлик тарқаб, афсусланганидан кейин уни ўзи бориб излайди, лекин топа олмайди. Ҳижрон азобидан ўзини бутунлай йўқотади:

*Жони икки бало аросинда,  
Мўр икки аждаҳо аросинда.  
Не ўлук эрди, не тирик сони,  
Бўлмас эрди тирик демак они.*

Шоҳнинг аҳволи оғирлаша боради. Навоий бу ўринда шоҳ Баҳромда энди чин маънода ошиқлик сифатлари пайдо бўлаётганига эътибор қаратади, зеро, руҳий изтироблар ва ҳижрон дарди ишқнинг ортишига сабаб бўлади. Изтиробдан ўзини бутунлай йўқотган Баҳромнинг аввал фалакка, сўнг халқи ва қўшинига муурожаат қилиб нотавон жонини бу азоблардан қутқаришини сўраб чеккан фарёдлари дostonнинг 16- ва 17-бобларида ниҳоятда таъсирли тарзда ифодаланганини кўраимиз:

*Манга не қилдинг. эй сипеҳр. охир,  
Йўқ эмиш сенда зарра меҳр. охир!  
Меҳрсизлик ишим аро қилдинг,  
Рўзгорим юзин қаро қилдинг...  
Найлайин бу жаҳонни жонсиз мен?  
Бал жаҳон бирла жонни онсиз мен?*

*Жонни олғилки, тўймишам, биллоҳ!  
 Кўнгул ўлмакка қўймишам, биллоҳ!  
 Ёрлиқ қайда кетти, ёронлар?  
 Йўқ мусулмонлиқ, эй мусулмонлар!  
 Ўлтуруб ғаврима етинг охир!  
 Минг ўлумдин халос этинг охир!*

Сарой аҳли ташвишга тушадилар. 400 ҳаким ва табиб тўпланиб, икки йил давомида шоҳни даволайдилар. Шоҳ бир оз ўзига келгандай бўлади. Маслаҳат билан етти иқлим шоҳи етти қаср қурадилар. Бу етти қаср етти шоҳнинг мамлакатига олиб борадиган йўл устида барпо этилади. Рассом Моний унинг ҳар бирини алоҳида бир ранг билан безайди. Баҳром уларни томоша қилар экан, касали тузала бошлайди. Етти рангдаги етти қаср битгач, етти иқлим шоҳининг етти қизи Баҳром билан никоҳланади. Етти қасрнинг ҳар бири етти сайёрадан бирининг рангига мос бўлиб, ҳафтанинг шу сайёра ҳомий ҳисобланган кунига хос эди. Етти қаср тасвирини ўқир эканмиз, Навоий ҳар бир қасрдаги шоҳ, малика ва мусофир ҳамда жиҳозлар тасвирини беришда рангларнинг турфа хил номланишларидан усталик билан фойдаланганига гувоҳ бўламиз.

Шанба куни учун шу куннинг ҳомийси Зуҳал (Сатурн) сайёрасининг рангига мос қора – мушкфом қасрда шоҳ Баҳром ҳиндистонлик сайёҳнинг Фаррух ва Ахий ҳақидаги ҳикоятини тинглайди. Унга кўра, Ҳинд мамлакати подшоси Жасратхоннинг ақлу ҳуснда тенгсиз ўғли шаҳзода Фаррух тушида бир паривашни кўриб севиб қолади. Ўша санамга етишиш ишқида сафарга чиққан шаҳзода Ҳалаб шаҳрида тушида кўрган маҳвашни учратиб ҳушидан айрилади ва тақдир тақозоси билан биргина палосга ўраниб, оғир аҳволда қолганида, унга саховати билан ном қозонган Ахий ёрдам кўрсатади. У билан суҳбатда бўлган Ахий Фаррухнинг заковатига қойил қолади ва шаҳзоданинг дардига даво топишни чин дилдан хоҳлайди. Ниҳоят, Фаррухнинг ишқи тушган гўзал ўз аёли эканини билиб олади ва жуфти ҳалолани талоқ қилиб, Фаррухга никоҳлаб беради. Фаррух ўз юртига қайтади, отаси вафот этгани учун, тахтага ўтиради. Бу орада Ахийнинг ишлари орқага кетади, тухматга учрайди, ўз юридан қочиб, жон сақлаб қолади. Фаррух уйлангач Ахийнинг мардлигидан ҳайратга тушади, аёлни ўзига сингил каби тутуди ва дўстини излайди. Ахий эса Ҳинд мулкига бориб қолади,

шу ерда икки дўст топишади, Фаррух синглим дея Ахийга ўз аёлини катта тўй билан никоҳлаб беради. Шу тариқа улар чин дўст сифатида бир-биридан ёрдам ва меҳрини аямай узоқ умр кечирадилар. Мазкур ҳикоят якунида сайёҳ шоҳ Баҳромга ўзининг Ахий авлодидан эканини маълум қилади. Шоҳ уни сийлаб саройда олиб қолади.

Якшанба куни унинг ҳомийси Қуёш сайёрасининг рангига мос сариқ қасрда шоҳ Баҳром румлик сайёҳнинг Зайд Заҳҳоб ҳақидаги ҳикоятини тинглайди. Унга кўра, жуда ўткир билим эгаси бўлган Зайд Заҳҳоб исмли заргар Рум мамлакати подшосининг энг яқин дўсти эди. У шоҳнинг ишончини қозонган бўлиб, ҳукмдор у билан ҳар бир ишда маслаҳатлашарди. Бир куни Зайд Заҳҳоб шоҳга олтин тахт ясаб беришни таклиф қилади. Шоҳ кўнади ва хазинадан икки минг ботмон олтинни заргарга олиб беради. Зайд Заҳҳоб сирти олтин билан қопланган, лекин ички томони кумуш билан тўлдирилган тахт ясайди. Қолган олтинларни эса ўзлаштириб юборади. Шоҳ бундан беҳабар мазкур ҳашаматли тахтга чиқиб қойил қолади. Зайд Заҳҳобнинг душманлари шоҳга унинг фирибинини маълум қиладилар. Шоҳ Зайд Заҳҳобни зиндонга ташлайди. Зайд зиндондан қочиб, Қўстантаняга бориб, бутхонада роҳиблик қила бошлайди. У ерда ҳаммани ўзига мухлис қилиб, бутхонанинг олтиндан ясалган барча буюмларини шиша ва бошқа металллар билан алмаштириб қўяди. Кейин ўз мухлисларига бу юртни тарк этишини айтганда, ҳамма уни йиғлаб кузатади, Зайд кета туриб уларга бир хат қолдиргани ҳақида маълум қилади. «Роҳиб» кетгач, мухлислари унинг хатини топиб кўзга суриб ўқисалар, унда Зайднинг ҳамма кирдикорлари битилган бўлади. Бутпарастлар оҳ-воҳ қилиб қолаверадилар. Зайд эса Румга қайтиб, бемор бўлиб қолган шоҳни даволайди, қайтадан унинг ишончига кириб, душманларини жазолайди. Ҳикоя якунлангач, сайёҳ ўзининг Рум мамлакатидан, Зайд Заҳҳобнинг авлодларидан бири эканлигини айтади. Шоҳ Баҳром бу сайёҳга ҳам мурувват кўрсатиб саройда олиб қолади.

Душанба куни шу кун ҳомийси Ой сайёрасининг рангига мос яшил қасрда шоҳ Баҳром шаҳрисабзлик сайёҳдан Саъд ҳақидаги ҳикоятни тинглайди. Унга кўра, мисрлик бой хожанинг камолга етган ўғли Саъд отаси каби мусофирларни меҳмон қилишни хуш кўрар эди. Бир куни унинг даргоҳига шаҳрисабзлик икки сайёҳ ке-

либ, ўз юртларидаги ғаройиб хусусиятли дайр – бутхона ҳақида айтиб берадилар. Мазкур бутхонанинг ўзига хос томони шунда эдики, кимки у ерда бир кун тунаса. туш кўрарди ва туши. албатта, ўнг келарди. Саъд шу бутхонага бориш ишқига тушади ва отасининг розилигини олиб сафарга отланади. Унга шахрисабзлик икки мусофир ҳамроҳлик қиладилар. Дайрга етиб борган Саъд туш кўради. Туш таъсирида хаёлга ботиб ўтирса, эшиқдан бир мўйсафид кириб келади. Мўйсафид унга ўз тақдирини айтиб беради ва Саъдни анча вақтдан буён кутаётганини маълум қилади. Саъд бу донишманд мўйсафиднинг маслаҳат ва кўрсатмалари билан ҳаракат қилади. Узоқ саргузаштларни, синовларни бошдан кечириб, Гулрух исмли гўзалнинг васлига етишади. Сайёҳ ҳикоятни яқунлагач ўзининг Шаҳрисабздан, Саъд авлодларидан бири эканини маълум қилади. Шоҳ Баҳром сайёҳни Шаҳрисабзга волий этиб тайинлайди. Умуман олганда, ҳикоятнинг бош қаҳрамони Саъднинг саргузаштлари Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонидаги Фарҳод билан боғлиқ воқеаларни ёдга солади.

Ҳомийси Миррих (Марс) бўлган сешанба кунида Миррих рангига мос қизил қасрда шоҳ Баҳром навбатдаги сайёҳдан шоҳ Жуна ва унинг дўсти Масъуд ҳақидаги қиссани тинглайди. Ровий шоҳга Деҳлида султонлик қилган Жунанинг саховати чексиз эканини ҳикоя қилиш билан ўз қиссасини бошлайди. Султон Жуна шу қадар саховатли бўлиб, сахийлиги чегара билмасди. Бир куни бир мусофир унинг меҳмони бўлиб, кўзгу совға қилади. Кўзгу рост гапирган одамнинг юзини оқ, ёлғончининг юзини қора кўрсатар эди. Шоҳ Жуна мусофирни сийлаб, ундан мендан ҳам ўтадиган сахий борми дея сўрайди. Йўқ деб жавоб берган сайёҳнинг юзи кўзгуда қора бўлиб кўринади. Ниҳоят, уялиб сиздан ҳам сахийроқ одам бор, бу гўзал Тароз ўлкасида яшовчи Масъуддир дейди. Шоҳ эса ҳаммага рухсат бериб, пайт топиб Тарозга жўнайди. У ерда Масъуд билан учрашиб дўст тутинади. Масъуднинг фасоҳатидан ҳайратда қолади. Масъуд унга ўзи учун энг азиз нимаики бўлса, ҳаммасини иккиланмай ҳадя қилиб юборади: куй ва кўшиқда моҳир сеvimли канизагини, майи тугамайдиган жомини, Гулгун лақабли отини. Бундан таъсирланган шоҳ Масъудни Тарозга ҳоким қилиб тайинлаш тўғрисида фармон беради. Тароз ҳокими Жайпур эса бундан безовта бўлиб, Баллу деган қаттол вазири билан маслаҳатлашиб, Масъудни йўқ қилиш режасини тузади. Унга кўра, Жайпур Масъуд



билан дўст тутинади, бир куни Масъудни маст қилиб, бир чоғга ташлатади. Сунг қайғурган бўлиб йиғлайди, бошқаларни ҳам ишонтиради ва Масъуд учун мотам ҳам очтиради. Баллу эса Масъудни азоблай бошлайди. Жайпурнинг бир гўзал қизи бўлиб, Масъудга ошиқ эди. Қиз Масъуд ҳақида билиб қолади ва икки содиқ канизи ёрдамида уни қутқариб даволайди ҳамда отасининг саройидан Масъуд билан қочиб кетади. Жайпур уларга етолмай доғда қолади. Икки севишган йўлда кўп қийинчилик билан Деҳлига бориб қоладилар. Масъуд ўзи меҳмон қилган Жунанинг шоҳ эканини билмасди, шунинг учун пул топиш илинжида шоҳ саройига борганда сеҳрли жомини, куй чалиб, қўшиқ айтаётган канизини, Гулгун отини куриб аввал ҳайрон бўлади, кейин шоҳнинг ҳам Жуна эканини билиб қолади. Масъуд таниган бошқа маҳрамлар бу ҳақда Жунага айтадилар. Дўстини йўқотиб ҳажр азобида қолган шоҳ бундан бағоят шодланиб, дўстига меҳрибонлик кўрсатади. унинг ёрини ҳам олиб келтиради, Жайпур ва Баллуни эса жазолайди.

Ҳикоясини шу тариқа яқунлаган сайёҳ шоҳ Баҳромга ўзининг Тароздан, Масъуд авлодларидан бири эканини айтади. Баҳром уни Тарозга ҳоким қилиб тайинлайди.

Чоршанба куни учун унинг ҳомийси Уторуд (Меркурий) рангига мос мовий қасрда Баҳром навбатдаги жаҳонгаштадан Меҳр ва Суҳайл ҳақидаги ҳикояни тинглайди. Унга кўра, Адан деган жойда бир оролни ўз маконига айлантириб, денгизда қароқчилик қилишни касб қилган Жобир деган йўлтўсар Беҳишти саро шаҳрининг гўзал маликаси сайр қилиб чиққан қайиқни қулга киритади. Лекин Меҳр шу қадар гўзал эдики, Жобир уни кўриб ҳушини йўқотарди. Шунинг учун қизга яқинлаша олмай, ўзининг баланд деворлар билан ўралган боғида яшашига рухсат беради. Меҳрнинг отаси Навдар шоҳ Яман мамлакати шоҳи Нўъмоннинг ўғли Суҳайлга қизини бермоқчи эди. Шунинг учун шоҳ Нўъмон ўғлини кемага чиқариб Навдарнинг мамлакатига юборади. Суҳайл денгизда Жобирга йўлиқади ва жангда енгилиб қолади. Суҳайлнинг жанг қилишига, жасоратига қойил қолган Жобир уни улдирмасдан ўз боғидаги бир чоғга ташлатади. Шоҳ Навдар ва Нўъмон ўзаро хат ёзишиб биргалиқда Жобирга ҳужум қилишга келишадилар. Навдар шоҳ қуруқликдан, Нўъмон шоҳ денгиздан Жобир устига қўшин тортишга қарор қилдилар. Қуруқликдан келаётган Навдар аскарларидан ажраб, овга

берилиб, Жобир қўлига асир тушади. Денгизда эса Нўъмон шоҳ ҳам енгилиб, денгиз қароқчисига тутқун бўлади.

Меҳр висолига етишолмаган Жобир эса ичкиликка зўр беради. Меҳр боғда айланиб юриб чоҳда ётган Суҳайлни билиб қолиб қутқаради, сўнг Суҳайл Жобир билан жанг қилиб, уни енгади ва тутқунлиқдагилар озодликка эришиб, муроду мақсадга етадилар.

Мазкур ҳикоя поён топгач, шоҳ Баҳром ровийни муносиб тақдирлаб уйқуга кетади.

Пайшанба кунини шу кун ҳомийси Муштарий (Юпитер) рангига мос сандал қасрда шоҳ Баҳром Муқбил ва Мудбир ҳақидаги қиссани тинглайди. Унга кўра, Муқбил ва Мудбир Бохтар деган жойдан Ховарга йўл оладилар. Муқбил ибодатли, ростгўй бўлиб, Мудбир каззоб ва пасткаш эди. Улар қайноқ водийи ҳамимдан бирга ўтадилар. Мудбирнинг аҳмоқона гапларидан Муқбил кўп озор чекиб, ундан воз кечмоқчи бўлса, Мудбир ялиниб тавба қилади. Улар шу тариқа сафарда давом этадилар. Денгиз соҳилига бориб, бир кемага чиқадилар. Муқбил, одатдагидек, ибодат қилиб, тасбиҳ ўгириб ўтирса, Мудбир Худога ширк келтириб валдирай бошлайди. Шунда тўфон келиб, уларнинг кемасини ғарқ қилади. Бу иккиси тақдир тақозоси билан қутулиб қоладилар ва қирғоққа чиқиб ўрмонга дуч келадилар. Шу ердаги бир дарахт қавагида булоқ бўлиб, у ерда бунинг сувини ичган одам мутлақо очикмаслиги, сувсамаслиги ва ёлғон гапирса ёрилиб ўлиши ёзилган бўлади. Муқбил ва Мудбир бу сувдан тўйиб ичиб олганлари учун ёзувни ўқисалар, булоқ сувида боши билан шўнғиб чўмилган одам ғаройиб воқеаларни кўриши айтилган экан. Фақат ростгўй одам чўмилиши мумкин, ёлғончи эса куяр экан. Натижада сувга Мудбир тушолмайди, Муқбил булоққа шўнғиб қасрга дуч келади, у ерда бир маҳвашга ошиқ бўлиб қолади... Ҳушига келиб сувдан чиққач ўша гўзал ишқида ўзини йўқотиб беҳуд бўлади. Муқбил ва Мудбир қирғоққа бориб бир кемага дуч келадилар. Кема сандал дарахти ёғочи билан тўла бўлиб, одамлари ўлиб ётардилар. Гап шундаки, Ховар мамлакати шохининг қизи касалга чалинган, табиблар унга сандал дарахтидан ясалган қасрда яшаш даво дегани учун, кўплаб савдогарлар шу дарахт ёғочларини олиб келадилар. Улар қирғоққа борганларида Ховар шоҳига дуч келадилар. Мудбир ўзини савдогар, кема эгаси, Муқбилни қўлим деб

таништиради ва шу заҳоти ёрилиб ўлади. Муқбил эса бор гапни яширмай айтиб беради. Шоҳ уни ўзига куёв қилишни истади ва тўй беради. Маликанинг қасрига борган Муқбил худди булоқда кўрган ҳолатига дуч келади: сандал қаср, гўзал қизлар ва... ўша у севиб қолган маҳваш. Кейин маълум бўладики, бу гўзал Ховар шоҳининг қизи бўлиб, унга жинлар шоҳи ошиқ бўлган экан. Лекин қизга етишолмаган жинлар шоҳи ўша оролда ўсиб ётган дарахт қавагидаги булоқда қизнинг сувратини, қасрнинг нусхасини пайдо қилиб, ўзини овутиб ўтираркан. Муқбил ўша тасвирга дуч келган экан. Шу тариқа Ховар шоҳининг гўзал қизи ва ростгўй Муқбил васлга эришадилар.

Ҳикоя якунлангач, хушнуд бўлган шоҳ Баҳром уйкуга кетади.

Жума учун унинг ҳомийси Зухра (Венера) рангига мос оқ қаср барпо қилинган эди. Ниҳоят, муборак жума (одина) куни Баҳром оппоқ – кофурий кийимда оқ қаср ичида фил суягидан ясалган тахт устида ўтириб оқ кийимпи гўзал билан биллур жомда оқ май ичади ва Чин гўзали қошида хоразмлик мусофирнинг ҳикоясини тинглайди. Мусофир ўзининг Хоразмдан эканини, соз чалишини, иқлимдаги барча устозлар унинг шогирдлари эканини, кутилмаганда бир чинлик савдогарнинг гўзал канизаги Хоразмга келгач, унинг иши касодга учраганини, канизак ҳузурига бориб арз қилганини, унинг созини тинглаб тарихи билан қизиққанини ва канизак унга бошидан ўтганларни сўзлаб берганини айтади. Шоҳ Баҳром айтилганлардан бу канизак Дилором эканини билиб, уни олиб келиш учун Хоразмга сипоҳларини жўнатади.

Кўринганидек, Баҳром биринчи ҳикояни ўз руҳий ҳолати каби қора қасрда, қора либосда тинглаган эди, чунки у ўз Дилоромидан айрилган, ҳижрон зулматида гирифтор бўлган эди. Еттинчи ҳикояни эса оқ қасрда оқ либосда тинглайди ва бу ҳикоят унга висол умидидан дарак беради, унинг қалбига ёруғлик олиб киради. Лекин Баҳром Дилоромни топгач яна овга, айш-ишратга берилади. Бир куни у сарой аҳли, сонсиз кўшин ва Дилором билан катта овга чиққанида, ёмғир ёғади ва эски ботқоқнинг оғзи очилиб, Баҳромни Дилором ва бутун аркони давлати билан бирга ер ютади.

Баҳром бўлиб ўтган воқеалардан ва тинглаган ҳикоятларидан хулоса чиқармайди: ошиқлик ва шоҳликни бир қиёфада олиб бормоқчи бўлади, аслида, чин ошиқлик тожу тахт ва бойлик билан мувофиқ келмайди:

*Ишқ ила шоҳлиғ мувофиқ эмас.  
Ишқ лофида шоҳ содиқ эмас.*

Шу билан бирга, шоҳ Баҳромнинг ҳалокатини тасаввуф таълимотига кўра яна шундай изоҳлаш мумкин. Бутун жонзотлар, табиат, ҳайвонот ва наботот олами Аллоҳнинг зуҳуридир. Уларнинг барчасини Аллоҳ яратган экан, уларга зарар етказиш Яратган иродасига қарши бориш билан тенгдир. Шу маънода шоҳ Баҳромнинг табиатга етказган жабр-зулми унинг ҳалокатига олиб келди.

Шоир Баҳром тимсоли муносабати билан ўз давридаги баъзи долзарб масалаларга ҳам ишора қилиб ўтган. Хусусан, ҳақиқий ҳукмдор ҳар қандай иллатлардан холи бўлиши зарурлиги, халқ аҳволидан ғофиллик ҳамда айш-ишратга берилиш охир-оқибат шоҳни ва мамлакатни таназулга олиб бориши мумкинлиги шоир айтмоқчи бўлган муҳим ғоялардан биридир.

Шу маънода Навоий дostonнинг ўттизинчи бобида туш кўрганлигини айтади. Тушида шоирни шоҳ Баҳром йўқлаб, уни назм мулкида соҳибқирон деб атаб, ёзган дostonига юқори баҳо беради ва фарзанди қаторида саналмиш султон Хусайн Бойқарони огоҳлантиришини илтимос қилади. Унга қуйидаги сўзларни етказишни айтади:

*Ки жаҳон кимсага вафо қилмас,  
Шоҳлиғ таркига киро қилмас.  
Шаҳки, минг йил онинг ҳаётидур,  
Ғараз – ўлганда яхши отидур.*

«Сабъайи сайёр»да Навоий даҳосининг қудрати шоирнинг ўз тилидан айтилган ўринларда ҳам намоён бўлади. Жумладан, дoston якунига яқинлашганда шоир асарнинг ёзилиш муддатига тўхталиб дейди:

*Бўлди чун бу рақам иши тайёр,  
Қўйдум отини «Сабъаи сайёр».  
Тортқонда бу турфа савти маддин,  
Байти беш мингга тортти аддин.  
Манга айёми гарчи ёд эрмас.  
Лек тўрт ойдин зиёд эрмас.*

*Бўлсам ўзга умурдин эмин,  
 Бор эди тўрт ҳафта ҳам мумкин...  
 Гарчи тарихи эрди секкиз юз,  
 Сексон ўтмиш эди яна тўққуз.  
 Ойи унинг жумодиуссоний,  
 Панжшанба ёзилди унвони.*

Достон хафиф баҳрининг хафифи мусаддаси солими маҳбуни маҳзуф (рукнлари ва тақтиъи: *фоилотун мафоилун фаилун – V – – / V – V – / VV –*) вазнида ёзилган. Аслида, мазкур вазн 8 та ритмик вариацияга эга бўлиб, бу ритмик вариациялар достон мисраларида ўзаро алмашилиб қўлланаверади ва достон матни билан муносабатга киришади. Ритмик вариациялар таркибидаги ўзгаришлар, асосан, биринчи ва учинчи рукндаги бўғинлар сифатини ўзгартириш ҳисобига рўй бериб, иккинчи рукн ўзгаришсиз қолаверади. Бунда биринчи рукн *фоилотун* ёки *фаилотун*, учинчи рукн эса *фаилун*, *фаилон*, *фаълун*, *фаълон* тарзида ўзаро алмашилиб ҳам қўлланавериши мумкин. Мазкур ритмик вариацияларнинг достон таркибида ўзаро алмашилиб қўлланилиши тасодифий бўлмай, достондаги воқеалар, қаҳрамонларнинг руҳий ҳолати, бир ҳикоятдан бошқасига ўтиш пайтлари, сюжет чизиқларининг ўзгаришига кўп жиҳатдан боғлиқ. Масалан, шанба куни Баҳромнинг қора либосда ҳижрон ўтидан қора булган кунда 1-мусофирнинг ҳикоятини тинглаш арафасидаги ҳолати акс этган қуйидаги парчага диққат қаратсак:

*Субҳи шанбаки, шоми дайжурий,* (3)

*Ўзига ҳулла ёпти кофурий.* (3)

*Қасри мушкинга қўйди юз Баҳром,* (4)

*Ичгали мушкбў газол ила жом.* (2)

*Луъбати ҳиндзоду чинийваш.* (3)

*Лаъли жонбахшу сунбули дилкаш.* (3)

*Хулласин ойдек айлабон шабгун,* (3)

*Дурлар ул ҳулла узра кавкабгун.* (3)

*Тахту рахтини айлабон мушкин,* (3)  
*Мушк уза ер тутуб ғазолаи Чин.* (1)

*Шаҳ дағи ҳулла мушкфом айлаб,* (3)  
*Кирди маҳваш сари хиром айлаб.* (3)

Агар эътибор қаратилса, келтирилган 5 байт (10 мисра)дан 8 мисра юқоридаги жадвалда акс этган 3- ва 4-ритмик вариацияларда яратилганлигини кўриш мумкин. Ушбу вариацияларнинг тақтиъида чўзиқ бўғинларнинг етакчилик қилишини (қисқа бўғинлар сони 3 та) кўрамиз. Аслида, бошқа баҳрларга нисбатан энгил оҳангга эга бўлган хафиф баҳрининг ушбу ритмик вариациялари чўзиқ бўғинлар сонининг етакчилик қилиши ҳисобиға вазминроқ оҳанг касб этяпти ва бу жиҳат Баҳромнинг «ҳижрон ўтининг дуди қаро қилғон кун»даги ҳолатиға мос келяпти.

Энди Баҳромнинг ҳикоятлар охирида – Дилоромнинг хабарини эшитган пайтдаги ҳолати ифодаланган парчани кўриб чиқсак:

*Чунки ул кеча шоҳи шоҳнишон.* (2)  
*Ғойибидин бу навъ топти нишон.* (2)

*То саҳар беқарору бедил эди.* (1)  
*Ўйлаким сайди нимбисмил эди.* (1)

*Шавқ ўтиға куюб нечукки хасе.* (1)  
*Бетаҳаммуллуқ айлар эрди басе.* (1)

*Топса эрди бузуқ мизожи қарор,* (2)  
*Буюрур эрди қиссаға такрор.* (8)

*Иши чун қилганини билмак анга.* (1)  
*Гоҳ ўлмак, гаҳи тирилмак анга.* (1)

Мазкур парчада жадвалдаги 1- ва 2-ритмик вариацияларнинг етакчилик қилишини кузатишимиз мумкин. Энди, биринчи парчадагидан фарқли равишда, тақтиъда қисқа бўғинлар сони ортыпти, бу ўзгариш эса оҳангга ўйноқилик ҳамда энгиллик бахш этяпти.

Бу ҳол «улук таниға руҳ киргон» Баҳромнинг руҳий ҳолати билан мутаносиблик касб этипти.

### Таянч тушунчалар

- илтизом
- 7 рақами талқини
- ваҳдат ул-вужуд
- хафиф баҳри
- хафифи мусаддаси солими махбуни маҳзуф
- ритмик вариациялар

### Савол ва топшириқлар:

1. Тарихий Баҳром ва бадиий Баҳром образи ўртасида қандай боғлиқлик мавжуд деб ўйлайсиз?

2. Достонда келтирилган илтизом санъати асарнинг бадиий ва ғоявий моҳиятини англатишда қандай ўрин тутган?

3. Нима сабабдан Навоий айнан «етти» рақамига махсус тўхталган?

4. Навоий ўз салафларини Баҳром тимсолини ифодалашда қандай камчиликларга йўл қўйган деб ҳисоблайди?

5. Қасрларнинг ранги, ҳафта кунлари ва ҳикоятларнинг Баҳром кайфияти билан боғлиқлик жиҳатини қандай тушундингиз?

6. Баҳром орқали Навоий Хусайн Бойқарога қандай фикрларни айтишга ҳаракат қилган?

7. Достонда илгари сурилган ғоялар бугунги кунда ўз аҳамиятини қай тарзда намоён қилади деб ўйлайсиз?

### Адабиётлар:

1. Навоий Алишер. Сабъаи сайёр. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан, 1992. 10-жилд.

2. Navoiy Alisher. Sab' ai sayyor. – Тошкент: G'.G'ulom, 2006.

3. Навоий Алишер. Сабъаи сайёр (насрий баёни билан) / Таҳрир ҳайъати: А.Қаюмов ва бошқ. – Тошкент: Адабиёт ва санъат. 1991.

4 Алишер Навоий ижодий ва маънавий меросининг оламшумул аҳамияти (халқаро илмий-назарий анжуман материаллари). – Тошкент: O‘zbekiston, 2011.

5. Хасанов С. Роман о Бахраме. – Ташкент: Литература и искуства, 1988.

6. Ҳасанов С. Навоийнинг етти тухфаси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991.

7. Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979.

8. Юсупова Д. Алишер Навоий «Хамса»сида мазмун ва ритмининг бадиий уйғунлиги. – Тошкент: МУМТОЗ СЎЗ, 2011.



## «САДДИ ИСКАНДАРИЙ» ДОСТОНИНИНГ ҒОЯВИЙ-БАДИИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

**РЕЖА:**

- 1. «Садди Искандарий» достонининг яратилиш тарихи.**
- 2. Достоннинг таркибий тузилиши.**
- 3. Искандар ва Доро тимсоллари.**
- 4. Достоннинг бадиий хусусиятлари.**

Бу асар дунёдаги буюксиймолардан бири, уч соҳибқироннинг энг машҳури – жаҳонгир Искандарга бағишланган бўлиб, «Хамса»нинг яқунловчи достонидир. Шарқда у Искандар Зулқарнайн (икки шохли ёки кун чиқиш ва кун ботиш ҳукмдори) номи билан машҳур. Дастлаб Искандар мавзуси Фирдавсийнинг «Шоҳнома» достонида қаламга олинган. Кейинроқ Низомий Ганжавий у ҳақда махсус «Искандарнома» деган достон ёзди. Хусрав Деҳлавий бу достонга жавоб тарзида «Ойнайи Искандарий» асарини ёзган бўлса, Абдураҳмон Жомий ўз достонини «Хирадномайи Искандарий» деб атади. Алишер Навоий эса бу мавзунини туркий тилда қайта ишлаб, ўз асарига «Садди Искандарий» («Искандар девори») деб ном беради.

«Садди Искандарий» «Хамса»даги энг йирик достон бўлиб, 89 боб ва 7215 байтдан ташкил топган. Достоннинг муқаддимаси 14 бобни ўз ичига олади.

1-боб анъанавий ҳамд – Аллоҳнинг сифатлари таърифига бағишланган. Навоий ушбу бобда тасаввуф таълимоти асосида оламнинг яратилиш тарихига тўхталиб ўтади: 9 қават осмон, сайёралар, юлдузлар таркумининг ҳар бирига алоҳида таъриф беради. Яратганнинг буюклигига ҳамду сано айтади. Буларнинг барчасидан мақсад энг олий зот – Одамни яратиш эканини таъкидлайди:

*Карам бирла халқ айлагай оламе,  
Бу оламда мақсуд анга одаме.  
Ғараз одаме анга олам туфайл,  
Неким ғайри оламдур, ул ҳам туфайл.*

2-боб муножотни ўз ичига олади. Навоий бобда Аллоҳнинг қарами кенглиги ҳақида гапира туриб банда зоти мавжуд экан, унинг гуноҳ қилиши табиий деган ақидани илгари суради:

*Илоҳий, аларким гунаҳкор экин.  
Сен ўткармаган не гунаҳ бор экин?  
Чу ҳар мужримеким, сен эттинг карам.  
Сўрулмас ҳамул журм ила ўзга ҳам.  
Агар афв бирла карам будурур.  
Бори халқнинг журми маъруфдурур.*

Муножот сўнгида Навоий қуёш ерни ўз нурлари билан мунаввар қилган чоғда зарралар орасидаги фарқни фаҳмлаб бўлмаганидек, зарраларга карам қилган чоғингда Навоийга ҳам бир зарра каби карам айлагил. унинг гуноҳларини кечиргил деб илтижо қилади:

*Ёрурда қуёш партавидин саро,  
Қачон фарқ ўлур фаҳм заррот аро.  
Қилур вақт бу зарраларга карам,  
Навоийга лутф айла бир зарра ҳам.  
Сазо андин ар журму пиндор эрур,  
Сен ул қилки сендин сазовор эрур.  
Хато айлаганни ҳисоб айлама.  
Хатосиға пойиқ азоб айлама.*

Достоннинг 3-боби «сайид ул мурсалин» (пайғамбарлар улуғи) расули акрам васфи (наът)дан иборат. Навоий дастлабки байтларда пайғамбарлик нури ҳақида гапирар экан, Одам Ато унга ўғил, қолганлар набира қаторидадир дейди ва барча муқаддас китобларда унинг хусусиятлари баён қилинганини таъкидлайди. Расули акрамнинг туғилиши гўё кўкда яна бир қуёшнинг порлашига ўхшатилади:

*Сенинг туғмоғинг равшан айлаб жаҳон,  
Анингдекки, тукқай қуёш ногаҳон.*

Анъанага мувофиқ, наътдан сўнг меърож тунни таърифи келади. Навоий бу бобда пайғамбаримизнинг бирин-кетин 9-осмонга

кўтарилгани, сайёраларнинг бу ҳолатни кўриб ҳайратга тушгани, ниҳоят, Ломакон оламига сайр қилгани, 70 минг қават парда кўтарилиб, Жаноби Ҳақ билан дийдорлашгани жараёнини кучли пафос билан тасвирлайди. Унинг ерга қайтиши ҳам фалак аҳли ва малойиклар томонидан чуқур ҳайрат билан кузатилгани бетакрор бадий санъатлар воситасида баён қилинади:

*Фалак аҳли ичра алоло тушуб,  
Малак хайлиға шўру ғавго тушуб.  
Малоик тутуб йўл бошин жавқ-жавқ,  
Тамошосида борча кўнглида шавқ.  
Жамолиға чун кўзларин очибон,  
Табак нурлар бошиға сочибон.  
Анга нур сочмоққа монанд бу  
Ки, сочқай киши Баҳри Уммонға сув.*

Достоннинг 5-боби «Хамса» такмили (мукаммал битказиш) хусусида бўлиб, Навоий бу бобда унда «Хамса» ёзиш ҳаваси анча илгари, Низомий ва Деҳлавий «Хамса»ларини ўқиб юрган чоғларидаёқ уйғонганини баён қилиб, улуғ устозлари руҳидан мадад сўрайди:

*Бу водий аро Хизри роҳим бўлинг,  
Қаён юз кетурсам, паноҳим бўлинг.  
Бурундин чу кўргуздунгуз ёрлик,  
Басе етти сиздин мададкорлик.  
Кичик эрканимдин бўлуб қошима,  
Улуғ муддао солдингиз бошима.*

6-боб сўз таърифи, Низомий Ганжавий ва Хусрав Деҳлавий мадҳига бағишланган. Навоий бу бобда дастлаб сўзга таъриф берар экан, уни ўз аҳамияти билан инсон идрок этган ҳамма нарсадан юқори деб баҳолайди, «жавҳари жон», «оби ҳайвон» деган сифатлашлар билан мадҳ қилади:

*Бийикрак мақом ичра афлокдин,  
Не афлокдин, ваҳму идрокдин...  
Башар зотида жавҳари жон ҳам ул,  
Ўлук жисмида оби ҳайвон ҳам ул.*

Навоий сўз хазинасига эга бўлганларнинг нодири яктоси сифатида Ганжада парвариш топган зот Низомий Ганжавийни тилга олиб, котибларнинг ҳомийси Аторуд (Меркурий) унинг хизматкоридир дейди. Шунингдек, бу бобда Низомий бешлигига муносиб жавоб битган Хусрав Дехлавий ҳам мадҳ этилиб, унга сўз жодугари, илму ҳикмат билимдони дея таъриф берилади. Сўз авжида Низомий кўёш бўлса, Дехлавий Муштарий кабидир дейилади:

*Сўз авжида гар ул маҳи ховарий,  
Бу гар йўқ маҳи ховарий. Муштарий.*

7-боб Низомий ва Дехлавийнинг назмдаги издошлари Нуриддин Абдурахмон Жомий мадҳига бағишланган. Навоий китобат (ҳарф) санъати воситасида Жомийнинг тахаллусига ишора қилиб, унинг назмини «жом» ва «май» деб таърифлайди ҳамда бу назмдан еру кўк эли масту нотавон бўлганини айтади:

*Дема жом ила майки, назми равон,  
Еру кўк элин айлади нотавон.*

Шунингдек, Навоий ушбу бобда Жомийнинг ғазалу маснавий жанрларида эришган ютуқларига ҳам тўхталиб ўтиб, унинг «Хамса» таркибига кирувчи дostonларини номма-ном санайди:

*Ғазал дарду сўзини, ваҳ-ваҳ, не дей.  
Деса маснавий, Аллоҳ-Аллоҳ, не дей...  
Бўлуб жилвагар табъи кўзгусида  
Ки, сабт айлади «Хамса» ўтрусида...  
Бурун жилва айлаб аён «Тухфа»си,  
Бериб олам аҳлига жон тухфаси.  
Яна «Субҳа» жон риштасин тор этиб  
Ки, ҳар муҳра бир дурри шаҳвор этиб.  
Чу Юсуф сўзин ошкор айлабон,  
Зулайхо киби элни зор айлабон.  
Чекиб хома «Лайлию Мажнун» сари,  
Юз офат солиб тоғу ҳомун сари.  
Бу дамким қилиб хомасин дурфишон,  
Сикандар ҳадисидин айтур нишон.*

Бу маълумотлар адабиётшуносликдаги Жомийнинг «Хамса» ёзган-ёзмаганлиги билан боғлиқ баҳсларга ҳам муносиб жавоб була олади.

Достоннинг 8-боби – «Иноят қуёши васфи ва ҳидоят булуту таърифиди» деб аталиб, бу бобда Навоий кимгаки бахту иқбол ёр бўлса, унинг ҳамма ишида зафар бўлади, тикан ушласа гунча, тупроқ олса олтин бўлади, буларнинг барчаси Худодан, шундай экан, унга шукрона билдириш керак деган фикрларни келтираркан, Аллоҳ унга назм ёзиш фазилатини тақдим қилгани учун, унга шукрона айтади ва назмнинг турли синф (жанр)ларида шуҳрат қозонганини фахр билан баён қилади:

*Ҳазал тарзиға аввал айлаб ситез,  
Жаҳон ичра солдим улуг рустахез.  
Ўқур вақти аҳли саломат муни.  
Қўруб олам ичра қиёмат куни...  
Ҳар аснофи зикри эмас шаънима,  
Билур ҳар киши боқса девонима.*

Шунингдек, Навоий назмдаги бу муваффақиятларига қаноат қилмай, улуг муддао – «Хамса» ёзиш ниятида эканини, бу йўлда Низомий ва Деҳлавийларнинг нуроний руҳига, Жомийнинг илоҳий қувватига Қуръон тиловат қилиб, фотиҳа ўқийман деб ёзади:

*Аларнинг равони пур анвориға,  
Бу бирнинг доғи қуввати кориға.  
Қилиб фотиҳа хатми ихлос ила,  
Кўзум баҳрида жисми ғаввос ила.*

9-боб Шоҳ Ҳазрат Ҳусайн Бойқаро таърифига бағишланган. Навоий бу бобда муболаға санъати воситасида Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбарлар орасида алоҳида мавқеда бўлса, султон Ҳусайн Бойқаро ҳам барча шоҳлар ичида шундай мақомдадир деб ёзади. Шунингдек, унинг жанггоҳдаги маҳоратини тасвирлар экан, достон мазмуни билан боғлиқ равишда душманларига нисбатан садди Искандарийдек ғов чекади, агар жаҳонда Искандардек улугсифат зотни топиш керак бўлса, султон Ҳусайндан бошқаси мос келмайди дейди.

Достоннинг 10-боби шаҳзода Бадиуззамон Баҳодир мадҳида-дир. Навоий унга донишмандлик боғининг сарви, замона аҳлининг шаҳзодаси деб таъриф берар экан, зоти ҳам, сифати ҳам малак (фаришта)ка ўхшашини айтиб, *тавзеъ* (бир товушни бир неча марта такрорлаш) ва *такрир* (бир сўзни байтда икки ва ундан ортиқ ҳолда такрорлаш) санъатлари воситасида унинг бошдан-оёқ яхшилиқ ва яхши хислатлардан иборат эканини баён қилади:

*Йиғиб яхшилиқ бирла яхши қилиқ,  
Қилиқдек бошингдин аёқ яхшилиқ.*

11 – 14-бобларда қадимги форс шоҳларининг тўрт табақаси: пешдодийлар, каёнийлар, ашконийлар ва сосонийлар тарихи ҳақида маълумотлар келтирилади.

Достоннинг асосий қисми 15-бобдан бошланади. Асосий қисм ўзига хос композицияга эга. Уни шартли равишда қуйидаги 4 қисмга бўлиш мумкин:

1) Искандар воқеаси – Искандар ҳаёти билан боғлиқ бирор воқеа ёки ҳодиса баёни;

2) назарий масала – муайян ахлоқий муаммонинг таърифи;

3) ҳикоят – шу ахлоқий масалага доир ҳикоят;

4) ҳикмат – Арасту ва Искандарнинг суҳбати.

Биринчи қисм лирик хотимага ҳам эга. Бу соқий, муғанний ва Навоийга мурожаат тарзидаги байтлар бўлиб. Низомийда «Искандарнома»нинг биринчи қисми бўлмиш «Шарафнома»да соқийга, иккинчи қисм «Иқболнома»да мутрибга мурожаатни кўрсак, Деҳлавий достонида ҳам соқий, ҳам мутрибга мурожаат мавжудлигини кузатамиз. Навоий эса соқий ва мутрибдан сўнг ўз ўзига ҳам мурожаат қилади. Хусусан, 15-бобнинг лирик хотимаси қуйидагича:

*Аёғчи, бер ул жавҳари ғамзудо,  
Дема ғамзудо, жоми мотамзудо  
Ки, андин сумурсам ғамим қолмасун,  
Ато сўгидин мотамим қолмасун.  
Муғанний, қилиб соз руди нишот,  
Анинг бирла тузгил суруди нишот  
Ки, сўз тахтида бўлдум оромгир*

*Бўлай таҳният базмида жомгир.  
 Навоий, жаҳоннинг фирибин ема,  
 Хирад олпиди нақшу зебин дема.  
 Чу даерон иши бевафолиқдурур.  
 Фузун шоҳлиғдин гадолиқдурур.*

Асосий қисм воқеалари Искандарнинг туғилишидан бошланади. Рум мамлакатининг шоҳи Файлақус тангридан фарзанд сўрайди. Бир куни овдан қайтар экан, шаҳарга кираверишдаги вайронда янги туғилган чақалоқ ва ўлик онани учратади. Шоҳ ўликни дафн эттириб, чақалоқни ўзига фарзанд қилиб олади ва унга Искандар деб ном беради. Шоҳ Искандарнинг таълим-тарбиясига катта эътибор қилади ва Арастунинг отаси Нақуможисни унга устод қилиб тайинлайди. Искандар тож-тахт ва бойликка эмас, балки илм-фан ва олижаноб фазилатларга муҳаббат руҳида улғаяди.

Достон билан танишиш жараёнида Навоий шунчаки Искандар тарихини ёзишни эмас, балки у билан боғлиқ воқеаларнинг маъносини очишни мақсад қилганини кўрамыз. Буни юқорида келтирганимиз муайян ахлоқий масаланинг таърифи, ҳикоятлар, савол-жавоб ва лирик хотималарнинг ўзаро алмашилиб келишидан ҳам сезиш мумкин.

Файлақус вафот этгач, валиаҳд сифатида тахтни Искандар эгаллаши керак эди, лекин у тахтга чиқишга ошиқмайди. Халқ унинг шоҳ бўлишини қаттиқ талаб қилиб туриб олгандан кейингина, Арасту унга тож кийгизади. Искандар халқ олдида шарт қўйиб, кимнинг арз-доди бўлса, шоҳни ўзи билан тенг кўриб аҳволини айтишини сўрайди:

*Ки, берди манга додгарлик Илоҳ,  
 Бор эрса халойиқ аро додхоҳ,  
 Келиб олпима арзи ҳол айласун,  
 Ўз аҳволини қийлу қол айласун!*

Искандар тахтга ўтиргач адолат билан мамлакатни бошқара бошлайди. Халқни икки йиллик хирождан озод этади. Достонда шу уринда адолатнинг таърифи берилади. Бу таъриф ҳадислар воситасида тушунтирилади. Масалан, бир соатлик адолат фа-ришталарнинг, дунёдаги барча инсонларнинг тоатидан афзал

деган ҳадис келтирилади. Сунг шоҳ Масъуднинг бир куни тушида отаси Маҳмудни нурга фарқ булган ҳолда жаннат боғларида юрганини кўргани ва отасидан бу ҳолга қандай сазовор бўлганини сўраганида, отаси Ҳиндистонни эгаллаш вақтида элга қилган биргина адолати туфайли Аллоҳ унга шундай мартабани лойиқ кўргани ҳақида сузлаб бергани тўғрисида ҳикоят илова қилинади. «Ҳикмат» бобида эса Искандарнинг Арасту билан адолат ҳақидаги савол-жавоби келтирилади. Арастунинг фикрича, шоҳ ҳар бир ишда адолат мезони асосида иш тутса, унинг мулку мамлакати обод, халқи бадавлат булади. Халқ бадавлат бўлса, аскарларнинг маоши ҳам ортади ва қўшин ҳамиша ғолиб бўлади.

Шу тариқа Искандар адолат мезони асосида кўплаб мамлакатларни эгаллайди, сув тубига тушади. 23-бобдан дostonга Доро образи кириб келади. Навоий Дорога тавсиф берар экан, унинг каёнийлар сулоласи вакили, жаҳон подшоси сифатида Кайхисраву Кайқубодларнинг авлоди эканини, унинг давлатни бошқаришида Лухросбнинг тартиблари, қўшинида Гуштосбнинг қонунлари устуворлигини баён қилади. Доро ва Искандар орасидаги хирож можароси ихтилофнинг пайдо бўлишига олиб келганини афсус билан таъкидлайди.

Уруш бошланади. Аммо тез орада Доронинг ноиблари хиёнат қиладилар ва у ярадор ҳолда Искандарга асир тушади. Ҳлими олдидан хиёнаткорларни жазолаш, унинг қариндош-уруғларига озор бермаслик ва қизи Равшанакка уйланишни Искандарга васият қилади. Искандар Доронинг барча васиятларини ортиғи билан адо этади, Дорони иззат-икром билан дафн қилади. Шу ўринда Искандарнинг жаҳонгир шоҳ бўлиш билан бирга мард инсон экани ҳам ғоят моҳирлик билан тасвирланади.

Искандар Эронни эгаллагач жаҳонни фатҳ этишга киришади. Кўплаб ўлка подшоларига хат ёзиб, мамлакатда адолат ва оёйишталик ўрнатмоқчилигини ва шунга мос ҳолда ўз ихтиёрлари билан унга таслим бўлишларини сурайди. Аксарият подшолар бўйин эгиб келадилар. Фақат Кашмир, Ҳинд ва Чин хоқонларигина унга бўйсунини истамайдилар. Искандар Кашмирга юриш қилишга мажбур бўлади ва мамлакат шоҳи Маллуни бўйсундиради. Унинг васиятига биноан қизи Меҳронозга уйланади, ўғли Ферузни Кашмирга подшо қилади. Ҳирот ва Самарқанд шаҳарларини барпо қилади. Тез орада Ҳинд ва Чин хоқонлари ҳам



Искандарнинг шаъну шавкатига тан бериб, унга жангсиз таслим бўладилар.

Искандар ер юзини эгаллагач, денгиз сирларини ҳам билиш учун узоқ сафарга чиқади. Шишадан сандиқ ясаб, уммон тубига тушади ва кўплаб ажойиботларни кўради. Аммо сафардан қайтишда хасталанади ҳамда тутинган онаси Бонуга ўгилликни ўрнига қўя олмагани учун узр сўраб мактуб ёзади. Мазкур мактуб бутун дунёни забт этса-да, охир-оқибат у дунёга ҳеч бир нарсасиз, очик қўл билан кетаётган, оламга шоҳ булгандан кўра онадек буюк зотга қуллик қилиш шарафи юксакроқ эканини англаган улуг жаҳонгирнинг иқронномаси эди:

*Бошимга тушуб ҳарза андешае,  
Дедим олам очмоқ эрур пешае.*

*Не қилғон хаёлим бори хом эмиш,  
Ҳавас жоми кўнглумга ошом эмиш.*

*Керак эрди, то кирди мағзимга ҳуш.  
Хирад токи солди димоғимга жўш.*

*Демон қилсам эрди ўғуллуқ санга,  
Қабул айласам эрди қуллуқ санга.*

*Санга айлабон хоки даргоҳлик,  
Анинг отин айтсам эди шоҳлик.*

Асосий қисмининг сўнги бобида етти файласуф ҳаким: Афлотун, Суқрот, Балинос, Буқрот, Ҳурмус, Фарфинюс ва Арасту Искандарнинг онасига таъзия билдиргани келадилар. Шу билан Искандар воқеаси поёнига етади.

Асар, бошқа дostonлардан фарқли равишда, каттагина хотима билан якунланади. У 6 бобдан иборат бўлиб, «Садди Искандарий» дostonини тугаллаш билан муайян маънода «Хамса»га ҳам якун ясайди. Хотима қуйидаги бобларни ўз ичига олади:

84-боб – Ҳусайн Бойқаро ва унинг фарзандлари таърифи.

85-боб – Ҳақимлар (донишмандлар) таърифи.

86-боб – Гадонинг шоҳга насиҳати хусусида.

87-боб – Сўз гавҳари хусусида.

88-боб – Дарвешалига насиҳат.

89-боб – Хулоса.

Достоннинг сунги бобида Навоий унга бахт-давлат раҳнамолик қилиб, ниҳоят, «Хамса»ни яқунлаганини ёзар экан, «Ҳайрат ул-аб-рор» достони ёзилишидан бошлаб «Садди Искандарий» яқунлангунча бўлган жараёни бирма-бир эслаб ўтади. Навоий тонг отиб кеч киргунча эл-юрт ташвиши билан банд бўлгани ҳолда салафлари узоқ муддат ёзган «Хамса»ни жуда қисқа муддатда – икки йилда яқунлаганини, агар бевосита фақат ёзиш учун кетган вақт ҳисоблаб чиқилса, олти ойга ҳам бормаслигини фахрия тарзида баён қилади:

*Сангаким йўқ эмгакда ғоят падид.  
Улус меҳнатида ниҳоят падид.  
Қилиб тонгдин оқшомғача қйлу қол,  
Юзунга етиб ҳар нафас юз малол.  
Ўзунг тинмайин халқ ғавғосидин.  
Қулоғинг халойиқ алопосидин.  
Бу меҳнатлар ичра чекиб сўзга тил,  
Замондин камо беш ўтуб ики йил.  
Чекиб хома бу нома итмомиға.  
Етургайсен оғозин анжомиға  
Ки, ақли муҳосиб шитоб айласа,  
Дейилган замонин ҳисоб айласа  
Йиғиштурса бўлмас бори олти ой  
Ки, бўлдунг бу раъноға суратнамой.*

Навоий ўз бешлиги китобхонлар томонидан қандай баҳоланишини билиш учун устози Абдураҳмон Жомийнинг ҳузурига боради ва унга «Хамса»ни тақдим этади. Жомий асарни бирма-бир ва рақлаб, шоирга лутф билан муносабатда бўлади ҳамда бир қўлини унинг елкасига қўяди. Устоз ва пир Жомийнинг қўли елкасига теккач, шоир бир лаҳза ҳушини йўқотади ва тахайюл оламига ғарқ бўлади: Навоий ажойиб бир гулистонда сайр қилиб юриб бир гуруҳ суҳбатдошларни кўриб қолади. Улардан бири шоир томонга келиб ўзини форс-тожик шоири Ҳасан Деҳлавий деб таништиради ва даврадагилар Навоийни кўрмоқчилигини айтади. Навоий ҳаяжон билан давра аҳлига яқинлашади. Ҳасан Деҳлавий улар-

ни Навоийга таништиради. Ўртада Низомий Ганжавий, унинг икки ёнида Хусрав Деҳлавий ва Абдурахмон Жомий, уларнинг атрофида ўтирганлар эса Фирдавсий, Унсурий, Саъдий, Санойи, Хоқоний ва Анварийлар эди:

*«...Ўртодағи пири фаррухжамол  
Ки, васфида келди хирад нутқи лол,  
Эрур ҳазрати Шайх, огоҳ бўл!  
Ниёз айлабон хоки даргоҳ бўл.  
Ўнг илги сори анга пайравдурур,  
Жаҳон офати – Мир Хусравдурур.  
Яна бир ён устоду пиринг сенинг,  
Рақамхони лавҳи замиринг сенинг  
Чу Саъдию Фирдавсию Унсурий,  
Санойю Хоқоню Анварий»...*

Даврадагилар Навоийни кўришлари билан ўринларидан турадилар ва бир кўлидан Хусрав Деҳлавий, иккинчи кўлидан Абдурахмон Жомий тутиб Низомийнинг ёнига ўтқизадилар. Навоий Низомийга таъзим бажо келтириб, ёнига ўтиради. Низомий Навоийнинг «Хамса»сига юксак баҳо беради ва Жомийдан шоир ҳаққига дуо ўқишини сўрайди...

Шу онда Навоий тахайюл оламидан қайтиб қараса, Жомий кўлини унинг елкасидан олган ва унга қараб турган экан. Жомий Навоийни улуғ муддаога етишгани билан қутлаб, Тангрига шукрона келтиришга чорлайди. Ниҳоят, Аллоҳдан мадад сўраб ибтидо топган «Хамса» буюк Яратганга шукроналик билан якун топади:

*Навоий, қилиб Тенгри коминг раво,  
Санга рўзи этти ажойиб наво.  
Узот Тенгри шукри навосиға тил,  
Наво ортуқ истар эсанг шукр қил!*

«Садди Искандарий» мутақориб баҳрининг мутақориб му-саммани маҳзуф (рукнлари ва тақтиъи: фаувлун фаувлун фаувлун фаул V – – / V – – / V – – / V –) вазнида ёзилган.

### Таянч тушунчалар

- *достон композицияси*
- *ҳикмат*
- *лирик хотима*
- *«Хамса» такмили*
- *мутақороби мусаммани маҳзуф*

### Савол ва топшириқлар:

1. *Тарихий шахс ва бадиий тимсол сифатида олинган Искандар фаолиятини қиёслашга ҳаракат қилинг.*
2. *Навоий Искандар образи орқали мукамал шоҳ қандай сифатларга эга бўлиши керак деб ҳисоблайди?*
3. *Искандар ва Доро ўртасидаги зиддият сабаблари нимада деб ўйлайсиз?*
4. *Даставвал Искандарга бўйсунмаган ҳукмдорлар кейинроқ ўз ихтиёри билан унга хайрихоҳ бўлиб қолганлари сабаби ҳақида тўхталинг.*
5. *«Садди Искандарий» достони умумий «Хамса»нинг якуни сифатида ўзида қандай хусусиятларни намоён қилади?*

### Адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Садди Искандарий. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан. 1993. 11-жилд.
2. Navoiy Alisher. Saddi Iskandariy. – Тошкент: G'.G'ulom, 2006.
3. Навоий Алишер. Садди Искандарий (насрий баёни билан) / Таҳрир ҳайъати А.Қаюмов ва бошқ. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991.
4. Бертельс Е.Э. Роман об Александре и его главной версии на Востоке / Избранные труды. Навои и Джами. – М.: Наука, 1965.
5. Қаюмов А. «Садди Искандарий». – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1975.
6. Эркинов А.С. Навоий – пейзаж устаси. – Тошкент: Фан, 1988.
7. Ўзбек адабиёти тарихи. Беш жилдлик. 2-жилд (XV асрнинг иккинчи ярми). – Тошкент: Фан, 1977.

## «ЛИСОН УТ-ТАЙР» ДОСТОННИНГ ҒОЯВИЙ-БАДИИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

### РЕЖА:

1. *Достоннинг таркибий тузилиши.*
2. *Достоннинг ғоявий хусусиятлари.*
3. *Рамзий тимсоллар таҳлили.*

«Лисон ут-тайр» достони шоир умрининг сўнгги йилларида, аниқроғи, 1499 йил ёзиб тугалланган. Филология фанлари номзоди Ш.Эшонхўжаев достоннинг илмий-танқидий матнини яратиб, изоҳлар билан нашрга тайёрлаган (МАТ, 12-жилд). Мазкур нашрда достон ҳажман 193 боб, 3666 байтдан иборат.

«Лисон ут-тайр» фалсафий-тасаввуфий мавзуда яратилган бўлиб, улуг форс-тожик адиби Фаридиддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» достонига жавобан ёзилган. Алишер Навоийнинг ўзи шу асарда болалик давридаёқ «Мантиқ ут-тайр»ни иштиёқ билан ўқигани ва ёд олганини айтади:

*Ёдима мундоқ келур бу можаро  
Ким, туфулият чоғи мактаб аро  
Ким, чекар атфол мархуми забун,  
Ҳар тарафдин бир сабақ забтиға ун...  
Манга ул ҳолатда табъи булҳавас,  
«Мантиқ ут-тайр» айлаб эрди мултамас.  
Топти сокин-сокин ул такрордин,  
Сода кўнглум баҳра ул гуфтордин.  
Табъ ул сўзларга бўлғоч ошно,  
Қилмади майл ўзга сўзларга яно.*

«Лисон ут-тайр» достони анъанавий тарзда муқаддима, асосий қисм ва хотимани ўз ичига олади. Муқаддима 13 бобдан иборат.

Достоннинг биринчи боби Аллоҳ ҳамдига бағишланган. Навоий Аллоҳ бу оламни аниқ бир режа асосида бунёд қилгани ҳақида ёзар экан, унда ҳеч бир нарса тасодифий яратилмаганини айтади. Аллоҳнинг мўъжизаси сифатида бир-бирига зид бўлган тўрт унсур (сув, олов, тупроқ ва ҳаво)ни инсон вужудида бир бутун ҳол-

да бирлаштирганини таъкидлаб, бутун оламни яратишдан мақсад ҳам инсон бўлганини айтади:

*Ўйлаким душман яротиб ўтқа сув,  
Елни ҳам туфроққа айлаб адув.  
Сунъидин кўргилки мундоқ тўрт зид,  
Бўлуб инсон хилқатида муттаҳид.  
Офаринишдин қилиб инсон ғараз,  
Они айлаб халқ ичинда беэваз.*

Бобда, шунингдек, Алишер Навоий Аллоҳ инсонни ўз сиридан хабардор этди, халифалик тожи билан юксалтирди, шайтонни эса унга сажда қилишдан бош тортгани учун мардуду лаъин (рад этилган ва лаънатланган) қилди дейди:

*Ҳам қилиб ўз сирри бирла ганжи роз,  
Ҳам хилофат бирла айлаб сарфароз.  
Бўлди саркашликдин онинг офати,  
Ажзу туфроғлиқ бу бирнинг рофати.  
Бирга ул масжудлуғ берган ўзи,  
Бирга бу мардудлуғ берган ўзи.*

Достоннинг 2-боби муножотни ўз ичига олади. Бобда Алишер Навоий ўтган умрини сарҳисоб қилар экан, Яратган қошида ўзини беҳад гуноҳкор ҳисоблайди:

*Аллоҳ, Аллоҳ, ўлтурур шармандалиқ,  
Ёдима келса бу янглиғ бандалиқ.  
Юз қаролиғ онча бўлмиш жаҳл аро  
Ким, кўзимга қилди оламни қаро.  
Қилмадим умрумда бир рақъат намоз.  
Сар-басир маҳзи ниёз, эй бениёз.  
Ҳаргиз андоқ кўймадим туфроққа бош  
Ким, кераклиқ бўлмағай бошимга тош.  
Бермадим ҳаргиз гадоға бир дирам,  
То ўзумни кўрмадим соҳиб карам  
Тутмадим отинг қилиб фарзоналиқ,  
Сабҳа элдин осмайин юз доналиқ.*

*Бир амал ҳаргиз риёсиз қилмадим,  
Зарқсиз ҳаргиз ўзумни билмадим.  
Ўйлаким мендурмен инсон бўлмасун,  
Йўқки инсон – деву шайтон бўлмасун.*

3-боб пайғамбар расули ақрам мадҳи – наътни ўз ичига олади. Бобда Навоий «Нури Муҳаммадия» ҳақида фикр юритар экан, бу нур олам яратилишидан ҳам илгари мавжуд бўлганлигини, Одам Атодан Шис пайғамбарга ва шу орқали кўплаб наслларга ўтиб, расули ақрамнинг оталари Абдуллоҳга етиб келгани ва, ниҳоят, унинг фарзанди чеҳрасида пайғамбарлик нури сифатида зоҳир бўлганини ёзади.

Бобда, шунингдек, расули ақрамнинг пайғамбарлик даврларидаги фаолиятлари: кофирларга қарши курашганлари, Лот бутининг ҳолини хароб қилганлари, халққа Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқлиги ҳақидаги ҳақиқатни етказганликлар ҳақида сўз боради. Боб сўнгида расули ақрам ва улар орқали барча яқинлари – саҳоба ва тобеинлар ҳам пок эканлиги айтилиб, уларга салом йўлланади:

*Ўзи пок, азвож ила авлоди пок,  
Зоти пок. асҳоб ила аҳфоди пок.  
Анга ҳар дам юз дуруду минг салом.  
Олам аҳлидин ила ёвмул қиём.*

4-боб меърож туни таърифига бағишланган. Унда пайғамбаримизнинг ҳузурларига «Руҳ ул-амин» (Жаброил фаришта) келиб, Яратганнинг хабарини етказгани ва расули ақрамнинг Буроқ отини миниб Аллоҳ ҳузурига кўтарилгани, орадаги етмиш қават парда очилиб, бор-йўқ тўсиқлар бартараф бўлгани, пайғамбаримиз Аллоҳдан умматларининг гуноҳини сўраганликлари ва Аллоҳ ўз ҳабибининг барча истакларини қабул қилгани ҳақида фикр юритилади.

Достоннинг 5-боби тўрт халифанинг биринчиси Ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ мадҳига бағишланган. Алишер Навоий бу зотни «содиқу сиддиқ» атаб, ташбеҳ санъати воситасида пайғамбаримизни ғор ичидаги хазинага, Абу Бакр (р.а.)ни эса шу хазинани кўриқлаб ётган аждаҳога ўхшатади:

*Содиқу сиддиқу ҳамрози онинг,  
Ҳар ёмон-яхшида дамсози онинг...  
Ганжким гор ичра пинҳонлик қилиб,  
Аждаҳодек ул ниғаҳбонлик қилиб.*

Абу Бакр Сиддиқнинг пайғамбаримиздан кейин халифа имом бўлиб қолганини гўё қуёш кетиб, ой қолганига ўхшатади:

*Ўрниға они расул айлаб имом.  
Ой бўлиб ҳуршидға доим мақом.*

6-боб ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ ҳақидаги ҳикоятни ўз ичига олади. Унда айтилишича, Абу Бакр Сиддиқ халифалик тахтига ўтирганида, диндан қайтган бир гуруҳ кишилар ислом фарзларидан бири бўлган закотни бекор қилишни талаб этади. Шунда халифа ғазаб билан: «Пайғамбар қонунида бирор ип миқдорича нарсани ҳам ўзгартириш мумкин эмас. Кимки бунга қарши бош кўтарса, уларга жавоб қилич ва ўқдир», – деб айтади.

Достоннинг 7-боби ҳазрат Умар Форук (р.а.) мадҳига бағишланган. Алишер Навоий ислом оламида ҳақни хатодан фарқ қилишда бу кишига тенг келувчи бошқа зот йўқ эди дейди:

*Ҳақни ботилдин бировким қилди фарқ,  
Адли бирла равшан этти ғарбу шарқ.  
Ондин ўзга йўқ эди офоқ аро,  
Балки ушбу қасри олий тоқ аро.*

8-боб ҳазрат Умар Форукқа бағишланган ҳикоятдан иборат. Ҳикоятга кўра, ҳазрати Умар Мадойинни эгаллаганида, жуда катта хазина йиғилади. Ҳазрати Умар бу хазина ва мол-мулкка кўз қирларини ҳам ташламайди: барча хазинани ғазотга чиқувчилар учун бўлиб беришни буюради.

9-боб – ҳазрат Усмон (р.а.) мадҳидадир. Ҳазрат Усмон пайғамбаримизнинг икки қизларига уйланганлари учун «зуннурайн» лақабини олганлар. Алишер Навоий бу зотни, Қуръони Каримни тўплагани сабабли, халқ Усмон ибн Аффон деб атади дейди:

*Тенгри айлаб жомеъи Қуръон они.  
Халқ деб Усмон бин Аффон они.*



10-боб ҳазрат Усмон ҳақидаги ҳикоятни ўз ичига олади. Ҳикоятга кўра, пайғамбаримиз бир куни элдан фароғат истаб, хилватга кириб, бир оёқларини узатиб ўтирадилар. Уларнинг хузурларига баъзи зодагон саҳобалар, айрим азиз ва шариф кишилар кирганларида ҳам, уларнинг ҳолатларида ўзгариш бўлмайди. Лекин хонага ҳазрат Усмон киргач, расули акрам узатган оёқларини йиғиб оладилар. Бу пайғамбаримизнинг ҳазрат Усмонга бўлган чексиз ҳурматлари ифодаси эди.

11-боб мўминлар амири Ҳазрат Али (р.а.) мадҳига бағишланган. Навоий бу зотнинг пайғамбаримизга фарзанд даражасида бўлганликларини айтиб, улар орасида «мен сеникиман, сен меникисан» деган аҳд мавжудлигига ишора қилади:

*Анбиё сархайлига фарзанд ул,  
Хайли одам учра бемонанд ул...  
Иттиҳодида нубувват шамъининг  
Сўзи букум сен менингсен, мен сенинг.*

12-боб ҳазрат Алига бағишланган ҳикоятни ўз ичига олади. Ҳикоятга кўра, ғазот жангларида бирида ҳазрат Алига ўқ тегади. Ўқнинг учи уларнинг суякларигача ботиб, тортиб олишнинг иложи бўлмайди. Шунда саҳобалар пайғамбаримиздан бу ишнинг чорасини сўраганларида, расули акрам: «У намоз ўқиётган пайтда ўқни тортиб олиш пайида бўлингиз. У намозга шундай бериладики, ўқни тортиб олганларингни билмай қолади», – дейдилар. Саҳобалар айтилгандек қиладилар ва Аллоҳ қушойиш бериб, бир лаҳзада жароҳатдан на дард-у, на ўқ учи қолади.

13-боб буюк форсигўй адиб Фаридиддин Аттор мадҳига бағишланган. Алишер Навоий сўз ўйини воситасида шоир тахаллусига мажозий нисбат бериб, бу дўконда оламдаги барча бойликлар: дуру гавҳарлар, гулобу мушки анбарлар, ширинликлар жам эканлигини айтади:

*Ҳар не гардун баҳр ила конида бор,  
Онча юз Аттор дўконида бор.*

Алишер Навоий Атторнинг ёзган асарлари халқ учун гулқанд каби фойдалидир дейди ва шу муносабат билан унинг асар-

лари рўйхатини келтиради: «Мусибатнома», «Илоҳийнома», «Уштурнома», «Лужжаи ҳилол», «Тазкират ул-авлиё», «Мантиқ ут-тайр» ва бошқалар. Боб сунгида Навоий агар Ҳақ мадад берса, мендек гадо шайх руҳидан ёрдам олиб, қушлар нутқини изҳор қилсам, яъни «Мантиқ ут-тайр»га жавоб ёзсам дейди:

*Лек ҳақ таъфиқ берса. мен – гадо,  
Шайхнинг руҳига айлаб иқтидо.  
Ўйла қушлар нутқини изҳор этай,  
Булбулу тўти киби ғуфтор этай  
Ким, халойиқ чун тараннум айлагай,  
Қуш тили бирла такаллум айлагай.  
Лек сурмак нуктани тўти мисол.  
Будур инсоф ўлса, эй фархунда фол  
Ким, бу тўти тўъмаси бўлғой шакар,  
Ул шакар фикр айласанг бўлғай магар.  
Тенгрининг лутфу иноят хонидин,  
Яъни ул Атторнинг дўконидин.*

Достоннинг асосий қисми 14-бобдан бошланади. Бир куни барча қушлар мажлис қурмоқ учун йиғилибдилар. Лекин мажлисда урин талашиб, жанжаллашиб қолибдилар. Шунда улар агар бир адолатли подшо бўлганда, баҳсга ҳожат қолмасди деб ўйлабдилар. Шу вақт Ҳудҳуд деган қуш шундай подшоҳ борлигини, унинг номи Симурғ экани ва Симурғнинг ҳузурига бормоқчи бўлганлар узок ҳамда машаққатли йўлни босиб ўтишлари зарурлигини айтади:

*Борча олам қушларига шоҳ ул,  
Ҳолингиздин мў-бамў огоҳ ул.  
Ул ёқин сизга-ю. сиз ондин йироқ,  
Васл – анга ойин, вале сизга – фироқ.  
Йўлида етса талабдин минг тааб,  
Ҳам анга етмас киши қилмай талаб.  
Лекин ул водий ниҳоятдин узун,  
Қатъида офат ниҳоятдин фузун.  
Умрлар урмоқ керак тинмай қанот,  
Неча каркас умрича бўлса ҳаёт*

Кушлар Худхуд бошчилигида йўлга тушадилар. Бир неча кун йўл юргач, машаққатли сафар уларни толиқтиради. Ортга қайтмоқчи бўладилар ва бирин-кетин Худхудга ўз узрларини айта бошлайдилар. Дастлаб Тўти узр айтади. Худхуд унга жавобан «Ҳийлагарликни касб қилган яшил чакмонли киши» билан боғлиқ ҳикоятни келтиради. Тўтидан сўнг Товус узр айтиб: «Тангри мени атрофдагилар кўриб ҳуснимга таҳсин айтишлари учун яратган, шундай экан, менга бу сафардан не ҳожат?» – дейди. Худхуд унга жавобан масхарабоз бир ҳиндунинг ўзини турли нақшу нигорлар билан безаб майдонда томоша кўрсатгани, унинг атрофи бир гала бебошлар тўдаси билан тўлгач, назоратчилар томонидан тутиб олиниб, дарра билан савалангани ҳақидаги ҳикоятни келтиради. Ундан сўнг Булбул узр айтади. У ўз чаманидаги бир гулга ошиқлигини, айрилиққа чидай олмаслиги ва бу сафар унга чексиз ҳажр азобини олиб келаётганлигини баён қилади. Худхуд унга бир подшоҳга ошиқ бўлиб қолгани ҳақида лоф урган гадо ҳикоятини келтиради. Шу тариқа Қумри, Кабутар, Кабки дарий (Тоғ каклиги), Тазарв, Қарчиғай, Шунқор, Бургут, Куф (Бойўғли), Ҳумой, Ўрдак, Товуқ (Хўроз) каби кушлар ўз узрларини айтадилар. Худхуд уларнинг ҳар бирига мос ҳолатда турли ҳикоятлар билан жавоб қайтади.

Кушлар йўлларида давом этадилар. Улар Худхуддан Симурғга етишиш йўли ҳақида сўрайдилар. Худхуд уларга дostonдаги энг катта ва алоҳида мавқега эга бўлган «Шайх Санъон» ҳақидаги ҳикоятни сўзлаб беради.

Ҳикоятда келтирилишича, Шайх Санъон<sup>21</sup> исмли авлиё Каъбадаги барча шайхларга муршид – устоз даржасида эди. Унинг 400 га яқин муриди бўлиб, ҳар бири Жунайд<sup>22</sup> ва Боязидларга<sup>23</sup> тенг эди. Шайх Санъон тушида бирор нарсани кўрса, бу воқеа ўнгида ҳам юз берарди. Бир куни тушида ўзини Рум мамлакатида бутхона ичида маст ҳолда сайр қилиб юрганини кўради. Уйғониб бу ҳолига тавба қилади. Лекин туш бир неча бор такрорлангач,

<sup>21</sup> Шайх Санъон (ибн Саққо) – XI – XII асрларда яшаган тарихий шахс.

<sup>22</sup> Жунайд Бағдодий – тасаввуфдаги саҳв (хушёрлик) концепциясининг асосчиси. 910 йилда вафот этган.

<sup>23</sup> Боязид Бистомий – тасаввуфдаги суқра (илоҳий шаробдан мастлик) (девоналик) йўлининг асосчиси. 961 йилда вафот этган машҳур шайх.

унинг таъбири тақдири билан алоқадорлигини ҳис қилиб, ўз муридлари билан Рум сари йўлга тушади. Ниҳоят, Рум ўлкасига етиб келишади. У ерда ғаройиб бир бутхонани кўрадилар. Шайх бутхонага киргач, ҳолатида ўзгариш содир бўлади, кўнгли изтиробдан бетоқатлана бошлайди. Шунда беихтиёр унинг қаршисида юзига парда тортган тарсо (христиан динига мансуб) қиз пайдо бўлади. Шамол кўтарилиб, гўзалнинг юзидаги парда очилгач, шайх ўзидан кетиб, тупроққа йиқилади. Шу тариқа шайх ишқ дардига мубтало бўлади. Навоий шайхнинг изтиробли ҳолатини ўз тилидан шундай тасвирлайди:

*Ким: «Бўлур ҳар лаҳза ранж афзун манга,  
Не эдиким қилдинг, эй гардун, манга!*

*Офиятдин ишқ сори бошладинг,  
Юз ёнар ўт ичра олиб тошладинг...*

*Аллоҳ! Аллоҳ! Не кечадур бу кеча!  
Саъб мундоғ, ё раб, ўлғайму кеча!*

*Ўтқарибмен кўп суубат кечалар,  
Кўрмадим мундоғ уқубат кечалар!..*

*Дўстлар, нетти мадад еткурсангиз,  
Жамъ ўлуб мен зорни ўлтурсангиз.*

*То қутулса даҳр оримдин менинг,  
Даҳр эли афғону зоримдин менинг.*

*Жонима, асҳоб, тиғи қатл урунг,  
Куйдуруб, ҳарён кулумни совурунг.*

*То жаҳонда бўйла расво бўлмайин,  
Бир ўлай, юз қатла ҳардам ўлмайин!»*

Шайхнинг бу мусибатли ҳолатини кўриб, муридлари насиҳатлар бера бошлайдилар. Улар шайхга ақл мезони билан хитоб этадилар, шайх эса ишқ йўсинида жавоб қайтаради. Муридлар

унга таҳорат олиб, ибодат қилмоқни маслаҳат берганларида шайх уларга шундай жавоб қайтаради:

*Шайх деб: «Йўқ кўз ёшимдин ўзга сув,  
Қон келур ҳардам боғирдин кўзга сув».*

Муридлардан бирининг Каъбани зиёрат қилмоқ даркор деган даъватига шайх томонидан шундай жавоб бўлади:

*Шайх дебким: «Онда қилгонни талаб,  
Мунда топдим, не чекай ул ён тааб».*

Шу тариқа шайх ҳар муриднинг куйиниб айтган ўғитларига ишқ сўзи билан жавоб қайтаради.

Бутхонадаги кишилар эса дин аҳлининг бу ҳолатини мазах қилиб, ўз динларининг устунлигини гумроҳларча таъкидлай бошлайдилар. Бу ҳол тонг ёришгунча давом этади. Муридлар номусга чидай олмай шайхни ёлғиз ташлаб кетадилар. Шайх бутхонадаги болаларга ҳам масхара бўлади. Шу тариқа орадан бир ой ўтади. Ниҳоят, тарсо қизи яна бутхонада пайдо бўлади ва исломдек буюк дин пешвоси шайхнинг кофирлар бутхонасида бу тарзда яшашидан мақсади не эканини сўрайди. Шайх тарсо қизига ўз ҳолини баён қилиб, буларнинг барчасига сабабчи сенинг оразинг деб жавоб беради. Тарсо қизи шайх ишқининг далили сифатида унга тўрт шартни бажариши ва икки журмона (жарима) тўлаши кераклигини айтади. Айтилган тўрт шарт қуйидагилар эди:

- 1) май ичмоқ;
- 2) зуннор боғламоқ;
- 3) Қуръонни ўтда куйдирмоқ;
- 4) бутпарастлар динига кирмоқ.

Журмона сифатида эса бир йил давомида чўққабоқарлик қилиш ва оташгоҳда ўт ёқишни буюради. Шайх бу шартлар ва журмоналарни ортиғи билан адо этади. Шу тариқа орадан бир йил ўтади.

Шайхнинг Каъбада бир фоний<sup>24</sup> муриди бўлиб, шайх Румга отланганида, у бошқа бир мамлакатда сафарда эди. Сафардан қайт-

<sup>24</sup> Фоний – ўзлигидан кечиб, Ҳақ васлига етишган солиқ.

гач Шайхни тополмай, булиб ўтган воқеалар ҳақида суриштиради. Муридлар унга аҳволни баён қиладилар. Фоний мурид уларга таъна қилиб шундай дейди:

*Шайхким пир эрди-ю. сизлар мурид.  
Борчага иршодидин беҳбуд умид...*

*Шайхингизга бевафолиқ бошлабон,  
Қиблангизни дайр ичинда ташлабон....*

*Одами бўлса. вафо андин йироқ,  
Ит вафо бобида андин яхшироқ...*

Шу тариқа шогирд бу ерда утириш билан иш битмайди деб барча муридларни Рум сари бошлайди. Етиб бориб кўрадиларки, шайхда на ислом, на иймон маслагидан асар қолмаган эди. Содиқ шогирд бу ҳолни кўриб оҳ уради ва кеча-кундуз Яратганга муножот қилиб шайхнинг ҳақиға дуо ўқийди. Ниҳоят, Аллоҳ унинг дуосини қабул этади шайхга ғойибдан огоҳлик етиб, кўзларидан хижолат ёшларини тўкиб, садоқатда бемисл бўлган шогирдига узр-хоҳлик қилади. Шайх яна эғнига поклик хирқасини кийиб ўз муридлари билан Каъба сари йўл олади.

Румда қолган тарсо қизи туш кўради. Тушида Исо (а.с.)дан: «Шайх Санъондек буюк муршид сенинг ҳузурингга меҳмон бўлиб келса-ю, сен мезбонлик одатини билмасдан унинг бошига не кунларни солдинг?! Энди вақтни ғанимат билиб унинг ортидан бор, динига мушарраф бул», – деган хабар келади. Тарсо қизи оҳ урганча кўзларидан надомат ёшларини тукиб Каъба томон йўлга тушади. Йўлда унга хасталик ва ожизлик юзланиб, тупроқ устида ҳушидан кетади. Шайхга бу ҳол аён бўлиб, муридлари билан орта қайтади ва тарсо қизининг сўнгги лаҳзаларда иймон соҳибаси бўлиб жон беришига шоҳид бўлади. Алишер Навоий ҳикоят сўнгига ишққа шундай таъриф беради:

*Ишқ баҳредурки. йўқ поён анга,  
Ҳар ҳубоби гунбади гардон анга...*

*Оламедур ишқ. лекин бас васеъ.  
Торамедур ишқ. лек асру рафеъ...*

Шу ўринда Навоий агар унга Аллоҳ умр берса, ўз ишқи шарҳи-ни назмга солиб бир дoston ёзиш нияти борлигини айтади:

*Бир неча кун умрдин топсам амон,  
Шарҳи ишқим назм этай бир дoston.*

*Анда билгай кимгаким инсофдур  
Ким, сўзум чинмудурур ё лофдур.*

Маълумки, тасаввуфда Ҳақни танишнинг икки йўли мавжуд. Биринчиси ҳаяжонли, руҳий кечинмаларни ошкора изҳор этиб бориш майли бўлса, иккинчиси осойишта, ички дардни яшириш майлидир. Биринчи майл «сукра» (мастлик) йўли деб аталиб, унинг йирик намояндалари сифатида Боязид Бистомий, Мансур Ҳаллож, Абу Саъид Абулхайр, Фаридиддин Аттор, Жалолоддин Румий, Бобораҳим Машраб номларини келтириш мумкин.

Иккинчи майл саҳв (хушёрлик) йўли деб номланиб, унинг тарафдорлари қаторида Жунайд Бағдодий, Саъдий Шерозий, Баҳоуддин Нақшбанд каби ижодкорларларни санаб ўтиш мумкин.

Адабиётшуносолим Н.Комиловнинг фикрича, Шайх Санъоннинг барча диний илмлари ва Қуръонни унутиши бу Ҳаққа етиш учун дунёвийликдан, жумладан, ақл ва ақлий нарсалардан қутулиш, узлигини унутишга ишорадир. Унинг хотираси қайтиши суқрадан саҳвга қайтиш ҳисобланади. Ҳақиқий бақо эса саҳв, яъни хушёрликка қайтишдан кейин бошланади. Суқрадаги солиқ бамисоли денгизга шўнғиб ғарқ бўлган киши бўлса, саҳвга қайтган денгизга шўнғиб гавҳар доналарини олиб қайтиб чиққан ғаввос кабидир.

Ҳудҳуд ҳикоятдан сўнг асл манзилга етиш учун 7 водийни босиб ўтиш кераклигини айтади. Қушлар водийлардан ўта бошлайдилар:

1. *Талаб* водийси – қушларнинг Симуर्फ васлига талабгорлиги билан боғлиқ бўлиб, Навоий бу водийга шундай таъриф беради:

*Чун талаб водийсига қўйсанг қадам,  
Оллинга ҳар дам келур юз минг алам...*

*Истамак ранжи кўнгулни зор этар,  
Топмомоғлиғ руҳни афгор этар...*

*Ламъа кўргузган сойи меҳри висол,  
Айлагай шоминг саҳарга интиқол...*

*Аждаҳодин етмагай кўнглунгда ранж,  
Уйла бўлмиш бўлғай ул машъуф ганж.*

Алишер Навоий ҳар бир водий таърифидан сўнг шу водий моҳиятини очиб берувчи ҳикоят ҳам келтиради. Жумладан, асарда Талаб водийси билан боғлиқ қуйидаги ҳикоят берилади.

Қадимда бир қудратли подшоҳнинг Юсуфдек гузал ўғли бўлган экан. Бутун олам аҳли унга ошиқу шайдо бўлиб, агар у қатл этмоқчи бўлса ҳам, кишилар бундан ғам чекишмас экан. Бир куни саҳрода айланиб юриб минглаб ошиқи зорларнинг унинг ишқида изтироб чекаётганини кўради.<sup>25</sup> Улар орасида икки девона шаҳзоданинг диққатини тортади. Мулозимлар уларни ушлаб қаср томон олиб келадилар. Шоҳ улардан бирини зиндонга ташлаб, иккинчисини ўзига итбоқар қилиб тайинлайди. Шунда улардан бири иккинчисидан бу азоб-уқубат ичида ҳоли қандай эканлигини сўраганида, у бу ҳолат машаққат эмас, балки ошиқ учун роҳат эканлигини айтади. Иккинчиси ҳам бу сўзларни тасдиқ этиб, ошиқ ўз маъшуқи васлига талабгор экан, бу азоблар унга фақат мамнунлик бахш этишини баён қилади. Бу сўзларни пана жойдан эшитиб турган шаҳзода бениҳоя хурсанд бўлиб, уларни ўзининг яқин маҳрамларига айлантиради.

Ҳикоятдан келиб чиқадиган хулоса шуки, талаб водийсига қадам қўйган солиқ ошиқликдан келадиган жами синовларга, машаққат ва уқубатларга тайёр туриши, маъшуқ васли йўлидаги қийинчиликларни бахту саодат деб қабул қилиши керак. Зеро, бу водийдан мақсад Яратганнинг васлидир.

2. *Ишқ водийси* – бу водийда қушларнинг қалбини Симуғнинг ишқи банд этади, улар ўзларини ва дунёни унутадилар. Алишер Навоий бу водийни шундай таърифлайди:

<sup>25</sup> Тасаввуф таълимотига кўра, маъшуқ, яъни илоҳий мазҳар моддий жисмдан холи деб қаралади, унинг жинси ва ёши (аёл ёки эркак, кекса ёки навқиронлиги) аҳамият касб этмайди. Шу уринда буюк сўфий Шамс Табризий ва соҳирнафас шоир Жалолиддин Румийларнинг муҳаббатини эсга олиш кифоя.



*Ишқ келди машъали гетифурўз,  
Дема машъал шуълайи офоқсўз.*

*Ишқ аро ҳар кимса дархур бўлмағай,  
Ўтқа пойиқ жуз самандар бўлмағай...*

*Куймаган ишқ ичра эрмас ишқбоз,  
Ошиқ эрмас улки эрмас жонгудоз.*

Мазкур водий тавсифи учун ҳазрат Алишер Навоий Асмаъий<sup>26</sup> билан боғлиқ ҳикоятни келтиради. Ҳикоятга кўра, Асмаъий ҳаж томон кетаётиб бир чашма бошида ёзув битилган тошни кўради. Тошга шундай деб ёзилган эди: «Эй Ҳижоз аҳли! Бир сирнинг чорасини топсангиз: агар киши ишққа мубтало бўлиб, ишқ уни сабру қароридан жудо этган бўлса нима қилсин?»

Асмаъий қўлига қалам олиб, ёзув тагига шундай сўзларни битади: «Кимки бу ҳалокатли йўлга кирган бўлса, ундан кўрқмасин». Бу сўзларни ёзиб бўлиб, Асмаъий йўлида давом этади. Эртасига яна шу жойга келиб қараса, тошда янги ёзув пайдо бўлган экан: «Агар ошиқ пок булса-ю, ишқини яширин сақласа, лекин муҳаббат шиддатидан тоқати тоқ бўлиб васлга эҳтиёж сезса, бунинг иложини топмаса нима қилсин?» Асмаъий бу сўзларни ўқиб, қалами билан шундай деб ёзиб қўяди: «Агар ўша дардли инсон насиҳатларимдан ўз мақсадига эришмаган бўлса, ўлсин ва ишқ ўтидан ўзини халос қилсин!»

Орадан бир кун ўтиб ошиқнинг жавобини билиш учун ўша жойга келган Асмаъий чашма ёнида бошини тошга уриб ҳалок бўлган бир кишини кўради. Асмаъий бу ҳолдан азобланиб, ҳалок бўлган ошиқ учун мотам тутди ва марҳумни қабрга қўяди.

Ушбу ҳикоятдан келиб чиқадиган хулоса шуки, ошиқнинг асосий маслағи – ишқ йўлида жисмдан воз кечиш ва ёр учун ўлмоқликни арзимас иш деб билиш.

3. *Маърифат* водийси – бунда қушлар Симурғ ҳақидаги билимлар, ғоялар чексизлигини ҳис этадилар, Симурғни таний бошлайдилар.

<sup>26</sup> Асмаъий Абу Саъид Абдумалик бинни Қурайб – 828 йилда вафот этган машҳур араб тилшунос олими.

*Кимки бу водийға бўлди муттасиф,  
Топти анда ҳолларни мухталиф.*

*Водиедур. юз туман минг онда йўл.  
Ул бу бир келмай, онингадекким бу ул...*

*Гар сулук атеорида тағйир эди,  
Мақсади лекин борининг бир эди.*

Водий таърифига илова тарзида қуйидаги ҳикоят келтирилган: Айтишларича, бир куни бир гуруҳ кўрлар тақдир тақозоси билан Ҳиндистонда бир муддат яшаб, ўз юртларига қайтибдилар. Шунда бир киши улардан: «Ҳиндистонда филни кўрдингларми?» – деб сўрабди. Кўрлардан тасдиқ жавобини олгач, филнинг қандай ҳайвон эканини таърифлашларини илтимос қилибди. Шунда кўрларнинг ҳар бири филнинг маълум бир аъзосини пайпаслаб ҳосил қилган тасавури асосида филни устунга, аждаҳога, иккита суякка, осилиб турган илонга, чўққига, қимирлаб турган икки елпиғичга ўхшатибди. Уларнинг таърифини тинглаб турган филбонликдан хабари бўлган бир киши кўрларга танбеҳ бермасдан шундай дебди: «Гарчи улар ўз билганларича сўз айтиб, бир-бирларига зид фикрларни келтирган бўлсалар-да, бу кечирарлидир. Чунки улар айтган сифатларнинг барчасини бир ерга жам қилса, жавоблардан фил ҳақидаги муайян тасаввур пайдо бўлади».

Ҳикоятдан келиб чиқадиган хулоса шуки, Аллоҳни таниш ва билиш йўли ҳар бир солиқ учун ўзига хос бўлиб, бу йўллар қанчалик хилма-хил бўлмасин, мақсади бир – Яратганни англаш.

4. *Истиғно* (эҳтиёжсизлик) водийсида қушларнинг эҳтиёжманд, Симурғнинг эса эҳтиёжсизлиги тасвири баёнида солиқнинг мана шу эҳтиёжсизликни англаб етиш замиридаги ҳолати ифодаланлади. Навоий водийни шундай тасвирлайди:

*Водий ондин сўнгра истиғнодурур,  
Онда тенг аълову гар аднодурур...*

*Етти кишвар ичра шоҳи қаҳрамон,  
Бир гадо онда ҳамону ул ҳамон...*

*Онда тенг кўр гумраҳу огоҳни,  
Дайр кўйи бирла Байтуллоҳни.*

Водий моҳиятини ёритиш учун Алишер Навоий шатранж ўйини билан боғлиқ ҳикоятни келтиради. Унга кўра, икки шатранж устаси икки томонга ўтириб, ўртага тахтани кўйган ҳолда унга шатранж доналарини териб чиқишади. Икки ўртада кураш бошланади. Бунда шатранж тахтаси ўраб олинган қалъага, ундаги кураш эса худди ҳақиқий уруш майдонига ўхшаб қолади. Агар ўйин тугаб, шатранж ўйновчи тахтанинг бир четини кўтарса, буларнинг барчаси бир зумда йўққа чиқади. Чунки шатранж ўйновчи уста учун, ўйин тугагач, шатранж доналарининг ҳеч қандай фарқи қолмайди. Шатранж доналари халта ичига солинган, «шоҳ» кўйи тушиши, «пиеда» эса юқорига кўтарилиши мумкин. Хулоса шундаки, Ҳақ наздида барча инсонлар шатранж доналари каби «ҳаёт ўйини»дан сунг тенг даража касб этадилар.

5. *Таеҳид* (бирлик) водийси. Бутун борлиқ ягона руҳ – Симуғдан иборат эканини тушуниш:

*Чун бу водий сори сайринг кўйди гом,  
Фарду яктолиғ санга бўлди мақом...*

*Бирда бирдин ҳосил ўлди бир адад,  
Йўқ хирадқа мунда дам урмоққа ҳад...*

*Бир бўлу бир кўру бир де, бир тила.  
Майл қилма мунда иккилик била.*

Водий моҳиятини янада аниқ ифодалаш учун Алишер Навоий Мансур Халлож<sup>27</sup> билан боғлиқ воқеани келтиради. Унга кўра, Мансур Халлож доим тилида «Анал Ҳақ» жумласини такрорлаб юради. Дин арбоблари: «Сенга юзланган ҳолат сулук аҳлининг кўпига аён, лекин улар одоб сақлаб, уз даъволарини ошкор қилмаганлар. Сен ҳам нафсингни дорга сазовор қилма», – деб на-

<sup>27</sup> Мансур Халлож – 858 – 922 йилларда яшаб ўтган сўфий шахс. «Анал Ҳақ» – «Мен Ҳақман» дегани учун руҳонийлар томонидан ўлимга ҳукм қилинган. Тасаввуфдаги суқра йўли тарафдорларидан.

сиҳат қиладилар. Лекин Мансур Халлож бу жумлани такрорлашдан тўхтамайди. Бир куни у тушида расулуллоҳ (с.а.в.)ни кўради. Расулуллоҳ (с.а.в.) унинг дилидаги «Нега Муҳаммад (с.а.в.) меърож кечаси фақат ислом умматининг гуноҳини сўради, барча осийларнинг гуноҳини тилаганда нима бўларди?» деган ўй-хаёли учун унга танбеҳ беради:

*Онда менликнинг хаёли йўқ эди,  
Балки бу лафз эҳтимоли йўқ эди.*

*Элтган ул эрди. бошлагон ҳам ул,  
Истагон ҳам ул, бағишлагон ҳам ул...*

*Ул эди дегон ўзи, бергон ўзи,  
Базл аро сочқон ўзи, тергон ўзи*

Ҳикоятдан келиб чиқадиган хулоса шуки, Мансур Халлож тавҳид моҳиятини тўла англаб етмагани учун «менлик» хаёли билан «Анал Ҳақ» жумласини такрорлаб юрар эди. Аслида, тавҳид водийсида «менлик»ка йўл йўқ.

6. *Ҳайрат* водийси – Симурғнинг улуғворлигидан ҳайратга тушиб ақлдан маҳрум бўлиш.

Алишер Навоий мазкур водий ҳақида шундай дейди:

*Ҳайрат айлар тилни гунгу лол ҳам,  
Ақл зойил. ҳушни помол ҳам...*

*Йўқни билмас, борини ҳам онгламас.  
Не буларни тонглар-у, не тонгламас...*

*Фоний эрканнию боқийлиғни ҳам,  
Маст эрканнию соқийлиғни ҳам.*

Алишер Навоий мазкур водий билан боғлиқ қарашларини ифодалаш учун бир бора васл шаробидан маст бўлиб ўзини йўқотган ва ҳажрда қолган йигит ҳақидаги ҳикоятни илова қилади. Унга кўра, бир подшоҳнинг ҳуснда ягона қизи тушида бир йигитни севиб қолади. Бир куни отасининг базмида у йигитни кўриб ҳушидан айрилади. Йигит ҳам қизни куриб ишқда ёна бошлайди.

Подшоҳнинг қизи икки маҳрам канизагига ўз сирини очиб, дардига даво топишларини ўтинади. Канизаклар жуда устомон ва ақлли бўлиб, ўз маликаларининг ҳажр азобини бартараф этиш учун йигитни излаб топиб, у билан дўст тутинадилар. Сухбатларда йигит ўз ишқи ҳақида уларга айтиб беради. Икки канизак базм уюштириб йигитни чорлайдилар, қушиқ айтиб, май билан маст қиладилар. Сўнг подшоҳнинг қизи ҳузурига йигитни элтадилар. Йигит у ерда ҳам май ичади, ақлни олгувчи базмда маст бўлади, мутлақо ўзини унутади... Ниҳоят, ҳуши ўзига қайтгач, маъшуқа васлининг тушми, ўнгми эканини фаҳм этолмай паришон бўлади. Атрофдагилар унинг ҳолини сўрашса, мен ҳажр ўтида ёняпман, яна ҳолимни сўраб азобга солманг деб жавоб беради. Буюк шоир бу ҳикоятни айнан ҳайрат водийси билан боғлаб келтирар экан, Ҳақ васли сари интилган солик ҳали чинакам висолга эришмай туриб ундан бениҳоя ҳайратга чулғаниб, ўзлигини унутишига ишора қиляпти. Бу эса ўз ўрнида чинакам дийдор учун солик руҳини тайёрлаш босқичини ўтайди.

7. *Фақру фано водийсида ўзликдан воз кечиб, Симурғ билан бирлашиш, абадийликка қайтиш моҳияти мужассам. Навоий бунга шундай таъриф беради:*

*Йўқ бу водий ичра жуз хомушлук,  
Гунгу кар бўлмоғлиғу беҳушлук...*

*Ҳар неким қилсанг гумон топғон вужуд,  
Буди йўқ, бу навъ эрур бори намуд.*

*Ғайри ҳаққим, қодири барҳақдур ул,  
Борча фоний, боқийи мутлақдур ул.*

Ушбу водий шарҳида Навоий бир эмас, тўрт ҳикоят келтиради. Улар орасида «Парвоналар ва шам» ҳикояти алоҳида аҳамиятга эга. Ҳикоятга кўра, бир кеча парвоналар жам бўлиб шамга етишмоқни мақсад қилишибди. Қанотларини ўтда ёқишга ҳозирлаб, ўз ҳолларини изҳор қилмоқчи бўлибдилар. Парвоналардан бири қанотларини қоқиб шамда ёна бошлабди ва шам ҳақидаги сўзларни бошқа парвоналарга аён қилибди. Парвона ҳар қанча равшан сўзламасин, эшитувчилар уни англай олмабдилар. Шунда бошқа

парвоналар ҳам бу ҳолни англамоқ учун уриниб кўрибдилар ва ўз қанотларини куйдирибдилар. Сўнгги парвона кўрқмасдан ўзини шуълага уриб пок бўлибди ва ўзи ҳам шуълага айланибди. У ўз мақсади ичра нобуд бўлибди ва фанода айна муддаога эришибди. Ҳикоятдан келиб чиқадиган хулоса шуки, куймай туриб шам билан бирликка эришиб бўлмайди. Солик фано бўлмай туриб абадийликка, Ҳақ висолига эришолмайди. Шоир ҳикоят сўнггида Фоний тахаллусини кўллаш билан водий моҳиятини янада теранроқ, чуқурроқ англатади:

*Фониё, лофи фано урмоғни қўй,  
Васл эса коминг, фано ўтиға куй.*

*Эврулуб шамъ ўтиға парвонавор,  
Ўзни ташла шуълага девонавор.*

Ниҳоят, водийлар сўнггида фақат ўттиз қуш қолгани маълум бўлади. Ўттиз қуш форсчада «Си мурғ» дегани. Бу қушлар қаерга боқмасинлар, у ерда ўзларининг аксларини кўра бошлайдилар:

*Кўрдилар ўзни қаёнким тушти кўз,  
Аллоҳ-Аллоҳ, не ажойбдур бу сўз*

*Ким, қилиб Симурғни ўттиз қуш ҳавас,  
Ўзларин кўрдилар ул Симурғ бас.*

Достон сўнггида қушлар ўзларидаги Симурғни кашф этадилар.

Тасаввуф фалсафасига кўра, бу дунё Ҳақнинг тажаллийси – Аллоҳнинг жилоланишидир. Дунёдаги барча мавжудот Аллоҳнинг зуҳуридир. Шу маънода инсон ҳам ўзидаги мана шу заррани кашф этмоғи, бунинг учун эса жуда узун ва машаққатли йўлни босиб ўтмоғи керак. Бу, юқорида келтирилганидек, етти водийдир. Сўнгги водий Фақру фано водийси, яъни йўқликка айланиб, Аллоҳга қўшилмоқдир.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Симурғ – Ҳаққа етишиш тимсоли. Қушлар – Ҳақ васлига талабгор соликлар тимсоли. Худҳуд – пири комил рамзи.

Юқорида кўринганидек, «Лисон ут-тайр» достони Фаридиддин Аттормнинг «Мантиқ ут-тайр» достонига жавоб тарзида ёзилган.

Бир қарашда бу икки дostonдаги воқеалар ривожини ҳам, қаҳрамонлар ҳам бир хилдек тасаввур уйғонади. Аслида, ҳар икки муаллиф ғоявий нуқтаи назар ҳамда қаҳрамонлар зиммасидаги бадиий юк жиҳатидан бир-бирларидан фарқланадилар. Адабиётшунос З.Мамадалиева «Алишер Навоий «Лисон ут-тайр» дostonидаги рамзий образлар тизими» номли тадқиқотида мазкур икки дostonдаги рамзий тимсолларни таҳлил қиларкан, «Лисон ут-тайр»даги Худхуднинг ўзига хос бир неча хусусиятларини кўрсатиб ўтади:

1) Навоий талқинидаги Худхуд комил инсон рамзи бўлиш билан бирга муаллифнинг дostonдаги биринчи рақамли тимсоли ҳамдир:

2) Навоий тасвирлаган Худхуд юксак ирфоний масалаларни ҳар бир қушнинг даражасига мос равишда содда ҳаётини воқеалар ва мисоллар билан тушунтириб беради;

3) Фаридиддин Аттор уз дostonида асар сюжетини ҳеч бир воқеасиз, қушларни таърифлаш билан бошлайди, «Лисон ут-тайр»да эса қушларни таърифлаш вазифаси Худхудга юкланади:

4) «Мантиқ ут-тайр»да етти водий таърифи келганда Худхуднинг вазифаси тугайди, лекин Навоий дostonидаги Худхуд қушларни сўнги – Фақру фано водийсида ҳам қўллаб-қувватлайди.

Шунингдек, тадқиқот муаллифининг фикрича, «Мантиқ ут-тайр»даги ғояга кура, ундаги қушлар Симуруғнинг сояси, холос. Яъни улар Симуруғга интилганларидагина аҳамиятли. Қушлар (инсонлар)нинг бу дунёдаги ҳаёти ҳижрон ва айрилиқда. Навоийда эса уларнинг яратилиши ҳижрон ва айрилиқда эмас, балки Яратганнинг ҳикматидадир. Шу маънода икки дostonда ваҳдат ул-вужуд фалсафасининг икки хил талқини акс этганини кўрамайиз. Аттор дostonида қушлар сўнги водийда Симуруғ билан бирлик касб этадилар, Навоий дostonида эса риёзат чекиш асносида покланиб, ўзларидаги Симуруғни кашф этадилар.

Дostonдаги баъзи қушларни рамзий тимсоллар сифатида қуйидагича талқин қилиш мумкин:

Товус – дунё гузаллигига маҳлиёлик.

Қарчиғай – ҳокимлик қилиш истаги.

Булбул – фоний дунё ошиғи.

Каклик – ўз рафтору амалларига маҳлиё бўлиш.

Бургут – мақсадсиз куч-қудрат.

Товуқ – фикрий, маънавий парвоздан маҳрумлик.

Бундан келиб чиқадики, кўпчилик Ҳаққа етишиш даъвоси билан сулукка кириши мумкин, лекин ҳамма ҳам бу йўлдаги имтиҳон ва синовлардан ўта олмайди.

«Лисон ут-тайр» «Мантиқ ут-тайр» сингари рамал баҳрининг рамали мусаддаси маҳзуф (рукнлари ва тақтиъи: фоилотун фоилотун фоилун – V – – / – V – – / – V – ) вазнида ёзилган.

### Таянч тушунчалар

- *Рух ул-амин*
- *Нури Муҳаммадия*
- *Талаб водийси*
- *Ишқ водийси*
- *Маърифат водийси*
- *Истиғно водийси*
- *Тавҳид водийси*
- *Ҳайрат водийси*
- *Фақру фано водийси*
- *рамали мусаддаси маҳзуф*
- *рамзий тимсоллар*

### Савол ва топшириқлар:

1. «Лисон ут-тайр» муқаддимасида «Хамса»да зикр этилмаган қайси тарихий шахсларга бағишланган махсус боблар бор?
2. Достонда мавжуд рамзий тимсолларни шарҳланг.
3. Достонда келтирилган водийлар моҳиятини изоҳлашга ҳаракат қилинг.
4. Асардаги Сумурғ ва қушлар диалоглари орқали қандай ғоялар илғари сурилади?
5. Навоий нима учун «Лисон ут-тайр»да айнан Фоний тахаллусини қўллаган?

### Адабиётлар:

1. Навоий Алишер. Лисонут тайр. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан, 1994. 12-жилд.
2. Navoiy Alisher. Lison ut-tayr (nasriy bayoni bilan). – Тошкент: G'.G'ulom, 2005.



3. Лисонут тайр (насрий баёни билан) / Таҳрир ҳайъати А.Қаюмов ва бошқ. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991.

4. Н.Комилов. Тасаввуф. – Тошкент: Movarounnahr – O'zbekiston, 2009.

5. Бертельс Е.Э. Навои и Аттар. Суфизм и суфийская литература. – М., 1965. – С.377 – 421.

6. Имомназаров М. Ҳақиқат ва мажоз (2 – 3-мақолалар) // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1989. – №4; 1991. – №4.

7. Олимов С. Ишқ, ошиқ ва маъшук. – Тошкент: Адабиёт ва санъат 1992.

8. Шарипов Ш. Алишер Навоий «Лисон ут-тайр» достонининг генезиси ва ғоявий-бадиий хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1982. – 96 б.

9. Шарипов Ш. «Лисонут тайр» ҳақиқати. – Тошкент: Маънавият, 1998.

10. Мамадалиева З. «Лисон ут-тайр» достонидаги рамзий образлар тизими. Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 2011.

## АЛИШЕР НАВОЙНИНГ АДАБИЁТШУНОСЛИК ВА ТИЛШУНОСЛИККА ДОИР АСАРЛАРИ

**РЕЖА:**

1. *«Муфрадот» – муаммо жанрига бағишланган асар.*
2. *«Мажолис ун-нафоис» – туркий тилдаги биринчи тазкира сифатида.*
3. *«Мезон ул-авзон»да аруз назариясига доир масалаларнинг ёритилиши.*
4. *«Муҳокамат ул-луғатайн»да туркий ва форсий тил қисми масалалари.*
5. *«Сабъат абҳур» – араб луғатшунослигига қўшилган ҳисса сифатида.*

Алишер Навоий бадиий ижод билан бирга илмий фаолиятни тенг олиб борган буюк мутафаккирдир. Унинг адабиётшунослик, тилшунослик, тарих, дин тарихи ва назариясига доир кўплаб асарлари муҳим маълумотларни қамраб олгани, аниқ далилларга асослангани ва объектив хулосаларга эгалиги билан бугунги кун илм-фани учун ҳам ниҳоятда қимматлидир.

Алишер Навоий адабиётшуносликка доир уч асар яратган бўлиб, унинг **«Муфрадот»** ёки «Рисолаи муаммо» асари ҳижрий 890, милодий 1485 йилда форс-тожик тилида яратилган.<sup>28</sup> Рисола муаммо жанрини ечиш қонун-қоидаларига бағишланган.

Маълумки, муаммо арабча «кўр қилинган», «яширинган» маъноларини билдирувчи ва бир, баъзан эса икки байтдан иборат мустақил шеър туридир. Муаммода бирор исм ёки нарса-буюм номи беркитилади. Бунда араб ёзувидаги ҳарфлар турлича ўзгартириш йўли билан яширинган сўзлар топилади. Муаммо 2 хил маъно асосига қурилади: ташқи (чалғитувчи) ва ички (асосий).

Алишер Навоий «Рисолаи муаммо» асарида унгача яратилган асарларнинг мураккаблиги ва улардаги камчиликлар ҳақида гапирар экан, ўз асарида иложи борича уларни бартараф қилишга интилади. Шоир рисоланинг кириш қисмида ғоят камтарлик билан

---

<sup>28</sup> «Муфрадот» асари бўйича Л.Зоҳидов номзодлик диссертациясини ёқлаган.

уни яратишдан мақсад олимлар эътиборига ҳавола қилиш эмас, балки кенг халқ оммаси, хусусан, ёш авлодга муаммо сирларини ўргатиш эканини таъкидлайди:

*«Бу мухтасар асарнинг рисолапар қаторига кириш қобилияти ва бу каминада уни олимлар кўзларига кўрсатиш салоҳияти бўлмаса ҳам, болаларга муаммо амалларини ўрганишларини осонлаштириш учун яраши мумкин».*

Рисоланинг ёзилиш тарихи ҳақида «Хамсат ул-мутаҳаййирин» асарида ҳам маълумот берилади. Асарда айтилишича, бир куни Алишер Навоий ўзидан аввал муаммо ҳақида яратилган асарлар ва улардаги мураккабликлар ҳақида ўйлаб ўтирганида, ҳузурига Абдурахмон Жомий ташриф буюради. Навоий унга муаммога доир содда ва оддий халқ оммаси учун тушунарли бўлган асар ёзмоқчилигини айтади. Шунда Жомий ўзи ҳам анчадан бери шу ҳақда ўйлаб юрганини таъкидлаб, қисқа муддат ичида «Рисолаи муаммои манзум» асарини яратади ва Алишер Навоийга кўрсатади. Навоий унинг анча мураккаб (халқ оммаси учун тушунарсиз) эканини кўриб ўзи «Рисолаи муаммо» асарини яратади ва Жомийга тўхфа қилади. Жомий асарни ниҳоятда юксак баҳолаб, ўғли Зиёвуддин Юсуф учун дарслик сифатида тавсия этади.

«Муфрадот» асарида муаммонинг турли услуб ва амаллари ихчам, раvon тилда баён қилинади. Муаммо амалларига келтирилган мисоллар ҳам ниҳоятда аниқ ва тушунарлидир.

Асарда Алишер Навоий муаммо амалларини 3 қисмга ажратади:

- 1) *аъмоли таҳсилиий* – ҳосил қилиш амаллари;
- 2) *аъмоли такмилиий* – мукаммаллаштириш амаллари;
- 3) *аъмоли тасхилиий* – осонлаштириш амаллари.

Навоий *аъмоли таҳсилиийга* таъриф берар экан, унинг *интиқод* (саралаш) деган турини изоҳлаб, унга кўра сўзнинг баъзи ҳарфларини олиш орқали муаммо ҳосил қилинишини айтади ва ОДАМ исмида:

*Дили моро чу хоҳй боз жусташ  
3-оҳу дарду меҳнат чў нахусташ*

(Маъноси:

Дилимизни яна ахтармоқчи бўлсанг

Оҳ, дард, меҳнатдан биринчисини қидир)

муаммосини мисол қилиб келтиради. Бу муаммони ечиш учун оҳ дард, меҳнат сузларининг бош ҳарфлари олинса, ОДАМ исми келиб чиқади.

Шунингдек. МАЛИК исмида:

*Жониби ҳуру сўйи Кавсару Фирдавс мапўй,  
Руҳи он моҳу лаби лаълу сари кўяш жўй*

(Мазмуни:

Ҳур, Кавсар, Фирдавс томонига бориб юрма,

Ул моҳ (ой)нинг юзини, лаъл лабини ва кўчасининг бошини изла)

муаммоси келтирилиб, бунда моҳ, лаъл ва кўча сўзларининг боши, яъни биринчи ҳарфлари олинши орқали МАЛИК исми келиб чиқиши таъкидланади.

Муаммони ечиш амалларининг иккинчиси *аъмоли такмилиӣ*, яъни мукаммаллаштириш амаллари деб аталиб, унинг ўзи яна 3 турга бўлинади: таълиф, исқот, қалб. *Таълиф* (улаш)га кўра, мисрадаги баъзи сўзларнинг бир-бири билан қушилиши натижасида яширинган исм ҳосил қилинади. Масалан:

*Чун бибирад жом ба сўи даҳан,  
Қатра зи лаб пок қунад моҳи ман.*

(Мазмуни:

Менинг ойим жом (қадах)ни даҳан (оғзи) томон олиб борса, Лабдаги қатраларни тоза қилади).

Бунда «жом» сўзи «даҳан» (оғиз) томонга, яъни «д» томонга олиб борилади ва «жомид» сўзи ҳосил бўлади, иккинчи мисрада назарда тутилган лабдаги қатра, яъни нуқта тозаланса (олиб ташланса), «Ҳомид» исми келиб чиқади.

Асарда шу тарзда 3 амал, 15 қисм, 48 та услуб қоидалари ҳамда улар билан боғлиқ ҳолда 121 та муаммо ва уни ечиш усуллари кўрсатиб берилади. Рисолада муаммонинг турли услуб қоидалари, юқорида кўринганидек, ихчам ва тушунарли тилда баён этилгани учун асар ўз даврида ва ундан кейин ҳам кенг ишхрат қозонди.

Алишер Навоийнинг адабиётшунос олим сифатидаги фаолиятини кўрсатиб берувчи яна бир асар бу «**Мажолис ун-нафоис**» тазкирасидир.<sup>29</sup> Навоий тазкирани 1491 – 1498 йиллар давомида яратади. Тазкирада XV асрда яшаб фаолият юритган 459 шоир ҳақида маълумот келтирилади. Алишер Навоий тазкиранинг муқаддимасида асарнинг таркибий қисми ва номланиши ҳақида шундай ёзади: «...чун бу мақсудга етилди, они секкиз қисм этилди. ҳар қисми бир мажлисга мавсум бўлди ва мажмуиға «**Мажолис ун-нафоис**» от қўйилди». Тазкирадаги шоирлар мажлис, яъни қисмларга қуйидагича тақсимланган: 1-мажлисда 46 та, 2-мажлисда 91 та, 3-мажлисда 175 та, 4-мажлисда 72 та, 5-мажлисда 21 та, 6-мажлисда 31 та, 7-мажлисда 22 та ва 8-мажлисда Ҳусайн Бойқаро билан боғлиқ маълумотлар келтирилган.

Тазкиранинг 1-мажлиси «Жамоати маҳодим ва азизлар зикридаким, бу фақир аларнинг шариф замонининг охирида эрдим ва мулозиматлари шарафига мушарраф бўлмадим» деган ном билан тасниф этилган бўлиб, бунда ҳазрат Навоий ўз тазкирасини «табаррук қилмоқ учун» шайхлардан Хожа Қосим Анвор зикри билан бошлаганини таъкидлайди:

*«Ул жумладин солики атвор ва қошифи асрор, яъни ҳазрати Амир Қосим Анвор (қуддиса сирруҳу)дур. Ҳар неча аларнинг рутбаси шоирлиқ поясидин юқорироқдур ва валоят аҳли зумрасида васфдин тошқарироқ, аммо чун ҳақойиқ ва маориф адосида назм либоси дилпазирроқ учун илтифот қилур экандурлар, таяммун жиҳатидин бу мухтасарни аларнинг шариф исмлари била ибтидо қилилди».*

Қосим Анвордан кейин унинг шогирдлари Мир Маҳдум ва Ҳофиз Саъд ҳақида маълумотлар берилади.

Тазкиранинг 2-мажлисида шоир болалиги ва йигитлик пайтида суҳбатларига мушарраф бўлган шоирлар ҳақида ҳикоя қилинади. Бу мажлис машҳур тарихчи, «Зафарнома» муаллифи Шарафиддин Али Яздий зикри билан бошланади. Мажлисида Алишер Навоий ўзининг тарбияси ва ижодий камолотига алоҳида таъсир кўрсатган зотлар: Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсий, Шайх Садриддин Равосий, Шайх Камол Турбатий, Дарвеш

<sup>29</sup> Мазкур асар проф. С.Фаниева томонидан чуқур тадқиқ қилинган.

Мансур, Ҳофиз Али Жомий, Хожа Юсуф Бурҳон; ўз замонининг таниқли шоирлари: Мавлоно Лутфий, Яқиний, Атойи, Муқимий, Саккокий, шоир тоғалари: Мир Саид Кобулий, Муҳаммад Али Ғарибий, фарзанд ўрнида қадрлагани шоир Мирзобек, устози ва дўсти Саййид Ҳасан Ардашер ҳақида маълумот беради. Хусусан, Алишер Навоий Мирзобек ҳақида ёзар экан, унинг жуда эрта вафот этганини, бадийий жиҳатдан етук байтлар битса-да, уларни якунига етказмаганини афсус билан баён этади. Хусусан, унинг:

*Кўзунг не бало қаро бўлубтур  
Ким, жонга қаро бало бўлубтур. –*

деб бошланувчи матлаъсини тугатиб, ўз девонига киритганини айтади.

Тазкиранинг 3-мажлиси уз даври шеърятига улкан ҳисса қўшган юксак таъбли шоирлари ҳақида бўлиб, Абдурахмон Жомий зикри билан очилади. Мажлисда, шунингдек, Амир Шайхим Суҳайлий, Абдуллоҳ Ҳотифий, Осафий Ҳиравий, Заве Қозиси каби «Хамса» дostonларига татаббуъ битган ижодкорлар, Сайфий Бухорий каби муаммо ва аруз илмига доир рисола битган ижодкор, Камолиддин Биноий, Гадоий каби соҳиби девон шоирлар ҳақида маълумотлар келтирилади.

4-мажлисда замон фозиллари – шеърда машҳур бўлмасалар-да, аммо баъзан латиф байт аytувчи ижодкорлар ҳақида сўз боради. Алишер Навоий бу мажлисни камолоти «азҳару мин аш-шамс» (қуёшдан порлоқ) шахс – Паҳлавон Муҳаммад Гўштигир зикри билан бошлайди. Шоир унинг паҳлавонлиги у эришган камолотнинг энг қуйи даражаси бўлиб, мусиқа илмида ўз даврининг беназири эканини таъкидлайди. Шунингдек, назм айтишда ҳам юксак иқтидорга эгалигини айтиб, Ҳусайн Бойқаро Паҳлавон Муҳаммаднинг қуйидаги байтига минг олтин танга тухфа қилганини фахр билан тилга олади:

*Гуфтамаш: «Дар олами ишқи ту қорам бо ғам аст»,  
Гуфт хандон зери лаб: «Ғам нест, кори олам аст».*

(Мазмуни:

Унга айтдимки: «Сенинг ишқинг оламида ишим ғамдан иборат бўлди»,

У кулгу аралаш мийиғида: «Ғам эмас, оламнинг ишидир», – деди).

Ушбу мажлисда, шунингдек, Хожа Камолиддин Удий, Атоуллоҳ Ҳусайний, Ҳусайн Воиз Кошифий, Мирхонд, Хондамир, Султон Али Машҳадий каби замонасининг фозиллари ҳақида сўз боради.

Тазкиранинг 5-мажлиси Хуросоннинг «табъи назми бор» мирзозодалари зикрида бўлиб, Давлатшоҳ Самарқандий таърифи билан бошланади. Алишер Навоий Давлатшоҳнинг ҳашам ва мол-дунёдан воз кечиб, фақирлик йўлини тутганлиги ҳақида маълумот берар экан, унинг «Мажмаъ уш-шуаро» («Тазкират уш-шуаро») асарини мутолаа қилган шахс Давлатшоҳнинг истеъдоди ва камолоти қай даражада эканидан хабар топади деган фикрни келтиради. Мазкур мажлисда, шунингдек, Мир Ҳусайн Али Жалойир, Муҳаммад Солиҳ, жияни Мир Ҳайдар Сабухий, акасининг набираси Мир Иброҳим каби мирзозодалар ҳақида ҳам маълумотлар келтирилади.

Тазкиранинг 6-мажлисида Хуросондан ташқаридаги, хусусан, Самарқанддаги фозиллар ҳақида сўз боради. Ушбу мажлис Самарқанд ҳокими Аҳмад Ҳожибек таърифи билан очилади. Алишер Навоий унинг Вафоий тахаллуси билан шеърлар битишини, Ҳиротда ҳам ўн йил ҳокимлик қилганини, «сурати хуш ва сийрати дилкаш» шахслигини таъкидлаб, жангчи сифатидаги шижоати ва ботирлигига алоҳида таҳсин ўқийди. Унинг ижодидан куйидаги матлаъни келтиради:

*Гирифти жони ман аз тан ба зулфи пуршикан басти,  
Кушоди парда аз рухсори хешу чашми ман басти.*

(Мазмуни:

Танимдан жонимни олиб кўп занжирли сочинг билан боғладинг,  
юзингдан пардани очиб (у билан) кўзимни боғладинг).

Мазкур мажлисда «Улуғбек мирзо» мадрасасининг мударри-си Хожа Хурд, Низомий «Лайли ва Мажнун»ига татаббуъ битган Хожа Имод Лорий, Кирмон вилояти ҳокими Амир Маҳмуд Барлос ва бошқалар ҳақида ҳам маълумотлар келтирилади.

7-мажлис Амир Темур ва темурий ижодкорлар зикрига бағишланган. Унда Соҳибқирондан бошлаб Султон Али мирзогача жами 22 темурий ҳақида сўз боради. Тазкиранинг сўнгги 8-мажлиси тўпалигича Ҳусайн Бойқаро – Ҳусайний ижодига бағишланган.

Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис»да адабиёт майдонида эндигина кўрина бошлаган шоирларни ҳам эътибордан четда қолдирмайди. Буни қуйидаги мисолларда кўриш мумкин:

*«Мавлоно Сифотий эмди пайдо бўлгонлардандур, фақир ҳануз ани кўрмайдурмен, аммо шеърин эшитибмен»;*

*«Мавлоно Асирий ҳам эмди пайдо бўлгон хуштабъ йигитлардиндур»* ва бошқалар.

«Мажолис ун-нафоис»да ўша даврда яшаган баъзи аёл шоирлар ҳақида ҳам маълумот келтирилади. Гарчи уларнинг номлари тазкирада алоҳида ижодкор сифатида келтирилмаса ҳам, улар ҳақидаги шоирнинг қайдлари адабиётшунослик учун ниҳоятда муҳимдир. Алишер Навоий тазкиранинг шоир Шайхзода Ансорийга бағишланган фаслида «андоқ зоҳир бўлурким, волидаси ҳам хуштабъдур ва Бедилий тахаллус қилур» деган маълумотни келтирса, Мавлоно Сулаймоний ҳақидаги фаслда Ҳофиз Шерозий газалига назира тариқасида ёзилган ва Мавлоно Сулаймонийники деб ҳисобланган шеър ҳақида «Ва машҳури мунундоқдурурким, бу абёт Мавлоно Ҳаким табибнинг хотини Меҳринингдур» деб ёзади.

«Мажолис ун-нафоис» асари кейинги асрлар тазкирачилик тараққиётига самарали таъсир кўрсатди.

Алишер Навоийнинг «**Мезон ул-авзон**» асари 1492 – 1493 йилларда яратилган.<sup>30</sup> Навоий туркий тилдаги адабиётшунослик масалаларига бағишланган Шайх Аҳмад Тарозийнинг «Фунун ул-балоға» асари билан таниш бўлмагани учун аруз назариясига доир қонун-қоидаларни туркий тилда илк марта баён қилаётганини алоҳида таъкидлайди, хусусан, «*ғараз бу мақолотдин ва мақсуд бу муқаддимотдин бу эрдиким, чун турк алфози билаким*

<sup>30</sup> «Мезон ул-авзон» асари бўйича С.Мирзаев, И.Султонов, А.Ҳожиаҳмедов каби олимлар илмий изланишлар олиб боришган.



назм воқия бўлубдур, анга зобитае ва қонуне йўқ эркондур...» деб ёзаркан. туркий тилда аруз қонун-қоидаларига оид махсус асар йўқлигини айтиб утади.

Шунингдек, Алишер Навоий муқаддимада ўзидан аввал яратилган арузга доир манбалар: Халил ибн Аҳмаднинг «Китоб ул-айн», Шамс Қайс Розийнинг «Ал-мўъжам», Носируддин Тусийнинг «Меъёр ул-ашъор», Абдурахмон Жомийнинг «Рисолаи аруз» асарларига тухталиб ўтиб, уларда мавжуд бўлмаган баъзи доира ва вазнларни ўз асарида келтириб ўтишини айтади. Яъни: «... неча қоидау доира ва вазнким, ҳеч арузда, мисли фан возиу Халил ибни Аҳмад ва илм устоиди Шамс Қайс кутубида ва Хожа Насир Тусийнинг «Меъёр ул-ашъор»ида, балки Ҳазрати Махдумий наввара марқадаҳу нуран «Аруз»ларида йўқ эрдиким, бу фақир бу фан усулидин истихроҷ қилиб эрдиким, бу китобға изофа қилдим».

«Мезон ул-авзон»да дастлаб Аллоҳга ҳамд, пайғамбарга наът айтилгач, султон Ҳусайн Бойқаронинг ушбу асарни ёзишга илҳомлантиргани ҳақида сўз боради. Сўнгра Навоий арузнинг «шариф» фан эканлигига тўхталар экан, Қуръони Каримдаги баъзи оятлар ва пайғамбаримиз ҳадисларидаги айрим жумлаларнинг аруз вазнлари билан мос келиши, амир ул-мўъминин ҳазрат Али девонларидаги шеърларнинг кўпи аруз вазнида эканини таъкидлаб ўтади. Кейинги қисмда Навоий аруз вазнининг кашфиётчиси Халил ибн Аҳмад ва «аруз» истилоҳи ҳақида маълумот беради. Шундан сўнг арузнинг назарий қоидаларини баён қилишга ўтади.

Дастлаб аруздаги энг кичик бирлик – жузвлар ҳақида маълумот берилар экан, асарда улар «рукн» истилоҳи остида келтирилади. Рукнлар сони 6 та бўлиб, улар қуйидагилардир: енгил ва оғир сабаб, бириккан ва ажралган ватад ҳамда кичик ва катта фосила.

Жузвлардан сўнг асл рукнлар таърифи келади, улар «асллар» ёки «усул» номи билан берилади. Алишер Навоий асл рукнларни умумий ҳолатда 8 та деб келтиргани ҳолда улардан фақат бештасига тўхталиб ўтади ва ушбу беш асл рукн форсий, шу билан бирга, туркий шеърда кўп қўлланилгани учун қолган 3 аслга тўхталиб ўтмаслигини таъкидлайди.

Мазкур асллар таърифидан кейин улардан ҳосил бўлувчи зиҳоф (асл рукнларни турлича ўзгартириш) ва фуруъ (тармоқ рукнлар)га тўхталади. Алишер Навоий зиҳофлар сонини

45 та деб келтиради.<sup>31</sup> Кейинроқ доиралар таърифига ўтилади. Маълумки, аруздаги доира тузилиш жиҳатидан ўхшаш бўлган баҳрлар гуруҳи бўлиб, асарда 7 та доира келтирилган: «Доираи мўъталифа» (рамал, ҳазаж ва ражаз баҳрларидан тузилган), «Доираи мухталифа» (муқтазаб, мужтасс, мунсариҳ ва музореъ баҳрларидан тузилган), «Доираи мунтазия» (мушокил, сариъ, жадид, қариб ва хафиф баҳрларидан тузилган), «Доираи муттафиқа» (мутақориб ва мутадорик баҳрларидан тузилган) келтирилади.

5-доира бевосита Алишер Навоийнинг ўз ихтироси бўлиб, бунда Навоий 2-доирадаги 4 баҳр ва 3-доирадаги 5 баҳр – жами 9 баҳрнинг солим (яъни зиҳоф кирмаган, ўзгаришга учрамаган) рукнларини жамлаб уларни бир доирага киритади ҳамда бу доирани «Доираи мужтамиа» деб атайти. 6-доира «Доираи мухталита» аталиб, унга Навоий комил ва вофир баҳрларини киритади ва мазкур баҳрларнинг матбуъ (ёқимли) баҳрлар эканини, лекин негадир уларда кам шеър ёзилгани ва доира тартиб берилмаганини айтади. Демак, бу доира ҳам бевосита арузшуносликка ҳазрат Навоий томонидан олиб кирилган. 7-доира эса уч баҳр – тавил, мадид ва басит баҳрларидан тузилган бўлиб, Навоийнинг ёзишича, бу баҳрлар араб адабиётига хос, ажам шеърлятида қўлланилмаган ва махсус доирага киритилмаган.

«Мезон ул-авзон»да жами 19 баҳр, 160 та вазн келтирилган бўлиб, барча мисоллар муаллифнинг ўз ижоди маҳсулидир. Фақат асарнинг халқ оғзаки ижоди билан боғлиқ жанрлар қисмида бир байт Ҳусайн Бойқародан, бир байт «Муҳаббатнома»дан келтирилганини кўраимиз.

Навоий вазнларга таъриф берар экан, унга кўпроқ мисолларни ўз ғазалиётидан келтиради. Хусусан, ҳазажи мусаммани солим вазнини таърифлашда:

*Зиҳи мулкунгнинг ўн секиз мингидин бир келиб олам,  
Бу олам ичра бир уйлук қулунг Ҳавво билан одам;*

Ражази мусаммани матвийи махбун вазни билан боғлиқ ўринда:

<sup>31</sup> Зиҳофлар сони «Ал-мўъжам»да 35 та, «Фунун ул-балоға»да 35 та, «Муҳтасар»да 44 та, Жомийнинг «Рисолаи аруз»ида 45 та деб кўрсатилган.

*Гар аламимға чора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай,  
Ваҳ, ғамима шумора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай;*

Мутақориби мусаммани маҳзуф вазнида:

*Очилди чаман, гулўзорим қани,  
Сиҳи сарв бўйлуқ нигорим қани? –*

каби байтларни келтирадими, бу ҳолат Навоий келтирган вазнлар туркий адабиёт учун шунчаки тажриба бўлмай, балки уларда бадиият жиҳатдан юксак ғазаллар ёзиш мумкинлигини кўрсатади.

Навоий туркий тилнинг ривожига шоҳ асарлар яратиш билангина ҳисса қўшиб қолмай, унинг тараққиётини назарий жиҳатдан ҳам бойитди. Бу борадаги хизматларидан бири 1499 йилда яратилган «**Муҳокамат ул-луғатайн**» («Икки тил муҳокамаси») асаридир. Мазкур асарда Навоий туркий ва форсий (сорт) тилларини бир-бирига қиёслаш асносида туркий тилнинг бой ва кенг имкониятларга эгаллигини исботлади. Шарқ мусулмон адабиётидаги анъанага кўра, ҳамд ва наът қисмларидан кейин Навоий дунё тилларидан учтаси (туркий, форсий ва ҳинд) асл ва мўътабар бўлиб, уларнинг вужудга келиши Нух пайғамбарнинг ўғиллари: Ёфас (туркий), Сом (форсий) ва Ҳом (ҳинд) билан боғлиқ деб ҳисоблайди. Туркий тилни Ёфас орқали пайғамбарлик тожи билан улуғланди деб ёзади.

Навоийнинг фикрича, араб тили бундай улуғланишга муҳтож эмас, ҳеч шубҳасиз, у барча тиллардан мумтоз ва «мўъжизатироз»дир, чунки Аллоҳнинг каломи ва расули акрам ҳадислари шу тилда яратилган.

Алишер Навоий икки тилни қиёслаш жараёнида форсий тилнинг кучли билимдони сифатида намоён бўлади, зеро, объектив хулосалар чиқариш учун икки тилни ҳам мукамал билмоқ талаб қилинади. Бу мукамаллик Навоийнинг:

– форсий тилда муодил (эквивалент)и бўлмаган 100 та феълни келтириши<sup>32</sup>;

<sup>32</sup> Асарда юзта феъл дейилгани ҳолда 99 та феъл келтирилган. Котиб асарни кўчириш жараёнида бир феълни тушириб қолдирган бўлса керак.

– турли соҳаларга доир нарса-буюм, табиий ҳодисалар ва ҳайвонларнинг форсий тилда мавжуд бўлмаган номларини бериб, уларнинг баъзилари форсий тил лексикаси таркибига ҳам киргани ҳақида маълумот бериши;

– тажнис ва ийҳом санъатига асос бўладиган сўзларнинг форсий тилдагига нисбатан кўплигини мисоллар билан исботлаши;

– туюқ жанрининг фақат туркий шеърятда қўлланишига эътибор қаратиши;

– туркий тилда форсий тилда йўқ баъзи грамматик шакллар (масалан, биргалик нисбатини ясовчи -иш, орттирма нисбат ясовчи -т қўшимчалари)нинг мавжудлигини мисоллар билан далиллаши;

– туркий тилнинг фонетик хусусияти қофиядош сўзлар учун форс тилига нисбатан қулайлигини асослаб бериши билан боғлиқ ҳолатларда кўринади.

Шунингдек, асарда Алишер Навоийнинг ижодий биографияси билан боғлиқ қимматли маълумотлар ҳам келтирилган. Хусусан, туркий тилда яратган асарлари рўйхати уларга асос бўлган манбалар номи билан бирга келтирилиши Навоий асарларининг туб моҳиятини англашда муҳим аҳамиятга эга. Масалан, унинг «Хамса» таркибига кирувчи дostonларнинг ҳар бири учун асос бўлган манбалар қуйидаги тартибда келтирилади:

*«Аввалким, «Ҳайрат ул-аброр» боғида табъим гуллар очибдур, Шайх Низомий руҳи «Махзан ул-асрор»идин бошимга дурлар сочибдур.*

*Яна чун «Фарҳод ва Ширин» шабистонига хаёлим юз тутубдур. Мир Хусрав дами «Ширин ва Хусрав» ўтидин чароғимни ёрутубдур.*

*Яна чун «Лайли ва Мажнун» водисида ишқим пўя уруб, Хожу ҳиммати «Гавҳарнома»сида нисоримга гавҳарлар еткуруптур.*

*Яна чун «Сабъаи Сайёра»расадин замирим боғлабдур, Ашраф «Ҳафт пайкар»ининг етти ҳурвашин пешкашимга яроғлабдур.*

*Яна чун «Садди Искандарий» асосин хотирим муҳандиси солибдур, Ҳазрати Махдум «Хираднома»сидин кўси ислоҳ ва имдод чолибдур».*

Алишер Навоийнинг араб тили луғатшунослигига бағишланган асари «Сабъат абхур» деб аталиб, навоийшуносликда нисбатан кам тадқиқ қилинган асарлар сирасига киради. Асарнинг муаллифи масаласи ҳам кўп йиллар адабиётшуносликда баҳсли ма-

сала бўлиб келди. Мазкур мавзуда тадқиқот олиб борган олим Б.Ҳасанов изланишлари самараси улароқ «Сабъат абҳур» ҳазрат Навоий қаламига мансуб деган хулосага келинди. Б.Ҳасанов ўз фикрини далиллашда асарнинг кириш ва хотима қисмида котиб Аҳмад ибн Али Дамашқий Маниний келтирган қуйидаги фикрларни асос қилиб олади: «*Бу вақт ва замон ягонаси Хуросон уфқида порлаган қуёш Мир Алишер Навоий тартиби, таълифи, яхши-ланиши ва таснифи устида заҳмат чеккан «Сабъат абҳур» мусаввадасидан топилган нарсаларнинг сўнғидир.*».

Асарнинг «Сабъат абҳур» – «Етти денгиз» деб аталишига сабаб араб луғатшунослигига мансуб етти китобнинг мазкур асар учун манба булганидир. Улар қуйидагилар:

- 1) Жавҳарийнинг «Саҳоҳ» изоҳли луғати;
- 2) Соғонийнинг «Такмила» луғати;
- 3) Замахшарийнинг «Кашшоф» (Қуръон тафсирига оид) асари;
- 4-5) Ибн Ҳожибнинг грамматикага оид «Муфассал» (иккита муқаддим ва шарҳлари) асари;

6) «Ғаройиб ул-ҳадис» – ҳадис сўзларига тузилган луғатлар.

7) турли муаллифлар, девон, рисола ва бошқа асарларнинг шарҳлари. Улар шартли равишда «Завойид» номи билан аталган.

«Сабъат абҳур»нинг таркибий тузилиши асосига ўзак тизими (флексия) қўйилган. Араб тилидаги сўзлар (мисол учун, катаба – мактуб – котиб – китоб – мактаб)да ўзак чиқариш қондасига асосан сўз таркибидаги қўшимча унлилар тушириб қолдирилгандан кейин қоладиган маъно ташувчи ҳарфлар маълум бир маъноли ўзакни ташкил қилади (юқоридаги мисолда келтирилган КТБ – катаба). Луғат лексикасининг асосий қисми уч ҳарфли ўзаклар ташкил қилади (6451 луғат мақола). Миқдор жиҳатдан иккинчи ўринни тўрт ҳарфли ўзаклар эгаллайди (2056 та). Учинчи ўринда беш ҳарфли ўзаклар туради (94 луғат мақола). Араб тилига четдан кирган кам истеъмолдаги сўзлар олти (1 луғат мақола) ва етти ҳарфли (2 луғат мақола) сўзлардир.

Алишер Навоийнинг мазкур асари араб луғатшунослиги ривожланиши сусайган даврда вужудга келгани билан алоҳида аҳамият касб этиб, араб лексикографияси тарихида Жавҳарийнинг «Саҳоҳ» ва Фирузободийнинг «Қомус» луғатлари билан бир қаторда туради.

### Таянч тушунчалар

- тазкира
- муаммо амаллари
- аъмоли таҳсилиий
- аъмоли такмилиий
- аъмоли тасхилиий
- таълиф
- исқот
- қалб
- мажлис
- азҳару мин аш-шамс
- шариф фан
- жузв
- рукн
- асл рукнлар
- тармоқ рукнлар
- енгил ва оғир сабаб
- бириккан ва ажралган ватад
- катта ва кичик фосила
- асл рукн
- усул
- зиҳоф
- фуруъ
- аруз доиралари
- доираи мўъталифа
- доираи мухталифа
- доираи мунтазия
- доираи муттафиқа
- доираи мужтамиа
- баҳр
- матбуъ вазнлар
- солим
- муодил
- сажъ
- луғатшунослик
- тафсир
- флексия
- луғат мақола

### Савол ва топшириқлар:

1. Алишер Навоийнинг «Рисолаи муаммо» асари яратилиш тарихи билан боғлиқ нималарни биласиз?
2. Муаммо жанрининг хусусиятларини айтиб беринг.
3. Алишер Навоий муаммо амалларини неча қисмга ажратган? Уларни шарҳлашга ҳаракат қилинг.
4. Туркий тилда яратилган илк тазкира сифатида қайси асарни тилга олиш мумкин?
5. «Мажолис ун-нафоис» мажлисларида тилга олинган шоирлар билан боғлиқ қайси жиҳатларни биласиз?
6. Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис»нинг 1-мажлисини қайси шоир билан бошлайди?
7. «Мажолис ун-нафоис»да адабиёт майдонига кириб келаётган шоирлар хусусида Алишер Навоий қандай фикрлар билдиради?

8. «Мезон ул-авзон» муқаддимасида Алишер Навоий тилга олган манбаларни санаб бера оласизми?

9. «Мезон ул-авзон»да жами нечта вазн ва баҳрлар келтирилган?

10. «Мезон ул-авзон»да Алишер Навоий қайси шоирларнинг байтларидан мисол тариқасида фойдаланган?

11. «Муҳокамат ул-луғатайн»да Алишер Навоий тилнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ қандай фикрларни илгари сурган?

12. «Муҳокамат ул-луғатайн»да шоир ўзининг қайси дostonлари билан боғлиқ маълумотларни келтириб ўтади?

13. «Сабъат абҳур» асарининг кам тадқиқ қилингани сабаби нимада деб ўйлайсиз?

14. «Сабъат абҳур» асарининг бундай номланиши сабабини шарҳлаб беринг.

15. «Сабъат абҳур»нинг таркибини ташкил этувчи луғат-мақолалар хусусида нима дея оласиз?

### Адабиётлар:

1. Навоий Алишер. Мажолис ун-нафоис. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан, 1997. 13-жилд.

2. Навоий Алишер. Муҳокамат ул-луғатайн. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан, 2000. 16-жилд. – Б.6 – 40.

3. Навоий Алишер. Мезон ул-авзон. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан, 2000. 16-жилд. – Б.42 – 95.

4. Навоий Алишер. Муфрадот. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан, 2000. 20-жилд. – Б. 367 – 418.

5. Зоҳидов Л. Алишер Навоий ижодида муаммо жанри / Масъул муҳаррир С.Эркинов. – Тошкент: Фан, 1986.

6. Зоҳидов Л. Алишер Навоийнинг «Рисолаи муфрадот» асари ва унинг муаммолари: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1970.

7. Орзибеков Р. Муфрадот // Адабий мерос. – Тошкент, 1982. – №2.

8. Воҳидов Р. «Мажолисун-нафоис»нинг таржималари / Масъул муҳаррир Б.Валихужаев. – Тошкент: Фан, 1984.

9. Ғаниева С. Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асари ва самарқандлик шоирлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1970. – №6.

10. Ҳасанов Б. Алишер Навоийнинг «Сабъат абхур» луғати. – Тошкент: Фан, 1981.
11. Ҳожиаҳмедов А. Навоий арузи нафосати. – Тошкент: Фан, 2006.
12. Юсупова Д. Жомий ва Навоий: арузга доир рисоаларнинг қиёсий таҳлили // Ўзбек филологиясининг долзарб муаммолари. – Тошкент: MUMTOZ SO'Z, 2010.
13. Ўзбек адабиёти тарихи. Беш жилдлик. 2-жилд (XV асрнинг иккинчи ярми). – Тошкент: Фан, 1977.



## АЛИШЕР НАВОЙНИНГ ДИНИЙ ВА ТАСАВВУФИЙ АСАРЛАРИ

### РЕЖА:

1. *«Арбаъин»да саҳиҳ ҳадислар таржима ва талқини.*
2. *«Вақфия»да Алишер Навоийнинг ижтимоий фаолияти билан боғлиқ масалалар.*
3. *«Назм ул-жавоҳир» рубойлар тўплами ҳазрат Алининг «Наср ул-лаолий» асари таржимаси сифатида.*
4. *«Сирож ул-муслимин» асарида ислом динига оид ҳукмларнинг ифодаланиши.*
5. *«Муножот»да тавба-тазарру ва Ҳаққа бўлган ишқ оҳанглари.*
6. *«Рисолайи тийр андохтан»да камончиликнинг савобли иш экани тўғрисидаги диний қарашлар.*
7. *«Насойим ул-муҳаббат» тазкирасида тасаввуф масалалари.*

Давлатшоҳ Самарқандий Алишер Навоийни «Мир Низомиддин», яъни «диннинг низоми – қонуни» деб бежиз улуғламаган. Ҳазрат Навоийнинг деярли барча асарларида, хусусан, «Хамса» дostonларининг муқаддималарида Аллоҳга ҳамд, пайғамбарга наът, муножот ва расулуллоҳ (с.а.в.) мадҳининг мавжудлигиёқ бу фикрни тасдиқлайди. Биз қуйида кўриб чиқадиган асарларда Алишер Навоий шариат ва тасаввуф илмининг чуқур билимдони, назариётчиси сифатида намоён бўлади.

**«Арбаъин» («Қирқ ҳадис»)** – ҳадисларнинг шеърий таржимаси бўлиб, анъанавий ҳамд ва наът билан бошланади. Асар муқаддимаси – «Сабаби таълифи манзума»да Навоий устози Абдурахмон Жомий саҳиҳ ҳадислардан 40 тасини танлаб олиб форсий тилда «Арбаъин» яратганини, лекин туркий китобхон бу чашмадан бебаҳра эканини айтиб, Жомийнинг рухсати билан шу 40 ҳадисни туркий тилга таржима қилганини ёзади:

*Форсийдонлар айлабон идрок,  
Орий эрди бу нафъдин атрок.  
Истадимки, бу халқ ҳам бори*

*Бўлмагайлар бу нафъдин орий.  
Мен демакни чу муддао айлаб,  
Ул ижозат бериб дуо айлаб.*

Шунингдек, муқаддимада Навоий Жомий ўз асарини ҳижрий 886 (милодий 1486) йилда яратганини, у ҳам тез орада устозидан ижозат олиб асарни бир-икки кун ичида тамомлаганини айтади:

*Бир-ики кунки эҳтимом эттим.  
Кўз тутардин бурун тамом эттим.*

Ушбу маълумотдан Алишер Навоий ўз асарини Жомий билан бир даврда яратган деган хулосага келиш мумкин. Шоир пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ҳадисларини аввал араб тилида беради ва унинг таржимасини шеърий усулда тақдим этади.

«Арбаъин»нинг асосий қисми «Сизлардан ҳеч бирингиз ўзига раво кўрган нарсасини биродарига раво кўрмагунча чин мўмин бўлмайди» деган машҳур ҳадиснинг навоиёна талқини билан бошланади:

*Мўмин эрмастур, улки иймондин  
Рўзгорида юз сафо кўргай.  
Токи қардошига раво кўрмас  
Ҳар неким ўзига раво кўргай.*

Танланган ҳадисларнинг деярли барчаси комил инсон ахлоқи-га оид қарашларни ўзида акс эттирганини кўришимиз мумкин. Бу ҳадисларда инсонлар яхшилик қилишга чорланади, ёмон иллатлардан қайтарилади, умуман олганда, улар инсоннинг ҳаёт ва жамиятдаги вазифасини англатади. Масалан, «Инсонларнинг энг яхшиси инсонларга фойдаси тегадиганидир» деган ҳадисни Алишер Навоий туркий тилда шундай ифода этади:

*Халқ аро яхшироқ, дединг. кимдур?  
Эшитиб айла шубҳа рафъ андин.  
Яхшироқ бил ани улус ароким,  
Етса кўпрак улусқа нафъ андин.*

Кўриб утганимиздек, ушбу шарҳ орқали инсоннинг улусга – жамиятга хизмат қилиши улуғланияпти. Машҳур «Курашда ғолиб чиққан паҳлавон эмас, балки ғзаби келганда узини енга олган одам паҳлавондир» ҳадисини шоир шундай талқин қилади:

*Эмас ул паҳлавонки ўз қадрин  
Бош уза элтибон нигун қилғай.  
Паҳлавон они билки, етса ғзаб  
Нафси амморани забун қилғай.*

Мазкур ҳадис инсонни ўз нафси – ғзаби устидан ҳокимлик қилишга чақиради. Алишер Навоий буни таржима қилиш орқали киши жаҳлга қул бўлиб қолишдан сақланиши кераклигини эслатяпти.

Умуман олганда, «Арбаъин» асари инсоннинг маънавиятини юксалтиришга хизмат қилади. Бу ҳақда шоир асарнинг хотима қисмида айтиб ўтади:

*Эрур ул арбаъиннинг аввали ҳол,  
Айла бу «Арбаъин» била аъмол.*

Асарнинг умумий ҳажми 108 байтдир. Эътиборли жиҳати, кириш (ҳамд ва наът) ва якуний қисмлар бир хил – 5 байтдан иборат.

Асосий қисмда келтирилган шеърлар шакл жиҳатидан қитъа сингари бўлиб, бунда фақат жуфт мисралар қофияланган, тоқ мисралар очиқ қолдирилган:

*Тенгридин раҳм агар тамаъ қилсанг,  
Аввал ўлмоқ кераксен эпга **РАХИМ**.  
Ҳар кишиким улусқа раҳм этмас,  
Анга раҳм айламас раҳими **КАРИМ**.*

«Арбаъин» хафиф баҳрининг хафифи мусаддаси солими махбун маҳзуф ёки мақтуъ (рукнлари ва тақтеъи: фоилотун мафоилун фаилун ёки фаълун – V – – / V – V – / V V – ёки – –) вазида яратилган.

Алишер Навоийнинг «**Вақфия**» асари 1481 – 1482 йиллар оралиғида яратилган бўлиб, алломанинг давлат арбоби сифатидаги

фаолияти. вақф қилдирган ерлари, қурдирган бинолари ҳақида маълумот берувчи асардир.<sup>33</sup> «Вақфия» ҳамд, наът ва султон Ҳусайн Бойқаро мадҳини узи ичига олган каттагина муқаддима билан бошланади. Асарнинг асосий қисмини шартли равишда икки қисмга бўлиш мумкин:

1. Навоийнинг султон Ҳусайн Бойқаро саройида давлат арбоби сифатидаги фаолияти акс этган уринлар.

2. Навоийнинг хайрия ишлари ва вақф қилдирган мулк, ерлари: вақфия жойлардаги идора усули, хизмат учун белгиланган лавозимлар, тайин этилган маош, урнатилган тартиб-қоидалар баёни.

Ҳар бир қисм муайян тарздаги муқаддима ва хотимани ўз ичига олади.

Асарда Навоийнинг мамлакат ободлиги ва эл-юрт фаровонлигига доир муҳим фикрлари ҳам уз ифодасини топган:

*То ҳирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас  
То нафсу ҳаво қасри барафтод ўлмас.  
То зулму ситам жониға бедод ўлмас.  
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.*

Алишер Навоийнинг «**Назм ул-жавоҳир**» асари насрий усулда ёзилган муқаддима ва ҳазрат Алининг икки юз эллик беш рақам остида тартибланган араб тилидаги ўғитларининг туркий тилда рубоий шаклида берилган талқинидан иборат.

Асар муқаддимаси ҳамд ва наът билан бошланиб, унда сўз ва унинг қудрати, инсон яратилиши билан боғлиқ диний-тасаввуфий қарашлар баёни келтирилади. Шунингдек, шоир «Назм ул-жавоҳир»нинг ёзилиши билан боғлиқ маълумотларга тўхталади. Ҳар бир фикр сура ва ҳадислардан парчалар келтириб исботлаб борилади, уларнинг таъсирчанлигини ошириш учун тўрт мисраси ҳам қофиядош – таронайи рубоийлардан фойдаланилади.

Шунингдек, муқаддимада шоир анчадан буён ҳазрат Алининг ўғитларини шеърга солмоқчи бўлиб юрганини, лекин негадир бунга журъат қила олмаётганини айтади. Шоҳ Ҳусайн Бойқаро «Рисола» битгач, унга жавоб тариқасида ушбуни ёзишга қарор

<sup>33</sup> Асар юзасидан И.Шамсимуҳамедов номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

қилади. Айнан «Наср ул-лаолий»ни Ҳусайн Бойқаро рисоласига жавоб тарзида таржима қилишида ҳам маъно бўлиб, бу ҳазрат Алининг ислом оламида тутган юксак ўрни билан изоҳланади. Ҳусайн Бойқаро даражаси ҳазрат Алининг мақоми билан қиёс этилади. Бундан ташқари, ўша даврда ҳазрат Али ҳикматлари форсий шоирлар томонидан назмга солинган бўлиб, Алишер Навоий улар билан яхши таниш эди ва бу анъанани туркий тилда амалга оширишни мақсад қилган.<sup>34</sup>

Алишер Навоий шоҳнинг саховатини, адолатини меҳр билан таърифлагач ҳазрат Али ўғитлари талқинларини рубоий тарзида беришини маълум қилади. Мазкур рубоийларнинг тўрт мисраси ҳам қофиядош бўлишида рамзий маъно бор: шоҳ тахтининг тўрт пояси уни кўтариб туради, Каъбатуллоҳни биз тўрт девори бўлгани учун тасаввур эта оламиз, фалакнинг тўртинчи қавати қуёшнинг масканидир ва бошқалар:

*Ҳар бирини тўрт дурри шаҳвор дегил,  
Тўртунчи фалакда меҳр заркор дегил.  
Рубъи маскунда Каъбаи осор дегил,  
Байтул муқаддасқа тўрт девор дегил.*

Сўнг ҳазрат Алининг ўғитлари «Наср ул-лаолий» («Сочма дурлар») деб аталган бўлса, бу таржима «Назм ул-жавоҳир» («Назм жавоҳирлари») дея номлангани айтилади, бу сочма дурларни бир риштага – ипга жавоҳир сингари тизилганига ҳам ишорадир.

Асарнинг асосий қисми ўзига хос тузилишга эга. Даставвал ҳазрат Алининг араб тилидаги фалсафий ўғитлари келтирилади, сўнг эса туркий тилда рубоий шаклидаги талқин берилади. Биз бу ўринда таржима эмас, кўпроқ талқин атамасини ишлатяпмиз. Чунки Алишер Навоий тўғридан-тўғри таржимани эмас, балки бадий жиҳатдан бойитилган фикрларни тақдим этади.

<sup>34</sup> Адабиётшунос М.Ражабова «Назм ул-жавоҳир»нинг яратилишига яна бир сабаб сифатида ҳазрат Али қабрининг Балхда экани ва уни таҳқиқ этишда Алишер Навоийнинг шахсан ўзи қатнашганини келтириб ўтади. (Бу ҳақда қаранг: М.Ражабова. «Назм ул-жавоҳир» тарихига оид муҳим манба // Алишер Навоий ижодий ва маънавий меросининг оламшумул аҳамияти (ҳалқаро илмий-назарий анжуман материаллари). – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – Б.72 – 75).

«Назм ул-жавоҳир»даги рубоийлар мавзу жиҳатдан ранг-барангдир. Уларда биз ҳаётнинг моҳияти, дўстлик ва севгининг улуғворлиги, инсонийликнинг кадр-қиммати тўғрисидаги нодир фикрлардан баҳраманд бўламиз. Масалан, 100-рубойга ҳазрат Алининг «Дўстларни зиёрат қилиш муҳаббатни оширади» деган ўгитлари асос қилиб олинган:

*Ҳар кимки ҳабибинг ўлса эврул бошиға,  
Маҳе ўл юзиға, жонни фидо қил қошиға,  
Тош урса, равонингни туфайл эт бошиға,  
Таждиди муҳаббат англа бормоқ қошиға.*

Кўриб турганимиздек, Навоий ҳазрат Алининг фикрини талқин қилиш баробарида бу фикрни тўлдириб, таъсир қувватини оширувчи ёндашувни беряпти: «*Ким дўстинг бўлса, унинг бошига айлан. яъни ҳар бир хаёлу ўйидан хабардор бўл. дийдори учун, қошига бориш учун жон фидо қил. Агар тош урса ҳам, унга ўзингни бағишла, унинг қошига бориш муҳаббатни зиёда қилишини англа!*»

Ёки 237-рубойда «Кишининг улуғлиги унинг ҳимматидан билинади» деган фикр шарҳланади:

*Ҳар кимсаки иқбол анинг ёваридур,  
Ҳар ёнки юз урса, ҳиммати раҳбаридур,  
Ҳиммат дури фаҳр тожининг гавҳаридур,  
Чун ҳиммати одам ўглининг сарваридур.*

Умуман олганда, Алишер Навоий «Назм ул-жавоҳир» асарида ўзининг дунё ва ҳаёт ҳақидаги фалсафасини янада аниқроқ шаклда юксак бадиий маҳорат билан намоён қилади. Биз бу асар орқали шоирни файласуф-доншманд қиёфасида кўрамиз.

Алишер Навоийнинг «**Сирож ул-муслимин**» («Мусулмонлар нури») асари соф диний йўналишда бўлиб, ислом дини аҳкомларини ёритишга бағишланган. Асар маснавий шаклида ёзилган бўлиб, ҳажман 197 байтдан иборат. «Сирож ул-муслимин» ҳамд ва наът, китоб ёзилишининг сабаби, исломга оид фикҳий ва ақидавий масалалар шарҳи ҳамда хотимани ўз ичига олади.

Ҳазрат Навоий, аввало, Аллоҳга ҳамд ва пайгамбаримиз Мухаммад (с.а.в.)га салот ва саломларини йўллагач мазкур ки-

тоб назмининг сабаби баёнига ўтади. Даставвал султон Ҳусайн Бойқарога чексиз ҳурматини изҳор этиб, бир воқеани баён қилади. Унга кўра, шоҳ мажлисларидан бирида бир нуктадон инсон Ҳусайн Бойқарога: «Навоийнинг шеърлари жуда ажойиб, ундан баҳраманд бўлган одам яна баҳра олмоқни хоҳлайди, лекин бундан не фойда бор?» – деган маънода фикр билдиради. Аслида, шоир купдан буён фикҳ ва ақидага доир асар ёзишни ният қилиб юрарди-ю, бунга фурсат тополмаётган эди. Бир улуғ инсоннинг Самарқанддан Ҳиротга ташриф буюриб, пири муршид Хожа Аҳрор Валийнинг шоирдан диний масалалар шарҳини ёритувчи китоб ёзишни сураганини айтганидан сўнг Алишер Навоий катта иштиёқ билан ишга киришади:

*...Чу сўрди Исо анфоси бу дамни,  
Ҳам ул дам азмиға йўндум қаламни...*

Алишер Навоий «Китоб назмининг сабаби» қисмида аввал ақида шарҳини, сўнг фарз, вожиб, суннатни баён этишини, бундан аҳли исломга фойда бўлишини айтади:

*...Ҳам эткаймен бурун шарҳи ақойид  
Ки, ислом аҳлиға бергай фавойид.  
Яна ҳам фарз, ҳам вожиб, сунан ҳам,  
Неки ориз бўлур яхши, ёмон ҳам...*

Асарнинг асосий қисмида Алишер Навоий, ўзи айтганидек, даставвал ақоид ҳамда шариаат ҳукмлари шарҳига тўхталади. Бунда шоир ислом аҳкоми икки қисм: ақида ва амал (шариаат)дан иборат деб ёзар экан, ақида пок бўлмаса, амалнинг аҳамияти йўқолишини таъкидлайди.

Алишер Навоий иймон шартлари сифатида Аллоҳнинг биру борлигига, фаришталарга, илоҳий китобларга, пайғамбарларга, охират кунига, қадар – тақдирга ишониш кабиларни санаб ўтади.

Кейинги қисмда шоир Аллоҳнинг сифатларини баён этади. Унга кўра, мўмин инсон Аллоҳнинг замон ва макондан муназзаҳ – холи эканига, шериги йўқлигига, унинг безавол илмига, эшитиш ва кўришига, каломига, тақдир эгаси эканига ишониши шарт. Ҳазрат Навоий, шунингдек, Аллоҳнинг ўхшаши йўқ, унинг қудрати ҳар

қандай жисмдан холи бўлиб, бандалар каби эҳтиёжманд эмасдур деган ислом ақидасидаги фикрни уқтирар экан, бунга исбот тариқасида «Шўро» сурасидаги 11-оятни келтиради.

Кейинги бобда шоир ислом ақидасидаги – қабр азоби, қабрдаги савол-жавоб, Сирот кўприги, тарози, дўзах, жаннат, расулulloх (с.а.в.) шафоати, набийлар мўъжизалари, авлиёлар каромати ҳақ эканини таъкидлайди ҳамда коҳинни<sup>35</sup> тасдиқ этиш куфр эканини ҳам айтиб ўтади.

Ислом ақидаси шартлари баёнидан сўнг Алишер Навоий ислом аҳкомларини ёритади. Бунда шоир ислом дини фарзлари: таҳорат, ғусл, намоз, закот, рамазон рўзаси, ҳаж билан боғлиқ шариат ҳукмларини батафсил баён этади.

Асарнинг хотима қисмида шоир ўз манзумаси инсонлар учун фойдали бўлишига умид қилиб, мусулмонлар дилини равшан этсин дея бу китобга «Сирож ул-муслимин» («Мусулмонлар қуёши») деб ном қўйганини айтади.

Асар арузнинг ҳазажи мусаддаси маҳзуф (мафойилун мафойилун фаувлун, чизмаси: V – – – / V – – – / V – –) вазнида ёзилган.

**«Муножот»** Аллоҳга илтижо тарзида яратилган насрий асар бўлиб, «Ҳамд», «Наът» ва «Муножот» деб аталган уч қисми ўз ичига олади. «Ҳамд»да Аллоҳнинг буюклиги, абадийлиги ҳақида сўз борса, «Наът»да пайғамбаримиз расули акрам таърифлари кетирилади. «Муножот» қисми бевосита шоирнинг Аллоҳдан нажот сўраб қилган илтижоларига бағишланган. Асарнинг ҳар бир жумласи Аллоҳга мурожаат, яъни «илоҳи» сўзи билан бошланади. Навоий ўзини беҳад гуноҳкор, Яратганни пок ва акрам (карамли), ўзини чексиз исёнкор ҳамда Холиқни раҳмли ва меҳрибон деб атар экан, ички қофия, тазод, иштиқоқ санъатларининг бетакрор намуналари шоир ҳис-туйғулари билан уйғунлик касб этганини кўрамыз:

*Илоҳи, акрам ул-акрамин – сен ва мен – гуноҳкор.  
Илоҳи, арҳам ар-роҳимин – сен ва мен тийрарўзгор.  
Илоҳи, агарчи журму исёндин ўзга ишим йўқ,  
аммо сендин ўзга ҳам кишим йўқ...*

<sup>35</sup> Коҳин – 1) исломгача бўлган динларда руҳоний; 2) башоратчи.



«Муножот» асари моҳиятан Ҳақ васлига ташна, орифлик мақомига эришган ошиқнинг ҳиссиётларини ўзида акс эттириб, жанрий жиҳатдан назм ва наср хусусиятларини намоён қилади. Асарнинг ўзига хос мусиқий оҳанги, сажъ усулидан маҳорат билан фойдаланилгани унинг бадиий қийматини оширган дейиш мумкин. Мазкур асар ўзининг ғоявий ва бадиий хусусиятлари билан мумтоз адабиётимиздаги шоҳ асарлар сифатида ўз ўрнига эгадир.

Алишер Навоийнинг тирандозлик – камондан ўқ отиш фазилатига бағишланган «**Рисолаи тийр андохтан**» рисоласи ҳар бир фикрнинг соф диний далиллар – ҳадис ва ривоятлар воситасида изоҳлангани билан алоҳида характерланади. Рисола ҳажман кичик, муаллиф бунда камондан ўқ узишнинг қанчалик савобли амал эканини асослашга эътибор қаратади.

Рисолада бир неча ҳадис ва ривоятлар келтирилган бўлиб, улар қуйидагилардир<sup>36</sup>:

• Ҳазрат Одам Ато алайҳиссалом шайтон ҳийласи туфайли жаннатдан ерга туширилгач, Аллоҳнинг амри билан деҳқончилик қилади – буғдой экади. Аммо қарғалар экилган буғдойни кавлаб еб қўя бошлагач, Худога муножот қилади. Шунда Худо камон ва ўқ юборади. Ёйдан ўқ отишни фаришта Жаброил (алайҳиссалом) Одам алайҳиссаломга ўргатади. Одам Ато алайҳиссалом қарғаларга отган биринчи ўқи тегмайди, фаришта Жаброил алайҳиссалом табассум қилади, иккинчи бор отилган ўқ нишонга тегади, шунда Жаброил алайҳиссалом ўз табассумини қуйидагича изоҳлайди: «Агар илк ўқинг нишонга текканида, қиёматгача ҳеч нарса болаларинг қўлидан қутулмас эди».

Шундан кейин ҳазрат Навоий ўқ отишни Худонинг лутфи, Одам Сафий алайҳиссаломнинг мўъжизаси деб хулоса қилади.

• Шайхлардан Шафиқи Балхий жон бериш чоғи ўқ-ёй олиб келиб ўқ отади. Дўстлари буни кўриб: «Шайх шифо топибди», – деб хурсанд бўлдилар. Шунда шайх ўз ҳолатини: «Умрим охирлабди, шунда бир яхши амал қилгим келди. Бирор амални ёйдан ўқ узишдан кўра яхшироқ деб топмадим. Чунки ўқ отишда савоб кўп», – деб изоҳлайди.

---

<sup>36</sup> «Рисолаи тийр андохтан» асари навоийшуносликда кам ўрганилгани учун рисоладаги ҳикоятларни тўлиқ келтиришга қарор қилдик.

• «Кимки камончиликни урганиб, сўнг тарк этса, суннатимдан юз ўгирган ҳисобланади. У мендан эмас».

• Расулulloҳ (с.а.в.) камончиликнинг фазилатини кўп айтдилар. Саҳобалар камондан ўқ отишнинг савобини қанча миқдорда деб сўрадилар. Шунда у зот алайҳиссалом: «Агар камончиликнинг савобини айтсам, халқ тирикчиликни ташлаб, камондан ўқ отишга берилиб кетади. Бир соат ўқ отишнинг савоби эллик йиллик тоат савоби билан тенгдур. Агар ким уқ отса, Аллоҳ унга жаннатийлар савобини беради, нишонга тегизса, жаннат эшигини очиб, бир хурни унга атайди», – деб жавоб беради.

• Бир куни пайғамбаримиз алайҳиссалом борар эдилар. Саҳоба Саъд Ваққоснинг ўз фарзандларига камондан ўқ отишни ўргатаётгани устидан чиқдилар. Расулulloҳ томоша қилиб турдилар. Шу пайт бир йигит келиб ёйдан ўқ узди. Расули акрам саллолоҳу алайҳи ва саллам хушнуд бўлдилар. Саҳобалар бунинг сабабини сўраганларида: «У йигит келганида гуноҳлари кўп эди, ўқ отди – гуноҳлари тўкилди, шунинг учун шодландим», – деб изоҳ бердилар.

• «Агар бир жойга масжид қуриладиган бўлса, у ер менда масжид қурадилар деб 40 йил олдин шодланади. Агар бир ерда ўқ отиладиган бўлса, у ер менда ўқ отилади деб 80 йил илгари хурсанд бўлади».

• Али (р.а.) гоҳо яланг бош ва яланг оёқ ўқ келтирар эдилар. Бир куни Саъд Ваққос ўқ отар эдилар. Жаброил алайҳиссалом келдилар. Расулulloҳ алайҳиссалом мен учун ўқ от дедилар. Шунда Жаброил алайҳиссалом мен учун ҳам Саъд ўқ отсин деди. Саъд Ваққос ўқ отдилар. Шунда расулulloҳ алайҳиссалом Худойи таоло номи учун ўқ отгил дедилар. Саъд ўқ отдилар. Саҳобалар нишонга бориб, икки ўқни топиб, учинчисини тополмадилар. Жаброил алайҳиссалом айтдиларки: «Ё Муҳаммад, у ўқни топмасинлар. Бу ўқ жаннатда Саъд Ваққос учун ер олиб турибди».

Кўриб ўтганимиздек, Навоий камондан ўқ отишнинг қанчалик савобли амаллардан эканига асосий ургуни қаратади. Бу бежиз эмас, чунки ўрта асрларда юрт ҳимояси аскарларнинг фидойи ва жасурлиги ҳамда бевосита қуролларни, айниқса, камонни маҳорат билан ишлата олиши орқали таъминланган. Мазкур асар Ватан ҳимоясига чоғланган йигитларни ўз ишларининг Тангри ва

пайғамбар томонидан севилган, маъқул кўрилган амал эканига ишонтириш учун хизмат қилган.

«Рисолайи тийр андохтан» асари фақат диний далиллардан иборат ҳамда баён тилининг бошқа илмий асарларидан содда ва тушунарлилиги, бадий буюқдор эмаслиги билан алоҳида характерланади. Бу ҳам асарнинг омма учун махсус бағишланган дейишга асос беради.

Алишер Навоийнинг «**Насойим ул-муҳаббат**» (тўлиқ номи «**Насойим ул-муҳаббат мин шамойил ул-футувват**» – «Мардлик хушбўйликларини таратувчи муҳаббат шабадалари») асари 1495 – 1496 йилларда яратилган бўлиб, Абдурахмон Жомийнинг «**Нафаҳот ул-унс мин ҳазарот ул-қудс**» («Дўстлик таровати») асарининг ижодий таржимасидир.

Асарнинг танқидий матни муаллиф яшаган даврда кўчирилган нусха асосида 1996 йили Туркия (Анқара)да Камол Эраслон томонидан яратилган. 2011 йили навоийшунос олим Ҳ.Испомов ҳам мазкур асарнинг илмий-танқидий матнини яратиб чоп қилдириди.

Абдурахмон Жомийнинг «**Нафаҳот ул-унс**» асарида 616 та шайх ҳақида маълумот келтирилган. Ҳазрат Навоий бу маълумотларни қайта ишлаб, тўлдириб, шайхлар сонини 770 тага етказди, улардан 35 тасини авлиё аёллар ташкил этади.

Адабиётшунос олим Н.Рамазонов «**Насойим**»нинг ўзига хос хусусиятларига доир» мақоласида<sup>37</sup> «**Насойим ул-муҳаббат**» ва «**Нафаҳот ул-унс**»ни қиёслар экан, ҳазрат Навоий тазкиранинг қириш қисмини таржима қилмасдан ўзи ёзганини айтади.

«**Насойим ул-муҳаббат**» муқаддима (ҳамд, наът ва асар ёзилиши сабаби, «Бу тоифа муқаддима тамҳиди», «Бу тоифа аъмолу афъоли ва муомилату риёзотидин баъзини зикр қилмоқ»), 770 шайх зикрини ўз ичига олган асосий қисм ва хотимадан иборат.

Ҳазрат Навоий асарнинг ёзилиш сабаблари ҳақида тўхталар экан, Жомий билан ўзининг тазкираси ўртасидаги фарқларни айтиб утади. Унга кўра:

– «**Нафаҳот ул-унс**»да Фаридиддин Атторнинг «**Тазкират ул-авлиё**» асаридаги баъзи авлиёлар тушириб қолдирилган, Навоий эса уларни ўз тазкирасида зикр қилган;

---

<sup>37</sup> Рамазонов Н. «**Насойим**»нинг ўзига хос хусусиятларига доир // Навоийнинг ижод олами (мақолалар тўплами). – Тошкент: Фан, 2001.

– Жомийда ҳинд ва турк машойих (шайх)ларига кенг ўрин ажратилмаган, лекин ҳазрат Навоий имкон қадар уларнинг барчасини ўз асарида акс эттиради.

Шунингдек, шоир «Насойим ул-муҳаббат»да Абдурахмон Жомий ҳамда унинг замондоши бўлган валий зотлар ҳаёти ва фаолиятини ҳам ёритганини маълум қилади.

«Бу тоифа сулукида муқаддима тамҳиди» деб аталган қисмда Навоий инсон яратилиши сабаби, Аллоҳнинг ҳикмати, пайғамбарлар саййиди Муҳаммад саллаллоху алайҳи ва салламнинг Ҳаққа ҳабиб эканлиги билан боғлиқ тушунчаларни баён қилади. Алишер Навоий расулуллоҳ (с.а.в.)дан сўнг пайғамбарлик эшиги беркитилган бўлса-да, мўминлар пок эътиқод, тақво билан Аллоҳга дўстлик – валийлик мақомига эришишлари мумкин, чунки «Олимлар – пайғамбарларнинг ворисларидир», валий зотларнинг барчаси Аллоҳ йўлида собит бўлган зотлардир, улар халқни тўғри йўлга бошлайди деб таъкидлайди.

Муқаддиманинг «Бу тоифа аъмолу афъоли ва муомилату риёзотидин баъзини зикр қилмоқ» деб номланган қисми авлиёларнинг аъмоли – амаллари, афъоли – феъл-атвори, муомилоту риёзати – муомаласи (халқ билан муносабати) ва Ҳақ йўлида чекадиган машаққатларини ёритишга бағишланган. Унда валий зотлар билан боғлиқ луқма ҳалоллиги, шариатга амал қилиш, имон калимасини руҳга сингдириш, беш вақт намоз ўқиш, закот бериш, рўза тутиш, ҳаж қилиш, одоб, ҳилм, тақдирга ризо бўлиш ва сабр қилиш, сидқ – ростгўйлик, риёзат чекиш каби амаллар келтириб ўтилади. Бу фазилатли амаллар оддий одамларникидан фарқ қилади. Асарда келтирилишича, имон калимаси – калимаи шаҳодатни ҳамма чин дилдан айтгани билан, валийлар бу каломни айтиб ҳушларини ҳам йўқотишлари мумкин. Ёки шариатда закот молнинг қирқдан бир қисмини фақирларга бериш билан амалга оширилса, валийлар қўлидаги нарсанинг ортиғи билан эҳсон қилишни закот деб билишлари ҳақида ибратли фикрлар келтирилади (шайх Абу Бакр Шиблийнинг бир фақиҳга берган жавоби мисолида).

Бундан ташқари, луқма ҳалоллигига эришиш учун ҳар бир валий зот ўз касби-корига эга бўлган. Масалан, шайх Абу Саид Харроз, Хожа Абдуллоҳ Ансорийлар этикдўзлик, шайх Муҳаммад Саккок пичоқчилик, шайх Абу Ҳафз Ҳаддод темирчилик билан машғул эдилар.

Ислом ақидасига кўра, мўъжиза ва каромат ҳақдир. Мўъжиза пайғамбарлар томонидан Аллоҳнинг қудрати билан амалга ошириладиган ва инсон ақли етмайдиган ҳодисалар бўлса, авлиёларнинг бу каби ишлари каромат дейилади. Булар умумий хавориқи одат – ғайриодатий, ғайритабiiй ишлар деб аталади. Масалан, дуолар ижобати. ғайб сирларидан огоҳ бўлиш, инсон кўнглидаги ўйни англаш, сув ва таомсиз рўза тутиш, бир лаҳзада дунёнинг у четидан бу четига бориб қолиш каби оддий инсон ақли учун ғайритабiiй ҳолатлар авлиёларга хос бўлиб, уларни кўп ошкор қилмаслик валийнинг юксак мақомини билдиради.

Шундан сўнг бевосита валийларнинг номлари ва таржимаи ҳоли билан боғлиқ маълумотлар келтирилади. Номи зикр этилган илк валий зот – авлиёлар султони деб улуғланган Увайс Қаранийдир. Увайс Қаранийнинг пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва салламга ғойибона ошиқ бўлгани, унинг кучли ва мустаҳкам муҳаббати барча ислом уммати учун ибрат ҳисобланади.

Асарда авлиёларга доир маълумотлар турли ҳажмда бўлиб, баъзилари ҳақида бир жумла билан кифояланилса, баъзи шайхлар таърифига кенг ўрин ажратилади. Авлиёларнинг таржимаи ҳолидаги маълумотлар муайян мезонларга эга эмас: айрим шайхларнинг яшаган йиллари, жойлари, касби-корлари ва ҳоказолар билан боғлиқ маълумотлар батафсилроқ келтирилса, баъзиларининг фақат каромат ёки ўғитларидан парча берилади.

Тазкирада асосий эътибор валий зотнинг амалига қаратилган. Ҳар бир авлиё шариат ҳукмларини сўзсиз ва итоат билан адо этиб, Ҳақ васли талабида мол-дунё ташвишидан, ўз борлигидан мутлақо воз кечади. Бу дунёга заррача муҳаббат қўйиш Ҳақ ишқига соя солади деб эътиқод қилинади. Ҳар бир авлиё ҳақидаги маълумотлар таркибида араб тилидаги байтлар, ҳикматли фикрлар бериб борилади.

«Насойим ул-муҳаббат» таркибида тилга олинган авлиёлар орасида исломдаги турт мазҳаб бошлиқлари – имом Аъзам, имом Молик, имом Шофеъий, имом Аҳмад ибн Ханбалдан тортиб Муҳаммад Ғаззолий, Баҳроуддин Валад, унинг ўғли Жалолиддин Румий, Румийнинг ўғли Султон Валад каби буюк зотлар ҳақидаги турли қизиқарли, ибратли ҳикояларга дуч келамиз. Ушбу авлиёлар ҳақидаги маълумотлар илмий асосга эга бўлиб, тасаввуф тарихини ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади (масалан, Жалолиддин

Румийга болалигида Фариддин Аттор ўзининг «Асрорнома» асарини ҳадя қилиши ёки Шамсиддин Табрзий ва Румий учрашуви билан боғлиқ маълумотлар).

Умуман олганда, ҳазрати Алишер Навоийнинг авлиёлар таржимаи ҳолига бағишланган мазкур «Насойим ул-муҳаббат мин шамойил ул-футувват» асари шоирнинг етук мутасаввиф олим сифатидаги фаолиятини курсатувчи муҳим манбадир.

Алишер Навоийнинг диний йуналишдаги асарларини ўрганиш орқали шоирнинг динга муносабати, эътиқоди билан боғлиқ маълумотлар олиш билан бирга унинг ислом илмларининг етук билимдони экани тўғрисида тасаввур ҳосил қиламиз. Бу улуғ шоирнинг ўз даври ижтимоий ҳаётида тутган урни нечоғлик муҳим бўлганини белгилаб берувчи узига хос омилдир.

### Таянч тушунчалар

- *диннинг низоми*
- *шариат*
- *тасаввуф илми*
- *дин назариётчиси*
- *ҳадислар талқини*
- *саҳиҳ ҳадис*
- *фалсафий ўғит*
- *фиқҳий ва ақидавий масалалар*
- *шариат ҳукмлари*
- *Аллоҳнинг сифатлари*
- *ислом дини фарзлари*
- *тирандозлик*
- *авлиё*
- *риёзат*
- *луқма ҳалоллиги*
- *мутасаввиф олим*

### Савол ва топшириқлар

1. Алишер Навоийнинг саҳиҳ ҳадисларни тўплаб таржима қилиши сабаблари ҳақида нима дея оласиз?

2. «Арбаъин»да тўпланган ҳадислар мазмун-моҳиятан қандай характерга эга?

3. «Вақфия» Алишер Навоийнинг бошқа асарларидан ўзининг қайси жиҳатлари билан фарқланади?

4. «Вақфия»да Алишер Навоий асосий эътиборни қайси жиҳатга қаратган?

5. «Назм ул-жавоҳир» асарининг яратилиш тарихи билан боғлиқ маълумотларни келтиринг.

6. «Назм ул-жавоҳир»даги фикрларнинг айнан таронайи рубой шаклида келтирилгани боиси нимада деб ўйлайсиз?

7. «Сирож ул-муслимин» асарининг ўзига хос хусусиятлари қайси ўринларда намоён бўлади?

8. «Муножот» асари Навоийнинг «Хамса» дostonлари муқаддимасида келтирган муножотларидан мазмунан қайси жиҳатлари билан фарқланади?

9. «Рисолаи тийри андохтан» асарининг моҳияти нимада деб ўйлайсиз?

10. «Насойим ул-муҳаббат» тазкирасининг «Нафоҳат ул-унс»дан фарқланувчи хусусиятларига тўхталинг.

11. «Насойим ул-муҳаббат» асарининг илмий жиҳатдан аҳамияти қайси ўринларда намоён бўлади?

### Адабиётлар:

1. Навоий Алишер. Вақфия. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан, 1998. 14-жилд. – Б. 231 – 270.

2. Навоий Алишер. Арбаъин. Сирож ул-муслимин. Муножот. Рисолаи тийр андохтан. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан, 2000. 16-жилд. – Б. 261 – 308.

3. Навоий Алишер. Вақфийя / Нашрга тайёрл. И.Шамсимухамедов. – Тошкент: Фан, 1991.

4. Муножот / Нашрга тайёрл. ва луғатлар муаллифи Суйима Ғани қизи. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991.

5. Арбаъийн / Нашрга тайёрл. Каримбек ва Саидбек Ҳасан; шарҳловчи А.Рустам. – Тошкент: Мерос, 1991.

6. Арбаъин: Қирқ ҳадис шарҳи / Суз боши муаллифлари ва шарҳловчи Қ.Аҳад, О.Маҳмуд. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1995.

7. Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Movarounnahr – O‘zbekiston, 2009.

8. Қаюмов А. Дилкушо такрорлар ва руҳафзо ашъорлар. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2011.

9. Рамазонов Н. «Насойим»нинг ўзига хос хусусиятларига доир // Навоийнинг ижод олами (мақолалар тўплами). – Тошкент: Фан, 2001.

10. Ражабова М. «Назм ул-жавоҳир» тарихига оид муҳим манба // Алишер Навоий ижодий ва маънавий меросининг оламшумул аҳамияти (халқаро илмий-назарий анжуман материаллари). – Тошкент: Ўзбекистон, 2011.

11. Ўзбек адабиёти тарихи. Беш жилдлик. 2-жилд (XV асрнинг иккинчи ярми). – Тошкент: Фан, 1977.

12. Шамсимухамедов И.У. «Вакфийе» Алишера Навои как литературный памятник: Дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1991.

13. Исламов Х.И. «Насойим ул-мухаббат» Алишера Навои и его научно-критический текст: Дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1990.



## АЛИШЕР НАВОЙНИНГ ТАРИХИЙ, ЁДНОМА ВА ТУРЛИ МАВЗУДАГИ АСАРЛАРИ

### РЕЖА:

1. *«Зубдат ут-таворих» – мумтоз тарихнавислик манбаси.*
2. *Навоий ёдномалари – мемуар жанрининг юксак намунаси сифатида.*
3. *«Муншаот» асарининг туркий эпистоляр жанр тараққиётидаги ўрни.*
4. *«Маҳбуб ул-қулуб» – ахлоқий-таълимий асар.*

Алишер Навоийнинг олим сифатидаги фаолияти унинг нафақат тилшунослик, адабиётшунослик, балки тарихшуносликка доир асарлари билан ҳам белгиланади. У ушбу фан тараққиётига ўзининг «Тарихи анбиё ва ҳукамо» ҳамда «Тарихи мулуки ажам» асарлари билан улкан ҳисса қўшди.<sup>36</sup>

Алишер Навоийнинг «Тарихи анбиё ва ҳукамо» рисоласи ислом дини манбаларига асосланган асар бўлиб, пайғамбарлар – расул ва набийлар ҳамда ҳаким зотлар – алломалар тарихига бағишланган. Шу маънода асарни шартли равишда икки қисмга бўлиш мумкин:

1. Анбиё – пайғамбарлар тарихи.
2. Ҳукамо – ҳаким зотлар тарихи.

Даставвал, Одам Ато (а.с.) қиссаси ҳикоя қилинади. Унда Одамнинг яратилиши, Иблиснинг Олий Даргоҳдан қувилиши, сўнг Одам ва Ҳаввонинг ер юзига туширилиши билан боғлиқ ҳикоялар келтирилади.

Ҳазрат Навоий пайғамбарларни, анъанага биноан, икки гуруҳга бўлади: расул ва набийлар. Расулларга Аллоҳ китоб ва саҳифа нозил қилган бўлиб, улар «мурсалин» номи билан аталади. Набийлар эса фақат ваҳий олган пайғамбарлар бўлиб, уларга китоб нозил қилинмаган (туширилмаган).

---

<sup>36</sup> Академик Азиз Қаюмов бу асарларни, аслида, умумий тарих китобининг бўлаклари деб ҳисоблайди. Олимнинг фикрича, Навоий яшаган даврда тарихшуносликда мавжуд анъанага кўра муайян ҳукмдорнинг тарихини ёзишдан аввал пайғамбарлар тарихи, сўнгга 4 ажам сулоалари тарихи, ислом даври тарихи, ундан сўнггина замон тарихига ўтилар эди (Бу ҳақда қаранг: Қаюмов А. Дилкушо такрорлар ва руҳафзо ашъорлар).

Алишер Навоий пайғамбарлар ҳақида сўзлаб, уларнинг яшаган даврларига тўхталади, аниқ йилларни келтиради (масалан, Маҳойил бинни Қинон 865 йил яшаган). Шунингдек, пайғамбарларнинг аҳли аёли, фарзандлари, касбу кори ҳақида маълумот берилади. Пайғамбарзодаларнинг ҳаммасига ҳам пайғамбарлик мақоми берилмаган, уларнинг баъзиларигагина Аллоҳдан ваҳий тушган. Масалан, Одам Атонинг невараси Ануш, унинг ўғли Қинон кабилар бу шарафга ноил була олмаганлар. Шу тариқа муаллиф олтмишдан зиёд пайғамбар ва пайғамбар авлодларининг ҳаёти, таржимаи ҳолини батафсил ёритади.

Зикр этилганлар сирасида «Қуръон»да номи тилга олинган барча пайғамбарлар, Луқмони ҳаким, Зулқарнайн каби ваҳий тушган ё тушмагани ихтилофли булган валий зотларни ҳам кўришимиз мумкин. Мазкур асарда бир замонда бир неча пайғамбарлар яшагани ҳам айтилади. Масалан, Исҳоқ (а.с.) вафот этган йили Юсуф (а.с.)нинг Миср ҳокими булгани ва ҳоказо. Шунингдек, «Қуръон»да тилга олинган «Асҳоби каҳф» қиссаси ҳам мазкур асардан ўрин олган.

Пайғамбарлар қиссаси ҳажман ўзаро фарқланади. Баъзи пайғамбарлар, масалан, Хизр (а.с.) ҳақида қисқа маълумот билан чекланилса, Юсуф (а.с.), Иброҳим (а.с.), Мусо<sup>39</sup> (а.с.) ва Исо (а.с.)ларнинг ҳаётига доир жуда кўп воқеалар баён қилинади. Алишер Навоий Юсуф (а.с.) ҳақидаги қиссани баён қилишга киришаркан, Фирдавсий Тусий ва Абдурахмон Жомийлар ҳам мазкур мавзуда дoston ёзганларини айтиб, ўзининг ҳам туркий тилда маснавий ёзиш нияти борлигини билдириб ўтади.

Мазкур қисмда келтирилган маълумотларнинг бош манбаси Қуръони Карим бўлиб, муаллиф ўз фикрларини асослаш учун муайян оятларни ҳавола қилиб боради. Яна бир эътиборли жиҳати, Алишер Навоий пайғамбарларнинг иймони, сабри ва юксак фази-

<sup>39</sup> Асар билан танишиш жараёнида баъзи пайғамбарлар қиссалари билан бошқа халқлар ижодида мавжуд эпос ёки ҳикоятлар билан ўхшаш ҳолатларни учратамиз. Масалан, арман эпоси «Довуд Сосуний»да тилга олинган Миср шоҳи Малик, унинг аёли Хондуд хотун ҳамда унинг асраб олган ўғли ҳақидаги воқеалар билан Мусо (а.с.)ни фираъвннинг аёли Осия асраб олгани билан боғлиқ ҳолатларда жуда аниқ ўхшашликлар кўзга ташланади (Бу ҳақда қаранг: Наири Зарьян. Довуд Сосуний. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1976. – Б. 114).

латларини алоҳида тасвирлайди. Масалан, Айюб (а.с.)нинг бошига тушган ташвиш ва балолар ҳам уни Аллоҳга ибодат қилишдан тўсмаганини айтаркан, бу билан севги ва дўстликнинг собит бўлиши ҳақидаги ғояларини баён қилади.

Асарда ҳар бир пайғамбар қиссасидан сўнг муайян шеърини парчалар келтирилади. Шоир уларни «маснавий», «рубойи», «байт», баъзан эса «шеър» ёки «назм» номлари остида бериб боради. Мазкур шеърини парчаларда қиссаси ҳикоя қилинган пайғамбар номи тилга олинади ва фалсафий хулосалар чиқарилади.

«Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарининг иккинчи қисми ҳукамолар тарихига бағишланган, бу қисм умумий асарнинг тахминан тўртдан бир қисмини ташкил этади. Ҳукамолар тарихи анбиёларниқига нисбатан қисқа бўлиб, умумий маълумотлар билан чекланилган. Алишер Навоий Луқмони ҳаким, Фишоғур (Пифагор), Жомосб, Буқрот (Гиппократ), Буқротис, Суқрот (Сократ), Афлотун (Платон), Аристотилис (Арасту), Балинос, Жолинус (Гален), Батлимус (Птолемей) каби юнон файласуфлари ва Содик, Бузургмеҳр каби форс ҳакимларининг, жами ун уч нафар олимнинг тарихини қисқача ёритади. Ҳар бир ҳикоядан кейин анъанавий тарзда бир байт шеър илова қилиб борилади.

Биз мазкур асардаги пайғамбарлар билан боғлиқ анъанавий воқеаларни «Қисаси Рабғузий» ва «Шажарайи турк» каби туркий тилда яратилган бошқа кўплаб асарларда ҳам учратамиз. Умуман олганда, Алишер Навоийнинг «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асари дин тарихига бағишланган, бу ўринда муаллиф дин тарихи ҳамда юнон фалсафаси билимдони сифатида намоён бўлади.

Алишер Навоийнинг «Тарихи мулуки Ажам» («Араб бўлмаган шоҳлар тарихи») асари ўз даври нуқтаи назаридан илмий далилларга асосланган рисола ҳисобланади. Асарда Эрон ва Турон мулкида ҳукмронлик қилган тўрт сулола: пешдодийлар, каёнийлар, ашконийлар, сосонийлар тарихи батафсил ҳикоя қилинади.

Анъанага мувофиқ, тарих Одам Ато (а.с.) даврига боғлиқ равишда талқин қилинади. Алишер Навоий мазкур асарда «Низом ут-таворих», «Жоме ут-таворихи Жалолий», «Насихат ул-мулук», «Жовидон хирад», «Одоб ул-араб вал-фурус», «Гузида», «Мунтаҳаб», «Девон ун-насаб» каби манбалардан фойдаланади ва Банокатий, имом Муҳаммад Ғаззолий, Табарий, Бу Али

Мискавайх, Қози Барзовий каби тарихчи олимларнинг номларини келтириб, маълумотларни уларнинг асарларидан олганини айтиб ўтади. Шоирлардан Абулқосим Фирдавсий ва унинг «Шоҳнома»сига кўпроқ мурожаат қилади. Искандар ҳақидаги қиссада эса ҳамсанавислар Хусрав Деҳлавий, Низомий Ганжавийларнинг қарашларини келтириб ўтади.

Алишер Навоий масалага нуктадон муаррих – тарихчи олим сифатида ёндашар экан, ҳар бир маълумотнинг аниқ ва асосли бўлишига алоҳида эътибор қаратади.

Алишер Навоий пешдодийлар сулоласига мансуб 11, каёнийлар сулоласидан 9, ашконийлар сулоласидан 15, сосонийлар сулоласидан 28, жами тўрт сулоладан 63 ҳукмдорнинг номлари, таржимаи ҳоли, ҳаёти ва юритган сиёсатига доир маълумотларни тақдим этади. Деярли ҳар подшоҳ қиссасидан кейин, анъанага мувофиқ, «шеър» номи остида қисса мазмунига уйғун байтлар илова қилади. Бундан ташқари, тўрт сулола ҳукмдорлари ҳақидаги қиссаларнинг сўнгида ҳам умумий яқунловчи маснавийлар мавжуд.

Алишер Навоий мазкур асарида тарихга оид жуда қизиқарли ва аҳамиятли кўплаб маълумотларни беради. Балх, Бобил, Нишопур, Марв, Самарқанд ва яна унлаб шаҳарларни бунёд қилган шоҳлар, Наврўз байрамнинг келиб чиқиши, рўзанинг пайдо бўлиши, бутпарастликнинг сабаблари билан боғлиқ воқеалар шулар жумласидандир.

Ҳазрат Навоий шоҳлар ҳақида сўзлар экан, адолатли султонларни олқишлайди, уларнинг хайрли тақдирини мамнуният билан ҳикоя қилади, золим ва мустабид ҳукмдорларга салбий муносабат билдириб, уларнинг аянчли кечмишига ибрат назари билан боқишга ундайди. Масалан, Жамшид ҳақидаги ҳикояда шоҳ Жамшид дастлаб адолатли ҳукмдор бўлганини, кейинчалик эса ўз қудратига ишониб кибру ҳавога берилганини ва одамлардан ўзига сифинишни талаб қилганини қоралайди.

Алишер Навоий Нўширавони Одил ҳақида маълумот берар экан, унинг сосонийлар сулоласига мансуб ун тўққизинчи ҳукмдор эканини, отасининг исми Қубод бўлганини айтиб, Нўширавоннинг адолатига алоҳида урғу беради ва бир қатор машҳур ҳикоятларни илова қилади. Ҳикоятлардан бирида айтилишича, Нўширавон даврида бир киши боғ сотиб олади. Бу боғдан хазина топиб олгач сотган кишининг олдига бориб, олтинларни унга бермоқчи бўлади.

Боғни сотган одам: «Боғга қушиб ерни ва ундаги ҳамма нарсани сенга сотганман, олтинлар сенга тегишли», – деб жавоб беради. Уларнинг бу можароси Нўширавоннинг қулоғига ҳам етиб боради ва у икки кишини чақириб куда бўлишни ва хазинани барпо этилажак янги оилага топширишни маслаҳат беради. Бу ҳикоятда ҳукмдор адолатли булса, халқда ҳам инсофу иймон бўлади деган фалсафий ҳулоса мавжуд.

Алишер Навоий Искандар ҳақида тўхталаркан, унинг тарихи ихтилофли эканини айтади ва гарчи у каёнийлар сулоласи вакили сифатида келтирилса-да, бу борада ҳам турли тахминлар мавжуд деб таъкидлайди. Шоир Искандар ва унинг туғилиши, насл-насаби тўғрисида гапира туриб Хусрав Деҳлавийнинг «Ойнайи Искандарий» ва Низомий Ганжавий «Искандарномаси»даги маълумотларни ўзининг «Садди Искандарий»сида келтирган маълумотлари билан қиёслайди. Ўртадаги фарқларни айтиб ўтади. Самарқанд, Ҳирот, Марв ва Исфаҳонни Искандар бунёд қилгани билан боғлиқ маълумотларни ҳам келтириб ўтади.

Навоий номларини келтирган 63 ҳукмдор ичида уч аёл подшоҳ исми ҳам зикр этилган бўлиб, улардан бири каёнийларнинг олтинчи ҳукмдори Ҳумой ёки Ҳумондур. У каёнийлар ҳукмдори Баҳманнинг аёли бўлиб, шоҳ вафот этганда, ҳомиладор эди. Баҳман жон бериш пайтида тожини аёлининг қорнига қўяди ва оламдан ўтгач, аркони давлат Ҳумойни подшоҳ қилиб кўтаради. Ҳумой ўғил фарзанд кўргач салтанатга меҳри зўрлиги ёки ўғлининг хавфсизлигини уйлаб уни сандиққа солиб дарёга оқизади ва сандиққа ўғлининг подшоҳзода эканини англатувчи ёқутларни ҳам солади. Тақдир тақозоси билан ўғли улғайиб онасини топади. Ҳумой унга давлат бошқарувини топширади.

Алишер Навоий тилга олган кейинги икки аёл подшоҳ сосонийларнинг 27- ва 28-ҳукмдорлари Турондўхт ва Озармдўхтдир. Шоир уларнинг тахтга чиқиши ва ҳукмдорлик даври билан боғлиқ қизиқарли фактларни келтиради. Бу икки аёл опа-сингил бўлиб, 23-подшоҳ Хусрав Парвизнинг қизлари эди.

Алишер Навоий «Тарихи мулуки Ажам» асари орқали тарих билимдони қиёфасида намоён бўлади. Асардаги юзлаб географик номлар, шахсларнинг исми-шарифи ҳамда воқеалар муаллифнинг кучли хотирасидан ҳам дарак беради.

Асарнинг хотимаси маснавий тарзида бўлиб, 50 байтдан иборат. Унда Навоий бевосита Шоҳ Ғозий – дусту султон Ҳусайн Бойқарога мурожаат қилади. Унинг адолати ва саховатини, инсон сифатидаги юксак хулқини мадҳ этади. Шоҳни ягона жавҳарга қиёслайди, шунинг учун ҳам унга бағишлаб «Назм ул-жавоҳир» асарини ёзганини айтади. Айнан Ҳусайн Бойқаро тарихини битиш нияти борлигини билдиради:

*Вале азми эмди будурким худой,  
Агар бўлса умрумға муҳлат физой.  
Чекиб турфа тарихингга хомани,  
Қилиб нуктаға тез хангомани...  
...Валодат кунидан тутуб то бу дам,  
Борин шарҳ ила айлагаймен рақам.*

Шу тариқа хотима-маснавийнинг сўнгги байтларида Навоий шоҳсиз жаҳонга омонлик бўлмаслигини айтиб, Ҳусайн Бойқарога яхши тилаклар билдиради. дуосини йўллайди ва ўзи ҳам дуолардан умидвор эканини асарни якунлайди.

Хуллас, Алишер Навоийнинг «Тарихи мулуки Ажам» асари шоирнинг тарихчи олим сифатидаги яна бир муҳим қиррасини очиш билан биргаликда Шарқ халқларининг тарихидан кенгроқ хабардор бўлиш имкониятини беради.

Алишер Навоий ўзининг уч устозига бағишлаб уч ёднома – маноқиб яратган. Маноқиб юксак фазилатли, валий ва ўзига хос ҳислат эгаларининг таржимаи ҳоли, сийрати ва сажиясини акс эттирувчи мумтоз жанр ҳисобланади.

Шундай асарлардан бири Навоийнинг пири, устози Абдураҳмон Жомий хотирасига бағишланган «Хамсат ул-мутаҳаййирин» («Беш ҳайрат») ҳисобланади. Муаллиф кириш қисмида асар мундарижасини келтиради. Унга кўра, мазкур асар муқаддима, уч мақолат ва хотимадан иборат.

Асар муқаддимасида Алишер Навоий Абдураҳмон Жомийнинг насл-насаби, болалиги, умр йўли ҳақида тўхталади. Шунингдек, Жомийнинг хизматига қачон келгани ҳақида ҳам хабар беради. Шоир муқаддимада Абдураҳмон Жомийнинг болалиги ҳақида ҳикоя қилиш асносида қизиқ воқеани келтиради. Бир куни замонасининг пири муршидларидан ҳисобланмиш Фахриддин Луристоний

Жом вилоятига – Абдурахмон Жомийнинг уйларига келади. Ўша пайтларда тўрт-беш ёшлар атрофида бўлган Абдурахмон жуда сезгирлик билан улуғ муршиднинг ҳаракатларини кузатади ва шайх бармоқлари билан «Умар» ва «Али» сўзларини ҳавога ёзса, илғаб олиб ўқиб беради. Буни кўриб Фахриддин Луристоний боладаги зийракликдан ҳайратга тушади. Ҳазрат Навоий Жомийнинг умр йўли билан боғлиқ маълумотларни келтириб, устозининг Шоҳрух мирзо замонидан Абу Саид замонигача Ҳирот шаҳрида яшаганини айтади. Сўнг авлиё Саъдиддин Кошғарий мазори қошида маскан тутади. Шундан сўнг умрининг охиригача шу ерда яшайди.

Асарнинг иккинчи қисми «Аввалги мақолот» деб аталиб, ҳазрат Навоий ўзи ва устози ўртасида бўлиб ўтган қизиқ, ибратли воқеалар, маънавий суҳбатлар хусусида маълумот беради. Мазкур қисмда Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий иштирокидаги ўн тўрт воқеа келтирилган. Уларнинг барчаси турли вақт ва ҳолатларда рўй берган бўлса-да, устоз ва шогирднинг, балки икки дўстнинг меҳру муҳаббати, садоқати, ҳамфикрлиги ҳақидаги хулосаларни беради. Масалан, Навоий келтирган воқеалардан бирида котиб Абдуллоҳнинг Алишер Навоийга шайх Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг «Илоҳийнома» китобини кўчириб келтиргани қаламга олинади. Котиб китобни ташлаб кетгач, Алишер Навоий бир варақлаб куриш баҳонасида икки қисмдан иборат йирик асарни бир ўтиришда ўқиб тугатиб қўяди. Эртаси куни котиб Абдуллоҳ шоирдан китобни қайтаришини ёки ҳақини тўлашини сўрайди. Шунда атрофдагилар унга Алишер Навоий китобни қўлига олиб бир зарб билан ўқиб тугатганини айтадилар. Ҳайратга тушган котиб: «Кеча китобни ҳазрати Маҳдуми Нуран – Абдурахмон Жомийга ҳам элтиб эдим, ул зот ҳам худди шу тарзда уни хатм қилиб эдилар», – дейди.

Шунингдек, яна бир қизиқ воқеа келтирилади. Бир мажлисда Удий исмли ҳофиз Хожа Ҳасан Деҳлавийнинг ғазалини куйлайди. Шунда ғазалнинг:

*Мисоли қатри борон сирешки ман ҳам дур шуд,  
Чунин асар диҳад. алҳақ, тулуи чун ту суҳайле*

Маъноси:

(«Менинг ёмғир томчиси каби кўз ёшларим инжуга айланди, ҳақиқатан, сенинг Суҳайл юлдузидай чиқишинг шундай таъсирлантиради»)

байтига келганда мажлис аҳли мисрадаги «дур» сўзидан кўра кўз ёшнинг қонга ўшатишгани бадиий таъсирчанликни оширади дейишади. Ҳамма шундай фикр айтиб, Навоийдан ҳам фикр сурайдилар. Шоир ғазалдаги ифоданинг ўзи чиройли, лекин буни исботлаб беролмайман, келинглар, бир кишини ҳакам қиламиз, у тўғри фикрни айтсин, гаров ўйнаймиз дейди. Ҳамма рози бўлади ва ғазал байти Абдурахмон Жомийга юборилади. Байтдаги «дур» ёки «хун» («қон») сўзларининг қайси бири маъқул эканини сўрашади. Шунда Жомий *Сухан дурр асту тааллуқ бу гўши шаҳ дорад* (Сўз – дур, шоҳнинг қулоғига тегишли) мазмунидаги бир мисрани битиб юборади. Давра аҳли жавобнинг нозик ва қисқалигидан, Навоий ва Жомийнинг шу қадар ҳамфикрлигидан ҳайратга тушадилар. Бу воқеа бутун Ҳиротга тарқалиб кетади, мажлисларда узоқ вақт айтиб юрилади.

Яна бир воқеада қурилишга сарв дарахлари кесиб олиб кетилаётгани билан боғлиқ ҳолат тилга олинган. Аравада сарв дарахлари олиб кетилаётганини кўрган Жомий аравакашдан: «Сарв дарахти қолдим, нечта ёғоч олиб кетяпсан?» – деб мутойиба билан савол берса, бир юз тўртта дейди. Навоий: «Адад, ахир, сарв ёрнинг қаддига қиёсдир, «қад»<sup>40</sup> сузининг адади ҳам бир юз тўртдир», – дейди. Жомий Навоийнинг заковатига қойил қолади.

Асарнинг иккинчи мақолати Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомий бир-бирига ёзган хатлари хусусида. Бу мактублар Жомийнинг ҳам, Навоийнинг ҳам баъзи асарлари таркибига киритилган. Айнан шу қисмда Алишер Навоий ўзининг «Тўхфат ул-афкор» қасидасининг ёзилиши тарихига ҳам тўхталиб ўтади. Мақолатда ёзилишича, бир куни Алишер Навоий ва Жомий суҳбатлашиб ўтирганларида, Хусрав Деҳлавийнинг «Дарёйи аброр» қасидасидан сўз кетади. Суз асносида Навоий Хусрав Деҳлавийнинг «*Агар афлок ҳаводиси ва рўзигор навойибидин менинг борча назмим замона саҳифасидан маҳв бўлса ва бу қасидам қолса, менг басдир, нечунким ҳар киши ани ўқиса билурким, назм мулкида менинг тасарруф ва иқтидорим не мартабада эркандур*» мазмунидаги фахриясини эслаб ўтади. Бир оз вақт ўтиб Жомий Марвга равона бўлади. Ҳазрат Навоий Жомий ҳузурига

<sup>40</sup> «Қад» сўзи абжад ҳисобида 104 рақамини ҳосил қилади. Бунда ۃ 100 ни, ۋ 4 ни билдиради.



борганида, Жомий «Дарёйи аброр»га татаббу тарзида ёзилган «Лужжат ул-асрор» қасидасини Навоий эътиборига ҳавол қилади. Навоий қасидани уқиб ғоят таъсирланганидан йўлда унга татаббу тарзида матлаъ битиб, агар Жомийга маъқул келса, уни давом эттириши мумкинлигини айтади. Жомийга матлаъ маъқул келиб, уни якунлашга Навоийни илҳомлантиради.

«Учинчи мақолат»да Жомий яратган асарлар таърифига бағишланган бўлиб, мазкур фаслни жомийшуносликнинг пойдевори деб айтиш мумкин. Унда Навоий Жомийнинг 38 асари номини келтирган.

«Хотима»да Навоий устози Жомий ҳузурида ўқиган асарлари рўйхатини келтиради. Бу асарларнинг баъзилари Абдураҳмон Жомий қаламига мансуб бўлса («Рисолаи қофия», «Рисолаи муаммо»нинг иккинчи дафтари, «Рисолаи аруз», «Лавоёҳ» («Ялтироқликлар»), «Лавомеъ» («Равшанликлар»), «Шарҳи рубоийёт», «Нафаҳот ул-унс» («Дўстлик таровати»), «Ашиъат ул-ламаот» («Порлоқ шуълалар»), «Шавоҳид ун-нубувват» («Пайғамбарлик шоҳидлари»), «Ҳафт авранг»), қолганлари Хожа Муҳаммад Порсонинг «Қудсия», Фахриддин Ироқийнинг «Ламаот», Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг фақр ва фано тўғрисидаги рисолалари, Абдуллоҳ Ансорийнинг «Илсҳийнома» асари ва бошқалар эди. Шунингдек, хотимада Жомийнинг хасталиги, вафоти, дафн қилиниш тафсилотлари ҳам келтириб ўтилади. Абдураҳмон Жомий вафотидан бир йил кейин Навоий устози қабри устига улкан мақбара қурдиради, султон Ҳусайн Бойқаро иштирокида катта маросим ўтказиб, маросимда устозининг вафотига бағишлаб ёзган таърих ва марсиясини ўз даврининг машҳур нотиги мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифийга ўқиттиради. Мазкур марсия кейинчалик «Девони Фоний» таркибидан ўрин олган.

«**Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер**» маноқиби Саййид Ҳасан Ардашер вафотидан икки йил кейин – 1490 – 1491 йилларда яратилган. Алишер Навоий Саййид Ҳасан Ардашер билан биринчи марта ҳижрий 860 йил (милодий 1455 – 1456), яъни султон Иброҳим мирзо тахтга ўтирган йили учрашиб танишган. Буюк шоирнинг бу зотга алоҳида ҳурмат ва эҳтиром билан қараганини йигитлик даврида унга бағишлаб шеърий мактуб – маснавий битгани, унинг номини «Мажолис ун-нафоис», «Насойим ул-муҳаббат» асарларига

киритгани, «Хазойин ул-маоний»даги таркиббанд-марсияни буюк зот вафотига бағишлагани, «Соқийнома»да унинг номини алоҳида эслаб ўтгани ҳам кўрсатади.

Навоий бу зотнинг сарф (морфология), наҳв (синтаксис), луғат, араб тили, мантиқ, калом (эътиқод илми), фикҳ (ислом ҳуқуқ-шунослиги), ҳадис, тафсир (Қуръон оятлари шарҳи), муаммо ва таърих илми, нужум илми (астрономия), адвор (муסיқа назари-яси) соҳаларида мукамал билимга эга бўлса-да, ғоят камтар-лик ва одоб юзасидан мажлисларда сукут сақлаб ўтиришларини чуқур ҳурмат билан қайд этади. Саййид Ҳасан Ардашер Лутфий, Атоий, Муқимий, Навоий, форсигўй ижодкорлардан Хожа Ҳофиз Шерозий, Саъдий Шерозий, Фаридиддин Аттор асарларини севиб мутолаа қилган. Айниқса, ҳазрат Навоийнинг қуйидаги байтлари-ни такрорлаб юришни хуш кўрган:

*Фурқатингдин заъфарон узра тўкармен лопалар,  
Лопалар эрмаски, бағримдин эрур парголалар...*

*Ул паривашким, бўлубмен зору саргардо анга,  
Ишқдин олам манга ҳайрон-у, мен ҳайрон анга.*

Навоий бу зотни риндлар шоҳи деб атар экан, Саййид Ҳасан Ардашер саховат, шафқат, лутфу тавозе, одоб, ҳилм (юмшоқ табиатлилик), таҳаммул (сабрлилик), дунёга бефарқлик каби бошқа ҳамма риндларга ҳам насиб этавермайдиган кўплаб нодир фазилатлар эгаси бўлганини таъкидлайди. Саййид Ҳасан Ардашернинг бу каби фазилатларини Навоий бир неча воқеалар мисолида исботлаб беради. Масалан, султон Ҳусайн Бойқаро ҳам Саййид Ҳасан Ардашернинг жуда чуқур ҳурмат қилиб, саройда вазир сифатида ўз ёнида бўлишини истаган. Бироқ «риндлар шоҳи» Саййид Ҳасан Ардашер розилик бермайди ва шонинг раъйини қайтармаслик учун лашкарда оддий навкар бўлиб икки йил хизмат қилади. Лекин султон бу билан у зотга зулм қилаётганини англайди ва хизматдан озод этади. Ҳусайн Бойқаро ўз фарзандларига ҳамиша Саййид Ҳасан Ардашерни ўрнак қилиб кўрсатган.

Асарда Саййид Ҳасан Ардашернинг пок эътиқоди, Ҳаққа муҳаббати, Аллоҳнинг тақдирига ҳамиша розилигини таъкидлар

экан, Навоий бир воқеани келтиради. Унга кўра, Саййид Ҳасан Ардашернинг Саййид Муҳаммад исмли ўн тўрт ёшли яккаю ягона ўгли вафот этганида, ҳамма ғаму қайғуга тушади. Шунда бу зот «Аллоҳнинг иродаси» дея сабр билан мусибатни енгади, ҳатто бошқаларга таскин беради.

Ҳазрат Навоий ва Саййид Ҳасан Ардашер жуда яқин дўст эдилар. Улар ҳамиша, ҳар куни бир-бирларига маънавий-руҳий эҳтиёж сезардилар. Алишер Навоий бу ҳолатни шундай ифодайди:

*«...бир кун алар мулозаматиға етмасам эрди, сабру тоқатим қолмас эрди ва алар ҳам келиб аҳвол сўрарлар эрди: «Ташвише бўлмамиш бўлгайким, букун сендин хабар топа олмадуқ».*

Саййид Ҳасан Ардашер ҳажга боришни ният қилар эди, лекин кўп монеликлар бўлиб ниятига эришолмайди. Навоий давлат юмуши билан Ҳиротдан ташқаридалигида Саййид Ҳасан Ардашер етмиш тўрт ёшида вафот этади. Бундан буюк шоир чуқур қайғуга ботади. Ҳирот шимолидаги тоғ этагида дўсти ва устози ҳисобланмиш бу зотнинг қабри устига сағана қурдиради. Кейинчалик Саййид Ҳасан Ардашернинг бошқа яқин инсонларининг хоклари ҳам бу ерга келтирилиб дафн этилади. Эл орасида бу жой «Азизлар ҳазираси» – «Азиз зотлар хилхонаси» деб ном олади.

«Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер» якунида бу зотнинг вафоти санасига бағишланган таърихни илова қилади, унга кўра, бу сана «Жаннати покаш макон бод»<sup>41</sup> («Мақони пок жаннатда бўлсин») жумласида намоён бўлади.

Хулоса тарзида шуни айтиш мумкинки, Алишер Навоий Саййид Ҳасан Ардашерни комил инсон сифатида тасвирлайди. Асарни ўқиш жараёнида Саййид Ҳасан Ардашернинг маънавий-руҳий дунёси билан яқиндан танишар эканмиз, улуғ шоир бу зотни бежиз комил инсон сифатида танламаганлигига гувоҳ бўламиз.

Ҳазрат Алишер Навоий учун ҳам дўст, ҳам ота, ҳам устоз мақомида бўлган зотлардан бири Паҳлавон Муҳаммад эди. Бу зотнинг вафотидан сўнг улуғ шоир «**Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад**» асарини ёзади. Асарда Паҳлавон Муҳаммаднинг эзгу амаллари, барчага бирдек ёқимли феъл-атвори, кучли салоҳияти ҳақида сўз боради.

<sup>41</sup> Абжад ҳисобида бу сана ҳижрий 894, милодий 1488 ёки 1489 йилга тўғри келади.

Навоий Паҳлавон Муҳаммад ҳақида сўз бошлар экан. аввало, унинг жисмоний жиҳатдан забардаст ва кучли бўлганини айтади. Ҳатто унинг каби кучли инсон беш юз. минг йилларда ҳам туғилмайди дейди. Сўнг унинг юксак илмий истеъдод ва иқтидори ҳақида тўхталиб, мусиқа, тиббиёт, шеърят, қофия, аруз, бадиий санъатлар, илми нужум (астрономия), фикҳда кенг маълумотга эга бўлганини таъкидлайди. Айниқса, мусиқа борасида жуда иқтидорли саналиб, бир неча ғазалларга куй боғлаган эди. Масалан, устод Муҳаммад Хоразмий, мавлоно Нуъмон, мавлоно Соҳиб Балхий, шайх Сафойи Самарқандий, хожа Юсуф Андижоний каби моҳир созанда ва бастакорлар йулида яратган куйлари тингловчилар томонидан илиқ кутиб олинган. Айниқса, Мир Бузург Термизийга бағишлаб кашф қилган «Чоҳоргоҳ» куйи бутун Хуросонда, ҳатто Самарқанд ва Ироқда ҳам бағоят машҳур бўлиб, уни куйламаган бирор ҳофиз қолмаган.

Муаммо илми борасида ҳам Паҳлавон Муҳаммад тенгсиз бўлиб, Куштигир тахаллуси билан бир қанча муаммолар яратган.

Паҳлавон Муҳаммад ғоят хушахлоқ инсон бўлиб, уни Ҳиротда барча таниган-билган инсонлар яхши кўриб, ҳурмат қилганлар: *«Такаллуфсиз ва муболағасиз подшоҳдин гадоғача ва аҳлуплоҳдин яҳуд ва тарсоғача Паҳлавонни севмас ва тиламас киши йўқ эрди».*

Шунинг учун ҳам Паҳлавон Муҳаммад султон ҳузурида юксак мавқега эга бўлиб, шоҳнинг ҳар бир мажлисида иштирок этган.

Навоий Паҳлавон Муҳаммад билан боғлиқ хотираларини эсларкан, Абу Саид мирзо даврида Машҳадда бўлган қизиқарли воқеани келтиради. Мафосил (бод, ревматизм) билан оғриган ёш Алишер Навоийни табиб мавлоно Абдуссалом Шерозий муолажа қилиб, уқалаш лозимлигини айтади. Паҳлавон Муҳаммад меҳрибонлик кўрсатиб ўзи бу ишни бажаришини айтади ва суҳбат орасида туркий шоирлардан қайси бирини кўпроқ маъқул кўришини сўрайди. Навоий аввалига ҳамма шоирларни ҳурмат қилишини айтади. Лекин Паҳлавон Муҳаммад, барибир, улар орасида тафовут бор, ўзингга энг маъқулини айт деб туриб олгач, Навоий Лутфий дея жавоб беради. Шунда Паҳлавон Муҳаммад нега Сайид Насимийни айтмадинг дейди. Алишер Навоий Лутфий мажоз билан сўз айтади, Насимий эса ҳақиқат йўлидагилар каби Ҳақ ишқни ошкора куйлайди. сен мендан мажоз йўли билан ижод

қиладиганларни сўрадинг дейди. Паҳлавон Муҳаммад ундай эмас. Насимийда ҳам ишқни мажоз билан ифода этиш бор дейди ва шу куни Навоий тонгда ёзиб ҳали ҳеч кимга кўрсатмаган ғазалини ўқиб беради ва унинг мақтаъсидаги Навоий сўзи ўрнига Насимийни қўяди:

*Гар Насимий сиймбарлар васлин истаб кўрса ранж,  
Йўқ ажаб, нечунки хом этган киши ранжур эрур.*

Навоий бундан ҳайратга тушади. Ғазал ёзилган қоғозини текширсан, ўз жойида. Эртаси тонгда Паҳлавон Муҳаммад уч-тўрт кишини етаклаб келиб бу ғазални ўн икки йил бурун Абулқосим Бобур мажлисида «тинглаб, ёд олганини» исботлаш учун уларни гувоҳ қилади. Улар ҳам бу ғазални ўша мажлисдан эшитганмиз деб ғазални ёддан айтиб берадилар. Навоий эса янаям ҳайрон бўлади. Кейинчалик маълум бўладики, шу куни ёш шоирнинг либосларини тикаётиб Паҳлавон Муҳаммад янги ғазални топиб, ёд олади ва жойига қўяди. Сўнг эса биз юқорида кўриб ўтган ҳолатни уюштиради. Шундан сўнг Алишер Навоий беморликдан қутулади.

Бу ерда биз Паҳлавон Муҳаммаднинг беғубор ҳазилига гувоҳ бўлиш билан биргаликда оёғи боддан азият чекаётган Навоийнинг касалини даволаган ҳам дея оламиз. Чунки ўзи ёзган ғазални бошқа шоирга нисбат бериб ўқилганидан кейин Навоий бу ҳолатни таҳлил қилиб оёқ оғриғини ҳам унутиб юборади. Бу эса оёқдаги касалликни бош орқали чиқариб юборишдир, эҳтимол.

Навоий ва Паҳлавон Муҳаммад қирқ йил давомида дўсту ҳам-сўхбат бўладилар: «*Қирқ йилга яқин бу фақир била мусоҳиби жоний, маҳрами рози пинҳоний эрди*».

Навоий Паҳлавон Муҳаммаднинг вафот этганини чуқур алам ва ғам билан тасвирлайди. Бир куни Паҳлавон Муҳаммаднинг шогирдларидан бири унинг аҳволи оғирлашиб қолганини айтадилар. Навоий табиб юборади. Бир оздан сўнг, табиблар етиб боргунларича, Паҳлавоннинг вафот этгани тўғрисида хабар келади.

Паҳлавон Муҳаммад султон Ҳусайн Бойқаро унинг учун атаб махсус қурдирган Неъматободдаги даҳмага дафн этилади. Шоир унинг хотирасига бағишлаб ёзган таъриҳида Паҳлавоннинг вафо-

ти санаси «баъди Маҳдуми ба як сол»<sup>42</sup> («Маҳдумдан бир йил кейин») жумласида аниқланади. Чунки Паҳлавон Муҳаммад маҳдуми нуран – Абдурахмон Жомийдан бир йил ўтиб бу фоний дунёни тарк этган эди.

«Муншаот» асари Алишер Навоийнинг турли вақтда турли шахсларга йўллаган мактубларидан иборат тўплам бўлиб, мусулмон Шарқи иншо санъатининг туркий тилда яратилган юксак намуналаридан ҳисобланади. Мазкур асар устида адабиётшунос олимлар С.Ғаниева, Ю.Турсунов ва Қ.Эргашев илмий изланишлар олиб бориб, «Муншаот»нинг хос хусусиятларига доир тадқиқот ва мақолалар яратганлар.

Хусусан, Ю.Турсунов 2001 йилда «Муншаот»ни бугунги кун ўзбек тилига мослаб нашр эттирди.<sup>43</sup> Олим мазкур китобнинг сўзбошисида асарнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тўхталиб, «Муншаот»ни нашрга тайёрлаш жараёнида асарнинг бир неча қўлёзма нусхалари қиёсан ўрганиб чиқилганини ва улар таркибидаги мактублар сон жиҳатдан фарқланишини таъкидлайди. Ю.Турсунов Санкт-Петербургдаги Давлат халқ кутубхонасида 588-тартиб рақами билан сақланувчи «Муншаот» таркибида 60 та, бошқа кўплаб нусхаларда 90 та атрофида, ниҳоят, Алишер Навоийнинг ўзи тузган «Қуллийёт»га киритилган «Муншаот»даги мактублар сони 104 та эканини маълум қилади. Олим бу ҳолатни Алишер Навоийнинг мактублари турли даврларда яратилганлиги ва кейинроқ ёзилган хатлар асосида «Муншаот» таркиби тўлдириб борилганлиги билан изоҳлайди. Ю.Турсунов амалга оширган «Муншаот» нашри Истанбулдаги Тўпқопи саройи кутубхонасида 808-рақам остида сақланаётган Алишер Навоий асарлари қуллийётининг қўлёзма нусхаси асосида бўлиб, мазкур нусхадаги «Муншаот» бошқаларига нисбатан тўлиқроқ ҳисобланади, яъни 107 мактубни ўз ичига олади.<sup>44</sup>

Мусулмон Шарқида мактуб иншо санъатини ўзида намоён қилиб, унда мактуб битувчининг бадиий салоҳияти, нуктадонлиги,

<sup>42</sup> Абжад ҳисобида бу сана 899 ҳижрий, 1493 милодий йил чиқади.

<sup>43</sup> Навоий Алишер. Муншаот: (Мактублар) / Изоҳли баён муаллифи Ю.Турсунов. – Тошкент: Маънавият, 2001 – Б.152.

<sup>44</sup> МАТнинг 14-жилдига киритилган «Муншаот» таркибида 103 та мактуб келтирилган.

сўзга ҳассослиги акс этган ва бу хатларда махсус ахборот етказишдан кўра чуқур мазмуннинг мавжудлиги устувор ҳисобланган. Алишер Навоий «Муншаот» муқаддимасида бу ҳақда тўхталиб, форсий тилда ёзилган мактублардаги жимжимадорлик, нозиклик, мазмунан теран байтларнинг туркий тилда битилган мактубларда мавжуд эмаслигини, аксинча, туркий тилдаги хатларнинг бадиийликдан йироқ бўлганини таъкидлаб, турли шеърий парчалар билан безалган гўзал мактубларни туркий тилда ҳам ёзиш мумкинлигини исботлаш мақсадида ўз хатларини тўплаб, тақдим этаётганини маълум қилади. Ҳақиқатан ҳам, Алишер Навоий «Муншаот»и таркибига кирган мактублар моҳияти билан танишиш натижасида шу нарса маълум бўладики, ҳар бир мактубда турли бадиий санъатлар: ўхшатиш, истиора, ташбеҳ, муболаға ва сажъ усулидан жуда кўп ўринларда фойдаланилган. Бундан ташқари, деярли ҳар бир хатда Қуръон оятлари, ҳадислар, рубоий, байт, маснавий, шеърий парчалар келтирилган бўлиб, улар хат юборилган инсонга фикрни янада таъсирчан тарзда етказишга хизмат қилган.

Алишер Навоийнинг «Муншаот» асаридаги мактублар турли воқеа-ҳодисалар муносабати билан шоирнинг дўсти султон Ҳусайн Бойқарога, шаҳзодаларга ва бошқа шахсларга йўлланган бўлиб, улар мазмунан насиҳат, йул-йўриқ кўрсатиш руҳидадир. Хатларда турли тарихий шахслар номлари, уларнинг ҳаёти билан боғлиқ ибратли жиҳатлар тилга олиниб, Алишер Навоий бу орқали мактуб йўлланаётган одамни тўғри йўлга чақиради.

Умуман олганда, Алишер Навоийнинг «Муншаот» асари муслмон Шарқи иншо санъатининг юксак намунаси бўлиш билан бирга ўз даврининг ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ҳаёти ҳақида хабар берувчи муҳим манба сифатида ҳам ғоят қимматлидир.

**«Маҳбуб ул-қулуб»** («Кунгилларнинг севгани») ҳазрат Навоийнинг умри поёнида ёзган сўнгги асари бўлиб, 1500 йилда яратилган. Асар ахлоқий-таълимий мазмунда, буюк мутафаккирнинг бой ҳаётий тажрибаси ва хулосалари асосида яратилган, Навоийнинг ўзи бу ҳақда асар муқаддимасида шундай ёзади:

*«...Бу навъ асҳоб ва аҳбобга интибоҳ қилмоқ ва аларни бу навъ ҳолатдин огоҳ қилмоқ вожиб кўрундики, ҳар тоифа хисолидин вуқуфлари ва ҳар табақа аҳволидин шуурлари бўлганки, муно-*

сиб эл хизматиға шитоб қилғайлар ва номуносиб эл суҳбатидин ижтиноб вожиб билгайлар ва бори эл била махфий розларин сўзлашгайлар ва шаётин ва инс макру фирибдин бозий емагайлар. Ва ҳар навъ эл суҳбат ва хусусиятики, аларга ҳавас бўлғай, бу фақирнинг тажрибаси аларга бас бўлғай».

«Маҳбуб ул-қулуб» асари 3 қисмга бўлинади. Биринчи қисм «Халойиқ аҳвол ва афъол ва ақволининг кайфияти» деб аталиб, 40 фаслни ўз ичига олади. Унда султонлардан тортиб дарвешларгача бўлган 49 ижтимоий табақа ва гуруҳларнинг тавсифи келтирилади. Навоий биринчи фаслда, аввалги асарларида бўлгани каби, ҳукмдор, энг аввало, адолатли бўлиши керак деган масалани кўяди ва одил подшо Аллоҳнинг фуқарога юборган раҳматидир, унинг адолати мамлакатга омонлик ва фаровонлик олиб келади дейди:

«Одил подшоҳ ҳақдин халойиққа раҳматдур ва мамоликка мужиб амният ва рафоҳият». Навоий ана шундай одил подшо сифатида султон Ҳусайн Бойқарони мадҳ этади:

*Бори бенаволар навосози ул,  
Ҳамул навъким, шоҳ Абулғози<sup>5</sup> ул,  
Келиб айни инсону инсони айн.  
Жаҳон вориси шоҳ султон Ҳусайн  
Ки, то бўлса гардунга давворлиқ.  
Анга боқий ўлсун жаҳондорлиқ.*

Шунингдек, биринчи қисмда вазирлар, ноиблар, муфтийлар, котиблар, табиблар, шоирлар, деҳқонлар каби турли тоифа вакиллари таърифлари ҳам келтирилганки, бу фикрлар бугунги кун учун ҳам ибратли бўлиб, жамият кишилари учун дастуриламал бўла олади.

Асарнинг 10 бобдан иборат иккинчи қисми «Ҳамида афъол ва замима хисол хосиятида» деб номланиб, ахлоқий масалаларга бағишланган. Мазкур қисм «Ҳайрат ул-аброр» достони сингари муайян ахлоқий масаланинг тавсифи ва унга илова қилинган ҳикоят баёнидан иборат. Хусусан, биринчи фасл «Тавба зикрида» деб аталган. Маълумки, тавба тасаввуф мақомларидан биринчиси бўлиб, бунда солиқ Ҳаққа етишиш йўлида ғов бўладиган жамики нарсалардан юз ўгиришга қатъий жазм қилади, бутун



интилиши, таважжухини Аллоҳга қаратади, аввалги ҳаёт тарзидан бутунлай воз кечади. Навоий тавбага таъриф бериб шундай ёзади:

*«Тавба мужрим банданинг вақти кўзгусин исён зангидин ори-тур ва ниёз муқили билан ёритур... Бу мартаба тариқат аҳли-нинг аввалги гомидур ва мақсад водийсининг аввалги манзилига ҳомийдур...».*

Таърифдан сўнг Навоий тавба мақоми билан боғлиқ ҳикоят келтиради. Ҳикоятга кўра, буюк шайх Абдулло Муборак (ваф. 171/787 – 788) бир канизак ишқига гирифтор бўлади. Қиш кечаларидан бирида тонгга қадар маъшуқа девори остида туради. Қор ва совуқда қолади. Саҳар намози азонини хуфтон деб ўйлайди. Ўзига келгач дейди: – Эй Муборакнинг номуборак ўғли, сенга уят эмасми? Агар имом намозда узунроқ сура қироат қилса, толиқардинг. Энди нафсинг ҳавосига тонг отқунча мундоғ азоб тортарсен». Шундан сўнг Абдуллоҳ Муборак тавба қилиб, сулуққа берилади.

Шунингдек, мазкур қисмда яна зуҳд, таваккул, қаноат, сабр, та-возуъ ва адаб, зикр, таважжух, ризо, ишқ каби ахлоқий масалалар таърифи ва уларга илова қилинган ҳикоятлар баёни ҳам келтирилган.

Асарнинг учинчи қисми «Мутафарриқа фавойид ва амсол сура-ти» деб аталиб, турли фойдали пандлар ва ҳикматларни ўз ичига олади. Асарда улар «танбеҳ» номи билан аталиб, жами 127 та танбеҳ келтирилган. Танбеҳларнинг аксарияти ҳадислар мазмуни билан уйғунлик касб этади. Хусусан, 30-танбеҳ:

*«Сизлардан ҳеч бирингиз ўзига раво кўрган нарсасини биродарига раво кўрмагунча чин муъмин бўлолмайди» ҳадисига мазмунан яқинлигини кўриш мумкин:*

*«Ҳар кимки биров била ёрдур ёки ёрлиғ даъвийси бор-дур, керакким ўзига раво тутмоғонни ёриға раво тут-маса, кўп нимаким. ўзига ҳам раво тутса, анга тут-маса. Бас машаққатким, андин руҳға алам етар, киши ани ўз жисму жониға таъвиз етар. Аммо ани ёриға тахайюл қила олмас, агар тахайюл қилса, ваҳшатидин ҳаёти қолмас.*

*Қитъа:*

*Ёр улдурки, ҳар нечаким ўзига  
Истамас. ёриға ҳам истамагай.*

*Ўзи истарки, ёр учун ўлгай,  
Ани мунда шарик айламагай.*

Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» асари бадий жиҳатдан ҳам юксак савияга эга. Асарда қўлланилган сажъ (настрий қофия) усули асарга мусиқий оҳанг бағишлаб, унинг таъсирчанлиги ва бадий жозибасини оширган. Асарда келтирилган кичик ҳажмли ҳикоялар, шеърий парчалар, мақоллар қуйилган масалаларга яқун яшаш, «қиссадан ҳисса» чиқариш вазифасини бажарган. Умуман олганда, Навоийнинг мазкур асари буюк мутафаккир меросининг муҳим ва қимматли ёдгорлиги бўлиб, XV асрдан кейинги бадий наср тараққиётига самарали таъсир кўрсатди.

### Таянч тушунчалар

- тарихшунослик
- анбиё
- ҳукамо
- мурсалин
- ваҳий
- Қуръон қиссалари
- Ажам
- тарихий манбалар
- муаррих
- сулолалар
- ҳолот
- ёднома асарлар
- жомийшунослик
- сарф
- наҳв
- таърих илми
- риндлар шоҳи
- азизлар хазираси
- иншо санъати
- табақалар
- Ҳаққа этишиш
- танбеҳ

### Савол ва топшириқлар:

1. Алишер Навоийнинг «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асари бош манбаси сифатида қайси манбаларни кўрсата оласиз?
2. «Тарихи анбиё ва ҳукамо» таркибидаги қиссалардан шоир қандай фалсафий хулосалар чиқаради?
3. «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарининг маънавий-маърифий жиҳатдан бугунги кундаги аҳамияти қайси ўринларда намоён бўлади деб ўйлайсиз?
4. «Тарихи мулуки Ажам» асари учун асос бўлган манбаларни санаб беринг.
5. «Тарихи мулуки Ажам» асарида келтирилган сулолалар

тарихига оид маълумотлар Алишер Навоийнинг яна қайси асарида учрайди?

6. «Тарихи мулуки Ажам» асарини Алишер Навоийнинг султон Ҳусайн Бойқаро тарихини ёритишга бағишланган асарнинг бир қисми деган қарашга муносабат билдира оласизми?

7. «Хамсат ул-мутаҳаййирин» асари таркиби, унда келтирилган маълумотлар ҳақида тўхталинг.

8. Алишер Навоий «Хамса»си дostonлари муқаддималарида берилган Абдураҳмон Жомий билан боғлиқ маълумотларни «Хамсат ул-мутаҳаййирин»даги маълумотлар билан қиёслаб таҳлил этинг.

9. «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер» асарида Алишер Навоий нима учун Саййид Ҳасан Ардашерни «комил инсон» сифатида тасвирлаган?

10. «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» асари асосида Алишер Навоийнинг Паҳлавон Муҳаммад билан бўлган муносабатлари хусусида тўхталинг.

11. «Муншаот» асарининг мазмун-моҳияти ва мусулмон Шарқдаги иншо санъати хусусида фикр билдинг.

12. «Маҳбуб ул-қулуб» асарининг инсон маънавий дунёси тарбиясидаги аҳамиятини қай даражада деб баҳолайсиз?

### Адабиётлар:

1. Навоий Алишер. Маҳбуб ул-қулуб. Муншаот. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 14-жилд. – Тошкент: Фан, 1998. – Б.5 – 230.

2. Навоий Алишер. Хамсат ул-мутаҳаййирин. Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер. Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 15-жилд. – Тошкент: Фан, 1999. – Б.7 – 122.

3. Навоий Алишер. Тарихи анбиё ва ҳукамо. Тарихи мулуки Ажам. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан, 2000. 16-жилд. – Б.99 – 260.

4. Маҳбубул-қулуб / Насрий баён муаллифи И.Махсумов. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983.

5. Муншаот (Мактублар) / Изоҳли баён муаллифи Ю.Турсунов. – Тошкент: Маънавият, 2001.

6. Алишер Навоий ижодий ва маънавий меросининг оламшумул аҳамияти (халқаро илмий-назарий анжуман материаллари). – Тошкент: O'zbekiston, 2011.

7. Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Movarounnahr – O'zbekiston, 2009.

8. Қаямов А. Дилкушо такрорлар ва руҳафзо ашъорлар. – Тошкент: MUMTOZ SO'Z, 2011.

9. Ўзбек адабиёти тарихи. Беш жилдлик. 2-жилд (XV асрнинг иккинчи ярми). – Тошкент: Фан, 1977.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати****Манбалар:**

1. Аёзий Мирзо Муҳаммад Ҳайдар. Тарихи Рашидий. – Тошкент: O'zbekiston, 2011. – 704 б.
2. Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъ ус-санойиъ / Форсчадан А.Рустамов таржимаси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981. – 398 б.
3. Бобур Заҳириддин. Бобурнома / Ҳозирги ўзбек тилига Ваҳоб Раҳмонов ва Каромат Муллаҳўжаева табдили. – Тошкент: O'qituvchi, 2008. – 288 б.
4. Бобир Заҳириддин. Мухтасар / Нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов. – Тошкент: Фан, 1971. – 413 б.
5. Бойқаро Ҳусайн. Рисола: Девон. – Тошкент: Шарқ, 1995. – 160 б.
6. Восифий Зайниддин. Бадоеъул вақоеъ – Нодир воқеалар / Форсидан Н.Норкулов таржимаси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. – 216 б.
7. Жомий Абдураҳмон. Лайли ва Мажнун. Саломон ва Абсол / Масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи А.Қаюмов. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989. – 224 б.
8. Навоий Алишер. Айёми висол ўлди яна: Янги топилган ғазаллар / Нашрга тайёрловчи Ф.Сулаймонова. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1995.
9. Навоий Алишер. Хазойинул маоний / Илмий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳ.Сулаймонов. 4 жилдлик. 1 – 4-жилдлар. – Тошкент: Фан, 1959 – 1960.
10. Навоий Алишер. Бадоеъ ул-бидоя. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан, 1987. Т.1. – 723 б.
11. Навоий Алишер. Наводир ун-нихоя. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан, 1987. Т.1. – 620 б.
12. Навоий Алишер. Хазойин ул-маоний. Фаройиб ус-сиғар. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан, 1988. Т.3. – 616 б.
13. Навоий Алишер. Хазойин ул-маоний. Наводир уш-шабоб. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан, 1989. Т.4. – 557 б.
14. Навоий Алишер. Хазойин ул-маоний. Бадоеъ ул-васат. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан, 1990. Т.5. – 541 б.

15. Навоий Алишер. Хазойин ул-маоний. Фавойид ул-кибар. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан, 1990. Т.6. – 568 б.
16. Навоий Алишер. Ҳайрат ул-аброр. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан, 1991. Т.7. – 392 б.
17. Навоий Алишер. Фарҳод ва Ширин. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан, 1991. Т.8. – 544 б.
18. Навоий Алишер. Лайли ва Мажнун. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан, 1992. Т.9. – 356 б.
19. Навоий Алишер. Сабъаи сайёр. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан, 1992. Т.10. – 448 б.
20. Навоий Алишер. Садди Искандарий. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан, 1993. Т.11. – 640 б.
21. Навоий Алишер. Лисонут-тайр. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан, 1996. Т.12. – 326 б.
22. Навоий Алишер. Мажолис ун-нафоис. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан, 1997. Т.13. – 284 б.
23. Навоий Алишер. Маҳбуб ул-қулуб, Муншаот. Вақфия. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан, 1998. Т.14. – 303 б.
24. Навоий Алишер. Хамсат ул-мутаҳаййирин. Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер. Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад. Назм ул-жавоҳир. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан, 1999. – Т.15. – 236 б.
25. Навоий Алишер. Муҳокамат ул-луғатайн. Мезон ул-авзон. Тарихи анбиё ва ҳукамо. Тарихи мулуки Ажам. Арбаъин. Сирож ул-муслимин. Муножот. Рисолаи тийр андохтан. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан, 2000. Т.16. – 336 б.
26. Навоий Алишер. Насойим ул-муҳаббат. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан, 2001. Т.17. – 519 б.
27. Навоий Алишер. Девони Фоний. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан, 2002. Т.18. – 551 б.
28. Навоий Алишер. Девони Фоний (Давоми). МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан, 2002. Т.19. – 600 б.
29. Навоий Алишер. Девони Фоний (Давоми): Қасидалар, муфрадот, иловалар. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан, 2003. Т. 20. – 567 б.
30. Навоий Алишер. Ҳайратул-аброр (насрий баёни билан) / Таҳрир ҳайъати А.Қаюмов ва бошқ. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989. – 352 б.
31. Навоий Алишер. Фарҳод ва Ширин (насрий баёни билан) /

Таҳрир ҳайъати А.Қаюмов ва бошқ. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989. – 246 б.

32. Навоий Алишер. Лайли ва Мажнун / насрий баён муаллифлари В.Раҳмонов, Н.Норқулов. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1990. – 365 б.

33. Навоий Алишер. Сабъаи сайёр (насрий баёни билан) / Таҳрир ҳайъати А.Қаюмов ва бошқ. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991. – 544 б.

34. Навоий Алишер. Садди Искандарий (насрий баёни билан) / Таҳрир ҳайъати А.Қаюмов ва бошқ. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991. – 832 б.

35. Лисонут тайр (насрий баёни билан) / Таҳрир ҳайъати А.Қаюмов ва бошқ. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991. – 464 б.

36. Navoiy Alisher. Hayrat ul-abror (nasriy bayoni bilan). – Toshkent: G'.G'ulom, 2006.

37. Navoiy Alisher. Farhod va Shirin (nasriy bayoni bilan). – Toshkent: G'.G'ulom, 2006.

38. Navoiy Alisher. Layli va Majnun (nasriy bayoni bilan). – Toshkent: G'.G'ulom, 2006.

39. Navoiy Alisher. Sab'ai sayyor (nasriy bayoni bilan). – Toshkent: G'.G'ulom, 2006.

40. Navoiy Alisher. Saddi Iskandariy (nasriy bayoni bilan). – Toshkent: G'.G'ulom, 2006.

41. Navoiy Alisher. Lison ut-tayr (nasriy bayoni bilan). – Toshkent: G'.G'ulom, 2005.

42. Навоий Алишер. Маҳбуб ул-қулуб: Қалблар севгилиси / Масъул муҳаррир ва сўз боши муаллифи С.Ғаниева. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983. – 111 б.

43. Навоий Алишер. Муншаот / Изоҳ баён муаллифи Ю.Турсунов. – Тошкент: Маънавият, 2001. – 152 б.

44. Самарқандий Давлатшоҳ. Шоирлар бўстони («Тазкират ушшуаро»дан). – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1967. – 224 б.

45. Хондамир Ғиёсиддин бинни Ҳумомиддин. Макорим ул-ахлоқ. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981. – 136 б.

46. Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балоға. – Тошкент: Хазина, 1996. – 212 б.

**Илмий-назарий адабиётлар:**

1. Абдуғафуров А. «Хазойин ул-маоний»дан четда қолган ғазаллар // Навоийнинг ижод олами (мақолалар тўплами). – Тошкент: Фан, 2001.
2. Акбарова М. Алишер Навоий ғазалларида қофия: Филол. фан. номз... дис. автореф. – Тошкент, 1997. – 20 б.
3. Алиев Г. Ю. Темы и сюжеты Низами в литературах народов Востока. – М.: Наука, 1985. – 366 б.
4. Алишер Навоий: 1441 – 1501 йил. Адабиётлар кўрсаткичи / Туз. З.Бердиева, А.Туропова. – Тошкент, 1991.
5. Алишер Навоий. Ғазаллар. Шарҳлар. – Тошкент: Камалак, 1991.
6. Алишер Навоий «Хамса»си (мақолалар тўплами): Тадқиқотлар. – Тошкент: Фан, 1970.
7. Алишер Навоий ижодий ва маънавий меросининг оламшумул аҳамияти (халқаро илмий-назарий анжуман материаллари). – Тошкент: O'zbekiston, 2011. – 176 б.
8. Араслы Н.Г. Ариф Ардебилли и его поэма «Фархаднаме»: Афтореф. дис... канд. филол. наук. – Баку, 1969. – 27 с.
9. Араслы Н. Г. Низами ва турк эдебйати. – Баку: Элм, 1980. – 206 с.
10. Афсаҳзод Аълоҳон. Лирика Абд ар-Раҳмана Джами. Проблемы текста и поэтики. – М.: Наука, 1988. – 326 с.
11. Аҳмедов Т. Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достони. – Тошкент: Фан, 1970. – 140 б.
12. Бартольд В.В. Мир Али Шир и политическая жизнь. Сочин. В IX томах. – М.: Наука, 1964. Т. II. Ч.2.
13. Бертельс Е.Э. Низами. Творческий путь поэта. – М.: Наука, 1956.
14. Бертельс Е.Э. История персидско-таджикской литературы. – М.: Наука, 1960. – 554 с.
15. Бертельс Е.Э. Избранные труды. Низами и Физули. – М.: Наука, 1962. – 552 с.
16. Бертельс Е.Э. Избранные труды. Навои и Джами. – М.: Наука, 1965. – 500 с.



17. Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. – М.: Наука, 1965.
18. Бертельс Е.Э. Избранные труды. История литературы и культуры Ирана. – М.: Наука, 1988. – 560 с.
19. Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993. – 191 б.
20. Vohidov R., Eshonqulov H. O'zbek mumtoz adabiyoti tarixi. – Toshkent: O'zYU Adabiyot jamg'armasi nashriyoti, 2006.
21. Жумахўжа Н. Сатрлар силсиласидаги сеҳр. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996.
22. Зоҳидов Л. «Девони Фоний» бадииятига доир мулоҳазалар // Адабиёт кўзгуси. – Тошкент, 2010. – №10.
23. Имомназаров М. Ҳақиқат ва мажоз (2 – 3-мақолалар) // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1989. – №4; 1991. – №4.
24. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: Зарқалам, 2006. – 128 б.
25. Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Тошкент: Фан, 1983. – 168 б.
26. Комилов Н. Маънолар оламига сафар. – Тошкент: TAMADDUN, 2012. – 316 б.
27. Комилов Н. Фақр нури порлаган қалб (Алишер Навоийнинг форсий қасидалари). – Тошкент: Маънавият, 2001.
28. Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Movarounnahr–O'zbekiston, 2009. – 448 б.
29. Конрад Н.И. Запад и Восток (статья). – М.: Восточная литература, 1972. – 496 с.
30. Литературный энциклопедический словарь / Под общей редакцией В.М.Кожевникова и П.А.Николаева. – М.: Советская энциклопедия, 1987. – 752 с.
31. Мамадалиева З. «Лисон ут-тайр» достонидаги рамзий образлар тизими. Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 2011. – 26 б.
32. Мирзаев С. Навоий арузи. Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1946.
33. Муҳиддинов М. Алишер Навоий ва унинг салафлари ижодида инсон концепцияси («Хамса»ларнинг биринчи дostonлари асосида). Филол. фан. докт... дис. автореф. – Тошкент, 1995. – 60 б.

34. Муҳиддинов М. Комил инсон – адабиёт идеали. – Тошкент: Маънавият, 2005. – 208 б.
35. Нарзуллаева С.Н. Тема «Лейли и Меджнун» в истории литературы народов Советского Востока: Афтореф. дисс... док. филол. наук. – Баку, 1980. – 49 с.
36. Олимов М. Рисолаи аруз. – Тошкент: Ёзувчи, 2002. – 88 б.
37. Олимов С. Ишқ, ошиқ ва маъшуқ. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1992. – 80 б.
38. Рахимов Ж. Жанр автобиографии (хасби хол) в «Пятерике» Алишера Навои: Афтореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1991. – 20 с.
39. Расулов А. Илми ғарибани қўмсаб... – Тошкент: Маънавият, 1998. – 64 б.
40. Раҳмонов В. Шеър санъатлари. – Ленинобод, 1972. – 180 б.
41. Рустамов А. Навоийнинг бадий маҳорати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. – 216 б.
42. Сирожиддинов Ш. Навоий замондошлари эътирофида. – Самарқанд: Зарафшон, 1996. – 65 б.
43. Сирожиддинов Ш.С. Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига оид XV – XIX асрларда яратилган форс-тожик манбалари (қиёсий-типологик, текстологик таҳлил). Филол. фан. докт... дисс. автореф. – Тошкент, 1998. – 45 б.
44. Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. – Тошкент: Akademnashr, 2011. – 326 б.
45. Стеблева И.В. Ритм и смысл в классической тюркоязычной поэзии. – М.: Наука, 1993. – 180с.
46. Султон Иззат. Навоийнинг қалб дафтари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1973.
47. Султон И. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – 392 б.
48. Sul-ton I. Adabiyot nazariyasi. – Toshkent: O'qituvchi, 2005. – 272 b.
49. Хасанов С. Роман о Бахраме. – Ташкент: Литература и искусства, 1988. – 208 с.
50. Шарипов Ш. Алишер Навоий «Лисонут тайр» достонининг

генезиси ва ғоявий-бадиий хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1982. – 96 б.

51. Шарипов Ш. «Лисонут тайр» ҳақиқати. – Тошкент: Маънавият, 1998. – 160 б.

52. Шарқ мумтоз поэтикаси: Манба ва талқинлар / Нашрга тай-ёрловчи, талқин ва шарҳлар муаллифи Ҳ.Болтабоев. – Тошкент: ЎзМЭ, 2006. – 430 б.

53. Шомуҳамедов Ш.М. Форс-тожик адабиёти тарихидан қисқача курс: Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТошДУ, 1987. – 110 б.

54. Эркинов А.С. Алишер Навоийнинг пейзаж яратиш маҳорати («Садди Искандарий» достони мисолида). Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1990. – 121 б.

55. Эркинов А.С. Алишер Навоий «Хамса»си талқинининг XV – XX аср манбалари. Филол. фан. докт.. дисс. – Тошкент, 1998. – 220 б.

56. Эркинов А.С. Источники интерпретации «Хамса» Алишера Навои в XV – XX вв. Афтореф. дисс... док. филол. наук. – Ташкент, 1998. – 52 с.

57. Эркинов А.С. Подражательность или оригинальность: оценка В.В.Бартольдом узбекской классической литературы // Русская диаспора в Узбекистане: время, события, люди. Материалы научной конференции. – Ташкент, 2009. – С.72 – 78.

58. Эркинов С. Навоий «Фарҳод ва Ширин»и ва унинг қиёсий таҳлили. – Тошкент, 1971. – 276 б.

59. Эркинов С. Шарқ адабиётида Фарҳод қиссаси. – Тошкент: Фан, 1985. – 64 б.

60. Эркинов С., Ғанихонов М. Низомий Ганжавий. – Тошкент: Фан, 1992. – 68 б.

61. Эркинов А. Навоийнинг мухлислари томонидан тузилган яна бир девони // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: Фан, 2012. – №1.

62. Юсупова Д., Қуронов С. Навоийнинг форсий қасидалари // Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 2011. – №1.

63. Юсупова Д. Алишер Навоий «Хамса»сида мазмун ва ритмининг бадиий уйғунлиги. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2011. – 144 б.

64. Ўзбек адабиёти тарихи. Беш жилдлик. Ж.2 (XV асрнинг иккинчи ярми). – Тошкент: Фан, 1977. – 460 б.

65. Қаюмов А. Нодир саҳифалар. Навоийнинг кам ўрганилган баъзи асарлари тўғрисида. -- Тошкент: Фан, 1991. – 144 б.

66. Қаюмов А. «Ҳайрат ул-аброр» талқини. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1985.

67. Қаюмов А. Ишқ водийси чечаклари: А.Навоий ижоди ҳақида. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1985. – 256 б.

68. Қаюмов А. «Садди Искандарий». – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1975. – 196 б.

69. Ганиева С. Алишер Навоий: Ҳаёти ва ижоди / Масъул муҳаррир А.Қаюмов. – Тошкент: Фан, 1968. – 148 б.

70. Ганиева С. Алишер Навоийнинг прозаик асарлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1981. – 37 б.

71. Ганиева С. Алишер Навоий: Ҳаёти ва ижоди / Масъул муҳаррир А.Қаюмов. – Тошкент: Фан, 1968. – 148 б.

72. Ганиева С. Алишер Навоийнинг прозаик асарлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1981. – 37 б.

73. Ганиева С. Навоий ёдга олган асарлар. – Тошкент, 2009.

74. Қуронов Д. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: Фан, 2007. – 227 б.

75. Ҳайитметов А. Навоийхонлик суҳбатлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993. – 216 б.

76. Ҳайитметов А. Темурийлар даври ўзбек адабиёти. – Тошкент: Фан, 1996. – 160 б.

77. Ҳасанов С. Бобирнинг «Аруз рисоласи» асари. – Тошкент: Фан, 1981. – 96 б.

78. Ҳасанов С. Навоийнинг 7 тухфаси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991. – 192 б.

79. Ҳаққулов И. Тасаввуф ва шеърят. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991. – 184 б.

80. Ҳаққулов И. Камол эт касбким. – Тошкент: Чўлпон, 1991. – 240 б.

81. Ҳаққул И. Навоийга қайтиш. – Тошкент: Фан, 2007. – 224 б.

82. Ҳожиаҳмедов А. Ўзбек арузи луғати. – Тошкент: Шарқ, 1998. – 224 б.

83. Ҳожиаҳмедов А. Шеърый санъатлар ва мумтоз қофия. – Тошкент: Шарқ, 1998. – 158 б.

84. Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Тошкент: Шарқ, 1999. – 240 б.

85. Ҳожиаҳмедов А. Навоий арузи нафосати. – Тошкент: Фан, 2006. – 288 б.

86. Ҳожиаҳмедов А. Ҳусни таълил санъати. – Тошкент: Фан, 2006. – 288 б.

<http://www.referun.com/n/issledovanie-zhizni-i-tvorchestva-alish-era-navoi-v-zapadnoevropeyskom-vostokovedenii#ixzz2HOWXH4iO>

<http://www.payam-aftab.com/en/news/3094/Ali-Shir-Nava%27i>

## НАВОИЙ ҲАЁТИ, ИЖОДИ ЧИЗМА ВА ЖАДВАЛЛАРИ

### Алишер Навоий ижодининг ўрганилиши

#### Алишер Навоийнинг ўз асарларидаги маълумотлар

1. Ижтимоий фаолияти: «Вақфия», «Муншаот».
2. Шахсий ҳаёти: «Мажолис ун-нафоис», «Хамса», «Муножот», «Хазойин ул-маоний».
3. Баъзи асарларининг ёзилиш тарихи: «Муҳокамат ул-луғатин», «Хамсат ул-мутаҳаййирин», «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер»

#### Замондошларининг асарларида келтирилган маълумотлар

Абдураззоқ Самарқандий. «Матлаъи саъдайн ва мажмаи баҳрайн»; Муҳаммад ибн Ховандшоҳ Мирхонд. «Равзат ус-сафо»; Давлатшоҳ Самарқандий. «Тазкират уш-шуаро», Муиниддин Муҳаммад ал-Замжий ал-Исфизорий. «Равзат ул-жиннат»; Фиёсиддин Ҳумомиддин Хондамир. «Хулосат ул-ахбор», «Ҳабиб ус-сияр», «Мақорим ул-ахлоқ»; Зайниддин Восифий. «Бадоеъ ул-вақоъъ»; Ҳусайн Бойқаро. «Рисола», Абдуллоҳ Ҳотифий. «Лайли ва Мажнун»; Ҳусайн Воиз Кошифий. «Жавоҳир ул-тафсир»; Атоуллоҳ Асилий. «Равзат ул-аҳбоб»; Шамсиддин Муҳаммад Бадахший. «Рисолаи муаммо»

#### XVI – XIX асрлардаги тазкира, луғат, тарихий ва бадий асарлар

Лутф Алибек Озар. «Оташқадаи Озарий»; Сом Мир Сафавий. «Тухфаи Сомий»; Ризоқулихон Ҳидоят. «Мажмуъ ул-фусаҳо»; Фаҳрий Ҳиротий. «Латоифнома»; Мирзо Ҳайдар «Тарихи Рашидий»; Заҳириддин Муҳаммад Бобур. «Бобурнома»; «Бадоеъ ул-луғат»; «Луғати Навоий»; Алоий бинни Муҳибий. «Ал луғат ун-Навоия вал-истишҳодат ул чигатоият»; Мирзо Маҳдийхон. «Мабон ул-луғат»; Фатҳ Али Кожарий. «Луғоти атрокия»; Муҳаммад Хоксор. «Мунтахаб ул-луғат»; Шайх Сулаймон Бухорий. «Луғат чигатоий ва турки усмоний». Ҳусайний. «Бадоеъ ус-саноеъ»; Аҳлий Шерозий. «Куллиёти Аҳ Шерозий»; «Абушқа» луғати.



## 1-илова

**1987 – 2003 йилларда чоп этилган Алишер Навоий  
«Мукаммал асарлар тўплами»нинг тўлиқ рўйхати**

<b>Жилд рақами</b>	<b>Жилд таркибидаги асарлар</b>
1-жилд	«Бадойиъ ул-бидоя», девон.
2-жилд	«Наводир ун-ниҳоя», девон.
3-жилд	«Ғаройиб ус-сиғар», девон.
4-жилд	«Наводир уш-шабоб», девон.
5-жилд	«Бадойиъ ул-васат», девон.
6-жилд	«Фавойид ул-кибар», девон.
7-жилд	«Ҳайрат ул-аброр», достон.
8-жилд	«Фарҳод ва Ширин», достон.
9-жилд	«Лайли ва Мажнун», достон.
10-жилд	«Сабъаи сайёр», достон.
11-жилд	«Садди Искандарий», достон.
12-жилд	«Лисон ут-тайр», достон.
13-жилд	«Мажолис ун-нафоис».
14-жилд	«Маҳбуб ул-қулуб», «Муншаот», «Вақфия».
15-жилд	«Девони Фоний» (давоми), «Муфрадот», Иловалар.
16-жилд	«Муҳокамат ул-пуғатайн», «Мезон ул-авзон», «Тарихи анбиё ва ҳукамо», «Тарихи мулуки Ажам», «Арбаъин», «Сирож ул-муслимин», «Муножот», «Рисолаи тийр андохтан».
17-жилд	«Насойим ул-муҳаббат».
18-жилд	«Девони Фоний», ғазаллар
19-жилд	«Девони Фоний», ғазаллар (давоми).
20-жилд	«Девони Фоний» (давоми), «Муфрадот», Иловалар.




## 2-илова


**2011 йилда чоп этилган Алишер Навоий  
10 жилдлигининг тўлиқ рўйхати**

<b>Жилд рақами</b>	<b>Жилд таркибидаги асарлар</b>
1-жилд	«Фаройиб ус-сиғар»
2-жилд	«Наводир уш-шабоб»
3-жилд	«Бадоеъ ул-васат»
4-жилд	«Фавойид ул-кибар»
5-жилд	«Девони Фоний»; «Қасоид»; «Муфрадот»; «Хамсат ул-мутаҳайирин»
6-жилд	«Хамса»: «Ҳайрат ул-аброр»; «Фарҳод ва Ширин»
7-жилд	«Лайли ва Мажнун»; «Сабъаи сайёр»
8-жилд	«Садди Искандарий»; «Тарихи анбиё ва ҳукамо»; «Тарихи мулуки Ажам»
9-жилд	«Лисон ут-тайр»; «Мажолис ул-нафоис»; «Маҳбуб ул-қулуб»; «Муншаот»; «Вақфия»
10-жилд	«Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер»; «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад»; «Назм ул-жавоҳир»; «Насойим ул-муҳаббат»; «Муҳокамат ул-луғатайн»; «Мезон ул-авзон»; «Арбаъин»; «Сирож ул-муслимин»; «Муножот»

## Алишер Навоий ҳасби ҳоли масалалари. Ҳаётига доир му



## Алишер Навоийнинг XV аср 60-йилларида Хуросонда кетиши сабаблари хусусида




**Алишер Навоий лирикаси. Девонлари.  
Алишер Навоий тўлақонли девон учун белгиллаган мезонлар  
(«Бадоеъ ул-бидоя»нинг кириш қисмида)**



### Алишер Навоий девонларидаги шеърӣ жанрлар миқдори

№	Шеърӣ жанрлар	«Илк девон» (1465 — 1466)	«Оқуюнлилар саройи девони» (1471)	«Бадоеъ ул-бидя» (1470 — 1480)	«Наводир ун-нихоя» (1487 — 1490)	«Ҳазойин ул-маоний» (1492 — 1498)
1	Ғазал	391	224	777	804	2600
2	Мустазод	1	1	3		4
3	Мухаммас	1	3	5		10
4	Мусаддас			2		5
5	Мусамман					1
6	Таржиъбанд		1	3		4
7	Таркиббанд					1
8	Маснавий					1
9	Қасида					1
10	Соқийнома					1
11	Қитъа			46		210
12	Рубоӣ	41		85		133
13	Муаммо			52		52
14	Луғз			10		10
15	Туюқ			10		13
16	Фард			53		86
	Жами	434	229	1046	862	3132

## Алишер Навоийнинг «Хазойин ул-маоний» куллиётига кирмай қолган шеърлари манбалари



## «Хазойин ул-маоний» куллиётидаги лирик жанрлар тавсифи

№	Навоий фойдаланган лирик жанрлар	«Ғаройиб ус-сигар» девонида	«Наводир уш-ша-боб» девонида	«Бадоеъ ул-ва-сат» девонида	«Фавойид ул-кибар» девонида	Жами тўрт девонда
1	Ғазал	650 та (4975 байт)	650 та (4998 байт)	650 та (5001 байт)	650 та (5029 та)	2600 та (20003 байт)
2	Мустазод	1 та (7 байт)	1 та (7 байт)	1 та (7 байт)	1 та (7 байт)	4 та (28 байт)
3	Мухаммас	3 та (57,5 байт)	3 та (52,5 байт)	2 та (30 байт)	2 та (37,5 байт)	10 та (177,5 байт)
4	Мусаддас	1 та (27 байт)	1 та (27 байт)	2 та (42 байт)	1 та (21 байт)	5 та (117 байт)
5	Мусамман				1 та (28 байт)	1 та (28 байт)
6	Таржиъ-банд	1 та (100 байт)	1 та (103 байт)	1 та (56 байт)	1 та (110 байт)	4 та (369 байт)
7	Таркиб-банд		1 та (56 байт)			1 та (56 байт)
8	Маснавий	1 та (148 байт)				1 та (148 байт)
9	Қасида			1 та (91 байт)		1 та (91 байт)
10	Соқийнома				1 та (458 байт)	1 та (458 байт)
11	Қитъа	50 та (138 байт)	50 та (126 байт)	60 та (127 байт)	50 та (112 байт)	210 та (503 байт)
12	Рубой	133 та (266 байт)				133 та (266 байт)
13	Муаммо		52 та (54 байт)			52 та (54 байт)
14	Луғз			10 та (40 байт)		10 та (40 байт)
15	Туюқ			13 та (26 байт)		13 та (26 байт)
16	Фард				86 та (86 байт)	86 та (86 байт)
Жами		840 та (5718,5 б.)	759 та (5423,5 б.)	740 та (5420 б.)	793 та (5888,5 б.)	3132 та (22450,5 б.)

**Алишер Навоийнинг «Хазойин ул-маоний»даги  
ғазаллари байтлари миқдори таснифи**

Байтлар сони	«Ғаройиб ус-сиғар» девонида	«Наводир уш-шабоб» девонида	«Бадоеъ ул-васат» девонида	«Фавойид ул-кибар» девонида	Ҳаммаси
5	2	-	-	-	2
6	1	3	1	-	5
7	434	446	437	430	1747
8	30	8	8	12	58
9	163	162	187	183	695
10	8	7	1	3	19
11	11	23	14	20	69
12	-	-	1	-	1
13	1	1	1	2	5
	650	650	650	650	2600



## «Ҳазойин ул-маоний» жанрлари таърифи

**Ғазал** – ар. «ошиқона суз», «ишқ изҳор қилиш». а-а, б-а, в-а, г-а. тарзида қофияланувчи, 3 байтдан 19 байтгача ҳажмдаги, байтли шеър шакли. Ўзбек адабиётида 5 – 10 байтгача Ғ. кўп учрайди. Навоий Ғ., асосан, 7 байтдан 13 байтгача ҳажмда. Ғ. дастлабки намуналари VIII – IX асрларда араб адабиётида пайдо бўлган, форс-тожик адабиётида илк Ғ. ёзган шоир сифатида Рудакий тилга олинади. Ўзбек адабиётида эса дастлабки Ғ. Рабғузийнинг «Қисаси Рабғузий» асарига (XIV аср) учрайди. Ғ.нинг дostonлар таркибида учраши илк бор Хоразмийнинг «Муҳаббатнома»сидан (1353 – 1354) бошланади.

**Мустазод** – ар. «орттирилган», «зиёда қилинган», ҳар мисраси 1,5 қатордан иборат шеър шакли. М. учун ғазал асос замин вазифасини ўтаган. Иккала жанрнинг қофияланиш тизими, байтлар сони, матлаъ ва мақтаъ, тахаллуснинг мавжудлиги бу фикрни исботлайди. Лекин ғазал аруз тизимининг барча баҳрларида яратилгани ҳолда, М. фақат ҳазаж баҳрининг ҳазаж мусаммани аҳраби макфуфи маҳзуфи мустазод (рукнлари ва тақтеъи: мафъулу мафойилу мафойилу фаувлун мафъулу фаувлун -- V / V -- V / V -- V / V -- / -- V / V --) вазнида ёзилади. Туркий адабиётда Навоийгача М. жанри Ҳофиз Хоразмий ижодида учрайди. Унинг девониди ҳар бири 7 байтдан иборат иккита М. бор.

### Байтли шеърий жанрлар

**Қасида** – ар. «мақсад», «ният» маъноларини билдириб, бирор тарихий шахс ёки воқеага бағишлаб ёзиладиган катта ҳажмли шеър тури ҳисобланади. Қ. ҳажман 12 байтдан бир неча юз байтгача бўлиши мумкин. Қ. ғазал сингари а-а, б-а, в-а, г-а ... тарзида қофияланади. Айрим ҳолларда маснавий сингари қофияланиши ҳам мумкин. Қ. тузилишига кўра 2 хил булади:

1. Қасидаи том (тўлиқ Қ.) – бунда Қ. тўрт қисмдан таркиб топади: а) насиб – лирик кириш (табиат тасвири); б) гуризгоҳ – насиб билан мадҳни боғловчи, 4 – 5 байтдан ташкил толувчи қисм; в) мадҳ – асосий қисм; г) қасд – мамдуҳ (мадҳ этилаётган шахс)га ният ва истаклар билдирилаган қисм.
2. Қасидаи мужаррада (чала Қ.) – бунда фақат мадҳ келтирилади. Қ. мавзусига кўра васф, мадҳ, ҳажв, марсия, муножот ва фалсафий қасидаларга бўлинади. Туркий адабиётдаги илк Қ. «Девону луғотит турк»да «кўнуг» шаклида учрайди.



Қитъа – ар. «парча», «булак», «қисм», 2 байтдан бир неча байтгача ҳажмда бўлган. фақат жуфт мисралари қофияланадиган (ба, ва, га ...) байтли шеър шакли. Туркий адабиётда Қ. илк намуналари Рабғузийнинг «Қисаси Рабғузий» асаридан учрайди. Навоий Қ. мавзусига кура шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин:

- 1) ижтимоий ҳаёт масалалари акс этган фалсафий-ахлоқий мазмундаги Қ.;
- 2) муайян давр воқеа-ҳодисалари ҳамда у ёки бу гуруҳ вакиллари фаолияти ҳақидаги Қ.

Муаммо – ар. «кўр қилинган», «беркитилган», бир, баъзан эса икки байтдан иборат мустақил шеър бўлиб, а-а ёки а-б тарзида қофияланади. М. да бирор исм ёки нарса-буюм номи беркитилади. Беркитилган суз шоирнинг турли-туман ишоралари: маънодош ёки шаклдош сузларни топиш, бир тилдаги сузнинг иккинчи бир тилдаги муодили (эквиваленти)ни қўллаш, сўзлардаги маълум бир ҳарфларни тизиб, янги суз ясаш, баъзан эса абжод ҳисобини ишлатиб рақамлар асосида сўз тузиш ва бошқалар асосида топилади. М.ни ечиш учун даставвал асосий зътиборни матнда ишора қилинган калит сўзга қаратиш лозим бўлади. Туркий адабиётда М. жанри Навоий ижодидан бошланган

### Кичик лирик жанрлар

Луғз – ар. «топишмоқ», «сир» маъноларини англатади. Л. форс-тожик адабиётда чистон (форсча «нима у») деб ҳам юритилади. Л. бирор предмет ёки ҳодисанинг характер ва белгиларини таъриф-тавсиф этиш орқали китобхонни уша предмет ёки ҳодисани топишга ундайдиган шеър туридир. Л. даставвал халқ оғзаки ижодида вужудга келган бўлиб, X – XII асрдан форс-тожик шеърлятида истифода этила бошлаган. Л. ғазал, рубоий ва туюқ каби ҳажм, қофия ва бошқа шаклий жиҳатлардан қатъий қонуниятга эга эмас. Улар фард, рубоий, қитъа ва баъзан ғазал сингари қофияланиши мумкин. Туркий адабиётда Л. илк намуналари Апишер Навоий ижодида учрайди

Фард – ар. «якка», «елғиз», бир байтдангина иборат энг кичик мустақил шеър шакли ҳисобланади. Фард а-а ёки а-б тарзида қофияланади. Фард бир байтдангина иборат бўлса-да, унда муҳим фалсафий-ахлоқий масала қаламга олинди, ихчам поэтик хулоса ифодланади. Шу маънода фардлар кўпинча афоризм характерига эга бўлади

Рубоий – ар. «туртлик», икки байтдан иборат мустақил шеър бўлиб, дастлаб форс-тожик шеърлятида, Абу Абдуллоҳ Рудакий ижодида пайдо бўлган. Р. 2 хил тури бор:

- 1) ҳосий рубоий ёки рубоийи хоса (қофияланиши: а-а, б-а)
- 2) таронаий рубоий ёки рубоия (қофияланиши: а-а а-а)

Туюқ – туркийча «ҳис қилмоқ», «туймоқ», тўрт мисрадан иборат мустақил шеър шакли бўлиб, фақат туркий халқлар шеърлятида қўлланилган. Т., асосан, рубоий сингари қофияланади, лекин баъзан ба, ва тарзида ҳам қофияланиши мумкин. Рубоийдан фарқли уларда, Т.да қофиянинг ўрнида, асосан тажнис (шаклдош сўзлар) қўлланилади

### Алишер Навоий мухаммас ва тахмислари

Лутфийга тахмиснинг 1-мисраси ва у киритилган девон	Ўз ғазалларига тахмис	
	Мухаммаснинг 1-мисраси ва у киритилган девон	Мухаммасга асос бўлган ғазалнинг 1-мисраси ва у киритилган девон
Ҳалқайи зулфунгда кўнглум бўлғали ғам маҳрами («Ғаройиб ус-сиғар», 1-мухаммас)	Оҳким, волиҳ мен ул сарви хиромондин жудо («Наводир уш-шабоб», 2-мухаммас)	Не наво соз айлағай булбул гулистондин жудо («Ғаройиб ус-сиғар», 38-ғазал)
	Бўлмағай эрди жамолинг мунча зебо кошки («Наводир уш-шабоб», 3-мухаммас)	Очмағай эрдинг жамоли олам оро, кошки («Наводир уш-шабоб», 625-ғазал)
	Неча, эй ой. мендин айру айлағай даврон сени («Бадоеъ ул-васат», 2-мухаммас)	Келгил, эй ороми жонимким, тилайдур жон сени («Фавойид ул-кибар», 618-ғазал)
Маснади ҳусн узра токим кўрмишам ул шоҳни («Наводир уш-шабоб», 1-мухаммас)	Оҳким, тарки муҳаббат қилди жонон оқибат («Ғаройиб ус-сиғар», 2-мухаммас)	Ёшурун дардимни зоҳир қилди афгон оқибат («Наводир уш-шабоб», 72-ғазал)
	Жилва қилди даҳр аро кўп ҳусни беҳамто йигит («Фавойид ул-кибар», 1-мухаммас)	Кўнглум олди бир парийпайкар малаксиймо йигит («Ғаройиб ус-сиғар», 80-ғазал)
Шарбати юҳйил изом эрни майи нобиндадур («Бадоеъ ул-васат», 1-мухаммас)	Ишқ ўтидин жисми зори нотавоним уртадинг («Ғаройиб ус-сиғар», 3-мухаммас)	Ваҳки, ўтлуқ чеҳра очиб хонумоним ўртадинг («Наводир уш-шабоб», 354-ғазал)
	Кўргузуб юз, кўнглума юз минг жафому қилмадинг («Фавойид ул-кибар», 2-мухаммас)	Ишқ ўтидин қисматим дарду балому қилмадинг («Бадоеъ ул-васат», 356-ғазал)

## Алишер Навоий мусаддас ва тасдислари

Табъи худ мусаддас	Лутфийга тасдис	Ҳусайнийга тасдис	Ўз ғазалларига тасдис	
			Тасдисга асос бўлган ғазал	Тасдис
«Даҳр аро чун қай-ғусиз йўқ ҳеч ишрат, эй рафиқ» («Наводир уш-шабоб», 1-мусаддас)	«Жоним ўртарга ул ўтлуқ чеҳра гулзори Халил» («Бадоеъ ул-васат», 1-мусаддас)	«Ишқ зор этти халойиқ ибтило-сидин мени» («Бадоеъ ул-васат», 2-мусаддас)	«Субҳидам махмурлуқтин тортибон дарди саре» («Ғаройиб ус-сиғар», 1-мусаддас)	«Ваҳки, диним кишварин торож қилди кофире» («Наводир уш-шабоб», 580-ғазал)
	«Зулфу сиймин жисминг афъи ганжи Қорун устина» («Фавойид ул-кибар», 1-мусаддас)			

**«Девони Фоний»нинг жанрлар кўлами,  
ғоявий-бадий хусусиятлари**

**МАТ асосидаги  
«Девони Фоний» таркиби**


№	Жанрлар	Шеърлар миқдори
1	Ғазал	552
2	Мусаддас	1
3	Таркиббанд-марсия	1
4	Қитъа	64
5	Рубоий	72
6	Луғз	16
7	Муаммо	266
8	Қасида	10
9	Луғз	9
Жами		991

**Ғазалларига татаббуъ ва тавр битилган шоирлар**

№	Шоирлар	Татаббуъ	Тавр
1	Амир Хусрав Деҳлавий	32	11
2	Хожа Ҳофиз Шерозий	211	20
3	Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий	22	2
4	Қотибий	1	
5	Хожа Салмон Соважий	2	
6	Хожа Камол Хўжандий	4	
7	Хожа Ҳасан Деҳлавий	2	
8	Абдурахмон Жомий	31	8
9	Амир Шайхим Суҳайлий	3	
10	Аҳмад Ҳожибек Вафой	2	

11	Шоҳий Сабзаворий	3	
12	Соҳиб Балхий	1	
13	Сайфий Бухорий	1	
14	Исмат Бахорий	1	
15	Нажмиддин Коҳий Миёнкалий	1	
16	Ҳусайний	2	
Жами		317	41

## «Девони Фоний» тарибидаги қасидалар таснифи






## XV аср Ҳирот адабий муҳити ҳамсанавислиги

Тўлиқ «Хамса» муаллифлари	Баъзи дostonларга жавоб ёзган муаллифлар	Фақат битта дostonга жавоб ёзганлар	
		«Махзан ул-асрор» типиди	«Лайли ва Мажнун» типиди
<p><i>Жамолӣ</i> «Хамса» (1402 – 1417) «Тухфат ул-аброр» «Меҳру Нигор» «Маҳзун ва Маҳбуб» «Ҳафт авранг» («Искандарнома» типиди)</p> <p><i>Ашраф Мароғӣ</i> «Хамса» (1428 – 1444) «Минҳож ул-аброр» «Риёз ул-ошиқин» «Ишқнома» «Ҳафт авранг» «Зафарнома»</p> <p><i>Абдураҳмон Жомӣ</i> «Хамса» (1481 – 1484): «Тухфат ул-асрор» «Субҳат ул-аброр» «Юсуф ва Зулайхо» «Лайли ва Мажнун» «Хирадномаи Искандарӣ»</p> <p><i>Алишер Навоӣ</i></p>	<p><i>Котиби Туршизӣ</i> «Гулшан ул-аброр» «Лайли ва Мажнун» «Баҳром ва Гуландом»</p> <p><i>Абдуллоҳ Ҳотифӣ</i> «Лайли ва Мажнун». «Ширин ва Хусрав» «Ҳафт манзар» («Етти манзара»), «Темурнома»</p> <p><i>Бадриддин Ҳилопӣ</i> «Сифат ул-ошиқин» «Лайли ва Мажнун»</p> <p><i>Шаҳобиддин Жомӣ</i> «Лайли ва Мажнун» «Хусрав ва Ширин»</p>	<p><i>Осафӣ</i> <i>Ҳиравий</i></p> <p><i>Наргисӣ</i></p> <p><i>Ғиёсиддин</i> <i>Сабзаворӣ</i></p> <p><i>Фосиҳ Румӣ</i></p> <p><i>Саййид</i> <i>Қосимӣ</i></p>	<p><i>Шайхим</i> <i>Суҳайлий</i></p> <p><i>Али Оҳӣ</i></p> <p><i>Ҳожа Имод</i> <i>Лорӣ</i></p> <p><i>Ҳожа</i> <i>Ҳасан</i> <i>Хизршоҳ</i></p> <p><i>Заве</i> <i>Қозиси</i></p>

## «Ҳайрат ул-аброр» достонидаги мақолат ва ҳикоятлар

№	Мақолатлар	Ҳикоятлар
1	Иймон шарҳида	Шайх Боязид Бистомий ва унинг муриди ҳақидаги ҳикоят
2	Ислом бобида	Иброҳим Адҳам ва Робия Адвия ҳақидаги ҳикоят
3	Салотин (султонлар) зикрида	Шоҳ Фозий ҳикояти
4	Хирқа кийган риёкор шайхлар хусусида	Абдулла Ансорий ҳақидаги ҳикоят
5	Карам (хайру эҳсон) васфида	Ҳотами Тойи ҳикояти
6	Адаблилик тўғрисида	Нуширавон ва Наргис ҳақидаги ҳикоят
7	Қаноат бобида	Қаноатли ва қаноатсиз дўстлар ҳақидаги ҳикоят
8	Вафо бобида	Икки вафоли ёр ҳикояти
9	Ишқ ўти таърифида	Шайх Ироқий ҳақидаги ҳикоят
10	Ростлиқ таърифида	Шер билан Дурроҷ ҳикояти
11	Илм осмонининг юлдузлардек баланд мартабалилиги ҳақида	Имом Розий ва Хоразмшоҳ ҳақидаги ҳикоят
12	Қалам ва қалам аҳллари ҳақида	Ёқут ҳақидаги ҳикоят
13	Булутдек фойда келтирувчи одамлар ҳақида	Айюб ва ўғри ҳақидаги ҳикоят
14	Осмон тузилишида шикоят	Искандар ҳақидаги ҳикоят
15	Жаҳолат майининг қуйқасини ичадиганлар ҳақида	Исроилий ринд ҳақидаги ҳикоят
16	Хунасасифат олифталар ҳақида	Абдуллоҳ Муборак ҳақидаги ҳикоят
17	Баҳор йигитлигининг софлиги ҳақида	Зайнобиддин ва унинг ўғли ҳақидаги ҳикоят
18	Фалак ғамхонаси ҳақида	Гўзал малика ва унинг ошиғи ҳақидаги ҳикоят
19	Хуросоннинг мисли йуқ вилояти баёнида	Баҳром ва боғ ҳақидаги ҳикоят
20	Мақсаднинг ўталгани ҳақида	Хожа Муҳаммад Порсо ҳақидаги ҳикоят


«Фарҳод ва Ширин» достонининг тимсоллар олами




**«Фарҳод ва Ширин» достонидаги рамзий тимсоллар  
ифодалаган маънолар**

<b>Тимсоллар номи</b>	<b>Улар англатган маъно</b>
Фарҳод	Ҳаққа етишишни мақсад қилган солиқ
Ширин	Мазҳар, яъни Ҳақ жамолини узида зоҳир қилган тимсол
Моний, Боний Қоран	Фарҳодга, яъни солиққа дунёвий илмларни ўргатган устозлар
Сухайло	Фарҳодга Ҳаққа етишда йўл кўрсатувчи муршидни топишга кўмаклашган устоз, Фарҳоднинг тариқатдаги 1-пири
Хизр	Тариқатдаги 2-пир
Суқрот	Ҳаққа етиш ва кўнгил сирларини ечишнинг йўлини кўрсатган пири муршид
Аждарҳо	Нафс
Дев	Салтанат
Самандар ёғи	Ишқ
Шер	Ғазаб
Темир пайкар	Рўё, ёлғон дунё
Жамшид жоми	Кўнгилни очиш калити
Ойнаи жаҳоннамо	Кўнгил
Хусрав, Шеруя, Ёсуман	Нафсга қул бўлган, шайтон измидаги бандалар


## «Фарҳод ва Ширин» достонида солиқнинг Ҳаққа эришиш босқичларининг рамзий ифодаси




## «Лайли ва Мажнун» достонининг ғоявий-бадий хусусиятлари «Лайли ва Мажнун» достонининг таркибий тузилиши



## Ҳаққа етиш йўлидаги солиқлар – Фарҳод ва Мажнун қиёси




## «Сабаъи сайёр» достонининг тузилиши, ҳикоятлар таҳлили «Сабаъи сайёр» достони таркибий тузилиши






## «Садди Искандарий» дostonининг ғоявий-бадий хусусиятлари «Садди Искандарий» дostonининг тузилиш таркиби




## «Лисон ут-тайр» достонининг ғоявий-бадий хусусиятлари «Лисон ут-тайр» достонининг таркибий тузилиши


«Лисон ут-тайр», 193 боб, 3666 байт




## Худҳуд бошчилигидаги қушлар босиб ўтган етти водий тавсифи




## Алишер Навоийнинг адабиётшунослик ва тилшуносликка доир асарлари




## Навоийнинг диний ва тасаввуфий асарлари



## Тарихий, ёднома ва турли мавзудаги асарлари





*Илмий нашр*

**Дилнавоз ЮСУПОВА**

## **ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИ ТАРИХИ**

**(Алишер Навоий даври)**

**Муҳаррир:** Шаҳноза ТУРАХОДЖАЕВА

**Мусаҳҳиҳ:** Марҳабо ЖУРАЕВА

**Техник муҳаррир:** Алимардон АҚИЛОВ

**Бадий муҳаррир:** Хуршид ИБРОҲИМОВ

Нашриёт лицензияси: АИ №134. 27.04.2009

Теришга берилди 11.01.2013 й.

Босишга рухсат этилди: 22.02.2013 й.

Офсет қоғози. Қоғоз бичими 60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>.

Агіал гарнитураси. Офсет усулида босилди.

Ҳисоб-нашриёт т.: 10 62. Шартли б.т.: 15.81.

Адади: 500 нусха.

Буюртма № 15

«AKADEMNASHR» нашриётида тайёрланди ва чоп этилди.  
100156, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20<sup>а</sup>-мавзе, 42-уй.

**Тел.:** (+99871) 217-16-77.

**e-mail:** [akademnashr@mail.ru](mailto:akademnashr@mail.ru)

**web-site:** [www.akademnashr.uz](http://www.akademnashr.uz)